

**ЖЕН СИНСЕРО**

# **НОЛИМАНГ**

*Тақдиридан зорланишини бас қылган  
кишигина бой-бадавлат бўлади.*

**“Тафаккур томчилари”**

**Тошкент – 2021**

УЎК 159.9:17.022.1

КБК 87.7

С 58

Жен Синсеро

НОЛИМАНГ

## Жен Синсеро

Нолиманг [Матн]: публицистика / Жен Синсеро.

– Тошкент: «Тафаккур томчилари» МСНХ, 2021.– 256 б

“Ишонинг, мендек бетайин бир мискин молиявий аҳволини яхшилай олибдими, сиз ҳам аниқ эплайсиз!” – дейди Жен Синсеро. Зоро, муаллифга ишонмасликнинг ўзи имконсиз. У кирқ ёшгача гаражда яшаб кун кўрган, иккинчи қўлдан ўтган эски-туски кийимларни кийиб юрган ва ҳатто тишини даволатишга ҳам пул тополмаган. Ҳозир Жен дунё бўйлаб саёҳат қиласди, фақат беш юлдузли меҳмонхоналардагина тўхтайди. Унинг китоби – молиявий фикрлашни қайта созлаш усуллари ва стратегияларининг энг муҳим моҳиятидир. Кўлингиздаги китоб нафақат даромад сари элтадиган йўлдаги психологик тўсикларни олиб ташлайди, балки энг мардонавор мақсадларга эришиш учун куч-куvvват берувчи энергетик тепки ҳам туширади.

УЎК 159.9:17.022.1

КБК 87.7

ISBN 978-9943-7098-9-8

© Жен Синсеро, 2021

© «Тафаккур томчилари» нашриёти

## **Ушбу китобнинг шарофати билан сиз:**

- тежамкорлик билан яшашга интилиш пул ишлаб то-пишдан кам энергия талаб қиласлигини тушунасиз;
- бойликка нисбатан ўзингизда соғлом муносабат шакла-лантирасиз ва уни қўлга киритишга ҳафсала қиласиз;
- рисоладагидек даромад олиш йўлини беркитиб турган япирин ишонч-фикрларингизни юзага чиқарасиз;
- дунёқарашингизни пулни рад этишга эмас, уни жалб қилишга қаратасиз;
- пулларни қувват оқими сифатида қабул қила бош-лайсиз ва пулларни назорат қилиш сир-асрорларини билиб оласиз;
- нутқингизни салбий гап-сўзлардан тозалаб, уни равон-лаштириб оласиз;
- ҳис-туйгуларингизни пул ишлаб топишнинг қуролла-ридан бирига айлантирасиз;
- Коинотга аниқ-равshan сўровлар жўната бошлайсиз;
- юрагингиз амрига қулоқ тутиб, уни пул оқимининг асосига айлантирасиз;
- Коинотнинг номаларини илиб олиб, улардан оқила фойдалана бошлайсиз;
- гояларни қай тариқа пулга айлантиришни билиб ола-сиз;
- қатъий ҳаракат қила бошлайсиз;
- пуллар аста-секинлик билан тамом бўлмасдан, аксинча, бирингиз икки бўлиши учун нима қилиш кераклигини билиб оласиз;
- сизни сафарбарликка чорлаб, даромадингизни бир неча баробарга кўпайтиришга ундейдиган “ишонч-эъ-тиқод-ла сакраш”ни амалга оширасиз.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	5
Биринчи боб	
Ижозат .....	16
Иккинчи боб	
Нега пичогингиз мой устида эмас? .....	33
Иккинчи бобнинг давоми	
Ягона онг .....	57
Учинчи боб	
Менга пулни кўрсатинг .....	64
Тўртингчи боб	
Ўз-ўзини чиниктириш учун энг яхши амалиётлар .....	76
Бешинчи боб	
Юрагингиз амрига қулоқ солинг .....	95
Олтинчи боб	
Миянгиздаги пултопар .....	115
Еттинчи боб	
Ишонч ва миннатдорлик .....	144
Саккизинчи боб	
Қатъий ҳаракат – чемпионлар танлови .....	159
Тўққизинчи боб	
Юқорига кўтарилиамиз .....	178
Ўнинчи боб	
Сўз менинг ҳисобчимга .....	197
Ўн биринчи боб	
Ички бойлигингиз .....	219
Ўн иккинчи боб	
Собитқадамлик .....	233
Ўн учинчи боб	
Ўзгаришлар аҳилликни танлайди .....	248
Миннатдорлик ўрнида .....	253

*Садоқатли дўстлиги, далдаси, шунингдек, гаройиб жасорати туфайли каминани гараждан олиб чиқиб, улкан дунё – пул-бойлик дунёсини кўрсатган Жина Девига багишлайман.*

## КИРИШ

**Б**ашарти, кўпроқ пул ишлаб топишга шай бўлсангиз, демак, сиз буни ўдалай оласиз. Бир уриниб кўриб, муваффакиятсизликка учраганингиз мени қизиқтирмайди. Ўзингизнинг ички органларингизни метрога тушиш учун арзимаган чойчаقا нархида сотасизми, бунга ҳам тупурдим. Касса олдида нечанчи марта туриб олиб, актёрлик маҳоратингиз учун тез орада “Оскар” ютиб олишингиз менинг ҳушимгаям келмайди: “Қулфланиб қолибдими? Аниқми? Келинг, яна бир марта уриниб кўрайлик!” Китобда ёзилганлар сизга қанчалик бемаъни туюлмасин, аммо-лекин мўмайгина пул ишлаб олишингиз тайин. Севган инсонингизга, йўқ, барча севган инсонларингизга атаб уй олишингизга етарли даражада, мен сизга айтсам.

Яна шуни таъкидлаб айтаманки, агар даромад топишнинг йўлларини ҳали-вери ўйлаб кўрмаган бўлсангиз, ҳаммаси жойида. Пул – энг мураккаб ҳодисалардан бири. Биз пулни яхши кўрамиз, ундан нафратланамиз, ҳар бир тийин устида думалаймиз, гоҳида эътибор ҳам бермаймиз, арзимаган чақаларни назар-писанд қилмаймиз, пуллимиз кўп бўлишини орзу қиласиз, пулларни бўралатиб сўкамиз. Пул – бу зўр хоҳиш-истак, уят ва гайриоддийликка ўранган қолип. Бу сўзни овоз чиқариб айтишимизнинг ўзи ғалати, қанчалик қувониб тилга олишимизни-ку айтмай қўя қолай (қизик, сиз бу китобни ошкора ўқияпсизми? Ёки уялганингиздан ёпиб қўйдингизми?)

Мана шу барча вазиятлар менга бизнинг ишқи пинҳонга бўлган муносабатимизни эслатиб юборади. Бу энди бошқа мавзу – одамларни эсанкиратиб қўйиш бўйича Олимпиада чемпиони. Гап пул ишлаб топиш ва ишқи пинҳонга бориб тақалганда, ҳамма гўёки нима қилишни билиши керак, бажарганда ҳам муваффақиятли амалга ошириши керақдай. Устига устак, биринчи сини ҳам, иккинчисини ҳам ҳеч ким сизга ўргатмайди, бу ҳақда гапириш мумкин эмас, чунки ишқи пинҳон ва пул – бу разолат ва диқсизликдир. Униси ҳам, буниси ҳам барча заминий лаззатлар томон йўлбошли бўлиши, янги ҳаёт қуришда ёрдам бериши, зўравонлик ва ажрашишга илҳомлантириши мумкин. Уларга эга бўлмаслигимиздан уяламиз, уларни истаётганимиздан ҳам уяламиз, биз нотўғри одам билан бир ёстиқقا бош қўйишимиш ёки пулларни қўлга киритиш учун қаллобликка йўл қўйишимиш мумкин. Аниқ биламанки, Марказий хиёбонга келиб, таъзиримни берадиган Бэтмен кийимидағи нота-

ниш ҳақида биргина камина хаёл сурмаган... Ёки ёлғиз менми шундай хаёлларга борадиган?

Аммо-лекин яхши янгиликлар ҳам йўқ эмас. Агар сизда, Ер сайёрасининг аксар аҳолиси сингари, пул борасида аҳволингиз чатоқ бўлса, буни яхшилашингиз, вазиятни қўлга олишингиз ва ҳатто тилга олиш ҳам ваҳимали бўлган улкан маблағлар билан дўст бўлишингиз мумкин. Кун келиб, ҳамиша ўзингиз орзу қилиб келган ҳаётда яшаётганингизни тушуниб етасиз. Ҳаракатни ҳозирнинг ўзидаёқ бошлаш мумкин. Сиздан талаб қилинадигани, тийилиб турган истакни уйготиш, янги танлов қилиш, пул борасида билимларингизни ошириш ва чўққиларни забт этишга йўл олишдир. Қўлингиздаги китоб бу жабҳада сизга ёрдам беради.

Шахсан ўзим молиявий аҳволимни шунчалик тез ва самарали ўнглаб олдимки, ҳамма танишларим ҳалига-ча ҳасаддан ўзларига келишолмаяпти. Ишонинг, мен-дек бетайин бир мискин буни амалга ошира олибдими, сиз аниқ эплайсиз ва молиявий аҳволингиз ҳозир қай ҳолатдалигининг аҳамияти йўқ. Қирқ ёшгача қандай қилиб пул топишни билмасдим. Қирқ ёш-а! Бу ёшда одамлар аллақачон уй-жой, фарзандларининг таълими учун жамгарма ва қария Доу-Жонс ҳақида бирмунча тасаввурга эга бўладилар. Менда эса банқда қуп-қуруқ ҳисоб-рақамим, сиқиulgанимдан пешанамда ажинлар ва коллекторлик агентлигидан бўлмиш дугонам Шейла бор эди, холос.

Ўзимнинг онгли ҳаётимнинг асосий қисмида мен бор кучни сарфлаб меҳнат қилишга арзимайдиган чойчаقا учун доим иш излаб юрадиган ёлланма ёзувчи эдим. Агар ҳисоблаб кўрганимдами, меҳнатим қанчалик эр-

кинлигини (текинлигини) англаб етган бўлардим, бироқ мен буни инкор этиб яшайвердим. Кўп ишлаб, кўп шикоят қилардим, лотереядан ютуқ чиқишига ёки битта-яримта бойвачча мени машинасида уриб юбориб, кейин умр бўйи парвариш қилишига тўғри келади, деб умид қилардим.

Менинг қатъий режам пул борасидаги камчиликларимнинг (пул – бу балонинг ўқи, бойлар сохта одамлар, қандай қилиб пул топишни билмайман, агар осмондан ёғилиб қўлимга тушганда ҳам, пулни қаёқса ишлатишни билмайман) таҳдил қилиш эди, энг ёмони, менда журъат етишмасди. Мен ўзимнинг ёзувчи эканимни ва яна недир қилишим кераклигини билардим. Халатими ни ечиб, компьютер клавиатурасидан нари кетишим керак эди, шунчаки, мен буни қандай амалга оширишни билмасдим. Қарор қабул қилиб, бу қарорим қаёқса олиб боришини кузатиш ўрнига қон чиққунча тирноқ кемириб, “Қандай яшашни билмаяпман” ёзувли тахта тик турган ботқоқликда яшайвердим. Йиллар давомида шундай яшадим, билсангиз. Тўғрироги, ўн йиллар давомида. Оғриқ, ўзимни ўзим абгор қилиб, иродам бутунлай фалажланиб, қирқ ёш остонасини босиб ўтдим. Тиш дўхтиридан кўрқандек турар-жой тўловларидан юрак ҳовучлаб, қайта таъмиранган гаражда яшаб, молиявий танглик туфайли қўйидагича усуллар билан амал-такал кун кўриб юрдим:

- **Ўзимга ёқадими-йўқми, текинга еб-ичиб юрдим (чўнтакларимни ҳам текин емишлар билан тўлдирив олардим).**

- Автомобиллар тураргоҳидан беш доллар тежаб қолиши учун күплаб чақиримларни пиёда босиб ўтардим.
- Тешилган трубаларни ва пойабзалимнинг узилган тасмаларини созлаш учун фақат изолента сотиб олардим.
- Ёр-дўстларим билан мабодо ресторанда учрашиб қолсак, нуқул бир стакан сув буютирадим (“Йўғ-е, нималар деяпсиз, оддий сув ҳам бўлаверади, айнан шу ернинг кранидан оқадиган сув ёқади ўзи менга”). Кейин эса ресторанга қорнимни тўқлаб келганимни айтиб баҳона қилардим. Агар дастурхонда бепул ион пайдо бўлса, ямламай ютардим.
- Телефонни таъмирлатиш ёки саломатлигимни сугурталаш ўртасида иккиланиб қолардим.
- Ҳар бир тийинни ҳисоблаб, арzon-гаров моллар, купон, промокодларнинг энг фойдалисини излаганча, харид учун жуда кўп вақт сарфлардим. Булар кўпинча телевизор, кўрпа-тўшак, ёғоч қошиқлар бўларди. Кўпинча, уларни ўз қўлларим билан тузатиб олсан бўлмайдими, деб ўйланиб қолардим.

Агар пул ишлаб топишга шунча куч-қувват ва диққат-эътибор сарфлаганимда, аллақачон ойнатозалигичли машина миниб юрган бўлардим. Бироқ бунинг ўрнига маблағ йўқлигидан хавотирга тушиб, харажатларни камайтирадим, фойдали шарт-шароитларни излаб, савдолашардим, купонларни қирқиб олиб, қайта-қайта текшириш, қайтариб бериш, солик чегирмалари, маҳсу-

лотларни қўлдан қўлга ўтказилганини излаш ва чегирмаларни ўйиш билан овора бўлардим.

Пул ишлаб топиш харидларни режалаштириш ёки савдо чегирмасидан хурсанд бўлишни мустасно қиласди, деб ўйламанг. Бу ҳолатда гап вазият қурбони бўлиш эмас, варианtlарни қўлга киритиш ва истаганингизни олиш ҳақида кетмоқда. Мисолларни кўрайлик, келинг. Ўзингизни ишларингиз жўнашиб кетаётгандек ва бирга тураг-жойни ижарага олган учала хонадошингизни ҳам бирдай яхши кўрадигандек (диққат қилинг, учаласи ҳам мочалка ва супурги ишлатишни билмайди!) тутишингиз шарт эмас. Бунинг ўрнига сиз қўрқув, қийинчиликларни ёки ҳеч қандай шод-хуррамлик йўқдигини унугтиб, кўпроқ ишлаб топиш ва алоҳида квартирада яшашга диққатингизни қаратишингиз мумкин. Гап орзудагидек яшашга имкон берадиган зарур моддий фаровонликни яратиш ҳақида кетмоқда.

Инсоннинг мавжуд фожиани рационаллаштириш, химоялаш ва қабул қилиш қобилияти ниҳоятда кучли. Ҳаммамизнинг ичимиизда “ҳаммаси яхши” деган воқеликни ўйлаб топиш суперқобилияти яширган. Лекин биз ҳар доим бир хил нарсани кўрамиз. Аввалига ёмон ёки ҳатто мажбурий муносабатда бўлган одамларни олайлик. “У менга хиёнат қилаётганда, доим қийналади ва азоб чекади. Бу қалбимни парчалайди. Ҳа, жанжалдан кейинги ишқи пинҳон зўр бўлади-да!” Бу ҳолатни ўз иш жойларини ҳаддан ташқари ёмон кўрадиган одамлар ишдан бўшамай қолганларида ҳам кўришимиз мумкин: “Бирам бадбахтманки, тушлик танаффусини нуқул йиғлаб ўткамзаман. Лекин бу ерда тиббий сугурта шунчалик яхшики, ишдан бўшаш ҳатто хаёлимга ҳам келмайди!” Шу билан

бирга, уларнинг руҳий ҳолати ва ер юзидағи умрлари жуда тез қисқараверади.

Шубҳа-гумонларга қаратилган вақт гўзалликни яратишга сарфланган вақт бўлиши мумкин эди.

Пешонангизга ёзилган инсон бўлишингиз учун биттагина уриниш бор сизда. Қолаверса, ҳар қандай ҳақиқатни яратиш имкони ҳам бор. Шундай экан, нима учун гўзал, баҳтли ва орзу-умидлари тўлалигича амалга ошган шахс бўлмаслигингиз керак экан?

Қирқ йиллик тиланчиликдан сўнг мен ўзимнинг “Мен буни ўзимга раво кўролмайман”, “Нима қилишни билмаяпман” қабилидаги мандраларимга ортиқ чида буролмадим. Ҳожатхонасида ўтирволиб, кириш эшигига қўлим етадиган кичкина, вайронга квартиralарда буролмайдиган бўлиб қолдим. Дунёда энг яхши кўрган ишлари билан машғул бўлиб, ҳаётда ютиб чиқаётган, мўмай пул топаётган одамларга қаролмайдиган бўлдим. Улар дўстларини сўлим гўшаларга олиб боришар, хайрия-эҳсонларга беш доллардан кўпроғини сарфлашар, дабдаба билан дунё кезишар, янги кийилмаган либослар кийишар эди. Улар мен истагандек яшашарди. Буни қарангки, мен ҳам иқтидорли, ақлли, хушбичим, тарбия кўрган эдим...

Хўш, улардан нима кам жой бор эди? Неча марта ноганим, азоб чекканим ёки қашшоқларча ҳаёт кечириш – қўлимдан келган бор-йўғи ва пешонамга битилган шу, деб ўзимни ишонтиromoқчи бўлганим муҳим эмас.

Ич-ичимдан билардимки, мен бундан юксакроғи учун дунёга келганман. Битта-яримтаси халқаро журналист лавозимига эга бўлса, ҳар доим серрайиб қолардим. Денгиз бўйида кимнингдир уйини кўриб: “Мана, шу менинг ҳаётим!” деб ўйлардим. Аммо ишга киришиш учун мубталолигимдан фойдаланмасдим. Ўзимни ўзим тўхтатиб қўярдим: “Нимаям дердим, биронта ўқишга арзигулик ҳеч нарса ёзмадим, журналистикка ярамайман. Нима билан шуғуланишни ҳам билмайман. Қолаверса, мушугим бор-ку. Жаҳон кезиб, жаноб Биггинсни ёлғиз қолди-ролмайман”.

•  
*Ботқоқликда яшаш осон ва хавфсиз,  
аммо энг даҳшатли ҳисларни туявераман у ерда.*  
• • • • • • • • • • • • • • • • • • •

Ўзимга ўзим панд беряпман, мингири-мингириман, гўзалиқдан ўзимни тияман, яшамайман, ғафлатдаман, деб ўйлардим. Сирасини олганда, аҳвол шундай эди.

Бундан ҳам яхшироқ яшашим мумкинлигини билардим. Алалоқибат, айнан шу нарса чидаб бўлмас ҳолатга келдики, дивандан кетимни кўтариб, қўрқув ва пулларга нисбатан нафратни енгишга қаттиқ аҳд қилдим. Қандай пул ишлаб топишни – юксак даражада эмас-у, ҳар ҳолда, ўзимга тўғри туюлган йўлни ўйлаб топдим. Устимда момақалдироқ ғумбурламади. Мен олов кечиб ўлимдан қочмадим. Омадсизлигим учун суюклигим ташлаб кетмади. Келажакни ҳам олдиндан билолмадим. Мен шунчаки ўзимнинг ҳасрат-надоматларим билан яшолмай

қолдим. Бирдан ғафлат уйқусидан уйғондим. Одатда, шундай бўлади ҳам.

Иссиқ ўрнимни совитиб, катапулъта тутгасини бо-сишим, авваллари даҳшатга солган бўлса-да, сакрашим лозим эди. Масалан, интернет-бизнесга катта миқдорда маблағ қўйдим: курсларда ўқидим, мураббий ёлладим, веб-сайт яратдим, саҳифаловчилар ва дизайннерлар хизматидан фойдаландим. Турган-битганим аҳмоқ бўлиб кўриниши мумкин эди, негаки менинг янги бизнесим ёш қаламкашларга сабоқ беришдан иборат эди, ўзим эса умрим бино бўлиб ҳеч кимга дарс ўтмагандим. Юқорида айтиб ўтганим – катта миқдордаги пулни йўқотишим мумкин эди, нега десангиз, интернет-бизнес, ёки умуман, ҳар қандай турдаги бизнес ҳақида балониям билмасдим. Ҳатто бирон кимсага ўз бизнесимни очганим ҳақида оғиз очиб гапириш ҳам кулгили эди. Мен буни катталар келгунча қўғирчоқ ўйнаётгандек ёлғонга йўйдим: “Вой, ҳазиллашдим! Кечирасиз! Нима қилаётганимни ўзим ҳам билмайман!”

Буларнинг ҳаммасидан ҳайиқардим, аммо-лекин ёнимда ҳеч қачон тўлоғмайдиган талабалик қарзи ҳақидаги тўловнома ёки арзимас ҳаётимни қўлдан бой бериб, ҳеч бир арзирли иш қилмаяпман, деган ҳис билан уйқуга ётмасдим. Мана, энди нафақат муваффақиятли муаллиф сифатида еттита рақамли даромадлар оляпман, балки қандай қилиб пул топиш ҳақида китоб ҳам ёзяпман. Менким, Жен Синсеро, собиқ майда ўгри ва ёт-бегоналарнинг диван ёстиқлари тагидан танга изловчи! Бу худди тўқсонни қоралаган отамнинг “Юлдузлар билан рақс”даги ғалабаси сингари ақлага сигмайди. Шунингдек,

навбатдаги автобиографик китобим ҳам. Бу мўъжиза, аммо мен бунга ишонаман.

Эсимда қолган қойилмақом жиҳатлардан бири: ўзими ни қўлга олишим биланоқ, янги имкониятлар, гоялар ва даромад манбалари пайдо бўла бошлади. Албатта, булар менинг ҳаёт йўлимда учраганди, бироқ мен уларни пайқамагандим, чунки купон ва нолиш билан овора бўлгандим. Сиз ҳам тушунишингизни истайман. Моли-явий аҳволингизни яхшилаб, совуқ терга жиққа ботиб, бақириб уйғонмаслигингиз учун ҳозирнинг ўзидаёқ атрофингизда барча заруриятлар мавжуд. Сиздан фақат керакли амалларни бажариш талаб этилади, холос. Хўш, нима қилмоқ керак, деб сўрайсиз. Хуллас, гап бундоқ. Сиз мунтазам равища ўзингизни жуда-жуда ноқулай ҳис қилишингизга тўғри келади.

Бизни пул топиш учун жуда кўп меҳнат қилиш керак, деган тушунча билан катта қилишган. Кўпинча шундай ҳам бўлади, лекин муваффакиятнинг чинакам сири – таваккал қилишга ўрганишдир. Сиз ҳеч қачон қилмаган ишингизни бажаришингизга, бошқалар сизни тан олишига мажбурлашингизга, аҳмоқ бўлиб кўринишдан қўрқмаслигингизга тўғри келади. Ўзингизда нафақат пул ишлаб топиш истагини уйготишингиз, балки буни ўзингизга раво кўришингиз керак бўлади.

\* \* \* \* \*

Таваккалчилик – ноқулайлик демак, лекин бу ярми жирканиш, ярми завқ-шавқдан иборат ноқулайликнинг муайян туридир.

\* \* \* \* \*

Кўрқув ва ҳаяжон – танганинг икки томони ва бу на-  
зарда тутилаётган айни ўша ноқулайлик туридир. Уни  
безгак деб ҳам аташади. Бу тўлақонли яшаш ва ҳаётни  
назорат қилишнинг ҳаяжонли ноқулайлигиdir.

Умиd қиламанки, ушбу китобни тақрор-тақрор ўқий-  
сиз, ундаги маслаҳатларга, қўрқув ва шубҳа-гумонларга  
эмас, юрагингиз амрига қулоқ тутасиз. Ана шунда сиз  
номаълумлик томон сакраш учун ўзингизда жасорат  
топа оласиз. Дўстларим ва бошқа одамлар пул учун аза-  
лий қурашда қанчалик изтироб чекиб, қийналишгани-  
ни кўрганман. Даҳлиз бўйлаб шведча дастурхон ёзил-  
ган бир аснода, бу очдан ўлишдек кўринади. Сиз ташна  
бўлаётған пул – қаршингизда. Имкониятлар, мижозлар,  
устоз-мураббийлар, ажойиб гоялар – ёнингизда, гафлат-  
дан уйғониб, уларни ҳаётингизга киритиб, чинакамига  
яшай бошлишингизни кутиб туришибди.

## **БИРИНЧИ БОБ**

### **ИЖОЗАТ**

**Б**ир дугонамда бойўғли ҳайкалчаларининг каттагина коллекцияси бор. Гап шундаки, кунлардан бир куни у онасининг кўз ўнгида: “Вой, мунчаям ёқимтой!” деганча ганчкор ўймали бойқуш фигурачасини сотиб олади. Онаси эса карнай чалади-ю, янгилик яшиндек тарқалади. Шундан кейин дугонамнинг уйи бойқуш-туваг-у, бойқуш-соатларга тўлиб кетади. Унинг ҳатто бойқуш шаклидаги сиргаси, ҳатто шиппаги, “Мен сайрамайман!” деб ёзилган футболкалари, ёстиқлари, туздонлари ва мурчдонлари, юмшоқ ўйинчоқлари, совунлари бор... Ҳамма байрамларда, туғилган кунларда ва лавозими кўтарилганда, унинг ортидан бойқушлар галаси эргашиб юради. Бу худди даҳшатли фильмга ўхшайди.

“Тушунмайман, қандай қилиб бу ҳолат назоратимдан чиқиб кетдийкин?” – деб шикоят қилиб қолади дугонам, келини “Бойқушлар дўсти” деб ёзилган матони ўрамдан очар экан. Бу ҳолат йиллар давомида давом этди, ниҳоят,

дугонам бу расвогарчиликка барðам беришга ахð қилди. Ёр-дўстлари, оиласи ҳайрон бўлишди, аччиқланишди, хафа бўлишди. Тирғалишлар тўхтади, лекин барибир улар дугонамга савдоийига қарагандай муносабатда бўлишди: “Яхши, азизам, бу нима деганинг, худди айтганингдек бўлади...”

Одамлар сизнинг фикрингиз билан қизиқмай туриб, нима хоҳлашингиз ёки хоҳламаслигинги ҳақида гапиришни яхши кўришади. Устига устак, ўзимиз ҳам шунчалик қайишқоқмизки, теран туйгуларни бир четга суриб қўйиб, ўшандай нотўғри йўл тутаверамиз. Бу жараёнда йиллар давомида ёки бутун умрга қотиб қолишимиш ҳеч гап эмас. Биз носоглом ҳолатларга тушиб қоламиз-да, биргина атрофдагиларни ранжитмаслик ва уларнинг ҳафсаласини пир қиласлик учун ёлғоннинг ёнини оламиз (бу ерда, турган гап, ўзимизнинг ички танқидимизни ҳам айтмасак бўлмас). Биз ёниб яшамоқ ва гўзаллик яратмоқ ўрнига ўзимиздан кутилаётган ишни бажарамиз.

Масалан, менинг чўнтаги қуп-қуруқ инимдан чиқишга уринишум ўша ерга қайтиб киришим билан тугалланган. Қария Уоллес Уоттлзнинг “Бой бўлиш илми” китобини ўқиб чиқдим. Бу китобни қўлимга олишга нима мажбур қилганини айтишга қийналаман... Эҳтимол, мушугимнинг ярасини боғлаб қўйишум кераг-у, бундан жиркангандирман? Ёки сўл томонга қарашни бас қилиб, юмшоқина кўрпа-тўшак сотиб олишга ва коллежда ўқиган пайтимдан бери ишлатиб юрган футонимни ташлаб юборишига қарор қилгандирман? Ёхуд бу шамларни тортиқ қилювчига узатиб, байрам кунлари фақат янги хариð қилинган буюмларни ишлатишга онт ичганим ҳақидағи

ҳикоямиди? Қайдам. Лекин китобнинг биринчи жумласи хотирамга миҳдек ўрнашган. Мен меҳмонхона-ошхона-ётоқхонада ўтирганча, китобни очиб, бир вақтнинг ўзида каминани лол қолдирган ва ич-ичимғача хафа қилган жумлани ўқидим. “*Фақирликни қанчалик мақтаманг, ҳақиқат ҳақиқатлигича қолаверади – бой бўлмай туриб, тўлақонли ва муваффақиятли ҳаёт кечириб бўлмайди*”. Қўйсангиз-чи, Уоттаз жаноблари! Дунёда ўзини баҳтли ва муваффақиятли ҳис қулаётган минглаб фақирлар топилади!

Чақа-танга санаб, ўзимни омадсизман деб ҳисоблаганинг ишга алоқаси йўқ эди. Аммо-лекин бойлик жирканч экани ва одамзот томонидан ортиқча кўкка кўтарилганини газаб-ла исботламоқчи бўлиб, нақ умримни сарфладим. Камбағаллигимга қарамай, ортга чекиниш ниятим йўқ эди. Ўзимнинг ҳақ эканимни исботлашим шарт эди. Озроқ пул ишлаб олиш эса ёмон фикр эмасди.

Лекин бойлик-чи? Бу менга тўғри келмасди. Илк жумла шунчалик нафратимни қўзгадики, Уоттаз шунчалик нодон туюлиб кетдики, дарҳол китобни ёпиб, бир неча йил давомида қайта очмадим (турган гап, қашшоқликда ўтган йилларимда). Кейинроқ китобни очдим-у, у ҳаётимни тубдан ўзгартириб юборди.

Иккала оёғимни бир этикка тиқиб юрар эканман, кам ҳақ тўланадиган буюртмалар олардим, қайдлар ёзардим, югурдак бўлиб ишлардим, энагалик қиласардим, тикиш-бичиш қилиб, бозорга олиб чиқиб сотардим. Бу жуда мушкул эди, анча-мунча вақт талаб қиласарди ва умуман даромад келтирмасди. Бир тасавур қилинг: жун мато нархи + туника тўқишига кетган вақт + гарифона тунукани беш минг доллардан камроқ ақчага пуллаш = овора

бўлишгаям арзимайди. Аммо буларнинг барчаси тўғри ва муҳимдек туюларди. Мен пулга салбий муносабатим устида шугулланмасдим. Пул – турган-битгани ғурбат, деган фикр билан яшаб, ишлаб топаётган ақчаларимга ишонардим. Бу ишонч ҳатто зарурий эҳтиёж буюмларини “Ҳаммаси бир долларга” деб ёзиб қўйилган дўкондан сотиб олишим томонга тош босарди.

Аввалбоща қайгули ва факир одамдек кун кўриб, кейин эса бойлик мавзусида муаллимлик қилиб, шуни билдимки, кимларнидир муштлашишга, қайд қилишга ёки пулни қайтариб олишга мажбур қиласидиган нарсалар кам экан. Улардан бири қўйидагича: *“Одам муваффақиятга эришиб, шахс сифатида таомиллашиши учун бой бўлиши керак”*.

\* \* \* \* \*

*Бир дунё пул ишлаб топишда бизга яхши гоялар, имкониятлар ва вақт етишмаслиги, ҳатто ўта дангаса ва аҳмоқлигимиз ҳам халал бермайди. Биз шунчаки бой бўлишини ўзимизга раво кўрмаймиз.*

\* \* \* \* \*

Охир-оқибат, ҳаётда нима муҳимлиги борасидаги уруш-жанжалларни кузатиб юраман. Суйганларинг билан бирга бўлиш, шафакқа термилиш, қақажонлик қилаётган жужукчалар кулагусидан шодланиш, кампиршоларга йўлнинг нариги тарафига ўтишга кўмаклашиш, қолаверса, пулга сотиб олиб бўлмайдиган барча эзгуликлар-у шодонликлар. Баҳслашмоқчи эмасман. Битта оддийгина савол бераман, холос: буларнинг барчасини бойликка нима алоқаси бор? Қачон пул ва кампирларга ёрдам

қўлини чўзиш ўртасида танлов қилишга мажбур бўлганмиз? Бой-бадавлат бўлишга интилаётган экансиз, бу оиласвий тантаналарга ҳеч қачон келмайсиз, кучукчангизни силаб-сийпаламайсиз, лолагуллар исидан тўйиб-тўйиб баҳра олмайсиз, дегани эмас. Агар сиз ҳаммасини тўғри амалга оширангиз, бу каби кўнгилхушликларга кўпроқ вақт ажратасиз. Буни ҳатто ўз услубингизда бажарасиз. Ҳа, айтганча, пикникка етиб олишингиз учун сарфланадиган бензинга тўлов, хот-дог ва бежирим кийимлар сотиб олиш ҳақида ҳам ўйланг. Бонус сифатида – сиз энди катта-катта қарзлар, тураг-жой учун тўловга пул сўраш ҳақида бош қотирмай, Карл тоганинг қарта найрангларини томоша қилишингиз мумкин.

Ҳамма ҳам бу дунёга ноёб истак-ҳоҳиш, қобилият ва иқтидор билан келади. Бу ҳаётда сизнинг вазифангиз – қобилияту нияtingизи нимадан иборатлигини тушуниш, уларни асраб-авайлаш, аллалаш ва ниҳоят, хушчақчақ, қойилмақом ўзлигингизни топищдир. Бугун жамиятилизда бунга эришиш учун бой бўлишингиз керак. Келинг, вазиятни ойдинлаштириб олайлик. Башарти, йирик ер-сувингиз ва яхтангиз бўлмаса, сариқ чақагаям арзимайсиз, деяётганим йўқ.

Бой бўлиш – бу ҳаётингизни тўлақонлироқ қилишга имкон берадиган нарсаларга эга бўлиш, воқеа-ҳодисаларни бошдан кечиришдир.

Майли, пул миқдори кимлигингизга ва нимани истаётганингизга боғлиқ бўласин, чиптасиз ҳеч ким ўтиб кетолмайди. Ҳеч ким. Бизнинг дунёмизда шахс сифатида ўсиш, бахт излаш ва ўз сўзингни айтиш билан боғлиқ ҳамма нарса пул туради. Агар рассом бўлсангиз, холст, бўёқ, мўйқалам, устахона сотиб олишингиз, илҳомлан-

тирувчи сафарлар, дўстлар ва ҳамкаслар билан бўладиган кечликлар, кўпгагингизни сайрга олиб чиқсан инсон учун, пиар-агент иши, мураббий, кўргазма очилишидаги дижейга, музейлар чиптаси, фойдали таом, мусиқа, дарс, кўзойнак ва берет учун тўлов қилишингиз зарур.

Сиз айборлик, кўркув ва хижолат ҳисларига тўла омонат субстанция (пул)га муҳтожсиз. Лекин шодон турмуш учун, аслида, сизга қанча кераклигини фақат ўзингиз биласиз. Ҳийла-найранг шундаки, буни ўзгалар (ва ўзингизнинг) фикрига қарамай англаб етишингиз керак. Тасаввур қилинг, ҳозиргина дабдабали хонадондаги базмдан чиқдингиз ва: “Мен ҳам ҳар битта хонамда стереосистемам бўлиши хоҳлайман! Бусиз қандай яшаган эканман-а?!” деб ўйлайсиз. Бир неча кундан кейин эса коллеж пайтидаги кийимларини кийиб юрган дугонангизни учратиб қоласиз. У ҳали-ҳамон шалоги чиқсан машина миниб юрибди, э, ким билсин қанақа плеер эшитаркин! Ва бу шунинг учунки, дугонангиз учун шундоқ ҳам ҳаммаси ёмон эмас, эски лаш-лушларни ташлаб юбориб, янгисини харид қилиб, қақир-куқурларни кўпайтиришнинг нима ҳожати бор? Шунда сиз ўзингизни ваннахонасида колонкаси бўлишини истаган хасисдек ҳис этасиз.

Ҳаёtingизда қарор қабул қилиш ҳақида гап кетганда, ҳар доим турлича гап-сўз эшиласиз. Айниқса, гап пулга бориб тақалганда. Бизни ким катта қилгани, ўзимиз вояга етган жамият ва атрофимиздаги одамларга кўра, миямиз турли-туман бемаъни фикрларга тўлиб-тошган. Жонслар оиласи билан пул борасида мусобақалашиш одобга тўғри келмайди, каби. Шу боис, бошоқ териш, қопнинг ичидаги ухлаш лозим, ана шундагина рисоладаги

Одамга айланасиз. Бироқ әнг асосийси – ўзингизга содиқ қолишингиз керак. Шунинг учун, кўнглингизга ва юрагингизга қулоқ солишингиз, шунингдек, ўз бахтингиз томон интилишингиз керак. Айнан шу боис мен сизга қуидаги фикрни уқдирмоқчиман. Агар гуллаб-яшнингиз ва истакларингиз амалга ошишига етадиган пулни ишлаб топишни ўзингизга лойиқ кўраркансиз, бу сизнинг худбинилигингиз, тентаклигингиз дегани эмас.

• • • • • • • • • • • • • • • • • • •  
*Бойликка соглом интилиш – хасислик эмас,  
бу яшашига интилишидир.*  
• • • • • • • • • • • • • • • • • • •

“Интилиш” (desire) сўзи том маънода “de sire” биримаси, яъни “раҳнамодан” сўзидан келиб чиқади. Истакларингиз юзингиз, шахсиятингиз ва тикиш-бичишига меҳрингиз каби туғилганингиздаёқ сизга ато этилган. Улар фақат сизга тегишли, улар сизнинг кимлигингизни белгилаб беради. Ниятларингиз – умрингизнинг кўргазмали харитасидир. Сизнинг ният-истакларингиз бутун борлиқни бир бутун қилиб яратган Ягона Тафаккур томонидан сизга Унинг режаси ҳаётингиз давомида амалга ошиши учун инъом этилган.

Инсоният насли вакили сифатида сиз табиатнинг бир бўлгисиз. Табиатда қолган барча нарсалар ўсиб-униши учун барча шарт-шароитларга эга, нима сабабдан сиз бундан мустасно бўлишингиз керак экан? Табиат – ҳаётни сақлаш учун тинимсиз ишлайдиган, жуда яхши созланган ва ўйлаб чиқилган механизmdir. У бошқарув тизими ва ресурсларни қайта тиклаш борасида беш плюс

баҳо олади, бу унинг алоҳида имтиёзи дир. Фақатгина инсоният баҳиллик қилиб, ўзини қўрқоқлардек тутганда, мувозанат бузилади.

Биз азиз дўстимиз – Заминни булғаймиз, шиламиз, вайрон қиласиз. Одатда, биз сайёрамиз ва унда ҳаёт кечираётган мавжудотлар билан ҳисоблашмасдан, даҳшатли ва тузатиб бўлмас даражада, қўрқув туфайли аҳмоқликларга қўл урамиз. Ресурс тўплаймиз, чунки етишмовчиликдан қўрқамиз ёки агар кўпроқ йигмасак, ютқазиб қўйишимиз ҳеч гап эмас, деб ўйлаймиз. Харажатни қисқартириш ёки пул кўпайтириш учун сув, ҳаво, ерни булғаймиз, ўрмонларни кесиб ташлаймиз. Чунки биз онгсизмиз, ўзимизга ишонмаймиз, шунинг учун ҳам куч ишлатиш фикрига маҳкам ёпишиб олганмиз.

Тўғри, бу сайёрада унга таъсир кўрсатмай яшашнинг иложи йўқ. Бироқ она табиат бундан ҳам яхшироқ ахволда бўлиши мумкин эди. Бунинг учун энг эзгу ниятларимизни амалга оширишимиз, қўрқувларимизни эмас, истакларимизни сугоришимиз, ресурсларни соғлом, ақла мувофиқ, ўзаро усуlda олиб, қайтаришимиз даркор.

Бутун табиат доимий равишда ҳаракатланади, ўсади, ўзгаради, кўпаяди, ривожланади – ҳамма гап шунда. Ҳатто Коинотнинг ўзи ҳам кенгаяди. Шунга ўхшаб сиз ҳам нуқул тирикчилик қилишингиз, тўхтаб қолишишингиз, тургуниликда қолишишингиз керак эмас; сиз униб-ўсишингиз ва гуллаб-яшнашишингиз керак. Худди униб-ўсиб, мева туғиши учун сув ва қуёш нурларидан озуқавий моддаларни оладиган дарахт сингари. Итбалиқдан вояга етган организмга айланувчи қурбақа каби сиз ҳам ўзлигингишни англашишингиз, нафосатингизни улғайтиришишингиз, бунинг учун зарур ресурслардан оқилона фойдаланишишингиз зарур.

Хар биримизнинг ичимизда гаройиб баркамоллик  
уруги мавжуд, бироқ баъзи бирларгина ўша  
уругни униб-ўсишига имкон беради.

Албатта, фарқ сиз дараҳт ёки қурбақа эмас, инсон-лигингиздадир. Шу боис, пулсиз чўққига чиқаман, деб ўзингизни гўлликка солманг. Фақат агар ҳеч кимнинг ҳудуди бўлмаган ғорда кун кўриб, майда тош билан деворга буғу расмларини чизмасангиз, албатта. Ёки “Монсанто” каби агромаданий гигантларга тегишли бўлмаган ёнгоқ ва реза меваларни териб емасангиз. Буни оддийгина қилиб айтамиз. Агар сиз ўзингизнинг энг яхши версиянгизга айланмоқчи бўлсангиз-у, бу пулга бориб тақалса, демак, она табиатнинг фарзанди сифатидаги сизнинг вазифангиз – бойишдир.

Биз қўлимиз етадиган масофада ётган нарса билан яшашимиз, балиқ урчиб ётган сой бўйидаги дараҳт тагида истироҳат қилиб ўтиришимиз мумкин. Дастёр қиз қўлида коктейл билан ҳар соатда келиб, ҳолимиздан хабар олиб туради. Лекин шунда ҳам биз аста-секин зерикиб, янги ер излашга тушамиз, велосипедда сайр қилгимиз келиб қолади. Одамлар табиатан қизиқувчан, жисмонан, ақдан ва маънан ривожланиш истагимиз – бизнинг бир қисмимиз. Айнан шунинг учун ўртамиёналик ботқоғида яшаш шу қадар азобли.

Она табиатнинг барча мавжудотлари бутунлай униб-кўкариб, ана ундан кейингина ҳалок бўлиш учун яратилган.

Сиз, бошқа ҳар қандай мавжудот сингари, истагингизга эришишингиз лозим. Сиз бу дунёга ғужанак бўлиб олиб, қувонч келтирадиган нарсалардан воз кечганча, ўзингиздан из қолдирмай, айборлик ҳисси билан яшаш учун келмагаисиз. Замин уни азоблаш учун эмас, ундан роҳатланиш, уни парваришлаш ва қадрлаш учун яратилган.

Агар кўксингизни тўлдириб нафас олганча, керакли пулни ишлаб топсангиз, бунинг ҳеч кимга зарари тегмайди. Худди шу тариқа сэндвичдан воз кечишишингиз оч-наҳорларга кўмак бериб қолмайди.

•  
*Хасислик қашишоқлик каби гарибона  
фикрлардан келиб чиқади.*  
• • • • • • • • • • • • • • • • • • • •

Агар сиз бой бўлиш ақлга тўғри келмайди ёки бойлика муносиб эмасман, ёхуд бой бўлишишингиз кимнингдир бойишига халал беради, деб ҳисобласангиз, бунинг сабаби битта. Мұхтожлик. Мұхтожлик – бу ҳаётга худди тешик стаканга (ярми тўлган стаканга қарагандек эмас) қарагандек боққанингизда, истаётганингиз мавжуд эмас, деб ҳисоблаганингиздаги ҳолатdir. Агар мұхтож бўлсангиз, демак, ейишга нонингиз ҳам йўқ. Сиз ўзингизни гуллаб-яшнашга муносиб эмасман, сарф-харажатларингиз ўзимга қайтиб келмайди, деб ҳисоблайсиз. Пул, нарса-буюм ва тажрибага эга бўлмаслик истаги қўрқувга бориб тақалади. Яъни озига эга бўлишдан, эртанги кундан, суюкли бўлолмасликдан қўрқишишга. Ҳар қандай нарсанинг ортиқча бўлиши соғлом ҳолат бўлолмайди. Бад-

нафслик рамақижонлик каби ёмон. Юрак амрига қарши бориш ножўя хатти-ҳаракат, бунинг бориб-тургани энг аъло ҳис-туйғуларни увол қилишдир. Бу эса сизни олам билан бирлашиш имкониятидан маҳрум қиласди.

Агар бошқалар оч қолиб, бомба остида қолиб ёки қуллик домига тушаётган бир аснода, сиз э йўқ, бе йўқ бойиб кетишга қадам қўйиш тўгрими-йўқми, деб иккила наётган бўлсангиз, қўйидаларни икки қулогингизга ҳам қўйиб олинг. Бойиб кетиш – дунё учун қилишингиз мумкин бўлган энг аъло ишлардан бири. У шундай ташкил топганки, бунда пул ва ҳокимият чамбарчас боғлиқ. Шу боис, агар ўзгариш юз беришини истаётган бўлсангиз, пул – энг самарали қуроллардан биридир. Ҳа, сиз норозилик билдириб, Фейсбуқка оташин нутқларни жойлаб, ўз вақтингизни қурбон қилишингиз мумкин. Лекин доимий молиявий курашда қатнашмаган пайтингизда пайдо бўладиган куч-куват ва эркинликни сақлаганингизда, ҳаракатларингиз самаралироқ бўлармиди?! Кўнглингиз тусаганча сарфлашингиз мумкин бўлган ресурсларни назарда тутмаяпман. Сайёрга зиён-заҳмат етказаётган амалдор ҳокимият ва ўтакетган хасислардан шикоят қилгунча, қашшоқликда қолиб уларга ёрдам бергунча, нега бойиб кетиб, улар билан тенгма-тенг курашни бошламас экансиз? Пулга эга бўлган ҳолда, жуда ажойиб ишларни амалга оширишингиз мумкин. Аҳмоқлар сизнинг пул ҳақидаги ижобий фикрларингизни йўққа чиқаришига йўл қўйманг.

Сиз ўзингизда йўгини беролмайсиз. Шунинг учун, агар теварак-атрофнинг гамини емоқчи бўлсангиз, биринчи галда ўзингизнинг гамингизни ейишингиз зарур. Учоқда учиб кетаётганимизда, бизга ҳар доим: “Ниқоб-

ни юзингизга тақинг, кейин эса шеригингизга қарашинг”, деб уқтирилди. Бу ҳақда эслатиб туришга түгри келди, чунки умуман олганда, биз тентак эмасмиз ва ёрдам қўлини чўзиш табиатимизда бор аслида. Бирорларнинг гамини ейиш, уларга шодлик келтиришдек бошқа ҳеч нарса инсон қалбини илитмайди. Ишонинг, сармоя жиҳатдан яхшигина таъминлаган бўлсангиз, оламга яна-да кўпроқ меҳр-муҳаббат улашгингиз келди.

Бизнинг дунёмиз ҳозир ҳар қачонгига қараганда катта ва бойиб кетишга интилаётган, бағрикенг, раҳмдил, креатив инсонларга муҳтож. Айнан ўшаларнинг шарофати илингизда бор қандай мураккаб вазиятдан чиқиб кета оламиз.

Тасаввур қилинг: сизда ва севикли инсонларнингизда бир дунё пул бор ва барчангиз ўзингизда айборлик ва нафратни эмас, миннатдорлик куч-қудратини сезяпсиз. Бор-будингизни ўзингизга ва бошқаларга, сайёрани қутқариб қолишга сарфлаяпсиз! Илтимос, бир дақиқага ўтиринг-да, ўзингиз ва ҳаётингиздаги ажойиб инсонларнинг пулдор-бойвачча эканини кўз олдингизга келтиринг. Уларни алоҳида тасаввур қилиб, ҳис-туйғуларини, кимга айланишларини, янгитдагина кўлга киритган бойликларини нималарга сарфлашларини фараз қилинг. Агар дўстларнингиз, заррача бўлса-да, меникиларга ўхшаса, бойлик ва пул ҳақида романтик қўшиқ тўқишини истаб қоласиз.

“Ортиқ даражада зўр” деган  
тушунча мавжуд эмас.

Келинг, мен сал олдинга сакраб, бир нарсани айтаман: мен пулни яхши кўраман (келинг, сиз ҳам қўшилинг!). Ҳеч қандай тушунтириш ёки узроҳликнинг кераги йўқ. Яна-тағин мен пиццани хуш кўраман. Бу ҳақда ҳеч қандай огоҳлантиришсиз: “Пицца жон-дилим, қолаверса, одамларга нафим тегади”, деб айта оламан. Келинг, “пул” сўзига қайтиб, уни криминалликдан холи қиласиз. Бусиз сизда бойишга мойиллик бўлмайди. Мен камбагал эдим ва гам чекардим, мен бой бўлдим ва гам чекдим. Мен ночор ва баҳтли эдим, мен бой ва баҳтли бўлдим. Ҳар қандай вазиятда ҳам бойлик яхши-ку! Пул бизга эркинлик ва имконият беради, мен эса унисини ҳам, бунисини ҳам яхши кўраман. Ким ҳам бойлик ва эркинликдан воз кечарди?

Бу мавзуда суҳбатлашар эканмиз, келинг, яна бир қадам қўйиб, бойларни криминалликдан халос этамиз. Кенг тарқалган гап-сўзларга қарамай, улар бор-йўғи оддий банда. Жамият бойларнинг кўринишига қараб маҳсус спортча интизом ўрнатиб олган (“Ҳа-да, менинг дўстларим – бойларнинг бойи!”). Лекин шуниси муҳимки, сизнинг ичингиизда қандай салбий фикрлар яширганини билиб олиш зарур. Албатта, дунёда бой пасткашлар кўп, аммо ажойиблари ҳам топилади. Бу камбағалларга ҳам тегишли. Муаммо шундаки, агар ёнингиздан “Бентли” ўтиб кетганда ёки кимдир ўзининг мўл-кўл даромади ҳақида сўз очганда, кўзингизни чақчайтирсангиз, одамлар буни маъқуллайди. Қашшоқликдан нолиш ёки ботинкангизни Goodwill хайрия савдосида беш долларга сотиб олганингизни айтиш ҳам оддий ҳол уларнинг наздида.

Куруқ олифтагарчилік иккі томонға ҳам ишлайди. Сиз бой бўлиб туриб, кам топадиганлар – омадсизлардир, деб ўйлашингиз мумкин. Бу камбағал бўлиш ва бойлар устидан кулиш каби ёмон. Тўлақонли таъминланган одамларга қаратилган хунук гап-сўзларингизга эътибор беринг. Чунки агар бойлар сафига қўшилмоқчи бўлсангиз, қилаётган ишингиз ўзингизга маъқұл келиши керак.

Чуқур нафас олинг, истакларингизга ишонинг ва бойлик излаш – ўзликни излаш, деган ҳақиқатни қабул қилинг. Гап катта-катта еб-ичиш ёки очлик устидан гала-ба қозониш устида кетмаяпти. Сиз шунчаки ўзингизни энг аъло варианtingизга айланишингиз керак. Сиз гуллаб-яшнаш учун, шунинг баробарида бошқалар ҳам гуллаб-яшнашига ёрдам бериш учун тугилгансиз. Бир тасаввур қилиб кўринг. Ўзлигича қолишдан уялмайдиган, ҳаётга муҳабbat қўйган, уни бир саргузашт деб қабул қиласидиган ва имконсиз ишнинг ўзи йўқдигига ишонадиган одам ёнида турибсиз. У аҳмоқона кўриниши, хато қилиши, муваффақият қозониши, бой, сахий бўлиши мумкин, лекин у яшамоқда, қолаверса, қўл остида истаганлари манаман деб турибди. Афтидан, яна бир уриниб, у сальто ҳам отар балки? Хўш, нима учун шундай одам бўлмаслигингиз керак?

Агар сиёсий фаоллардан бўлсангиз, баҳоли қудрат фаол бўлинг. Агар мусиқачи бўлсангиз, созингизни күчингиз борича чалинг. Агар адвокат бўлсангиз, ҳақиқат учун курашинг. Агар уй бекаси бўлсангиз, тарбияли болаларни вояга етказинг. Биз бир нарсани ҳар доим ҳам бир хилда бажаравермаймиз. Шунинг учун ҳам ҳар ким ҳаётда ўз ўрнига эга. Ўз иқтидорингиз ва истакларингиз-

ни қабул қилинг. Ўзингизни дунёга кўрсатишингиз учун ҳам улар сизга ато этилган. Илтимос, бизга илтифот кўрсатиб, ўзингизнинг маҳобатингиз билан бизни руҳлантириш учун бой-бадавлатга айланинг.

### **Муваффақият тарихи: унинг қўлидан келди, демак, сиз ҳам эплай оласиз**

*Чарльз – 54 ёшида. Етти ойдан кам фурсат ичидага у ўз даромадини 7 баробарга кўтарди. Энди у йилига 145 000 доллар ишлаб топади.*

Мен ҳар доим, пулни яхши кўраман, деб ўйлардим. Лекин кунлардан бир куни дурустроқ ишлаб топмаганимни тушуниб етдим. Ўзим камбағалликда катта бўлганман. Отам сира алимент тўламасди, шунинг учун, ҳеч нарсага арзимайман, деган фикрда яшаб келдим. Бу менинг шахсий ҳақиқатимга айланди. Ҳар сафар пул ишлаб топиш имконияти пайдо бўлганда, бу ҳақиқат барча уринишларимни чиппакка чиқариши учун йўл очиб берардим.

Мен мантрапларни қўллай бошладим. Улар менга мадад бўлар, каминанинг улуғворлиги ҳақида сўйлар ва ҳали қўлга киритмаганларим учун бутун Кониготга миннатдорлик билдирар эди. Бу мени тубдан ўзгартириб юборди. Мен изжобий фикрлашга ўтдим, авваллари имконсиздек туюлган ишларни амалга оширишни бошладим. Камолга эришиш учун ўқишини бошлаб юбордим. Гоҳида бу зўр ма-шаққат билан амалга ошарди.

Сұхбатдан үтиш учун юз марталаб машқ қилишімга түгри келарди. Менга қуийдаги ҳолат жуда құл келди. Атрофимдаги одамлар, ұтто иш берувчиларимга разм солиб, улардан күра камина билимлироқ ва ишбилармон эканимни англағым. Үзимга бұлған ишончим орта борди.

Сұхбатларга қатнашни канды құлмадым ва ҳозирда йилига 145 000 доллардан күпроқ даромад ишлаб топаёттган лавозимимни құлға кирилдім.

Бугун ҳаётимдаги әнг шинам үйда умргузарон-лик қылмоқдаман. Фарзандларим әнг яхши мактабларда таълим олишади. Тойчоқдек машинам, илгарилари ұтто етти ухлаб тушимга кирмаган шоқона ҳаёт учун керакли барча нарсам бор. Үзимнинг қадр-құмматим борасидаги иккиланишларим вақти-вақти билан юзага чиқиб туради, лекин мен шубә-гумонларимни енгиш учун үзимнинг устимда ишлайман. Бу жуда гаройиб ҳиссиёт.

## БОЙ-БАДАВЛАТ ИНСОНГА АЙЛАНИНГ

Тегишли пул мантраси (бу мантрани такрорлаб юринг, ҳис этинг, у билан нафас олинг):

Мен пулни яхши күраман, чунки үзимни яхши күраман.

Илтимос, ҳар бир бандга камида 10 тадан жавоб беринг:

1. Бой бўлишга муносиб эканингиз борасидаги сабаблар рўйхатини тузинг.

2. Пулнинг шарофати билан бу дунёда юз берган гў-

зал ҳолатлар рўйхатини тузишдан эринманг. Аминман, бу иш сизга янада завқ бағишлиайди.

3. Ҳаётингизга пул билан бирга кириб келадиган гўзал ҳолатлар ва тажрибалар рўйхатини тузинг.

4. Бойлигингиж одамларга қай тариқа ёрдам бериши хусусидаги рўйхатни тузинг.

*Илтимос, чизиқлар ўрнини тўлдириинг:*

*Мен пуллардан миннатдорман, чунки \_\_\_\_\_*

## **ИККИНЧИ БОБ**

### **НЕГА ПИЧОГИНГИЗ МОЙ УСТИДА ЭМАС?**

**Б**олалигимда ота-онам вақти-вақти билан мени, ака-укаларим ва опа-сингилларимни ясантириб, самолётта олиб чиқиб, саёҳатга олиб боришарди. Дадамнинг ота макони, Неаполга учардик. Бу саёҳатлардан менда узук-юлук, аммо ёрқин хотиралар қолган. Илк марта қонталаш-қизил пўртахол шарбатини биз жойлашган меҳмонхона ҳужрасидаги равондан оёқларимни чиқарволиб симириб ичганман. Бобомнинг итальянчада шангиллайдиган кўкиш тўтиқушини айтмайсизми (қаранг-а, қуш итальянчада сўзласа-я!). Лючия аммам бизга шундай қўл силкирдики, сал қолса қўтиқости туклари кўриниб кетарди. У оёқларини кериб туришини ўзимнинг американча ақлим билан одобсизлик деб қабул қиласдим.

Ўшандай сафарлардан бирида – у пайтда етти ёшда эдим – амаким Ренато ҳаммамизни денгиз таомлари пишириладиган севимли ресторанига олиб борди. У ерда

денгиз сайҳонлиги ва ички ҳовлидаги хўраклар кўриниб турарди. Бир дунё аммавачча ва амакивачча, ака-ука, амма, келин, күёв, бобо ва буви Синсеролар икки узун стол атрофига ўтиришади. Бу талотўп ичида, қарангки, дадам билан бирга ўтириб қолибман.

Дадам бу сафарларнинг бош персонажи эди. Маҳаллий машҳурлардан бўлганидан эмас: хушрўй тўнгич ўғил, донғи кетган шифокор уйга лобар американлик рафиқаси ва жужуклари билан келарди-да. Бундан ташқари, у ҳам инглизча, ҳам итальянчада сўзлай оларди. Кимдир нимадир деса, йигирма жуфт кўз дадамга тикилади. Қариндошлар дадам латифани таржима қилиб бериншини кутиб туришарди, кейин эса бир-бирларига бош иргаб, маъқуллаб, кулишарди.

Жойлашиб олганимиздан сўнг бизга ресторон соҳиби (эҳтимол, бош ошпаздир) пешвоз чиқиб, амаким билан саломлашиш маросимини ўтказарди. Амаким ҳам отамдан қолишмаган ҳолда, донғи чиққанлардан эди. То ресторон соҳиби: “Хуш келибсизлар, дўстлар! Оч қолгандирсизлар, деб умид қиласман!” – деганча ичкарига кириб кетмагунча, икковлон кўл сиқишиб, юз чимчилаб, бир-бирига: “*Benvenuto*<sup>1</sup>”, деб лутф қилишарди. Зум ўтмай, нақ тўрт соат тинмай турли-туман таомлар оқими дастурхонга оқиб келаверарди.

Бир пайт дастёр қизлардан бири ликопчада қовурилган ғалати дириллама таом олиб келди. Дадам тиззамдан ушлаб:

- Татиб кўр, – деди.
- Нима бу? – деб сўрадим.
- Шунчаки татиб кўр.

<sup>1</sup> *Benvenuto* – Хуш келибсиз!

– Яхши, лекин нима бу?

Дадам жавоб бериш ўрнига қолғанларга ўгирилиб, итальянчада нутқ ирод этди. Унинг сўзларидан фақат “Женнифер” ва “mangia”ни тушундим, лекин ҳамма кулиб юборди. Хуллас, тўрт қатор ўриндиқлардаги йигирма жуфт кўз менга тикилди. Бурнимнинг тагида эса ҳалиги ликопча. Даҳшатга тушдим. Отам анча-мунча донг таратганига қарамай, ўзи камтар одам, бирорнинг нозик жойидан оладиган одати йўқ. Демакки, у шунаقا томоша кўрсатмоқчи бўляптими, ликопчада аниқ недир бемаза нарса дириллаб туради.

Бучувалчанг, деб ўйладим. Бошқа яна нима ҳам бўлиши мумкин? Ўзга юртларда ўргимчак, кўз ва мияни ҳеч бир ижирганмасдан ейишади, деб эшитгандим, турган гап, яна кимлардир чувалчанг ҳам тановул қиласа керак. Ошпаз чувалчангни ҳалқачалаб, унга ботириб олгани ва яхшилаб қовурганини ўзимча тасаввур қилиб кўрдим. Эй Худойим, яна кимга едиргансизлар бунаقا жирканч нарсани?! Аниқ чувалчанг, деб ўйладим.

Ўй-хаёлларимдан даҳшатга тушдим, устига устак, ғашимга тегинишларини жинимдан баттар ёмон кўраман. Яна-тағин ютқазишни ҳам ёқтирумасдим, шунинг учун ҳурматли Синсеролар олдида ҳалқачалардан бирини оғзимга солдим ва мана-ҳозир чувалчанг портлайди, деб кутганча чайнай бошладим. Лекин қанча ҳайрон бўлмай, ҳеч қандай лой таъмини сезмадим. Таъми бироз резина билагузукни эслатиб юборарди – чўзилувчан, таъмсиз ва тўмтоқ. Шунда отам юзимга қараб: “Бу кальмар!”<sup>2</sup> деб қолса бўладими! Ҳамма хаҳолаб, қарсак чалиб юборди, Альберта аммам бошимни силади. Ўзимни чунонам

<sup>2</sup> Кальмар – кичик ўчамдаги моллюска.

таҳқиrlанган сездимки, шартта ўрнимдан сакраб туриб, ваннахонага чопиб кетдим.

Аслида, балиқни ёқтирадим. Агар гап нимадалигини тушунганимда, бунчалик дилим вайрон бўлиб, кўнглим айниб, ади-бади айтишдан ўзимни олиб қочган бўлардим: ўша куни кечаси укам тушлик маҳалидаги юз ифодамни пародия қилиб устимдан куалмоқчи бўлганди, мен эса унинг тўлиғига туширгандим. Хўш, қиссадан ҳисса не?

• •

Бизнинг “ҳақиқат”имиз уйдирма.

Биз ўзимизни ишонтиromoқчи бўлган нарсага ишонамиз.

• •

Агар пул – бу фалокат ёки пул топиш машаққат, деб ўйлаётган бўлсангиз, чўнталингиз ҳеч қачон қаппаймайди. Тажрибамизни шакллантириш ва ўзгартириш ҳақида гап кетганда, ақл кучини ташқи “ҳақиқат”ларнинг ҳар қандай тури устидан бал бошқариб туради. Кучли диний эътиқодлар одамларни турли нарсаларга – урушдан тортиб гўзал черковлар бунёд этишгача ва ҳатто пирог тайёрлаш бўйича жинояткорона хайрия конкурси ўтказишгача чорлайди. Ўзингизни жозибадор ҳисобласангиз, кўчада таниш-билишларингиз кўпаяди. Агарчувалчанг еяпман, деб ўиласангиз, кўнглингиз айнийди.

Вилейанур Рамачандран деган бир нейрофизиолог бор. У тана аъзоларини йўқотган одамларга азобли оғриқни енгиш учун ишонч кучидан фойдаланишни маслаҳат беради. Шундай ногиронлар борки, улар хаёлий, яъни мавжуд бўлмаган тана аъзоларида оғриқ сезишади. Лекин ўша тана аъзосининг ўзи йўқ, демак, уни

үқалаш ёки ванна қилдириш, ёки оғриқни бошқа йўл билан қолдиришнинг иложи йўқ. Бу қанчалик даҳшатли эканини танангизга бир ўйлаб кўринг. Турган-битгани азоб-ку!

Кўзгу системаси ёрдамида доктор Рамачандран беморларнинг тасвирини шундай яратадики, мавжуд бўлмаган тана аъзолари худди жойида тургандек туюлади. Шунинг учун, агар одамнинг бир қўли бўлмаса, наригини қимирлатиб, мушт тузиши, зўриқишини шу орқали юмшатиши мумкин. Унинг мияси бу операциялар мавжуд бўлмаган қўли билан содир бўлаётгандек қабул қиласди ва оғриқ йўқолади. Доктор bemornining миясими мавжуд бўлмаган нарсани мавжуддек қабул қилишга мажбуrlайди ва объектив борлиқни алмаштиришга ёрдам беради.

• •

*Ташқи дунё – ички дунёning инъикосидир.*

• •

Сиз ўзингизни моддий ҳаётга чинакамига шикаст етказа оладиган фикрларни қабул қилишга мажбуrlар экансиз (мен кўп пул ишлаб тополмайман, чунки ёлғиз онаман; қаерда яшаётганимни билмайман; мен аҳмоқман), демак, уларни бир четга супуриб ташлашга ҳам қодирсиз. Биз шунчалик қудратлимиз ва ҳаётимизни шунчалик осонликча ўзгартира оламиз. Ўй суриб ва ишониб, орзуларимиз ҳақиқатини яратамиз. Ахир, бу ажойиб эмасми?

Фикрларимиз ва сўзларимиз билан бир қаторда, ишончимиз ҳам – турмуш тажрибаларининг илдизи-

дир. Айнан шу боис, миямизда айланайтган ва тилемиздан учеб чиқаётган сўзларни онгли равишда танлаш ўта муҳимдир. Бу ақл-идрокка эга бўлиш дейилади. Вазият тақозоси билан у ёқ бу ёққа бориб келавермасдан, тўлақонли ҳаёт кечириб, ўз-ўзингизга хўжайин бўлишни истасангиз, сиз ҳам ўша ақл-идрокка эга бўласиз.

Ақл-идрокимиз эса мана бундай ишлайди.

## ИШОНЧ

Гап пулга бориб тақалганда, кўпчиликнинг ишончи комил бўлади. Ў, албатта, кун бўйи менга пул бериб туринг, катта раҳмат, мана, сумкам ҳам бор! Бироқ улар буни ақл-идроклари гапираётганини англамайдилар, ботинларида эса онгостлари яширинган. Бу парвозлар бошқаруви марказ деб аталади. Агар марказда норозилик бўлса, қанчалик тескарисини такрорламанг, сиз баҳтили бўйламайсиз. Сиз бир дунё пулни тасаввур қиласверасиз, парвозлар бошқаруви маркази эса давлат орттирганингизда, сизни барча оилавий тантаналардан четлатишиди, деб ўйлади. Бу шунинг учунки, болалигингизда отангиз яхши пул топа бошлагач, бобонгиз қандай йўл тутганига гувоҳ бўлгансиз. Муаммо шунда. Шуни кўриб чиқамиз.

## КИЧКИНА ШАҲЗОДА

Онг ости етти яшар шаҳзодага ўхшайди – шаҳзода бирдан қиролга айланиб қолиши мумкин, чунки уни таҳтдан туширилган отаси ўрнига ўтиргизишиди. Онг ости тўпланган ва таҳлил этилган ахборотга асосланиб,

ҳаётингизни бошқаради. Қолаверса, “гилдирак”ни айлантиришга, умбалоқ ошишга ва сарой олдида иштонингизни ечишга мажбур қиласиди. Бу нимани англатади? Ахир, у ҳеч қандай ахборотни таҳдил қилмаган-ку!

Дунёга келганингизда, сизда пулга ишонч бўлмайди. Сиз бу дунёга мурғак ҳолда келасиз. Лекин одамлардан ўрганганларингиз ва шахсий тажрибангизга таяниб, пуллар борасидаги “ҳақиқат” ингизни шакллантирасиз. Бу барча ахборот мия етилиб, уни таҳдил қилмай ва сараламай тургандаёқ, онг остига тушади. Тўхтанг-тўхтанг, демак, пул ота-онам айнан пул борасида жанжаллашгани учун радди балога айланмаганми? Балки бири иккинчи-си кўпроқ топаётганига ҳасад қилгандир? Ёки онам эътибор талаб қилиб, жанжал кўтарганмиди?

Болалик пайтингизда ахборот болаларча ўлчамга эга бўлади ва сиз ҳаммасига лаққа ишонасиз-қўясиз. Хуллас, бу ҳолатда сиз пул = жанжал = қўрқув = ёмон, деб ўйлай бошлигансиз. Ёки бундай ўйлагансиз: Агар пул ишлаб топа бошласам, менга бақиришади. Мени ортиқ яхши кўришмайди. Ёки: Пулдан қўрқаман, чунки агар пул ҳақида оғиз очилса, албатта, кимнингдир қўлига тушади. Айнан мана шу ахборот онг остига ханжардек санчилади. Ҳақиқатдек қабул қилинади. Дунёни қабул қилиш қобилиятингизни қайта дастурламасангиз, албатта. Буни қандай амалга оширишни кейинроқ қўрсатиб бераман. Шу боис, бундай ахборот, агар ижобий бўлса, сизга ёрдам беради, агар истагингиздан тийиб турган бўлса, жигингизга тегади.

Кўйида онг остининг учта ажралмас хусусиятини келтириб ўтамиз.

## У гайриихтиёрий

Онг остининг бош мақсади – тирик қолиш. Кичкина болакай учун гамхўрлик ва ҳимоядан маҳрум бўлиш ўлимни англатади. Шу боис, биронта таваккал ишга қўл ураётганимизда, кичкина шаҳзода ақлдан озади ва бизни тўхтатишга ҳаракат қиласди. Бу биз нега ҳали-ҳамон аҳмоқона ва ўзимизга мос бўлмаган ҳаётда яшаётганимизнинг асосий сабабларидан бири. Биз таваккал қилиб, ютқазишни (ёки галаба қозонишни), вазн ташлашни, бойиб кетишни, яхши кайфиятда нафас олишни, шахсий ҳаёт қуришни, янгиликларни ўрганишни истамаймиз. Бу фақат яқинларимиз ўзгарганимиздан сўнг биздан воз кечишидан қўрққанимиз туфайлидир.

## У мугамбир

Кўпчилик ўз ичида орқага тортувчи қандай ишонч яширинганини билмайди. Улар бор-йўғи эс-хуш борлигини билишади ва ҳақиқий фалокатлар сабабчисига қўл ҳам теккизишмайди. Шу тариқа оқимга кириб қоламиз. Қачон қарама, бир хил жинниларни учратамиз, бизни сарриқ чаҳага олмайдиганларга ишлаб берамиз, ойлик маошимизни кераксиз буюмларга сарфлаймиз. Қиролликни кичкина шаҳзода бошқаради.

## У ўзини таҳтдан тушириб юборишингизни истамайди

Бир нарсани аниқ айтиш мумкин. Кичкина шаҳзода мабодо ишлар ўзига кераксиз ўзанга бурилганини тушуниб қолса, жазавага тушади. Келинг, бир фараз қилиб кўрайлик. Сиз тарбиячи лавозимидан бўшаб, ўзингиз алоҳида хусусий боғча очишга қарор қилдингиз. Олдин-

гизга аниқ ва оқилюна мақсад қўйиб, ижара учун кредит оласиз, боғчанинг номини ўйлаб топиб, аста-секин ҳам-масини жой-жойига қўя бошлайсиз.

Лекин ич-ичингизда кураш – эзгу иш, ғалаба эса ун-чалик эмас, деб ўйлашингиз мумкин, негаки ота-онангиз сизни айнан шунга ўргатган. Яна ўйлайсизки, давлатингиз кўпайгач, суюкли инсонларингиз сизни муҳокама қила бошлайдилар. Бундай вазиятларда онг остингиз сизга панд беради. Бирдан грипп бўлиб қоласиз, яқина-рингиз билан тортишасиз, муҳим ишларни ортга сур-верасиз, пулни ҳавога совуриб, муҳим учрашувлар олди-дан бўкиб ичиб оласиз.

Ўзингизни ўзгартирганингизда, эски шахсиятингизни ўлдирасиз. Бу эса онг остингизни қўрқитиб юбора-ди. Ўзаришлар бизни кўп нарсани йўқотиб, аммо бошқа кўп нарсани қўлга киритиш мумкин бўлган номаълум масканларга етаклайди. Мана шу ерга келганда, энг кат-та қўрқувларингиз юзага чиқади.

Кичкина шаҳзодангиз зўр бериб сизни бехавотир, хавфсиз, қулайлик маконида ушлаб туришга чиранади. Лекин шундай бўлиб чиқадики, сиз қурган ҳаёт энди-лиқда ўзингизга тўғри келмайди. Шунда шаҳзодангиз болалигингида (буни қарангки, ўттиз олтини уриб қўйибсиз!) кийиб юрган тор иштонингизга сизни сиф-дирмоқчи бўлади. Бу қулайликдан умуман йироқ. Шун-га қарамай, ҳаммамиз ўша иштонни кийиб юраверамиз. Гарчи бу тор либос танамизда қон айланишига, ҳаракат-ланишга халал берса-да, аммо иссиқлиги, хавфсизлиги бизга маъқул келади. Тўғри-да, ҳали кийиб кўрилмаган либосдан хавфсизроқ-да. Биз кераксиз эскиликка шун-чалик bogланиб қолганмизки, узроҳлик билан важ-кор-

сон келтириб, қимматли вақтимизни йўқотамиз. Булар-нинг барчаси гўзал номаълумалик томон сакрамаслик ва пешонамизга битган инсон бўлмаслик учун.

•  
Куайлик ҳудудингиз деворлари бир дунё ҳеч  
нарсани ўзгартирмаслик баҳонасию  
важ-корсонлари билан безалган  
• • • • • • • • • • • • • • • • • • •

Кичкина шаҳзодангизни гаройиб йигитчалиги ва сизни ҳимоя қилмоқчи бўлгани учун яхши кўрасиз. Лекин куч тўплаб, каттакон тожни кийиб, ўз қироллигингизни қўлга киритиш фурсати келди.

Жондан тўйдирган кичкина шаҳзодадан ташқари, яна-тагин Хавфсизликни излаш деганлари ҳам бор. У ҳам одамларни яхши ҳаётдан ажратиб туради. Энг кулгилиси, бу Хавфсизликнинг ўзи мавжуд эмас! Одамлар ўзлари ёқтирмайдиган ишда қадлари дол бўлади, танҳоликда қолмаслик учун тушуниб бўлмайдиган одамлар билан яшашади, пулларини кўнгилхушликка сарфламасдан, қора кунга асраб қўйишади. Бу вақтда эса биз чексиз Коинотнинг очиқ фазосида – зилзила, ўлат ва музлик даврлари юз берадиган сайёрада елиб борамиз. Ишончли компаниядаги ишончли лавозим шунчаки йўқ бўлиб кетиши мумкин. Таёқ кўтарган жинни сизга ташланиб қолиши мумкин – ҳеч ким бундай фалокатлардан сугурталанмаган.

Албатта, бунга диққатни жамлаш шарт эмас. Йўқса, стол тагига кириб, нуқул девор тагидан юришга тўғри келади. Мен буни шунинг учун ҳам ёдингизга соляп-

манки, сизни ўз домига тортиб кетувчи тузоқдан халос бўлишингизга умидим йўқ эмас. Мавжуд бўлмаган хавф-сизликни деб орзуларингизни қурбон қилишингизни истамайман. Юрагингизни бўшатинг, қувонч ортидан эргашинг ва муваффақият тўлқинида сузинг, юрак ҳовучлаб, ўзингизни чегаралаб ташламанг.

\* \* \* \* \*

*Кўрқувдан ҳимояланиши сизни фақатгина тўлақонли  
ва соглом ҳаётдан ҳимоя қиласди, холос.*

\* \* \* \* \*

Онгли равишда ўзингизга заарар етказишингиз, хавф-сизлик қоидаларига тупуриб қўйишингиз ёки битта-яримта масъулиятсиз савдоийига ўхшаб хатти-ҳаракат қилишингиз керак, деганим йўқ. Асло йўқ! Равнақтопиш учун қўрқувлардан халос бўлиш лозим, демоқчиман. Юрек амрига қулоқ тутиб, чексиз имкониятлар, ҳаётдан завқланишга эътибор қаратиш даркор, дейман. Борингизни йўқотишдан ҳайиқмаслигингиз керак. Масъулиятли бўлинг, истиқбол учун пул жамгаринг, хавфсизлик камарини тақиб олинг, дўстлар ва оилангиз билан улкан, қизиқ режалар тузинг, овлоқ жойларга ёлғиз борманг, оқилона сармоя киритинг, ақл ва танангизни шуғуллантиринг, чекманг, одамлар кўз ўнгида ичиб юрманг, бироннинг ортидан ёмон гап гапирманг. Худди истиқболда сизни Ер деб аталмиш сайёрада узоқ ва баҳтли ҳаёт кутиб тургандай ҳаракат қилинг. Агар истакларингиз қалтис туюлса, улардан қочманг. Зотан, ҳаётнинг ўзи таваккалчиликдан иборатдир.

## СҮЗ

Борлиқни қандай қабул қилишга сўзлар ўзгача таъсир кўрсатади. Улар ўй-фикрларимиз ва ишончимизни жонлантиради, қолаверса, ҳақиқатимиз учун лангар вазифасини ўтайди. Сўзлар шахсиятимизнинг шаклланишига ёрдам беради. Биз ўзимизнинг лаҳжамизга, талафғузимизга ўрганиб қолганмиз. Ўзингиз бир эшитиб кўринг: хотирам шунчалик ёмонки, калитни тагин эшиқда унтутиб қолдирибман, ҳе, тентак! Ўзингизни хотираси чатоқ тентак эканингизни қанча кўп такрорласангиз, бунга шунча кўп ишониб бораверасиз, оқибатда, ўзингизни худди томи кетган тентакдек тутадиган бўлиб қоласиз.

Кичкина қизалоқça унинг аҳмоқ эканлигини айтиб кўринг, ҳаттоқи мустақил равишда хитойчани ўрганган бўлса ҳам. Бунга ишонади. Мен қирқ йил мобайнида худонинг берган куни қандай яшашни билмаслигимни таъкидлаб келдим. Натижада, ўн йиллар давомида ҳақириу нотавондек яшадим. Аслида, “Билмайман” жумласини “Ҳамма йўл-йўриқлар атрофимда”га ўзгартиришимнинг ўзи кифоя қиласарди. Ана ўшанда гаройиб имкониятларга олиб киргувчи эшикни ёпиш ўрнига, онгим ярқ этиб очиларди.

•  
 Тилингиздан учиб чиқаётган ҳар бир сўз  
 ҳаётингизга жо бўлади.  
 •

Ҳаммамиз одатларимизнинг қулимиз. Бир гапни такрорлайверамиз-такрорлайверамиз, шу тариқа жумла-

лар миямизда намуна ясовчи қуролга айланади. Айнан шу тарзда бир хил воқеа-ҳодисалар такрорланаверади, улар ҳақиқатимизни белгилаб, миямизга лангардек ёпишиб қолади. Гап-сўзларимиз тошлар аро оқаётган сувга ўхшайди. Вақт ўтиб сўзларимиз оқими Буюк Каньонни яратади. Мен, масалан, “бир жойда қотиб қолмоқ” жумласини кўп ишлатаман. Сиз ростдан ҳам фикрларингиз, сўзларингиз ўзанида қотиб қолгансиз. Бундан ҳалос бўлиш учун эса янги куй яратишингиз, янги сўз ва жумлалар топишингиз керак.

Тил борлиқ ҳақиқатини қабул қилишимизни белгилайди ва шакллантиради. Кеча нима қилганимизни ёки аквапаркка бормоқчилигимизни сўзлаб ва “Агар ҳозироқ ботинкангни киймасанг, паркда музқаймоқ олиб бермайман”, деганча, чегара яратиб, уни маҳкамлаб қўяшимиз. Шунингдек, Эйнштейнга кўра, вақт – бу хомхәёлдан ўзгаси эмас. У қайишқоқ ва нотекис, йигирма тўрт соатдан иборат тингир-тингир қўшиқ эса турган-биттагни фирибгарлик. Бу ҳақда эшитамиз. Лекин биз ҳафтада етти куни ва йилда эллик икки ҳафтаси бор одамлармиз. Бу тилимизнинг шарофати билан амалга ошади.

Хопи ҳинду қабиласининг вақтни қабул қилиши Эйнштейнникуга яқинроқ. Уларда ўтмиш ва келажакни англатувчи сўз йўқ, чунки улар аниқ айни дамда яшашади. Хопиларда “ҳозир” тушунчасининг ҳам муқобилий йўқ, чунки ҳозирги замоннинг аталиши уларни вақт оқимидан чиқариб юборган бўларди. Сон-саноқсиз реалликлар мавжуд ва қўллайдиган сўзларимиз бизни улардан бирига маҳкам боғлаб қўяди.

Сўзлар, шунингдек, ишонтиради ҳам. Қачондир кимдир ўз туйғулари, ҳадик ва фикрларини тўғридан-тўғри

тапирганини эслаб күринг. Керакли вақтда түғри айтилған сўзлар сизни теран тушунишларига ёрдам беради. Қолаверса, сўзлар ақдли одамларни тентак президентларга овоз беришга, умуман зарарли Kool-Aid ичимлигини ичишга мажбур қиласди. Шунинг учун ҳам пулдан нафратланишингизни, қўрқишишингизни, ишонмаслигингизни айтаётганингизга диққатингизни қаратинг. Мана, масалан: гап пулга бориб тақалганда, аҳмоққа айланаман-қоламан; бунча пулни ўзимга раво кўрмайман; анави ярамас бойни кўришга кўзим йўқ. Агар пулнинг гўрига гишт қалаётган бўлсангиз, бундай қилишни бас қилинг.

## ФИКР

•  
Фикрларингиз ҳиссиётларни келтириб чиқаради;  
ҳиссиётлар ҳаракатингизни белгилайди; ҳаракатингиз  
эса сизнинг "ҳақиқат" ингизни шакллантиради.  
• •

Болалигимда биздан сал нарироқда ўзим қатори бир этак фарзанди бор оила яшарди. Болаларнинг ота-онаси немис эди. Бир куни, Рождествога икки ҳафта қолганда уларнинг уйида ўйнаб ўтирадим. Шунда улар менга қизиқ бир нарсани айтиб қолишибди. Арча тагидаги совгалар фақат йигирма бешинчи декабрда бўлмаслиги керак экан. Германияда ой бошида яна авлиё Николай куни ҳам нишонланар экан. Ривоятларга кўра, агар ўша байрам куни кўчада бошмоқ қолдирилса, эрталаб пойабзал совгаларга тўла бўлиб қолар экан. Ана холос!

Дарҳол уйга бордим-да, ёгоч кавушга ўхшаган энг катта бошмоқни топдим. Кейин кечгача минг йил кутдим-ов, кечлик қилдим кейин, кўчага чиқдим-да, айтилганидек, эшик тагида бошмоқни қолдиридим. Сўнгра кравотимга ётиб, қулоғимни динг қилдим. Ота-онам уйни супур-сиdir қилишарди. Шу пайт сал қолса юрагим қинидан чиқаёзди. Кўпагимизни сайрга олиб чиқиш учун кимдир кириш эшигини очди. Кейин эса онамнинг:

– Женнифер, қани, тез бу ёққа кел-чи! – деганларини эшитдим.

Даҳлизга тушдим. Онам пиллапоя супасида турганча, боши узра бошмоқларимни силкитарди. Пойабзалим қандай қилиб ташқарига чиқиб қолгани онамга қизиқ туюлди. Мен тушуниксиз алланималар деб гўлдирадим-да (унутиб қолдирибман, ойи...), кечирим сўраб, онамни ўпиб қўйиб, хонамга кўтариладим. Жуда соз. Энди ота-онам ухлашга ётишгач, яна бир марта ташқарилаб келсам бўлди.

Бу қопқонга тушиб қолишим мумкин, дегани эди. Бироқ қанчалик қалтис бўлмасин (бошмоқларим яп-янги эди-да), олдинда мени нималар кутаётганига қарамай, таваккалчилигим шунга арзирди. Чунки... ўзингиздан қолар гап йўқ. Совға, дегандай.

Бу ҳикоянинг охири баҳайр бўлмади. Совға ололмадим, ўлгур итни деб тутиб олишди. Бундан ташқари, нақ бир ой давомида идиш-товоқ машинасини саранжом-саришта қилиб, оғмахоннинг қафасини тозалашим керак бўлди. Эндиликда уй юмушларида қарашишлари шарт бўлмай қолган укаларим ва сингилларим ҳам кўнглимни кўтаришолмади.

Биз ҳаётда ҳис-туйгулар етаклаб юргувчи мавжудот-лармиз. Истакларимиз ўт олганда, қулоғимизга гап кирмайди. Ҳеч қандай мантиқ, қўрқув ва шубҳа-гумон кучли ҳиссиётлар олдида ип эшолмайди. Ўлиб-тирилиб чиранамиз, пешонасига, учрашиш мумкин эмас, деб ёзиб қўйилган одамлар билан учрашаверамиз, ота-онамиздан дакки олишимизга қарамай, иккинчи раундга шайлана-миз, миллионлар қаршисида саҳнага чиқамиз. Оддийги-на иштиёқнинг ўзи кифоя.

Онгингизнинг фикрига кўра, қулайлик ҳудудидан чиқишидан кўра хатарлироқ иш йўқ. Айнан шу боис ҳам онг-тафаккурга эга бўлиш ва фикрларни бошқариш – ўз-гаришлар эшигининг қалити ҳисобланади. Ҳеч қандай гояга эга бўлмай туриб, бирон нимага қарор қилолмай-сиз. Фикрларингизни ҳиссий воқеа-ҳодисалар атрофига тўплашни ўргансангиз (Ура! Мен барменликни ташлаб, ўзим ёқтирадиган кроссовкалар ишлаб чиқарадиган ком-панияга ишга кираман!), хатарли хатти-ҳаракатларга қўл урасиз ва кичкина шаҳзодани ушлаб тура оласиз. Ҳам-маси фикрдан бошланади. Фикр ишонч ва хулқ-атворни ўзгартиришга кўмаклашувчи катализатордир.

Мана, онгингизнинг яхшироқ тушуниш учун кичик-роқ мисол.

Ишончингиз автобусни бошқаради. Бунга эъти-бор қаратасизми-йўқми, фарқи йўқ, у сизни қаёқقا-дир элтади.

Фикр – бу гид. Қўлида микрофон ушлаган ҳудди ўша одам. У эгилиб, рулни буриши, тормозни босиши, тез-ликни ошириши, ҳатто автобусни ағдариб юбориши мумкин. У истаган пайтида истаганини қиласи. Одат-да, у ишонч билан бамаслаҳат иш тутади, лекин унда тақиқлаш ҳуқуқи бор.

Сўз – бу фикр ва ишончнинг ёрдамчиси. Сўз уларни қўллаб-қувватлайди, товуш беради, уларнинг жўнатмаси мустаҳкамлайди, уларга аҳамият касб этади.

Ҳиссиёт – бу ёнилги. Агар уни фикр билан уйғунлаштирса, ишонч ва сафар йўналишини ўзгартириш мумкин. Ҳиссиётсиз эса ҳеч қаёқقا боролмайсиз.

Ҳаракат йўлни белгилайди. У ишонч сари йўлга кўпrik бўлади. Музқаймоқ ейиш учун, фикр ва ҳиссиёт бирон бир газакхонага тўхтаса, ҳаракат зумда йўналишни ўзгартиради.

Онг, тана ва руҳнинг мана шу қисмлари биргаликда иш олиб борганда, бир истакка қаратилганда, йўлда кетаётib, “Қани, бир шиша май бўлсин!” деб куйлаганида, истаган бойликни қўлга киритишингиз мумкин бўлади.

Лекин сиз бир ойда ортиқча беш минг долларни ишлаб топиш айни муддао бўлишини ўйлашингиз, бироқ буни қандай амалга оширишни билмаслигиниз мумкин. Шубҳа-гумонлар ичида одамлар сизни жиiddий қабул қилишмайди деб ҳам ўйлашингиз мумкин. Ҳар куни эрталаб ойнага қараб: “Мен пулни яхши кўраман ва уни осонликча қўлга киритаман”, дейишишингиз, лекин бир марта сим қоқиб, кейин чекиниб, пиво шишасини очишишингиз мумкин.

“Онг” жамоасининг барча аъзолари майдонга тушиб, ажойиб ўйин кўрсатишлари керак. Гарчи арзандаларни ёқтирумасам ҳам таъкидлайманки, айнан сизнинг фикрларингиз – майдондаги энг дадил ўйинчилардир.

Уларни бор кучлари билан ўйнашлари учун, келинг, пул борасидаги энг оммалашган ишончларни кўриб чиқамиз. Атрофингиздагилар ёки ҳатто ўзингизнинг оғзингиздан чиқаётганларига эътибор қилинг. Чунки

зийраклик – шундоқ ҳам нурли бўлмаган сармоявий “ҳақиқат” ингизга теккан қаргишни бузиш учун биринчи қадамдир.

Қани, кетдик:

- Айнан қайси фикр-ишончларингиз чегараланганини англаб олинг.
- Уларни синчилаб текшириб, ўрганиб чиқинг.
- Сизнинг фойдангизга ишлаши учун, уларни қайта ёзиб чиқинг.
- Уларни овоз чиқариб айтинг, бир бурчакка бориб бақириб айтинг.

Ишнинг моҳиятини тушунишингиз учун, сиз учун буни амалда кўрсатиб ўтаман.

Ёмон фикр: Бахтни пулга сотиб олиб бўлмайди.

Савол: Менга нима қувонч келтиради?

Жавоб: Севимли инсонлар билан шакаргуфторлик қилиш, эрувчан пишлоқли сэндвич, севиш ва севилиш, ичагим узилгунча кулиш, зўр совғалар бериш, саёҳатга чиқиш, сайр қилиш, кучукча билан ўйнашиш, машинада елиш, мусиқа тинглаш, пиво симириш, бизнесни кучайтириш, катта-катта чой-чаقا қолдириш, массаж олиш.

Савол: Пул бахтиёрлик рўйхатидаги ниманидир қўлга киритишига ёрдам берадими?

Жавоб: Ҳа.

Қайта кўчирилган фикр: Пул бахтли бўлишимга ёрдам беради.

Ёмон фикр: Ўлиб-тирилиб ишлаб, пул топгандан кўра вақтичоғлик қиласман.

**Савол:** Ишлаб топилган пул вақтичоғлик қилишга ёрдам берадими?

**Жавоб:** Ҳа, лекин жараённинг ўзи унчалик ҳам ёқимли эмас.

**Савол:** Пулни қандай қилиб димоқ чоғ бўлиб топиш йўлини излашга кетган вақтингиз шунга арзирмикин (ахир, бир марта яшаймиз)?

**Жавоб:** Ҳа.

**Савол:** Содир бўлаётганларга муносабатингизни бошқаришингиз ва бошқалар завқ билан пул ишлаб топяптими, демак, бунинг ҳеч бир қийин жойи йўқлиги борасидаги ҳақиқатингизни ўзингиз яратишингизни тушинасизми?

**Жавоб:** Ҳа.

Қайта кўчирилган фикр: Пул ишлаб топиш жараёнини кўнгилхушликка айлантираман.

Агар юқоридағиларга ҳозирча юз фоиз ишонмасангиз, ҳис-туйғуларингизга қулоқ тутинг. Ахир, улар илҳом бериши мумкин-ку! Ҳикоянинг силжиши, яъни ифоданинг ўзгариши қўрқинчли эмас, ҳаётингизга чинакамига ёруғлик олиб киришини наҳот тушунмасангиз? Сиз шунчаки автобусингиздаги карбюраторни алмаштиринг.

Кўйида етакчи позицияга эга ва сизга таниш бўлиши мумкин бўлган пул ҳақидаги фикрлар. Ўзингизникига ўхшашларини танлаб олинг ва хатоларингиз устида ишланг.

Бир вақтнинг ўзида ҳам маънан, ҳам моддиян бой бўлиш мумкин эмас.

Асосийси пул эмас, асосийси – одамлар. Ҳеч қачон қарз олманг.

Пулни қора кунга асраб қўйинг.

Бой одамлар – омади чопғанлар, холос. Улар ёқимсиз, худбин, ўзлари ҳақидағи фикрлари ўта юқори, лекин улар жуда майдакаш бўлишади. Улар супраси куруқ олифта, ўтакеттган манман, ҳатто Рим папасидан ҳам ошибб тушишади.

Яхши топиш учун қора терга ботиш керак. Ўзингизга ёқсан ишни бажариб, пул топиб бўлмайди.

Пул топиш учун мен жудаям масъулиятсиз, дангаса, бефаҳмман.

Пул ҳақида гапириш одобдан эмас. Ишончли иш жоинингиз бўлса бас.

Ишлаб топган пулидан хурсанд бўладиган одам – пасткаш одам.

Пул топиш қийин.

Пул топиш учун яхшигина олий ўқув юртини битириш керак. Пул стрессни келтириб чиқаради.

Пул ҳар доим етарли бўлмайди. Пул фақат фалокат келтиради.

Пул учун иймонимни сотмайман.

Катта-катта топиш учун иссиқ ўринни совутиш керак.

Пул топишни билмайман. Мен қаёқда-ю, пул қаёқда?

Ҳар доим қўшимча режа билан юринг. Усти ялтироқ, ичи қалтироқлар кўп.

Кимда ҳам шунча пул бўлиши мумкин?! У билан нуқул пул ҳақида гаплашиш мумкин, холос.

Тасаввур қилинг, йўлда кетяпсиз-у, ҳар ерда пулга ўхшаган ҳозир нозир нарса ҳақида нафрат билан ўй сур-

япсиз. Масалан, осмонга нима дейсиз? Осмон – барча касофатларнинг илдизи. Осмон ҳақида гапириб бўлмайди. Агар осмонни яхши кўрсам, мен ёмон одам эканман. Осмон яхши одамларни чўчқага айлантириб қўяди. Агар шундай бўлганда, ҳаётдан завқланиш у ёқда турсин, ҳатто уйдан бир қадам нарига чиқмаган бўлардингиз.

Пулдан ҳазар қилсангиз (онгли равишдами ёки йўқми) ёки бу борадаги хато фикрларингизга ёпишиб олсангиз ёки бўлмаса, пул ишлаб топишдан бош тортсангиз, бу сизга ёрдам бермайди. Бу сизни олижаноб одамга айлантиrmайди, сизни зийнатламайди. Натижада очлик эълон қиласиз. Чунки нафақат тирикчилик воситасидан, балки равнақ топишингизга кўмак берадиган йўлдан ҳам ўзингизни қирқиб қўясиз. Пулни қабул қилиб ва оқимга қўшилиб эса ёрқин келажак учун ўзингизга йўл очасиз.

**Муваффақият тарихи: унинг қўлидан келди,  
демак, сиз ҳам эплай оласиз**

*Мана, Сандрадан ажойиб ҳикоя. У 44 ёйда. Сандрда болалигиданоқ қулогига қўйиб келишганидан воз кечиб, истакларига кўпроқ ишонди.*

Мен Ўрта Farбda, бир вагончада яшардим. Энди эса камина – муваффақият қозонган актрисаман ва Калифорния пляжидағи орзуимдаги уйда яшаяпман.

Пул масаласида доим қийинчиликка дуч келардим. Мен ҳамиша, агар бир дунё пул ишлаб топсам, ҳаётим мураккаблашиб, бу ёғига нима қилишни билмай қоламан, деб ўйлардим. Ўзингиз тушуна-

сиз-ку – математика, солиқ, инвестиция, дегандек. Тирикчилик учун зарур бўлганидан ортиқча пул мен тушунмайдиган ёки назорат қилолмайдиган бирон бир даҳшатли нарса бўлса керак, деб қўрқардим. Ўзимни ақдли ва фаҳм-фаросатли деб ҳисобла-масдим. Валдир-вулдир, бемалол эснайверинг.

Биринчи қадам. Ўрнимдан турдим-да, ўз устимда ишладим. Фикр ва ишонч – бу калит. Мен пул ҳақидаги қўрқувдан халос бўлиб, янги ғояларни ўйлаб топдим. Масалан, ўзимга ўзим бундай дедим: мен ўзимни севаман, ўзимни маъқуллайман, бутун борлиқдаги барча яхшиликлар ва бойликларга бағримни очаман, мен муваффақият, мукофот, пул, дунёнинг энг гўзал мукофотларига муносибман. Пул ҳаммага етади, шу жумладан, менга ҳам.

Иккинчи қадам. Ўзим умуман тасаввурга ҳам эга бўлмаган ишни қандай олиб боришни биладиган одамлар билан боғландим. Аҳамиятга эга недир яратиб, ўзлигимни англадим. Юридик масалалар юзасидан олди-сотди ва саранжон-саришталаш ишларини бошқа одамларга ишониб топширдим. Лекин мени алдаб, чув туширмасликлари учун кўз-кулоқ бўлдим.

Учинчи қадам. Неча марталаб йиқилиб, яна қайта ўрнимдан турдим. Ҳозир ҳам шундай. Муваффақият – йўлнинг охири эмас. Бу поёнсиз йўл. Ҳар жабҳада муваффақиятни кўриш, ҳис қилиш учун тинмай шуғулланаман.

Ўзингизни севинг, чунки сиз ягонасиз. Кўлингиздан келадиганини қойиллатиб бажаринг. Ҳатто одамлар сизни тентак дейишса ҳам, эътибор бер-

манг. Қандай қарорга келишингиздан қатъи на-  
зар, чўнталингиз қаппайиб, кўнглингиз хотиржам  
бўлиши учун, ишингизни хурсандчилик, илҳом ва  
фидокорлик билан бажаринг.

## БОЙ-БАДАВЛАТ ИНСОНГА АЙЛАННИНГ

Тегишли пул мантраси (бу мантрани такрорлаб  
юринг, ҳис этинг, у билан нафас олинг):

Мен пулни яхши кўраман, пул эса мени.

1. Ота-онангиз пул ҳақида айтган бешта асосий жиҳат-  
ни ёзиб чиқинг.
2. Биринчи бандни ўқиганингизда пайдо бўлган бар-  
ча салбий фикрларни ажратиб, уларни қайта ишланг  
(ушбу бобнинг юқорисида кўрсатилганидек).
3. Уларни қайта ёзиб чиқиб, пул ҳақидағи янги ҳақиқа-  
тингизга айлантиринг.
4. Ўзингизга яқин бўлган ўша янги фикрни олиб, уни эр-  
талаб ва кечқурунлари қайта-қайта ёзиб чиқинг. Ўша  
фикр томирларингизга қуйилаётганини ҳис этинг,  
ичингизда такрорлаб юринг, овоз чиқариб айтинг,  
токи ўз-ўзингизникуга айланмагунча ўша фикр билан  
банд бўлинг.
5. Хавфизликка қанчалик ёпишиб олганингизни ва бу  
ҳаётингизнинг бошқа жабҳаларида ҳам халал бер-  
ётганига эътибор беринг. Балки сиз номақбул одам  
билан учрашаётгандирсиз. Эҳтимол пулни кераксиз  
жойга сарфлаётгандирсиз. Ёки бўлмаса, зерикарли  
жойда ишлаётгандирсиз-у, сизни яхши кўришларини  
истарсиз, ўзингизни шунга мажбурман, деб ўйларсиз,

агар ишдан бўшасангиз, сизни муҳокама қилишларидан чўчирсиз. Ёки вайсақи қўшнингизга таклиф этмасларидан кириб келавериш одобдан эмаслигини айтолмаётгандирсиз. Сизга халақит қилаётган, аммо сизга ишончилик туюлаётгани туфайли қўйиб юбориши истамаётган нарсани топинг. Биринчи қадами қўйиб, ундан халос бўлинг. Бу осон эмас, албатта, шу боис, агар ўша сабабни тополмаётган бўлсангиз, ўйлашда давом этинг. Кичкина ўзгариш ҳаётингизнинг барча жабҳаларида улкан силжишга олиб келади.

*Илтимос, чизиқлар ўрнини тўлдиринг:*

*Мен пуллардан миннаторман, чунки \_\_\_\_\_*

## ИККИНЧИ БОБНИНГ ДАВОМИ

### ЯГОНА ОНГ

**Б**утун борлиқни яратган Ягона Онг ҳақида кўплаб фикрлар ва назариялар мавжуд. Баъзи одамлар буни Худонинг құдрати, баъзилар – Қалб, баъзи бирлар эса – шунчаки сафсата дейишади. Агар сиз санаб ўтилганларнинг охиргисига тааллуқли бўлсангиз ва бойиб кетишни истасангиз, шубҳаланишни бир четга суриб қўйиб, янги билимларни ўзлаштиришингизни маслаҳат бераман.

Гап Ягона Онг пул борасида сизга ёрдам беришига ишонища эмас. Ўйлашимча, сиз шундоқ ҳам бунга ишонмайсиз, шунчаки ўзингизга бу тўғрида ҳисобот беришни истамайсиз. Тақдир, омад, илоҳий куч... Лекин эшик қоққанингиз аниқ. Жамоангиз ютқазаётганда ёки машина қўзгусидан орқадан полиция машинасининг қизил-кўк сигналини кўрганингизда, илтижо қилгансиз. Улуғвор ниманидир кўрганингизда, Худо деб аталмиш зотга миннатдорлик билдиргансиз ёки гапингизнинг

ярми оғзингизда қолган. Ғойибдан зеҳнингиз очилиб кетган. “Билмадим, ишдан қайтаётиб онамнинг дугонаси уйи тагида мени нима тұхтатдийкин, лекин тұхтамағанимда, онамнинг дугонаси йиқилеміб ётганини құрмай қолган бүлардым”. Сиз тушунишингиз мушкул бұлған неңидир күргансиз, лекин үша нарса аниқ сиз билан содир бұлған. Агар зигирча-да фаҳмингиз бұлса, сиз аллақачон Ягона Онгга дуч келгансиз.

Буларга жон күйдираётганимнинг сабаби оддий. Атрофимиизда бешта сезги органимиз билан тушунолмайдиган күплаб ҳодисалар содир бўлишини тан олганингиз заҳотиёқ, сиз Коинотнинг улкан ва чексиз құдрати билан бирга иш олиб бора бошлайсиз. Бу куч энергиядан иборат, унда ҳамма нарса тебраниб, ҳаракатланиб туради, ўзгаради ва гувиллайди. У кўзга кўринадиган ва кўринмайдиган нарсалар: қўлингиздаги китоб, микротўлқин, сизнинг машинангиз, гишт, чипс, сўз, тош, мусиқа учун ҳақиқатдир. Ҳаммаси кучли тебранади, фақат муайян частота мавжуд. Онг мавжуд бўлган ердаги частота ҳар қандай ахборотни бизнинг фойдамизга ишлашига кўмак беради.

Ўхшаш тебранишдаги нарсалар бир-бирига тортишади. Бахтиёрлигингизда, миннатдор бўлганингизда, яхшиликларга дикқат қаратганингизда, сиз юқори частотали нарсаларни ўзингизга тортасиз. Юрак ҳовучлаб, омадсизликни кутиб турганингизда, паст частотали нарсаларни тортасиз. Бу Тебраниш Қонуни деб аталади. Ушбу қонуннинг тамойилини тушуниб олганингизда эса ўзингиз истаётган нарсалар эга бўлган частотали фикрлар билан ўйлай бошлайсиз. Шу тариқа, улар сизни

эмас, сиз уларни ўзингизга тортасиз. Мана шу карточка орқали қарзимни ёпганимдан бирам миннатдорманки, деб такрорлаганча, ўн беш минг беш юз доллар миқдоридаги қарзингиз кредит картаси орқали тўллаганингиз қанчалик зўр иш бўлганини ўйлаб кўринг. Ҳақиқий чек ёзиб, уни кўздан кечириб, аниқ суммани керакли частотада узатиш қанчалик мароқли бўларди-я. Қолаверса, бу пулларга қаршилик кўрсатишни камайтиради. Қаршилик сизни тарк этгач, табиий ҳолатга, оқимга тушасиз. Ҳеч нарса сизнинг энергиянгизни сиқмайдиям, безовта ҳам қилмайди ва ана шунда Коинот сиз учун барчасини амалга оширади.

Биз: “Ўз кўзларим билан кўрсамгина, ишонаман”, жумласига дастурланган дунёда яшаймиз. Бу сал ғалати туюлади, нега десангиз, биз кўрмайдиган чексиз имкониятлар тиқилиб ётибди. Шу тарзда, биз электр энергиясини ва гравитацияни ҳам кўролмаймиз. Ҳаётимизга жиiddий таъсир ўтказадиган икки нарсани жуда кам одам тушунади, лекин ҳеч ким уларни рад этолмайди ҳам. Ягона Онг ва Тебраниш Қонуни. Гравитацияга ишонганингиз учун ҳам томдан пастга энгашмайсиз. Электр энергиясига ишониб, бармогингизни розеткага тиқмайсиз. Жараённи тушунмайсиз-у, лекин қоида бўйича иш кўрасиз. Тебраниш Қонуни ишини ҳис этишингиз ва Ягона Онг билан муносабатингизни чуқурлаштиришингиз биланоқ, уларнинг қудратига ишона бошлайсиз.

Ягона Онгга қанчалик кучли уланган бўлсангиз, частотангиз ҳам шунчалик юқори бўлади. У билан икки йўл: жўнатма ва қабул қилинувчи фикрлар орқали алоқага чиқа оласиз.

## ЖҮНАТМА ФИКРЛАР

Биз онгли фикрлаш қобилятига эга Ер юзидағи ягона мавжудотмиз. Бу қобилятни Ягона Онгга қандай бўлиши кераклигини кўрсатган ҳолда, ҳақиқатимизни ўзгартириш учун қўллаймиз. Ягона Онг неки мавжуд бўлса, барчасини яратган ва бўлгуси мавжудликни ҳам у яратади. Фикр эса Коинот билан мулоқотга кириб, ҳаёт қуришнинг бир воситасидир. Агар сиз “Дам олишга кетолмайман ва вазият қандай ўнгланишини билмайман” қабилида фикр жўнатсангиз, Коинот: “Тушунарли! Сен буни ўзингга раво кўрмайсан. Шундай экан, уйда ўтиравер”, деб жавоб қайтаради. Худди мана шу тарзда, ўзингизни енгиб, вазиятни ўнглашингиз мумкин. Аллақачон мавжуд бўлган ҳар қандай нарсани тасаввур қилишингиз мумкин. Билиб турибман, сал ғалатироқ эшитиляпти-ю, лекин сиз менга қулоқ тутинг.

Барча жисмоний ва маънавий-рухий ахборот Ягона Онгдан сув ичади. Фикрларимиз қаердан пайдо бўлади? Зигирдек уругдан униб чиқадиган гул қаерда? Мушукларга кийим ишлаб чиқарадиган фирма яратиб, даромадингизни икки баробарга кўпайтирадиган мавжуд ҳақиқатингиз-чи? Буларнинг барчаси руҳий-маънавий дунёда мавжуд, моддий жиҳатдан қандай амалга ошишибши эса бизга ва бизнинг онгимизга боллиқ. Агар ниманидир ўйласангиз, демак, бу аллақачон мавжуд. Манба битта экан, бу нафақат сизнинг хаёлингизда, шунингдек, моддий жиҳатдан ҳам мавжуд. Бу тушунча 3897 саҳифадан иборат китобга, жойнамозга, медитация мўлжалланган қайнатма челягига жо қилинганд. Лекин мен сизга бунинг қисқача талқинини кўрсатаман.

Бешта сезги органларингиз орқали олинадиган ах-борот эмас, фикрларингиз ҳақиқатни айтиб туради. Шундай экан, башарти, онангизнинг уйидаги ертўлада яшаб, Макдональдсда соатига саккиз доллардан ишлайдиган бўлсангиз, лекин ички нигоҳингизни шахсий товуқ фермаси ҳамда “Кадиллак”ка қаратган бўлсангиз, сизнинг ҳақиқатингиз – ферма ва “Кадиллак”дир. Фикрларингиз Ягона Онгга нарса-ҳодисаларни қайта жойлаштириш кераклигини айтади. Буни шундай амалга ошириш керакки, истак-ҳоҳишларингиз моддий жиҳатдан ўз аксини топсин (кўришни ва янгиликни қабул қилишни ўрганишингиз керак, лекин бу ҳақда кейинроқ гаплашамиз). Фикрларингиз ҳис-туйгуларингизни қўйиб юборади, шунда ҳаракатни бошлайсиз ва ҳақиқатингиз ўзгаришга тушади.

Айнан шу тарзда аравага михланган одамлар тоқча чиқишида, фақирликда катта бўлганлар бой-бадавлатга айланади. Улар фикрни мутлақ ҳақиқат деб билишади. Бу фикр ҳақиқатга қанчалик тўғрилиги муҳим эмас. Бу одамлар атрофидагилардан қониқмай, истакларини амалга ошириш учун барчамизга берилган кучдан фойдаланишади.

• •

*Кўринмас дунё қўринадиган дунёни яратади.*

• •

Бойлик онгига эга бўлиш – бу танловдир. Яъни сиз камбағаллигингизча қолиб кетишни эмас, пул ва бойиб кетиш ҳақида ўйлайсиз.

## ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН ФИКРЛАР

Коинот ҳамиша бизга күриниб туради. У қўлида бир финжон қаъва билан ишни муҳокама қилиб, ёрдам беришни истайди. У биз билан қўйидагича алоқага чиқади:

**Интуиция орқали:** Кўнглим сезиб туриди, шу уйни сотиб олишим керак. Мен истаётган нархдан каттароқ баҳоланаётганининг аҳамияти йўқ. Бу тўғри йўл.

**Синхронлик орқали:** Қизиқ, тайёргарлик курсидаги Шэрон ҳозир нима қилаётган экан-а? Вой, буни қаранг, унинг ўзи қўнғироқ қиляпти-ку.

**Илҳомланиш орқали:** Қани, дилтортар қўшиқ учун хаёлимга гойибдан келиб қолган гояни эшитиб кўр-чи.

**Истак орқали:** Гарчи уммонни умрим бино бўлиб кўрмаган эсам-да, дengiz биологи бўлишим кераклигини биламан.

**Тасодиф орқали:** Китобнинг зўр жойини очибман-да. Бу ўқишим шарт бўлган саҳифа!

**Меҳр-муҳаббат орқали:** Ич-ичимдан қанчалик беназир эканимни биламан.

Агарда бу ҳаётда ҳаммага кимлигингизни кўрсатиб кўйишга жазм этган бўлсангиз, Коинот билан алоқани кўйидаги тартибда кучайтиринг:

- **Онгингизни тинчлантириб, у сизга етказмоқчи бўлган ахборотни қабул қилишни ўрганинг.**
- **Ушбу ахборот (интуициянгиз) барча саволларингизга жавоб беради, деб ҳисобланг.**

- Номаълумлик томон үйл олганингизда, таслим бўлиб, ишонинг, Коинотнинг ўзи сизни ҳимоя қиласди.
- Ишонинг, ўзингиз билмайдиган нарсани ҳозирча билмаганингиз маъқул. Коинотнинг ўзи сизни эргаштиради.

•  
*Барчамизда фикрларимиз кўмагида Коинот қудратидан фойдаланиши имконияти бор.*  
• • • • • • • • • • • • • • • • • •

Мабодо шуларнинг барчаси сизда суперқаҳрамон плашини сотиб олиш истагини уйғотмаган бўлса, бир нима дейишга ҳам ҳайронман.

## УЧИНЧИ БОБ

### МЕНГА ПУЛНИ КҮРСАТИНГ

**Б**ир куни онамниги мәҳмонга бордим. Эртасига каллаи саҳарлаб ошхонага тушсам, онам эгнида халат, қўлида бўш дўлча билан қовогидан қор ёғиб турибди.

– Сут тугабди, – деди онам вазмин оҳангда.

Онам оёғимиз тагидаги дўконга чиқиб келиш учун ясан-тусан қилиб боргиси келмаётгани алайно-ошкор эди. Яххиси, эгнида халат, оёғида кроссовка, бошида бейсбол кепкаси ва лабида апельсинранг лаб бўёғи билан бора қолишини айтди. Шундан кейин гаройиб бир персонажга айланиб қолди: “Етмишдан ошдим, бўлар энди таманно қилиш”.

Онамдаги юмор ҳисси жудаям ажойиб-да. Умуман, ўзи у ҳамишабаҳор аёл. Шунгами, руҳи тушиб, менга қўнғироқ қилиб, “\*\*\*\*\*”нинг маъносини билиб олганини айтганида ёқамни ушлаб қолдим. “Наҳотки? – деб ўйлаб қолдим. – Укаларим ва сингилларимни худди шу сўзда уришмаганмиди?” Бироқ онам чинакамига хафақон бўлиб, таъби хира бўлганди, риёкорликни бир четга суриб кўйсак, бу жуда кулгили эди.

Ўшанда онам ўзининг гўзал тарихий шаҳарчаси ватилик кенгашининг фаол аъзоси эди. Аъзолик вақтида ўзи ёқтирган ишлар билан банд бўлганди. Масалан, қурувчиларнинг қўлига тушиб қолмаслиги учун севимли хиёбонни ҳимоя қилган, Мейн-стритга наргисгуллар ўтқазган ва шаҳарнинг дикқатга сазовор жойларига бир дунё йўл белгиларини ўрнаттирмасликка тиришган.

Афтидан, шаҳарнинг дикқатга сазовор ерлари учун кураш уни қўнғироқ қилишга ундаган. Онам бошини ёстиқقا буркаганча: “Э, Парвардигор”, деб ётарди. Билганларим қўйидаги бўлди. Ўшандан бир кун аввал у атоқли ва ҳурматли васийлар олдида нутқ сўзлаган. “Бу борйўғи бир муюлиш бўлса, бешта кўрсаткичнинг, бешта-я, нима кераги бор? Йўл белгилари шаҳар тароватидан баҳра олишга халал беради. Бу солиқ тўловчиларнинг пулларини ҳавога учиришдан ўзгаси эмас. Агар шунчалик \*\*\*\*\* бўлсанг, беш сантиметрният кўрсаткичсиз босиб ўтолмасанг, нега рула гўтирасан?”

Кейин билишимча, она “\*\*\*\*\*” сўзини ҳурматли кенгаш олдида биринчи марта қўллаши эмас экан. Бир неча йил мобайнида ўша \*\*\*\*\*лар билан курашиш учун ўша сўзни ишлатиб келаётган экан. Онам ёқтиргмаган фармойишларни чиқарган \*\*\*\*\*лар, гастроном қархисидағи йўлакчага “2003 йил битиравчилари” деб ёзган \*\*\*\*\* катта синф ўқувчилари, яна-тағин ўтган Хэллоуинда Элм-Роуддаги симёғочни маст ҳолатда машина миниб уриб юборган \*\*\*\*\* пиёниста ҳайдовчига қарши ишлатган ўша сўзни.

Ўзининг шаҳарчасидаги аҳмоқликларга қарши курашиб, онам ўзи учун сўзларни танлай билиш заруратини англаб етади. Қолаверса, ўзи учун ҳам қизиқ персонажга

айланади. Сўзларингиз, фикрларингиз ва ишончингиз ҳақида ўй суриб кўрмаган пайтингизда ҳаётингизни автопилотда ўтказаётгандек бўласиз. Сиз, масалан, беихтиёр ишончларингиз ота-онангиз ёки атрофингиздагилар ҳақиқатига эмас, ўзингизнинг ҳақиқатингизга асосланган, деб ҳисоблай бошлайсиз. Ёки сўзларингиз илгарилари эшитиб билиб олганларингиз йифиндиси ва сўз бойлигингиз қашшоқлигининг исботи эмас, бу ўз фикрингиз эканини таъкидлайсиз. Шошманг. Биз аслида ўзимиз ўйлаб топган ҳар қанақа сафсатага кўп вақт сарфлаб юборамиз.Faflatдан уйгонишингиз биланоқ, фикрларингиз, ишончингиз ва сўзларингиз устидан назоратни қўлга олинг. Сўзларни ақл билан танланг, ана шунда боши берк кўчага кириб қолмайсиз, молиявий қийинчиликка дучор бўлавермайсиз ёки онамга ўхшаб оддий боғбондан гина-кудурат қилиб юрмайсиз.

• •

*Агар онгимизга ўзимиз эгалик қилмасак, ҳаётимизни тажрибалар асосига қуриш хавфига дучор бўламиз.*

• •

Онгта эгалик қилиш – ҳаётнинг муҳим бўлакларидан бири. Бу, айниқса, гап пулга бориб тақалганда керак бўлади, чунки ер юзида пул катта роль ўйнайди. Пулсиз қозон қайнамайди, ахир. Уйдан кармонсиз чиқиб кетаётганингизни англаб қолиш худди телефонингизни метрода ёки кекса бувингизни бекатда унутиб қолдиришдек кишини даҳшатга солади. Бир кунимиз ҳам пулсиз ўтмайди. Биз пулдан фойдаланамиз, пул эвазига сотиб олинган буюмлардан қувонамиз.

Бир. Кунимиз. Ҳам. Ўтмайди. Пулсиз.

Кетаётган йўлимизга, эшитаётган мусиқамизга, завқ олаётган эркинлигимизга, саёҳатларимизга, дунёга келётган фарзандларимизга, чўмилаётган ҳаммолимизга, ўқиётган шеърларимизга пул сарфлаймиз. Пулни ҳар ердан – чанг-тўзон ичидан ҳам, айб ишлардан ҳам топиш мумкин.

Аммо-лекин пул ҳақида гапирганимизда, қандай хисларни туйишимиз ёки умуман, пул нима экани ҳақида бош қотирмаймиз ҳеч.

Хуллас, эътиборингизни шунга қаратмоқчиман.

## ПУЛ – АЙИРБОШЛАШ ВОСИТАСИ

Қадим замонларда, башарият пулни ихтиро қилгунига қадар, одамлар бартер асосида товарлар ва хизматларни айирбошлишган. Улар тог-тог ҳайвон териси ва бир сумка туз эвазига тош деворлар қуришган ёки бир неча қиз бадалига қаср сотишган. Кейин улар тушуниб этишдики, тери ва тошни кўтариб юриш мушкул, қуриш ишлари ҳам анчагина вақтни олиб қўяди. Шу боис, одамлар пул тушунчасини ўйлаб топиши, тангаларга, кейин эса купюраларга қиймат бериши. Эндиликда сиз шунчаки кармонингизни кавласангиз кифоя, энг аъло бешта туяңгизни машинага алмаштириб ўтирумайсиз.

Пул – бериш ва олиш асносидағи ўлчов бирлиги. Кўпчиликнинг фикрига қарамай, пул ёмон ҳам, яхши ҳам эмас. Душман ҳам, дўст ҳам эмас. Ифлос ҳам, пок ҳам эмас. Пул – бу пул, унинг ўзига яраша муаммоси бор. Пул – бу бор-йўғи восита. Сизнинг истакларингиз, фикрингиз ва сўзларингиз унга аҳамият касб этади. Айнан

шуларга кўра, сиз чўнтағингиз тўла пул ёки пулдан йироқ бўлишни истайсиз.

Айнан пул ифлос ёки ҳалол экани тўғрисидаги фикр ва жумлалар жиёддий молиявий инқирозга сабаб бўлади. Масалан, мана, сизга кичкина жумла, эҳтимол эшитгандирсиз ҳам.

\* \* \* \* \*

*Барча ёмонликларнинг илдизи – пулдир.*

\* \* \* \* \*

Ҳа, дунёда одамлар пул учун қиладиган даҳшат ва адодатсизликлар тўлиб ётибди. Лекин барча ёвузликлар пул томонидан эмас, одамлар томонидан амалга оширилади. Бу худди автоҳалокатда рулда ўтирган аҳмоқни эмас, машинани айблашдек гап. Яна-тагин сабзавот арчаётib қўлингизни кесиб олганингиз учун пичноқни айблашингиз мумкин. Машина, пул, пичноқ – булар бор-йўғи қувонч ва тотли саёҳатлар учун бир восита холос. Улардан ажойиб тўй совгаси чиқади.

Марҳума муҳтарама Айн Рэнд айтганидек: “*Пул – бор-йўғи восита. У сизга истаганингизни беради, лекин мақсади сари интилаётган инсоннинг ўрнини босолмайди*”.

Тилимизда бир-бирига боглиқ бўлган сўзлар мавжуд. Бири қайдан бошланиб, иккинчиси қайда тугашини билмай, бош қотиши турган гап. Масалан, муҳаббат – эҳтирос, хушомад – лаганбардорлик, хотиржам – мастерлик. Гап пулни қўлга киритиш ҳақида кетганда, одамлар буни кўпинча “очкўзлик” деб аташади. Ушбу мисолларга диққатни қаратиб, бир дақиқага чағиб, ҳақиқатни эълон

қилиш мумкин. Бу асабни асраб, бош оғриғидан холос бўлишга ёрдам беради. Шунинг учун очиқчасига гаплашамиз.

Очкўзлик: еб тўймаслик, худбинона равишда қўп-роғига эга бўлиш истаги.

Шунингдек, пул билан “ҳокимият учун кураш” атама-си ҳам боғлиқ: мустабидлик ва шафқатсиз усувлар билан қўлга киритиш. Э, ҳа, дарвоқе, “ахлоқсизлик”ни унугиб-миз-ку.

Ўзининг хатти-ҳаракатлари бошқаларга қандай таъ-сир кўрсатишига ва қонун бу борада нима дейишига тупуриб қўйиб, шахсий манфаатдорликка қаратилган ахлоқий инқироз.

Кўйида одамлар “пул” сўзини ўзининг маъноси билан ишлатмасликларига мисоллар келтирамиз.

Пул иймондан айиради.

Пул билан дўстлик – мой ва сув каби.

Пул яхши инсонларни маҳлукқа айлантиради.

Жуда ёмон, тўғрими? Пул уйингизга бостириб кириб, юзингизга мушт туширмайди-ку. Э, Худойим-ей, пул шунчаки турли буюмларни сотиб олишингизга ёрдам бермоқчи холос. Башарти, қўп ишлаб топмоқчи бўлсан-гиз, қўйидағиларни ҳам инобатга олишингиз керак.

## ПУЛ – БУ ОҚИМ, ОҚИМ ЭСА ЭНЕРГИЯ

Пул – оддий қоғоз, ундан ортиғи эмас. Пулга биз қиймат ва энергия берамиз. Масалан, кекса хонимнинг май-сазорини хазонлардан тозалаганингиз учун олган эллик доллар метрода бир бечоранинг чўнтағидан ўғирланган эллик доллардан ўта фарқ қиласди. Беш долларлик лиқил-

лаб қолган стул агар унда Дэвил Боуи ўтирган бўлганда, беш минг долларга баҳоланаарди. Баъзи рассомлар сувратлари учун икки юз доллар, баъзилар эса йигирма минг доллар олишади. Сизни ишга ёллашгач, ҳақ учун жуда кам сўраганингизни англаб қолганингизда, гонорар шимидириқقا ўхшаб қолади. Агар кўп сўрасангиз, зардангизни қайнатишади, шунда сиз ўзингизни жуда ёмон ва номуносибдек ҳис этасиз. Агар ишни дўндириб қўйсангиз, ўзингизни ҳавога кўтарилаётгандек, ҳақиқий суперюлдуздек сезасиз.

Пулни олиш ва бериш – одамлар ўртасидаги энергия алмашишдир. Шунингдек, сиз истаётган суммадаги пул билан частотангизни бир хил даражага етказиш ҳам. Бу сиз таклиф қилаётган маҳсулот ёки хизматнинг қийматини ўзингиз учун англаб олиш, ўзингизни ғалати тутиб, ҳадеб узр сўрайвериш эмас, қувноқ ва миннатдор бўлиш зарурияти демакдир. Қолаверса, пуллар сиз томон йўлда, ҳеч қаёққа йўқолиб қолмаганига ишониш ҳам деганидир.

Бир нарсани тушуниб олиш керак. Пул сизга бошқа одамлар орқали, лекин Ягона Онгдан етиб келади. Шунинг учун ҳам манфаатдор буюртмачиларга эмас, ўз частотангизга диққат-эътиборингизни қаратишингиз лозим. Бу хазина калитининг ўзгинаси.

Келинг, тасаввур қилайлик, Янги Шотландияда ўтказилаётган каштачилик конференциясига бувингизни нуфузли вагонда жўнатишингиз учун тўрт минг доллар керак. Ахир, бу саёҳат жонажон бувингизнинг орзуси. Пул йигиши учун ҳали қутидаги қадоғидан очилмаган Оби-Ван Кеноби фигурасини сотишга қарор қиласиз. Кимдир Оби-Ван Кенобига жиiddий қизиқиб қолади. Унга “Юлдузлар жанги” коллекциясининг энг зўр қисмини

бераётганингизни уқтириңг. Яна сизга керак бўлган пул ўрнига қўш нурли қилични ҳам тасавур қилинг. Бувижонингизни нуфузли вагонда ўтирганини кўз олдингизга келтириңг. Кампиршо шампань мусалласидан симирганча, шерикларига каштачилик ва керакли мато ҳақида сўзлаб бераётган бўлсин. Сиз ўзингизга керакли пуллар ҳақида ўйлайсиз, улар эса кимнидир қадрламоқчи бўлган истагингизга пешвоз чиқишиди. Маблағ топиш учун сиз тақдим этадиган қувончни, пуллар учун миннатдорликни туйишингиз шарт. Айтганча, Коинот сизга ёрдам қўлини чўзганини ҳам унутмаслигингиз керак.

\* \* \* \* \*

*Одамлар пулга картошка фри кетчупга қилгандек  
муносабатда бўлишади – булар бор-йўги йўлбошловчи.*

\* \* \* \* \*

Кимнидир нимадир қилишга мажбурлаш сизнинг ишингиз эмас. Муайян бир одамга диққатингизни жамлашга ҳам мажбур эмассиз. Эҳтимол, бу билан Коинот юборган бир сумка пулдан ўзингизни маҳрум қилаётгандирсиз. Бу бир умрлик муҳаббатни жалб қилиш қарори билан баробар. Сиз ўша одамнинг фазилатларига диққат қаратасиз, у билан учрашувдан завқланганингизни кўриб, у ҳам сизни ахтара бошлайди. Тез-тез табасум қилиб, ҳамма ёқса юракча расмини чизиб ташлайсиз, уйингизда тўй гуллари ифори сузиб юрибди. Мана, сизга таърифу тасвир. Қаҳвахонадаги мотоцикли бор хушрўйни бир-бирингиз учун яратилганингизга ишонтиришга ҳам ҳаракат қилмайсиз. Йўқса, сиз учун аталган хув, анави катта бурунли йигитни қўлдан чиқарасиз.

Пулни қўлга киритиш жараёни ҳам шу тарзда ишлайди. Сиз зўр бериб ишлайсиз, фикрларингиз, ҳаракатларингиз ва сўзларингизни бир ерга жамлаб, кераклисини яратасиз. Қолганини эса Коинотга қўйиб бераверинг.

Ҳамма гап энергия алмashiшда. Таниш-билишларимга дўстона чегирма қилиб берганимда ёки уларни мураббийлик сессияларига бепул ўтказиб юборганимда, бу ҳақда кўп нарса билиб олдим. Менинг ишимнинг қадрсизланиши уларнинг зўр бериб тиришишларининг қадрсизланишига баҳона бўлди. Том маънода улар ҳеч қандай сармоя киритмадилар. Мен қош қўяман деб, кўз чиқариб қўйгандим. Мен пулларнинг частотасини тушириб юборгандим, аслида эса ўзимизни қўлга олиб, эсли-ҳушли одамлардек ҳаракатланишимизни талаб қилишим керак эди. Бу ёрдам жараённинг барча иштирокчилари учун заарли, бекорга вақт сарфлашни англатарди. Агар ўша танишларимдан пул олишга уялмаганимда, бу ҳолатга тушмаган бўлардик.

Пул – бу оқим, оқим эса энергия. Агар кимнидир хурсанд қилиш учун гужанак бўлиб олиб, нархни туширсангиз, сиз қарийб овоз чиқариб: “Сен ўсиб-униб, керакли пулни жалб қила оласан, деб ўйламайман. Ўз қадрим учун сендан кераклисини оламан, деб ҳам ўйламайман. Мен умуман нимага қанча олишни билмайман”, деган бўласиз.

Энди чегирма қилиб бермайман. Лекин бу хайрия билан шуғулланмаётганимни, стипендия таклиф қилмаётганимни, буюмларни сотиб битиришга олиб чиқмаётганимни англатмайди. Бу ишлар билан фақат вазият атрофидағи энергия тоза бўлса, шуғулланаман. Яъни энергия уят, ишончсизлик, ноқобиллик ва айбдорлик

хиссидан эмас, куч-құдрагат ва имкониятлар маконидан келаётган бўлса.

Пул – янгиланиб турувчи манба. У сувнинг кўтарилиб, пасайиши каби келади-кетади. Пул айланиб туриши керак.

Агар биз ўзимизни арzon-гаровдек тутсак ёки пулларни нопок йўл билан топсак, пул келадиган ҳалол йўл бекилиб қолади. Биз ўзимизни фаровоnлик эмас, талафот позициясига қўямиз.

Кўпинча пулга яхши муносабат ва энергиянинг мавжудлигини оддий ҳолатлар орқали ҳам кўрсатиш мумкин бўлади. Официантга катта чой-чақа қолдириш, асфальтдан чоракталик топиб олиш, гарчи буни текинга қилган бўлсангиз-да, қўшнингизнинг кўпагига қараб турганингиз учун ҳақ тўлашларига изн бериш мумкин.

Дикқатни қанча кўп жамласангиз, шунча кўп яратасиз. Шундай экан, режангиз бойиб кетиш бўлса, фаровон турмуш ҳақида кўп-кўп ўйлашингиз керак. Курбингиз етганча беринг, миннатдорлик ва хурсандчилик билан қабул қилиб олинг. Пул менинг жўрам, деб ўйланг, ўз частотангизни оширинг ва оқимга ўзингизни ташланг.

### **Муваффақият тарихи: унинг қўлидан келди, демак, сиз ҳам эплай оласиз**

*Мана, сизга қирқ ёшли Жо ўзига пулларни жалб қилиб, ўшилига қирқ долмар ўрнига юз минг доллар ишилаб топа бошлигани ҳақидаги ҳикоя*

Бирмунча вақт пул ҳақидаги фикрлардан йироқда яшадим. Қўлимда кўп пул бўлишига муносаб эмасман, деб ўйлардим, ўзимга нисбатан ўта қаттиқўл эдим. Бу эса ўз-ўзимни хонавайрон қилишга олиб келаётганди.

Сўнгра ўз-ўзини ривожлантириш ҳақидаги китобларни ўқиб, эшита бошладим. Иш жойимгача бир соат юриб, шу тарзда кунига кам деганда икки соат китоб ўқиб, эшитадиган бўлдим. Яратган Эгам ва Коинот нијатларим ижобатини инъом этишини англаб етганимда эса ижобий томонга ўзгара бошладим. Ўзимнинг кўзимга чўп тиқмаслигим керак эди холос. Гап шундаки, инсоннинг ўзи ҳам юракдан хоҳлаши керак.

Мен корпоратив мухитда ишлардим. Ариза бериб, ақл билан ишлай бошлагач, карьера пиллапояларидан кўтарила бошладим. Мен ўзимга кўпроқ масъулият юклаб, қулайлик ҳудудидан чиқиб кетишга ҳаракат қилдим.

Бу ишга нима учун жойлашганимни биламан ва бу менга илҳом бағишлийди. Мен одамларга ёрдам беришини ёқтираман. Миямни ишга солишни яхши кўраман. Ҳар хил қизиқ-қизиқ вазифаларни бажаришни хуш кўраман. Иш жойимдаги дўстона мухитдан завқ оламан. Янги лойиҳа бошланганда бир жойда тўхтаб қолмасликни ҳам биламан. Галаба ҳисси гиёҳванд моддадек гап.

Авваллари пулдан қийналардим, энди эса атрофимда нуқул пул. Пулларни ўзим томон жалб эта оламан. Одатда, ҳаммаси учун кредит картадан тўлайман, лекин ҳар эҳтимолга қарши уйимнинг бир неча бурчагида нақд пул ҳам сақлайман. Сарф-харажат қилиш учун эмас, ҳамма ёқда пулим борлигини, қўлимни чўзсан, этишини билиш учун. Билиб турибман, гапларим сал қўпол эштиляпти. Бироқ мен учун ҳаммаси аъло даражада ишлайди. Кутимаган ҳолатлар, қийинчиликлар юз берса, хавотирланиб ўтирумайман. Кўркувингизни енгинг – илдиз-томирига етиб боринг-да, юлиб ташланг.

## БОЙ-БАДАВЛАТ ИНСОНГА АЙЛАНИНГ

Тегишли пул мантраси (бу мантрани такрорлаб юринг, ҳис этинг, у билан нафас олинг):

Мен пулни яхши кўраман, чунки пул – барча гўзаликнинг илдизи.

1. Пулни ифодаловчи бешта ижобий сўз ёзинг.

2. Кўлингизга пул олганингизда, ҳар сафар “раҳмат” дейишни ўрганинг. “Пуллар мени яхши кўради, улар мендан қочиб қутуолмайди”, деб ўйланг. Ҳурмат сифатида уйингиз атрофини айланиб чиқинг, чекларни ўпиди қўйинг, фаровоныликни нишонланг. Нимани қадрласангиз, у ҳам сизни қадрлайди. Почта орқали пул келса, қўйган сармоянгиздан фоиз орттирилса, кимдир сизга пул берса, шундай қилинг. Пуллар билан битта энергия оқимида эканингиздан қувониб, миннатдорлик ҳиссига чўминг.

3. Кунига жимгина, пул энергияси билан боғланиб, беш дақиқа ўтиринг. Пуллар атрофингизда учиб юрганини, сизни тўлдириб турганини, юрак-юрагингизга кириб бораётганини тасаввур қилинг. Пиёда кетаётиб ҳам шу машқни бажаринг.

4. Пулларни ҳар доим кўриб туришингиз учун уларни уйингизнинг турли бурчакларида қолдиринг. Бу тўкин-сочинлик, денг ўзингизга. Ўзингизча хазина излаган бўлинг.

Илтимос, чизиқлар ўрнини тўлдиринг:

Мен пуллардан миннатдорман, чунки \_\_\_\_\_

## **ТҮРТИНЧИ БОБ**

### **ЎЗ-ЎЗИНИ ЧИНИҚТИРИШ УЧУН ЭНГ ЯХШИ АМАЛИЁТЛАР**

**M**олиявий қийинчилекларни енгиб ўтиш йўлининг ўртасида “Худди миллионерлардек пул ишлаб топ!” номли икки кунлик семинарда қатнашдим. Аниқ тафсилотлар ёдимда йўқ, аммо Лас-Вегасда, меҳмонхонанинг сал мундайроқ конференциялар залида ўтказилганди семинар. Қисқаси, юз фоиз каминанинг қулайлик ҳудудидан ташқарида. Қирқ ёшга яқинлашиб қолганимда, нақ уч йил мана шундай курсларга қатнагандим. Бу сафар китобларни сотища муаллифларга ёрдам бериш бизнесини бошлагандим. Лекин олти хонали гонорарга етиб бормагандим.

Одатда, шундай тадбирларга ўзимни зўрма-зўраки боришга мажбур қиласдим. Бундай тадбирларда ўзими ни ноқулай сезардим. Албатта, менга ахборот керак эди, бироқ дўстларим мени қай ҳолатда учратишларини тасаввур қиласдим – кўксимга бейжик тақиб олган ва

кичик гуруұқ билан миннатдорлик күчини мұхокама қи-лаётган ҳолатда. Тасаввур қылардим-у, турған жойимда үлар ҳолатта тушардим. Яна-тагин дәнг, “Бойлик учун ким оқанрабо бўла олади?” қабилидаги саволларга “Каминаи камтарин!” дея жавоб берардим. Бошқача айт-ганда, ўзимни булардан юқорироқда кўрардим. Ўзимни жуда зўрман деб ўйлардим. Истеъзочи динозавр Рекс.

Умуман олганда, ўзимни ўзим қайта шакллантириш гояси билан банд эдим. Менга Тебраниш Қонуни ва онг қудрати каби тушунчалар ёқарди. Бутун умр китоб кўтарган хоним эмас, анави саҳнада турған йигит каби мураббий бўлишим кераклигини тушуниб етгандим. Бироқ буни тан олишга уялардим, чунки ўзим учун аҳамиятга эга инсонларнинг бирон нима деб фикр билдиришларидан қўрқардим. Бу коучинг, яъни машгулотлар психолигик тақсимланиш ёки соч ўстириш тониги сифатида кўрилаётганда юз берарди. Вой, бу нима ўзи? Психотерапиями? Нима, сакраш керакми? Алалоқибат, менга бирор финг демади. Аммо қариндош-уругларим мени битта-яримта гуруұға қўшилиб қолган деб ўйлашди.

Хуллас, тадбирни донғи кеттган коуч-мураббий олиб борарди. Мен унинг фаолиятини анчадан бери кузатиб юардим, лекин ҳаётда ўзини кўрмагандим. Мен унинг жўнатмаларига обуна бўлгандим, доим ўқиб борардим ва у сўзамол, қойилмақом нотиқ, деган холосага келгандим. У мен миллион марта эшитган нарсаларни гапиради, бироқ унинг нутқида булар бошқача эшитиларди. Мен қўлимни кўтариб, ўрнимдан сакраб турадим. Кўзим ярқ этиб очилганди. “Ҳа, мен пуллар учун оқанрабоман, жин чалсин! – ва озгина кўз ёши. – Мен ҳақиқий пул оқанрабосиман!” Нима учун бу одам билан ишлашим за-

рурлигини билиб турардим. Фақат шундагина ҳәётимни, бизнесимни чинакамига ўзгартириб, мунтазам равиша катта-катта гонорарларга калитни топа олардим. Шу билан бирга, мевали коктейлдан симирганча, пляжда ағанаб ётишим учун.

Семинарнинг биринчи кунида ички иқтидоримизни тадқиқ қилиш билан банд бўлиб турган бир пайтимизда мураббий ўзни билан ишлаш учун бизга икки имконият берди. Биринчиси, ўн беш минг долларга пакет сотиб олиш эди. Унга йилда икки марта учрашиш, телефон орқали қўллаб-қувватлаш, имейл, гуруҳ раҳбарлиги кирап эди. Иккинчи имконият эсдан оғдирадиган даражада эди. Биз маънавий устозимиз билан йил бўйи ишлashingиз мумкин эди. Бу ҳәётини тубдан ўзгартирмоқчи бўлган ҳақиқий мухлислар учун имконият эди. Хусусан, мураббийимизга ишонгандар учун. Хуллас, мен учун юксак даражадаги имконият. Бу саксон беш минг турарди.

Ўша пайтда, алоҳидами – гуруҳ биланми, қандай кўринишидан қатъи назар, сафсалардан халос бўлишимга ёрдам берадиган машгулотларга бир дунё маблағ сарфлагандим. Ҳар сафар, турган гап, чўнтағим тешиларди. Аммо мураббий яхши бўлса, мен ҳам яхши натижаларга эришардим. Қандай, дейсизми?

Биринчидан, тез ўрганаман ва ўзимни ўзим илҳомлантиришни яхши кўраман. Тез мослашувчанман, ўзим мустақил қарор қабул қила оламан, бажарилмаган ишим туфайли ёқимсиз вазиятга тушиб қолишдан чўчийман. Қолаверса, пичоқ бориб сүякка текканди, ортиқ пулсиз яшашни истамасдим. Бир қанча кичикроқ ғалабаларга эришиб, энди недир янгиликка, каттарогига шай эдим.

Лекин саксон беш минг! Ҳазилакам пул эмас-ку! Үша пайтда бунча маблагни ўзим учун сарфлашниям эп күрмасдим. Бу пулга уй сотиб олса бўларди. Йиллик даромадимдан ҳам катта эди. Ёр-дўстларим устимдан кулишни бас қилиб, ўртага тушишлари аниқ эди. Аммо... ўзимнинг частотамни уч кун давомида кўтариб, ғалаба нашидасини сурадим.

Албатта, анави йигит ақддан озғанми, деб ўйлай ҳам олмасдим. Қаердан саксон беш минг топсам бўлади, деб ўйлардим.

Кейин эса “Бунинг имкони йўқ!” фикридан “Афтидан, бу ягона чорага ўхшайди” га ўтдим. Ана шунда ҳаётим давомида пул томон бўлган йўлдаги асосий тўғаноқдан қутулганимни англадим.

Пулни рад этиш билан боғлиқ онг ости ишончларингизни юзага чиқаришга ёрдам берадиган бир қанча усуллар бор. Уларнинг энг кучлисидан бошлайман. Жарликка бошингиз билан шўнгинг. Энг катта кўркувингиз сари пешвоз чиқинг. Орзуингиз томон сакранг ва даҳшатдан иштонимни ҳўллаб қўяман, деб ўйламанг. Мен учун хулқ-атворимдаги улкан ўзгаришлар ва агар янги босқичда ишласам, қанчалик улкан ва аҳамиятли бўламан, деган тушунча очқич калитга айланди. Шу тариқа мен учун алтернатив йўл очилди. Пул ва муваффакиятта эришиш имконияти ҳаётимда илк бор аниқ-равшан бўлди ва албатта, кичкина шаҳзода учун сичқоннинг ини минг танга бўлди.

Агарки, жарликдан сакраб ўтаётган экансиз, баб-бравар равишда даҳшат ва ҳайратни туйишингиз керак. Башарти, танлаган йўлингиздан оғишимсангиз, эҳтимолки, онг остингизни кўрасиз. Ахир, у қўрқанидан туяқуш каби бошини қумга тиқиб олади. Мен билан ҳам айнан

шундай бўлганди. Илк маротаба: “Мен машғулотлар дастури учун саксон беш минг бериб, муваффақият қозона оладиган одамман”, деб ўйладим. Шу дамда қаршимда энг даҳшатли ва қора ишонч пайдо бўлди. У мана бундай дерди. Агар молиявий томондан муваффақият қозонсам, мени қўллаб-қувватлаш учун, мени боқиш учун умр бўйи тер тўкиб меҳнат қилган дадажоним яксон бўлади. Чунки мен энди унга муҳтож бўлмай қоламан.

Депозит қўйиш учун навбат кутардим. Лекин кўз ўнгимда бошқа манзара қад ростлаганди. “V” шаклсизмон ёқали сариқ свитер кийим кийган кекса отам ерга, туфлисига қараб ўтирибди. Кўлинни чўнтағига тикиб олган ва нима дейишини ҳам билмайди. Дадам турмуш тарзимни ҳеч қаҷон ёқдамаган. Лекин меҳр-муҳаббатини, гамхўрлигини ҳамиша менга пулдан ёрдам кўрсатиб ифодалаган. Мен беихтиёр ўзимнинг бойиб кетишим унинг меҳр-муҳаббатини рад этиб, юрагини вайрон қиласди, деб ўйладим.

Бу иқрорнома ҳаётимдаги энг муҳими бўлди. Тўқзиzinчи синфда ўқиб юрган пайтимда Жефф Румареснинг кўнгли менга тушганини айтмасак, албатта. Отам учун юрак ҳовучлаётганимни англағанимда, ўзимга ўзим савол бериб, чегараланган ишончларимни қайтадан ёзишига тушдим. Гапнинг индаллоси, ўса бошладим.

## **ЎЗ-ЎЗИНИ ЧИНИҚТИРИШ УЧУН 1-МАШҚ: ҚЎРҚУВЛАРИНГИЗНИ ҲАЙДАБ СОЛИНГ**

Бойлик сари сакраб ўтиш учун ҳозирнинг ўзида нима қилишингиз мумкинлигини ўйланг. Бу қўрқинчли эканини тан олинг. Авваллари бундай қилмаганингизни, не-

гаки бундай қалтис иш жуда ҳам нокулай эканига амин бўлинг. Агар шундай қиладиган бўлсангиз, кўнглингиз ағдарилиб тушаётгандек туюлишига ишонч ҳосил қилинг. Масалан, янги компаниянгиз таъсислигига сумка ишлаб чиқариш учун каттакон майдонни ижарага олинг. Бутун мамлакат бўйлаб хизмат сафари уюштиринг. Сизга ўхшаган муҳандис излаётган одам билан сухбатга қандай киришиш мумкинлигини ўйлаб топинг. Истиқболли мижозларга ўн марта “совуқ” кўнгироқларни амалга оширинг. Тўлиқ ойликка янги ишчи ёлланг.

Ўзингизнинг муносабатингизни ҳам кузатинг. Балки онг остингиздаги қўркувлар юзага қалқиб чиқиб қолар, ана шунда дарҳол уларни ёзиб қўйинг. Ёки жазавага тушинг. Худди мен каби – халойиқнинг ўртасида. Вегасда ўлиб кетишни истамаганим учун тирик қолганимни ўйлаб, ўша семинарнинг ўртасига келганда уввос солиб йиглаганман. Шундан сўнг, мен сизга айтсам, ўзимни аъло даражада ҳис қилганман. Организмидан чиқиб кетиши керак бўлганларни тўкиб ташлагандим-да чунки. Худди катта бўлишимга рухсат беришгандек, ўзимни енгил сезгандим ўшанда.

Онг ости ишончингиз нимадан иборат эканини тушунганингиз замон, шошилманг. Тўхтанг ва у билан бирга яна нималар пайдо бўлишини ҳис қилинг. Мен тўғрисини айтяпман. Бир зумга шошманг, вазиятни тан олинг ва қайгу, юрак оғриғи сизни тарқ этишига изн беринг. “Ҳаҳ, жин чалгур, чекланган ишончлар-а! Эллик йилдан бери анави шинам ресторонда сели оқиб турган стейк тановул қилиш ўрнига гречка ёрмасини еб келяпман! Ҳаммаси сенлар туфайли!” Ҳиссиётларингиз етилсин, лекин бу билан тўхтаб қолманг. Кичкина шаҳзодан-

гиз тирик қолишингиз ва севимли бўлишингизга ёрдам беришга роса уринди. Шундай экан, жазавадан сўнг ўтмишни рад этишга эмас, тўғри йўналишдан огишмасликка дикъатингизни қаратинг.

Сизни нима ушлаб турганини англаб етганингиздан сўнг янги қисса ўйлаб топинг. Олган билимларингизни ишга солинг. Масалан, мен эндиликда бой-бадавлат эканимдан отам қанчалик фахрланишини ва бахтиёргини тасаввур қилганман. Уни жондан ортиқ кўришимни, менга намуна бўлгани учун миннатдорчилик билдираётганимни кўз олдимга келтирганман. Ва отам енгил тортишини ҳис қилдим, чунки ниҳоят, мен ўз аравамни ўзим торта оламан.

Яна бир нарса бор. Ҳалигача отам менга пул бериб туришига қаршилик қилмайман. У қанчалик боши кўйка етса, мен ҳам шунчалик хурсанд бўламан. Бу энергия алмашинуви пулга муҳтож бўлган пайтларимдагига қараганда кўпроқ миннатдорлик билан пулни қабул қилиб олишимга имкон яратади. Албатта, отам умуман булардан хабари йўқ (дада, буларни ўқияпсизми?) ва бунда ўзига яраша маъно бор. Мана шунга ўхшаш ҳолатлар фақат сизга тегишли. Сиз бошқаларнинг энергиясини сўришингиз эмас, ботинингиздаги қувватни чиқаришингиз керак.

## ЎЗ-ЎЗИНИ ЧИНИҚТИРИШ УЧУН 2-МАШҚ: ТИЛИНГИЗГА ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Агар мен сизга: “Сиз пул ишлаб тополмайсиз, чунки сиз аҳмоқсиз”, десам, бу муайян таъсир ва жавобга сабаб бўлади. “Сиз гўзалсиз, бирам кучлисизки, сизни жудаям яхши кўраман”, деган жумла ҳолатида ҳам ҳудди шундай.

Сизнинг фикрларингиз – маънавий дунё сари супершоссе. Бу ерда сизни ва сизнинг буюртмаларингизни Ягона Онг кутиб туради. Сўз билан фикр – қалин огайни. Ўзингиз ҳам билсангиз керак, иккови ҳамма нарсани ўртоқлашади, бир-бири учун жумлаларни якунлайди, қўллаб-қувватлайди, синф парталари оралаган мактубчалар сингари, ахборот ва ҳис-туйғуларни етказади. Шунинг учун, агар мушкул аҳволга тушиб қолиб, молиявий жиҳатдан нима қилишни билмасангиз, бир нарсани аниқ тушунишингиз шарт. Лугат бойлигингиши титкилаб кўриш керак бўлади. Яширин ишончларингизни нафақат фаол ҳаракатлар билан, балки нима деяётганингизга аҳамият бериб ҳам юзага чиқариш мумкин. Сўзлар, худди трюфель каби маҳфий жой излайди.

Бахтимизга, лугат захирасини титкилаб кўриш жараёни кўп ҳам қийин эмас. Шунчаки сиздан эътиборлироқ бўлиш талаб этилади. Кўлингиздаги китобни мутолаа қиляпсизми, тилингиздан учиб чиқаётган сўзларга диққат қилинг. Мантра сингари қабул қилинг: шошма, оғзингни юм. Амалда синаб кўринг буни. Гапиришдан олдин чуқур нафас олинг. Бу нима демоқчи бўлганингизни тушунишга ва заруриятга кўра, йўл-йўлакай вазиятни ўнглашга ёрдам беради.

Бошқа одамларнинг гап-сўзига қулоқ солиш ҳам яна бир усул. Бу усул: “Ҳм, мен ҳам шунаقا шанғиллайманми?” деб ўйлаб кўришингизга имкон яратади. Бу кўп ҳолларда қўл келади, чунки биз билан вақт ўтказадиган аксар кишилар ҳаётга ўзимиз каби қарайдилар. Бундан келиб чиқадики, улар пул ҳақида бизга ўхшаб фикрлашади.

Кўйидаги жумлаларга диққат қилиб кўринг:

Шундай бўлишини истайман (= менга етишмайди).

Шундай бўлишини истайман (лекин менда имконият йўқ = куч йўқ). Мен мудтоҳман (менда фалон-фалон йўқ).

Қўлимдан келмайди.

Ҳаракат қиласпман (лекин бир қарорга келолмаяпман).

Умид қиласман (балки бўлар/балки бўлмас = ишонч йўқ).

Шундай-шундай қилишим керак (аммо, эҳтимол, мен ҳеч нима қилмаётгандирман, эҳтимол, буни хоҳламасман).

Билмайман.

Юқоридагиларни мана бу жумлаларга алмаштириши тавсия қиласман:

Менда ҳаммаси муҳайё.

Яратиш қўлимдан келади.

... учун миннатдорман. Бундан баҳра оламан.

Қўлимдан келиши аниқ.

Мен шунисини танлайман.

Мен яхши кўраман.

Бундан ташқари, “Биламан” сўзига, айниқса, эҳтиёт бўлишимиз керак. Ҳеч бир нарса: “Ҳа-да, фикрларимга эргашибим кераклигини биламан. Тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Қани, кетдик!” жумласи каби эшикни катта тезликда ёпиб қўймайди. Бу қалтис сўзлар, негаки биз кўпинча, билиш – бу яхши, деб ўйлаймиз. Аслида, қанча “билишимиз” мудим эмас.

Калаванинг ҳамиша иккинчи учи бўлади, шундай экан, жавоблари бизга катта кўмак бериши тайин бўлган сон-саноқсиз саволлар ҳам мавжуд. Айниқса, гап ўз-ўзини ривожлантириш ҳақида кетаётган бўлса, муайян нар-

саларни, токи аниқ-равшан ифодаси күз ўнгимизда гавдаланмагунча, мунтазам равища эшитишимиз керак.

“Биламан” сўзи Ягона Онгдан ахборот олишга ёрдам бермайди. Миямиз айтиб турган нарсаларга ёпишиб олганимизда, ўша билимни теранроқ тушуниб, қамраб ололмаймиз. Биз ўзимизни борлиқни яратган Ягона Онгдан ақллироқдек тутамиз. Аслида эса миямиздан қачон чиқиндиларни олиб чиқиб ташлаш кераклигини билмаймиз.

### “БИЛАМАН” СЎЗИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУҲИМ ЭСЛАТМА.

Бу сўзни ўз маҳобатингизни тасдиқлаш маъносида ишлатишга ҳақлисиз.

Масалан: “Буни бажара оламан. Зўр одам эканимни биламан”.

Энди кейинги кўрсатма ҳақида сўзлашсак.

### ЎЗ-ЎЗИНИ ЧИНИҚТИРИШ УЧУН З-МАШҚ: УМУМАН ОҒЗИНГИЗНИ ЮМИНГ

Менинг севимли мақолларимдан бири бу – “Сукут олтинга teng”. Бу мақолни турли маънода яхши кўраман. У менга агар тилимизни тийсак, ўзимизни балога қўймай, савқитабийимиз ва Коинотга қулоқ солсак, чинакамига донишмандона иш тутишимизни эслатиб туради. Донишмандлик биздан оқим билан бирга сизиб чиқади. Оқим эса тилимиздан чиқади... Менга қаранг! Ўзим ҳақимда миллионта нарсани айтиб бераман! Мени ёқтириб қоласиз. Бошқа ҳеч ким устимдан кулмаслиги учун ўзим устимдан куламан ва бу билан тентакдек кўринмайман.

Сўз – одамлар билан мулоқот қилиш, улар билан ах-борот, меҳр-муҳаббат, ҳазил-хузул, гоя, қовурилган то-вуқ гўшти рецептини алмасиш учун мухим восита. Қан-ча кўп пайсалга солиб, жимиб турсангиз, тўғри танлов қилишингиз учун, “Нега шундай демоқчи бўляпман?” деб ўзингизга савол бериб кўришингиз учун шунча кўп имкон яралади.

Шовқин-сурон говини олиб ташлаб, ботинимиздаги яширин сирларни очишнинг энг яхши йўли – бу медита-ция, сокинликда ўтиришдир. Кунига атиги беш дақиқа тинчликда ўтирангиз, кейин натижасидан ўзингиз ҳай-рон қолиб, сукут сақлашни ўрганасиз. Вақтни белгиланг, яхшилаб ўрнашиб олинг, нафас олишингизга диққатин-гизни жалб қилинг, миянгизга қандай фикрлар келаётга-нига эътибор беринг ва аста-секин уларни миянгиздан чиқариб ташланг.

Ёнингизда қўйин дафтар олиб юришни жуда ҳам тав-сия қилган бўлардим. Унга эслаб қолмоқчи бўлганларин-гизни ёзинг. Кейин ёзганларингизни батафсил ўрганиб чиқинг. Медитациядан аввал нимага қарши курашаёт-ганингизни ўзингиздан сўранг. Масалан: “Пул ҳақидаги қандай фикрлар энергия оқимимни тўсиб қўяди?”

Яна бир ажойиб машқ – бу кўз олдингизда гавдалан-тириш. Аллақачон бойликка эришганингизни беш-үн дақиқа тасаввур қилинг. Айтайлик, оиласингизни Барсело-нага олиб бориш учун кўпгина пулни қўлга киритишни истаяпсиз. Ўзингизни Барселонада юргандек тасаввур қилинг. Ўзингизни қандай ҳис қилаётганингизни, қандай ифорларни ҳидлаётганингизни, қаерда тўхтаганингизни, нимани кўраётганингизни, қандай таомларни тано-вул қилаётганингизни, нималар сотиб олаётганингизни,

бефаҳм таксичига нималар деб бақираётганингизни кўз олдингизда тасаввур қилинг. Бу саёҳатда одамлар сизга қандай хушмуомалалик қилаётганингизни, ўзингиз ҳам илтифот кўрсатаётганингизни ўйланг. Бу ҳисни қўйиб юборманг.

Шунингдек, қандай ёмон фикрлар ҳам юзага чиқаётганига диққатингизни қаратинг. Мисол учун, саёҳатга чиқишга арзимаслигингиз, худбин эканингиз, бутун дунёда одамлар ўлиб-тирилаётган бир аснода, сиз ветчина музейида пул сарфлаб юрганингиз ҳақидаги фикрлар. Хаёлингизга келган ҳамма фикрларни ёзиб олинг ва ўзингизга савол беришни бошланг.

## ЎЗ-ЎЗИНИ ЧИНИҚТИРИШ УЧУН 4-МАШҚ: ПУЛЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛАРДЕК СЎЗЛАШИНГ

Буни тушунасизми-йўқми, лекин сиз пуллар билан муносабатга киришасиз. Агар пулингиз бўлмаса, демак, бунинг ўрнини босадиган қийматдаги нарсангиз бўлади. Агар одамларга пулга қилган муносабатингизни кўрсатганингизда эди, туғилган кунингизда якка-ёлғиз ўтирган бўлардингиз.

Худди тирик одамга ёзгандек, пулларга мактуб битинг. Буни энг зўр машқлардан бири деб ҳисоблайман. Илгари менинг номам қўйидаги кўринишда бўларди.

*Қадрдон пуллар!*

*Мен сизларни яхши кўраман. Сизлар менда кўпроқ бўлишингизни истайман, лекин сизларга бўлган муҳтожликдан ҳазар қиласман. Сизлар ҳеч қачон ёнимда бўлмайсизлар, сизларга умуман ишонмайман. Сизларга муҳтож-*

лигимни тан олғанимда, ўзимни сотқиндек ҳис қиласаң. Бироқ сизлар пайдо бўлишингиз билан, ўзимда йўқ хурсанд бўласаң. Доим сизларни деб қайгурамаң. Сизларга муҳтож бўлмасам дейман. Бирам ёқимсизсизларки. Худо хайрингизни берсин, илтимос, тезроқ кела қолинглар, кўплашиб келинглар.

Пулларга бўлган бир замонлардаги муносабатимни “ҳалинчак” деб ифодаласам бўлади. Аксар одамларда ҳам шундай бўлади. Мана шундай хат ёзиб ташлаб қўйганимнинг ўзи катта гап экан. Пулларни илинтирамаң деган энергиям уларнинг йўлини тўсиб қўйганди.

Ўқувчиарнинг хатларидан парчалар келтириб ўтаман. Булар пул борасидаги фикрларда қанчалик ёлғиз эмаслигингизни кўрсатиш учун, албатта.

### *Қадрли пуллар!*

Сизлар билан ўзимни дадилроқ сезамаң. Қолаверса, сизларни сарфлагим келади. Ўйлашимча, сизлар туфайли теварак-атрофга сахий муносабатдамаң. Аммо баъзида хайрлашмасдан жуфтакни ростлаб қоласиз. Сизлар худди кўнгли тусаб қолганда, пайдо бўладиган ошиқ-маъшуқни эслатиб юборасизлар. Мен эса сизларни ҳар ерда хоҳлайман. Кетиб қолганингизда, хафа бўлиб, дилим вайрон бўлади. Иттифоқо, қайтиб келмасангиз-чи? Айтидан, ёмон одамман, шекилли. Нима учун менинг ёнимда бўлиб, қувончимга шерик бўлмайсизлар-а?

### *Муҳтарам пуллар!*

Сизларни ёқтирамаң, ҳурмат қиласаң ва сизлардан оқилона фойдаланишга ҳаракат қиласаң. Лекин баъзида сизларга панд бераётгандекман. Қора тер тўкиб меҳнат

қилишим керак, йүкса, сизларга муносиб бўлолмайман. Биламан, биргаликда ажойиб ишларни амалга оширишимиз мумкин: мароқли таътил ўтказиш, оиласанда ҳурсанд қилиши, хайрия ташкилотларига ёрдам бериш қўлимиздан келади. Барибир ҳам кўпинча ўзимни сизларга арзимайдигандек сезаман.

### *Азиз пуллар!*

Сизларни бир вақтни ўзида ҳам яхши кўраман, ҳам сизлардан қўрқаман. Сизлар менда мўл-кўл бўлсангиз, соз ши бўлур эди, аммо буни тан олишга юрагим дов бермайди. Худдики, мен ёмон одамга айланаштгандек туюлаверади. Устига устак, сизларни бир дунё қилиб топганим билан, нима қилишини билмайман. Фаҳмимча, охирги тийин-тийингача топшириб юборган бўлардим, нега десангиз, сармоя ҳақида ҳеч вақони билмайман. Эҳтимол, сизларнинг ўйлингизни тўсив қўйяпман, шекилли, ахир, нима қилаи, ахмоқ бўлиб кўринишни сира хоҳламайман.

### *Хурматли пуллар!*

Бирга бўлишишимизни яхши кўраман ва сизлар хавфсиз ерда бўлишингизни истайман. Шу тарзда, ҳаётимда недир ёмонлик юз берганда, менга ёрдам кўрсата оласизлар. Лекин сизлар кўп бўлсангиз, атрофдагилар мендан жирканадими ёки турмуши ўртогим сизларни мендан тортшиб оладими, деб қўрқаман. Сизларга истаганимча эгалик қилишга кўмак берадиган ҳеч қандай билим ёки қобилиятим йўқ.

### *Қимматли пуллар!*

Сизларни кўришига кўзим йўқ. Ҳисоб-китобни кўрганимда, менга берадиган жисмоний азобларингиз учун сизларни ёмон кўраман. Агар талабалик қарз қогозига кўзим

тушиб қолса, күнглім айнийди. Устимдан җукронлик қылғанларингиз учун сизлардан нафратланаман. Мен ҳа-әтимни одамларга яхшилик қилишга багишламоқчиман. Аммо сизларни күпроқ ишлаб топишим учун ўзим ёқтири-маган жойда ишилашимга түгри келяпти. Келинг, ҳамма-сини оппоқ қогоздан бошлаймиз. Құрқув, газаб ва дилхира-лик ўрнига сизлар мүл-күл бўлишингизни хоҳлайман.

Африка ва Ҳиндистоннинг баъзи ерларида қўллани-ладиган маймунлар учун қопқон ҳақида эшитгандим. Қути олиб, бир чеккаси тешилади, ичига банан солиб, мартишкалар кўп ерга ташлаб қўйилади. Қутини кўрган маймун қўлинин ичкарига тиқиб, бананни ушлайди-ю, тузоқда тушади, чунки қўлинин мева билан бирга олол-майди. Маймун қутулиш учун бананни ташлаши керак, бироқ у бундай қилмайди.

Буни қачон эшитганим ёдимда йўғ-у, аммо ўз-ўзини ривожлантириш соҳасидаги мутахассислар ушбу усулни тез-тез тилга олишади. Бунинг бориб-турган сафсата эканига бутунлай қўшиламан. Биринчидан, маймунлар кутида банан борлигини қаёқдан билишади? Иккин-чидан, қопқонга тушгач, маймунни қандай қилиб тутадилар? Нима, улар кун бўйи чакалакзорда ўтировлиб, тутун буруқситиб, қарта ўйнаганча, тўрни шай қилиб туришадими? Бир веб-сайтга кириб кўргандим, овчилар маймунларни бочкага тиқиб қўйишлари ёзилган экан. Қандай бўлмагур гаплар!

Лекин барibir бу воқеани ёзиш учун қўлимга қалам олдим. Бунга уч сабаб бор:

а) Мен адашаётган бўлишим, баён қилинган воқеа эса ҳақиқат бўлиб чиқиши мумкин.

б) Бу воқеа сўзларимга яққол мисол бўла олади. Бу пуллар борасида тасаввурларимиз қанчалик тор эканига мажозий ҳикоя сифатида мисолдир.

в) Яна-тагин ҳар хил бўлмагур сафсаталарни ўйлаб чиқаришимизни ҳам айтмоқчиман. Ҳаётимизни ўзгартириб, эркин бўлмоқликни истасак, бундай бехуда вақт сарфлашни бас қилишимиз даркор. Шундай экан, ўз-ӯзидан сафсата бўлиб чиқадиган ҳикояни безак сифатида келтириб ўтишнинг нима ҳожати бор?

Сафсата ҳикояларимизга ёпишиб олишизнинг сабаби шуки, биз улардан ёлғон фойда оламиз. Ҳа-да, ахир, биз ҳам бир шахсмиз: қашшоқмиз-да. Камбағаллигимиз учун тўғри келган одамни айблаймиз, фақат ўзимизни эмас (“вақтим йўқ; еттита болам бор; иқтисод инқизорзга қараб кетяпти; зарур нарсалар рўйхатини ёзиш учун ручка тополмаяпман”). Биз қулайлик ҳудудимиздан чиқиб, мағлубият аламини тотиб кўришга, аҳмоқдек кўринишга, пул йўқотишга, ўзгариб кетишга ва оиласиз ҳамда дўстларимиздан фарқ қилишга таваккал қилолмаймиз. Бу рўйхатни тонгдан тунгача давом эттириш мумкин, лекин у бир жумлага бориб тақалади.

•  
*Кулфатдан кўра орзуингизни кучлироқ  
исташингизга тўғри келади.*  
• • • • • • • • • • • • • • • • • • •

Сизнинг чегараланган тасаввурларингизни тоблаётган эканмиз, бир нарсани айтиб ўтишим лозим. Тўсиқларни енгиб ўтишга ёпишиб олманг, йўқса, ҳаётингизни ўзгартиришни унутиб қўясиз.

Кўп гувоҳи бўлганман, одамлар ўз муаммолари атро-  
фида ўралашиб, кундалик тутишган, психологга қатнаш-  
ган, йиглаб-сиқтаб, ўз “мен”ларини кўз-кўз қилишган.  
Буларнинг барчаси ўзгармаслик учун бир баҳона.

Бир неча ишни бирваракайига бажаришингизни айт-  
ган бўлардим. Ўтмишингизни тадқиқ қилинг ва олға сил-  
жинг. Такрор айтаман: олдинга ваҳимали, улкан сакраш  
– қўрқувларингизни иштонини ҳўллаб, юзага чиқариш  
учун энг яхши усуладир. Бу иккитаси бирда – охири йўқ  
ўз-ўзини тафтиш қилиш эмас, олға интилиб, қўрқувлар-  
ни енгишдир.

Отам билан муносабатимда юз берган ҳолатлар юза-  
сидан айтиб ўтилган семинар ёдингиздами? Гапнинг ин-  
далоси, ўшандা тутган йўлимдан фахрланмайман. Мен  
саксон беш минг доллар тополмадим ва мақсад сари  
интилмадим. Сояга ўтиб олдим. Пайдо бўлган имкони-  
ятдан фойдаланиш ўрнига қўрқувларим, шубҳа-гумон-  
ларим ва хавотирларимга тикилиб қолдим. Мен икки-  
ландим. Шартнома тузмай, ҳаётимнинг кейинги бобига  
сакраб ўтмадим. Конференциядан сирғалиб чиқиб, уйга  
жўнадим. Сўралаётган маблағ ақл бовар қилмас даражада  
кatta, дегим келди-ю, аслида, менга журъат етишмас-  
ди (оқибатда, бир йил ўтиб худди шунча сумма ишлаб  
топдим ва бошқа мураббийнинг қўлига ўтдим).

Бу ҳал қилувчи лаҳзалар. Нишонга урганингизда ва  
сизни айнан нима ушлаб турганини англаганингиз заҳо-  
ти, зудлик билан ҳаракатингизни қилинг. Ишора бе-  
рилгач, ишни пайсалга солаверсангиз, шубҳа-гумонлар  
тағин сизни ишғол қилишига йўл очиб берган бўласиз.  
Шубҳа-гумонлар – ҳар қандай важ-корсонлар ўтиб кета-  
диган туйнукча.

Улар қатъиятни чўктириб, сизни яна қулайлик ҳудудига ҳайдаб олиб киради. Кўнглингизга қулоқ солинг, Ягона Онгга ишонинг, истакларингиз аллақачон амалга ошаётганига ишонинг ва дунёдаги энг зўр одамдек сакранг. БУ ҚЎЛИНГИЗДАН КЕЛАДИ!

## БОЙ-БАДАВЛАТ ИНСОНГА АЙЛАНИНГ

Тегишли пул мантраси (бу мантрани такрорлаб юринг, ҳис этинг, у билан нафас олинг):

Мен пулларни яхши кўраман, чунки улар ҳар доим менга ёрдам беради.

1. Атрофингизда айланиб юрган энг оддий бешта чегараловчи сўзлар ва жумлани ёзинг.

2. Сукут сақланг, шошманг, ўша сўз-жумлаларни тилингизга олишга ошиқманг.

3. Кунига лоақал беш дақиқа медитация қилинг. Медитацияга ўтиришдан аввал ўзингиздан: “Пуллар келиши учун қандай ишонч менга тўсқинлик қилмоқда?” деб сўранг. Ҳар қандай ярқ этган фикрни ёзиб олинг, ўша фикрлар устида бош қотиринг, янги ҳикоянгизни ўйлаб топинг ва аввалги бобдагидек буни ҳам такрорлаб кўринг.

4. Бойиб кетишингизнинг Энг Мухим Сабабини ўйлаб кўринг. Бу сабабни кўз олдингизда гавдалантириб, кунига беш-үн дақиқа ўтиринг. Чегараланган ишончларингизга эътибор беринг ва учинчи бандда кўрсатилган ҳаракатларни бажаринг.

5. Пулларга хат ёзинг. Сизни тўхтатиб қолаётган ҳал қилувчи лаҳзаларга дикқат қилинг. Хатни қайтадан ёзинг.

6. Медитация пайтида ёки күчада кетаётганингизда күнглингизга қулоқ беринг. Бойиб кетишнинг ғаройиб гояси миянгизга уриб қолганда, дархол енг шимаринг. Сакранг. Ҳаводалингизда келадиган ёмон фикрларни пайқаб олинг-да, ҳаракатдан тұхтамай, уларга ишлов беринг. Бу машқни муваффақиятли тарзда бажариш ерга устаси фаранг бўлиб қўнишингизда ёрдам беради. Шунчаки эслатиб ўтдим, холос.

Илтимос, чизиқлар ўрнини тұлдириңг:  
Мен пуллардан миннатдорман, чунки \_\_\_\_\_

## БЕШИНЧИ БОБ

### ЮРАГИНГИЗ АМРИГА ҚУЛОҚ СОЛИНГ

**Y**шбу туркумдаги илк китобни Шимолий Ка-  
ролинадаги фермада яшаганимда ёзгандим.  
Үшанда ўн етти акр сўлим маскан ихтиёrimda  
эди. Мўъжазгина уй, чақириларга чўзилган сайҳонли-  
лар. Мендан фақат бир от ва икки эчкини парвариш  
қилиш талаб этиларди (бундай катта жониворларга қа-  
раш учун қандайдир даража ёки лицензия олиш керак  
эмасмикин?!?) ва ўша дамларда эчкилар ҳақида ҳеч ни-  
мани билмасдим. Улар тунука банкаларни чайнашлари  
мумкинлигини эшитгандим, холос. Лекин сўлим гўша  
кўнглимга ўтирганди, ҳайвонлар ҳам жон-дилим, шунга-  
ми, у ердаги ҳаёт каминага гўзал кўринганди.

Баҳайбат деразалар қаршисидаги күшеткага жой-  
лашволиб, кун ўтказардим, ноутбукда ёзиб, Дъяblo  
тогига термулардим. Эчкилар ойна эшик ёнидаги чимда  
турволиб, худди мен уларни ичкарига киргизадигандай,  
бақрайишарди. Гоҳида улар ҳовли бўйлаб отнинг кети-

дан чопқиллаб, катта тезлиқда шох уриштиришарди. Бироқ аксар вақт жониворлар менга тикилганча, тажо-вузкорлик билан алланималарни чайнаң, күчада қолган-ликлари учун хафадек күринишарди. Вақти-вақти билан тоқатлари тоқ бўлиб, эшикка шох ташлашар ёки олд оёқларини кўтариб, туёқлари билан ер тепинишар эди.

Бир куни шаҳарга ул-бул олиб келгани тушдим. Беш соатдан сўнг қайтиб келганимда, фақат отни кўрдим. Бу умрим бино бўлиб кўрганларим ичида каттакон от эди. Шу билан бирга, у сал ҳуркакроқ ва камдан-кам ҳолларда эчкилардан йигирма қадам нарига кетар эди.

– Нима қиласан, жонивор? – деб сўрадим машина-дан тушаётиб ва ойна эшикка урилаётган таниш товушларни эшийтдим.

Бу жуда ғалати эди. Мен йўқлигимда эчкилар нега ичкарига киришмоқчи бўлди экан (улар мени яхши кўришарди)? Кейин эса: “Ё, Раббим!” – деб ўйладим.

Эчкилар ичкарига киришмоқчи эмасликларини тушундим. Улар қутулиб кетишмоқчи эди.

Худди секинлаштирилган кадрдагидек, уйга қараб оёғимни қўлга олдим, ичкариладим, эчкиларни ҳайдаб, яроқсиз эшикни тўсиб қўйишга уриндим. Кейин эса шунчаки туриб қолдим-да, кўз ўнгимдаги манзара учун Яратганга шукrona келтирдим. Бу худди ичишни билмайдиган ўспириналардан кейинги талабалар базмининг натижасига ўхшаб кетарди. Ақл шошиб қолади-я. Шунчалик даҳшатли эдики бу манзара, кўзингни ололмайсан.

Эчкилар ниҳоят орзуларига эришганди. Ойна эшик бироз четга сурилган, кейин эса улар эшикни ошиқ-мосиғидан чиқариб, ичкарига кириб олишган. Эшик эса

беркилиб қолган. Хўш, бу жониворлар ичкарида нималар билан банд бўлган, деб ўйлайсиз? Албатта, уйни остин-устун қилишган. Ҳар бир гултувакни, қутини синдириб, ҳамма ёқса тупроқ сочишган. Пештахтага ёйилган сочиқларни тишлаб тортишган. Сочиқса стаканларни қуриши учун тўнкариб қўйгандим, шунинг учун полда шиша синиклари сочилиб ётарди. Кейин эса гўнг ва пешобли базм бўлиб ўтган. Энг охирги жиҳоз дабдала бўлмагунча базм давом этаверган. Каравотим, кушетка, қаҳва столчаси, тушлик столи, даҳлиздаги ўриндиқ, ҳаммом булғаб ташланибди. Уй ичидан гуп этиб шиптириди келардики, аввалига, эчкилар отни ҳам ичкарига олиб киришган, деб ўйладим. Торт тепасидаги олча шу бўлдики, улар ҳамма сувратлар ва ҳайкалчаларни вайрон қилишганди. Ким ҳам бунчаликка боради, деб ўйлайсиз?

Аввалбошда, оғзим ланг очилиб қолди, кейин эса ҳайрат зўр таассурот билан алмашди. Эчкилар гаройиб, серҳафсала ишни амалга оширишганди. Уларнинг ишга бўлган чексиз фидойиликларини ўргансак бўларди.

Мана, эчкилар томонидан моделлаштирилган муваффақиятнинг баъзи сирлари:

- **Йўлда учраган ҳар бир тўсиқни чайнаб ташлаш, йиқитиш, сакраб ўтиш.**
- **Қоидаларга тупуриб қўйиш.**
- **Орзу қилиш. Улар ҳар қандай бошқа эчкиига қарангда катта-катта нарсалар ҳақида орзу қилишган.**
- **“Йўқ”ни жавоб сифатида қабул қиласли.**
- **Юрак амрига қулоқ солиш.**
- **Мақсадга эришмагунча тўхтамаслик.**

Том маънода, бу саргузашт жониворларга бутун бошли дунёни очиб берганди. Улар Кўча Ҳайвонларидан ўтиб тушиб, Миср Ипагидан Тайёрланган Оқдикларни Чайнаб Кўрган Мавжудотга айланишганди. Бу ҳодиса уларни ўзгартириб юборганди. Аслида эса улар вайронкорлик бобида дунёдаги ҳар қандай эчкидан ўтиб кетишганди.

Галабанинг тор-мор қилгувчи кучидан маст бўлган эчкilarда янгича майл-ҳоҳиш пайдо бўлди. Улар ҳамма нарса мумкин эканини билиб олишди. Эчки жониворлар дарвозаларни бузиб, қўшниларникига чиқиб кетадиган бўлишди. Машиналар устига сакраб чиқиб, ҳар қандай ойна эшикни синдира бошлашди, охурни босиб-янчиб, боғни вайрон қилишди, жуссаси кичикроқ итларни қувиб, ақлдан озгандек “ме-ме”лашга тушишди. Улар ҳамма ёқни саситиб, нақ икки савдоийига ўхшаб қолишли. Мен дарровгина дарвозаларни тузатиб, ҳамма тешикларни беркитиб чиқдим ва чалғитиш учун машинани фанер билан тўсдим. Аммо от икковимиз эндиликда икки савдоийига аввалгилик муносабатда бўломласдик. Иккимиз ҳам лол-у ҳайрон эдик.

•  
Шубҳа-гумон, қўрқув ва бошқа одамларнинг  
қоидалари инсонга юрагидаги интилишига  
эришишида сира халал беролмайди.  
• • • • • • • • • • • • • • • • • • •

Бой-бадавлат бўлиш учун пулга интилишингиз ва бунга эчкича жўшқинликни қўшишингиз лозим бўлади. Бунинг учун ўзингизга: “Нега?” деган саволни беришин-

гиз керак. Нега шу пулларга эга бўлмоқчисиз? Уларни нимага сарфлайсиз? Пулларни қўлингизга олганингизда, нимани ҳис қиласиз? Пулларни сарфлаб, бундан баҳра оласизми?

Шунчаки бойиб кетиш истаги бизга тўғри келмайди. Пулнинг орқасида маъно-моҳият, мақсад бўлиши керак. Агар мақсад ёки маъно бўлмаса, ким бўлса ҳам исталган дақиқада, агар уйда тайёрланган музқаймоқ сотиб, бойиб кетишни кўзлаётган экансиз, демак, сиз ичиб олгансиз, дейиши шубҳасиз. Бу сизга қимматга тушади. Кейин сиз яна молхонага кириб оласиз.

Бу китобни сотиб олишга сизни нима мажбур қилганидан бошланг. Пулларнинг оқиб келиши ҳаётингизга қандай қиймат беради? Бойлик бу дунёдаги ўрнингизни қандай ўзгартиради? Пуллар эвазига яқинларингизга нима ҳадя эта оласиз? Ерликларга қайси соҳада кўпроқ фойда келтирасиз? Сизнинг яхшиланган ва янгиланган версиянгиз ўзингизга нима бера олади?

Агар кўпроқ пул ишлаб топишни бошласангиз, ҳис-туйғулар билан алоқага киришишингизга тўғри келади. Улар гайратингизни суғориб туради, ахир. Айнан ҳис-туйғулар сизни ҳаракатга чорлайди. Ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ топа бошлаган экансиз, бир қанча янгиликларни ўзингизга жо қилишингиз керак бўлади. Бу сизни чўчитади, илҳомлантиради ва қувонтиради. Шунинг учун ҳам чинакамига бойишни исташингиз ва бу сизга нима учун кераклигини аниқ-равshan тасаввур қилишингиз керак.

Хуллас, улар мана бундай амалга оширилади.

## АНИҚЛИК КИРИТИНГ

Оддий одам ҳаётда пул ишлаб топиши учун камдан-кам ҳолда гайрат қиласы. Гоҳида, албатта, у кераксиз, аммо бежирим ботинка сотиб олиб, шу билан тұхтаб қолади. Мени нотүгри тушунманг. Шубұасиз, гап дүнёни остин-устун қилиб юборадиган суммалар устида кетаётгани йүқ. Имконият ҳаммада бор, лекин сизга улкан ёндиргувчи хоҳишистак шари керак. Агар сиз таваккал қилмоқчы, онгингизда олға силжиши амалга оширмоқчи ва түғри йүлда қолмоқчы бўлсангиз, бу шар сизга, албатта, керак бўлади.

Авваллари етти ухлаб тушингизга кирмаган миқдордаги пул ишлаб топишга илҳомланиш учун сиз... илҳомланишингиз керак. Пул ўз-ўзидан бор-йўғи шунчаки қофоз ва металл танга экан, сизга пул нима учун кераклигини аниқ-тиниқ англашингиз лозим. Пул сиз учун нимани англатишини ва нималарни тушиба мажбур қилишини тушунишингиз керак. Бу сизнинг юрагингиздаги аланга бўлади. Ноаниқ орзулар ноаниқ натижаларга олиб келади. Аниқ-равшан орзулар галабага элтади. Мана, бир жуфт сабаб:

1. Аниқлик Коинотга буюртмангизни бажаришга имкон беради. Қаҳвахонага кирволиб: “Салом, биронта сэндвич беринг”, демайсиз-ку. Сиз муайян сэндвич буюртирасиз: “Ростбиф, майонез, ханталсиз, бодринг, салат, помидор, ҳаммасини багетта солиб беринг, илтимос... Йўқ, унисигамас, каттарогига”. Ва буюртмангизни олаверасиз. Бундан фақат хурсанд бўласиз.

Коинотга ҳам тафсилотлар керак. У ҳамиша жавоб қайтаради. Лекин кўпроқ топиш қандай соз бўларди, деб ўйласангиз, ўнлаб минг ўрнига ўнни оласиз, холос.

2. Аниқлик ҳис-туйгуларни чақиради. Ҳис-туйгулар эса мақсадга эришиш учун собитқадамлик беради.

Хиссий жүшкінликнинг турли босқичларини кейинги сценарийларда күриб чиқамиз.

Бойиб кетишга тайёrsиз ва эллик минг доллар ишлаб топмоқчисиз. Бу қанчалик ҳаяжонли эканини ўйлайсиз. Бир қанча ноллари бўлган банк ҳисоб рақамини тасаввур қиласиз. Шунча пулга эгалик қилиш учун ўзингизни кучлидек ҳис этасиз. Бу ажойиб, аммо сизда ўзига хос ҳиссий қувват йўқ.

Эллик минг доллар ишлаб топишга қарор қиласиз. Қирқ мингини ошхонани таъмирлашга сарфлайсиз. Аллақачон журналлардан картиналар қирқиб олиб, махсус таҳтачага ёпишириб чиққансиз. Бутун лойиҳани, ҳатто эшик дастасининг нархигача ёзиб чиққансиз. Дўстларингиз ва оиласигиз даврасида хушчақчақлик билан овқат тайёrlаётганингизни кўз олдингизга келтирасиз. Хушбўй ифордан ҳузурланиб, суюкли инсонларингиз учун таом пиширасиз. Буларнинг барчасини ўзингиз амалга оширганингиздан қониқиши ҳис қиласиз. Чунки сиз истаганингизни яратса оласиз.

Қолган ўн мингни синглингизга бермоқчисиз. У итларнинг юнгини турмаклаш бўйича янги бизнесни йўлга кўймоқчи. Синглингизни яхши кўрасиз, унинг шодликтан қийқиришини тасаввур қиласиз, чунки унинг орзуви ушалмоқда, сиз эса бунда унга таянч бўлмоқдасиз. Севинганингиздан сал қолса умбалоқ ошиб юборасиз. Башарти, бошқаларга ёрдам қўлини чўзаётган экансиз, ҳаётингиз маъно-мазмунга тўла.

Пулни ўлаб тўлқинланишингиз керак. Тонгда: “Ҳа, бу ёмон бўлмасди”, деган юраксиқма ўй билан пайпоқ

кийишингиз эмас, фанфара садолари остида иргиб туришингиз даркор. Мана, умид қиласанки, мақсад борасида сизга ёрдам бериши мүмкін бўлган ўқувчиларимдан келган мисоллар.

Мен бой бўлишни яхши кўраман, чунки:

- **Мен ўзимни дадил ва кучли ҳис қиляпман, чунки бой одамга айланиб, ҳаётимни ўзгартиридим.**
- **Пулингиз қанча кўп бўлса, шунча эркин бўласиз. Мен энагамга жавоб бериб, вақтимни болаларим билан ўтказмоқчиман.**
- **Мен йилига минглаб долларларни хайрия жамғармаларига топшириб, жониворларни қутқариб қолишга қодирман.**
- **Мен пулларимни коммунал тўловлар ва энг зарур нарсаларга эмас, кинога, ўзимга ёқадиган турли буюмлар харидига, ресторанга боришига (айниқса, шунисини бирам яхши кўраманки) сарфлай оламан.**
- **Яқинларимга ажойиб-гаройиб совғалар бериб, ниҳоят, оиласини чет элга саёҳатга олиб боришим мүмкін.**
- **Мен ўзимни гўзал оламда кўряпман. Мен ҳозир зўр ҳолатдаман. Ўзим истаган одамга айланана олдим.**
- **Мен бошқа аёллар учун илҳом манбаига айланаман. Масалан, қизларим ва курашаётганлар учун. Айниқса, зўравонликка дучор бўлганлар учун.**
- **Тунлари “Ҳаммаси яхши”, дея хотиржам ухлайман. Ҳозир стресс туфайли ёмон ухляпман.**
- **Эрта пенсияга чиқаман – ура!**

Бойиб кетиши истагига меҳр қўйишга арзийдиган яна бир сабаб бор. Меҳр-муҳаббат – чегараланган ишончлар учун энг яхши қурол. Меҳр-муҳаббат – ҳар қандай туйгудан устун. У бошқа туйғу ва ҳиссиётлардан биринчи ўринга чиқади. У қўркув, шубҳа-гумон ва хавотирни бир четга суреб қўяди.

Шунчаки ўйлаб қўринг. Бир инсонга қўнгил қўйганингизда, у ҳақдаги фикрлар тарози палласини босиб кетади. Меҳр-муҳаббат мантиқан ўйлаш ва сизнинг мубталолигингиз объектидан ташқари бошқасига дикқатни жам қилиш қобилиятини ўзгартирувчи гиёҳванд модда кабидир. У ҳатто суҳбатнинг қанчалик қизиқарли кечишига ҳам таъсир кўрсатади. “Ҳа, бу ресторанда пашшалар тиқилиб ётибди. Бир куни йигитим Бобнигига ҳам пашша учиб кирганди...”

Бойиб кетишининг муайян сабабларига меҳр қўйганингиздаги лаҳзаларга ҳам тегишли бу. Сизни жойингизга михлаб қўйишга қаратилган ҳар қандай механизм қайноқ истак-хоҳишингизга қарши туролмайди. Сотқин одамга ёки Салли холангиз каби қурумсоқ одамга айланнишингиз ҳақидаги қўркув ва фикрлар чўкиб кетади. Буларнинг ўрнига қалбингиз чаманзорга эврилади. Биз муайян инсонларга, муайян нарсаларга қўнгил қўямиз, шу боис бўлгуси бойликни батафсил аниқлаштириш керак.

## ЎЗИНГИЗНИ ҲАМКОРЛИККА ЧАҚИРИНГ

Эчкилар уйимни оёқости қилиб, хароба ҳолга келтиришганда, ҳаммасини тартибга келтириш учун менга бир неча кун керак бўлди. Яп-янги “Ауди”мнинг томини алмаштиришга минг доллар сарфладим. (Эчкиларга

алангали салом!) Улар барибир фанерниям дабдаласини чиқариб, машинамнинг устида роса сакрашганди.

Барибир улардан аччиқданолмайман. Улар нафақат ёқимтой, балки эчкилар эди. Вайрон қилиш, нарса-буюмларни топташ, эрталаб: “Бугун нимани оёқости қилсам экан?” деган фикр билан уйгониш уларнинг табиатида бор. Бу худди қарғага акиллагани учун итдан ёки агар ватанидан олиб келинмаган бўлса, ҳар қандай таомга тегинишдан бош тортадиган тўқсон ёшли итальян отамдан хафа бўлишдек гап. Шунчаки улар ўзига содик, бор-йўғи шу.

Барча мавжудотлар маълум хусусиятга эга. Биз ана шу хусусиятларга боғланган мавжудотмиз, улар эса бизга боғланган. Ягона Онг айнан шундай ўйлаган. Қушлар учиши, балиқлар сузиши, қаҳвахонадаги шеригим гранолани қўлида ейиши керак. Табиатга қарши борганимизда, стрессга тушамиз, иш дўнмайди, ёмон натижага учун ўзимизни койиймиз, ҳаммаси огир синовдек туюлади. Шу боис ҳам, ўзимиз ҳақимиздаги фикрни (ҳатто ички овозни ҳам) эшитиш ўлимга teng.

Лекин имкониятлар оёғингиз остига келиб тушади, илҳомланасиз, атрофингизда ажойиб ғоялар пўртанадек айланади, агар... Агар юрак амрингизга қулоқ солсангиз ва ким бўлишингиз кераклигини тушунсангиз! Ҳа, қийинчиликларга дуч келасиз, нимадир ўхшамай қолади. Бироқ ўрганиш тажрибаси деворни бош билан уриб ёришга уринишдан фарқ қиласи.

Ўзингизга ёқсан нарсаларга эътибор қилинг. Қўлингиздан келадиган ишга, дунёни унутишга мажбур қилалигидан нарса, ҳодиса, ишларга диққатингизни жамланг. Яхписи, сизни юрагингиз етакласин. Ўзгаларнинг фикр-

ларидан иборат қуюқ туман ичра изғимаслигингиз керак. Биз кўпинча табиий нарсаларни инобатга олмаймиз. Бу шунинг учун ҳам рўй берадики, бизга муваффақият мاشаққат талаб қиласди, осон нарсалар эса бошқаларга аталган, деган ғояни сингдиришган.

Бир дўстим бор. Ёқтирган ишида узоқ вақт ишлаган. У реклама директори эди. Биз у билан анчадан бери гаплашиб турамиз. Ажойиб импровизатор, ичагингиз узилгунча кулдиради, айнан унинг шарофати билан мен уюштирган базмларда меҳмонлар оёқдан йиқилгудай хахолашган. Масалан, у эшик олдида қўлида ҳожатхона қоғозидан ясалган радиокарнай билан турволиб: “Жен Аткинсон билан қўшни турган Кэтрин Аткинсонни танишираман. Илтимос, уни илиқ кутиб олиб, қад-қомати учун мақтаб қўйинг”, деб эълон қиласди. У иқтидорлар шоуси ва мусиқий мусобақаларни уюштирас, пишлоқ ёрдамида крекерга меҳмонларнинг портретини соларди.

Ундан ҳамма бар-мицва учун маросимдан тортиб, “Thin Lizzy” гурӯҳи қўшиқлари билан тугайдиган базмларгача тадбирларни ташкиллаштиришни сўрашлари ажабланарли эмас эди. Бу унга ёқарди ва у таклиф этилган тадбирда бажонидил иштирок этарди. Аммо у бундай ишлар учун пул олиш ҳақида ўйлаб ҳам ўтирасди. Биринчидан, у тадбирларда қувнаб-яшнарди (гонорардан воз кечиш учун галати сабаб). Иккинчидан, таниш-билишлардан пул сўраш унга одобсизликдек түюларди. У ҳар ким ҳам одамларни ортидан эргаштириб, саҳнада ҳазил-ҳузул қила олади, деб ҳисобларди. Хўш, унга бундан нима фойда?

Мана шу тарзда у ийллар давомида икки иш ўртасида елиб-югурди. Биринчисида унга пул тўлашарди ва у

бу ишини ёқтирасди. Иккинчисини жон-дилидан яхши күрар, лекин текинга ишлар эди (шу билан бирга, иккинчи ишига борлиги билан берилиб кетарди). Тақдир тақозоси билан бир куни у қандайдир корпоратив тадбирда профессионал бошловчини күриб қолади. Ўша бошловчи зерикарли ва халойиқни ўзига қаратолмаслиги камлик қилгандек, яна-тагин шу иши учун унга бир дунё пул тўлашарди. Ўша бошловчи ишини эплолмаслигидан ва дўстимнинг жаҳдини чиқарганидан шундай хурсандманки, дўстим ниҳоят ўзини енгиб, ташкилий хизматлари учун гонорар ола бошлади. Яна денг, у буюртмачилардан бошқаларга ҳам ўзининг янги иши ҳақида гапириб беришни сўрайдиган бўлди. Ҳозир унинг бозори чаққон. Жасорати туфайли у қўрқувга эмас, юрагига қулоқ солди. Ўзи ёқтиргмаган ишни ташлаб, эндиликда ҳар қандай кечага руҳ киргизгани учун пулларни қуртдай санаб олади.

\* \* \* \* \*

*Юрагингиз – танангизнинг энг кучли қисми.*

*Унинг амрига қулоқ солинг.*

\* \* \* \* \*

## **УНИСИ ҲАМ, БУНИСИ ҲАМ**

Юрак амрига қулоқ тутиб ва пул ишлаб топиш сабабларини тадқиқ этганча, “ёки-ёки” синдромининг қурбонига айланмайсиз. Биз қўрқувга асосланган жамиятда яшаймиз. Бу жамият яшаш қанчалик қийинлигидан огоҳ этиб, эслатиб, ёғлироқ жойдан тишлаб олмаслигимиз

учун бизни тийиб туради. У: “Ҳазир бўл!” деб қичқиради ва ҳеч қачон: “Қандингни ур!” демайди.

Натижада, кўпроғига эришиш ўрнига ўзимизни чегараловчи фикрлар таъсирига тушиб қоламиз. Шунинг учун ҳам танлашга ўрганиб қолганмиз (“ёки-ёки”). Ё ёқтирган ишимизни қиламиз, ё пул ишлаймиз. Ё яхшимиз, ё боймиз. Ё дунёга ёрдам берамиз, ё ўзимизга. Ё таътилга чиқамиз, ё машинанинг кредитини тўлаймиз.

## ЭСНОФИМ ТУТДИ

Қаерда кесиб, камайтириш, тежаш мумкинлигини излаймиз. Аслида эса қаерда кўламни ошириб, ўсиб-униб, ҳаётини назорат қила оладиган энг зўр одамдек тутишимиз керак ўзимизни.

Унумли карьера қилинг ва ажойиб она бўлинг.

Намунали художўй бўлинг ва кўпгина пул топинг.

Дунё бўйлаб саёҳат қилинг ва ўз бизнесингизга эга бўлинг.

Истаган вазнингизга эга бўлинг ва товуқ қанотларини тановул қилинг.

Таймшер олинг ва пенсиянгизга жамгариб қўйинг.

Мол-мулк танлашда паст кетманг. Ўзингизни ижобийликнинг инъикосидек ҳис этиб (чиндан ҳам шундай) ва истаганингизча пул топа оладигандек (бу қўлингиздан келиши тайин) яшанг. Шуларни бажарсангиз, ўзингизнинг энг яхши версиянгизга айланасиз (гапимга ишона-веринг).

## ОЧИҚКҮНГИЛ БҮЛИНГ

Биламан-биламан, бир неча сағифадан бери тафсилотларни аниқ тасаввур қилиш зарурлиги ҳақида күп гап сотдим. Бироқ сиз Коинот учун ҳам очиқ бўлишингиз керак. Ана шундагина у сизга керакли буюмларни, инсонларни ёки имкониятларни келтириб беради. Эҳтимол, сиз куттгандан сал бошқачароқ йўл биландир.

Такрор айтаман. Коинотга биздан кўра кўпроғи маълум эканига ишоиишимиз керак. “Дўконимдаги ортиқча учта машинани сотиб, ўн икки ярим минг доллар ишлаб олмоқчиман”, қабилида талаб-сўровимизни ифода этмаслигимиз лозим. Коинот сизга тақдим этмоқчи бўлган сумманинг йўлини беркитиб қўйишиングиз мумкин. Сиздан талаб қилинадигани – ҳаётни бутун тафсилотлари билан тасаввур қилиш, ҳис-туйғуларингизни тартибга солиш ва илҳомбахш ҳаракатларни қўллаш. Қолганини Коинотнинг ўзига қўйиб беринг. Бу яхши маънодаги “ён бериш”дир.

АГАР “БИЛМАЙМАН” ШИОРИ ОСТИДАГИ ҚАРОРГОҲДА БЎЛСАНГИЗ, ЎЗИНГИЗ УЧУН ҚАЙД ҚИЛИБ ҚЎЙИНГ. Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсан, сиз ҳамон: “Юрагим нима истаётганини зигирча билмайман. Ҳаётим давомида нима қилишни ям билмайман. Шуни биламанки, оёқдарим энди мени Фикспрайсга етакламайди”, – деяётган бўлсангиз, қўйидагиларни ҳозирнинг ўзидаёқ бажаришиングиз мумкин:

1. Қўлингиздан келганини қилинг. Узуқ-юлуқ маҳоратингиз бўлса-да, шугинага ишонсангиз-да, айнан ўша лаҳтак маълумотингизга таянинг. Тўлиқ картина кўз ўнгингизда жонланишини кутиб ўтирманг. Маса-

лан, агар ўзингиз учун ишламоқчисиз, расм солишини яхши кўрасиз, жониворлар жон-дилингиз, одамларга яхшилик қилмоқчисиз. У ҳолда энг кичигидан бошланг. Ҳайвонлар учун маҳаллий меҳрибонлик уйига кўнгилли бўлиб ишга киринг ва Коинот сизни қаёқча етаклашига қаранг. Жониворларнинг портретини чизиб, бизнес яратинг.

Нимадир қила бошласангиз, буиш ўзингизга ёқиши-ёқ-маслигини аниқроқ билиб оласиз. Ҳаракат қилсангиз, жавобнинг ўзи келади. Фоя-фикрларни миянгизда майдалаб ўтириш қатъиятсизликка ва турғунликка олиб келади.

2. Ҳаётда нима қилишни билмаслигингизни минғир-синғир қилиб гапиришни бас қилинг. Ҳаётни худди қурама топишмоқни тергандек тушунингизни айтиб юринг.
3. Иш қай аҳволдалигини алдамасдан айтинг. Аслида, нима қилиш кераклигини биласиз-у, лекин қўрқиб турган пайтингизда, билмайман, деб ўзингизни гўлликка солманг. “Билмайман” жумласи “Ўзим ёқтирган иш билан пул тополмайман”, “Кексайиб қолдим”, “Одамлар мени эси паст товуқ деб ўйлашади, чунки модель бўлмоқчиман”лардан фарқ қиласи. Енг шимаринг-да, фотиҳларни ўрганинг. Орзуларга қўрқувла-рингизга нисбатан ёмонроқ муносабатда бўлиб, бир марта яшай олмасликка аҳд қилинг. Ўзингиздан тушунишингизни талаб қилинг ва режаларингизни ҳаётга татбиқ этинг.

Одамлар, алалоқибат, фазога учишни, кактусдан шинни тайёрлашни ўрганишган, ахир. Сиз эса ҳар қандай

машғулотдан пул топишни ўрганинг. Шубҳа-гумонларга берилиб, бебаҳо инъомни увол қилманг.

Ўзингиздан бошқа ҳеч ким шуҳратга эришишингизни хоҳламайди. Ўзингизни қулагандир ҳудудидан олиб чиқиш учун ажалдек жиiddий бўлишингиз, шукуҳли яшашни ният қилишингиз керак. Биламан, аллақачон тоғни талқон қилгансиз. Чунки ниманидир чин дилдан истагансиз. Эҳтимол, мақоми юқорироқ кимнидир учрашувга таклиф қилгандирсиз, саҳнага чиқиш учун юрак ҳовучлагандирсиз, бизнесни йўлга қўйгандирсиз. Ёки керакли маълумот, билимингиз бўлмаган ишга жойлашгандирсиз, фарзандларни оёқقا қўйгандирсиз, чўнта-гингизда беш доллар-у, қўлингизда қайноқ шоколадди термос ва албатта, юрагингиз тўла орзу билан бутун бошли мамлакатнинг айланиб чиқандирсиз.

Истак-хоҳишишингиз мустаҳкамлангач, сизни ҳеч нарса тўхтатиб қололмайди. Шу боис... тўлақонли турмуш ке-чириш учун бойликка қанчалик кучли эга бўлмоқчисиз? Бирмунча фурсат қалбингиз билан ёлғиз қолинг, ҳар нарсага қодир сабабни кўриб чиқинг ва қўрқувнинг ке-тига келиштириб тепинг.

**Муваффақият тарихи: унинг қўлидан келди,  
демак, сиз ҳам эплай оласиз**

*Мана, сизга мижозим бўлган Анитадан бир ҳикоя. У 32 ёшда. Анита Ягона Онгга ишонди, қўрқувдан кўра сабабларга кўпроқ таянди ва ўзи-ни ўзи 75 000 доллар билан таъминлади.*

Ҳәётимнинг бу ёғига қандай яшашни ўйлаб кўрдим ва ишимни ташладим. Бир сўз билан айтганда, ҳәётимни янги бобдан бошладим. Бу борада анчадан бери орзу қилиб юардим.

Лекин ҳар сафар диққат-эътиборимни мақсадга қаратарканман, нимадир ногўгридек туюлаверди. Ниҳоят, тушундимки, кетишдан олдин хўжалик бўйича қарзларни ёпиш имконим керак экан. Заём деярли тўланган, машина кредити ҳам жойида эди. Ҳаммасини саранжом-саришта қилишга ва ўшанда ишдан bemalol кетишга қарор қилдим. Гап шундаки, оиласвий сарф-харажатларнинг ҳаммаси менинг бўйнимда эди.

Бу қарзларнинг умумий суммаси 75 000 доллар эди. Шунда менда мақсад пайдо бўлди – шунча пулни топишим керак! Лекин қандай қилиб?

Бу умуман ақлга тўғри келмайди, деб ўйладим. Бунинг имкони бор, деб ўйлашга нимаям асос бўла оларди? Кўчада ётмайди-ку шунча пул, бошқа яна бир ишга жойлашолмайман, сотишга кераксиз нарсам ҳам йўқ. Ўзимни тентакдек (балки бироз таҳқирлангандекдир) ҳис этдим. Бошим берк кўчага кириб қолганди.

Бир ҳафтача ҳаётдан нолиб юрдим. Сўнгра кўркувларимни бир четга улоқтириб, 75 рақамига диққатимни тўпладим. 75 рақами билан медитация қилдим, кундалигимга “75” деб ёздим, недир нажот чиқишига ИШОНДИМ. Кейин эса... ҳеч нима рўй бермади. Э, Худойим! Каравотда ётганча, ниманидир кўрмаяпман, деб ўйладим. Ниманидир

күздан қочирдим. Истагим амалга ошди, деб ўзими-  
ни ишонтиравердим.

Кейинроқ, 1999 йили маслаңат кенгашыда бўл-  
ганим учун қайсиdir стартапдан совға сифатида  
акциялар олганим ёдимга тушиб қолди. “Ҳм, бу  
компания бозорга чиқсан. Бир текшириб кўрай-  
чи”, деб ўйладим. Ташкилот ҳақидаги маълумотлар  
уйимдаги ҳужжатлар орасида йўқолиб кетганди.  
Лекин эртаси куни ўша маълумотларни топиб ол-  
дим. Менежерлик компаниясига қўнгироқ қилиб,  
акцияларнинг баҳоси ва уларни қандай қилиб со-  
тишим мумкинлигини сўрамоқчи бўлдим. Ўша ак-  
циялар ақалли сариқ чақага арзиш-арзимаслигини  
бilmасдим. Лекин менежер менга ёрдам берди.

Аввалбошда икки доллар турган акцияларнинг  
нархини сўрадим. Қани, топинг-чи, қўнгироқ қил-  
ган куним уларни қанчага сотиш мумкин бўлган  
экан?

Тайёрмисиз?

Ҳа, 75 000 доллар. Роппа-роса-я!

Бу хабарни эшишиб, сал қолса, телефон қўлим-  
дан тушиб кетай деди. Ҳалигача ўзимга келолмаяп-  
ман. Қўполлигим учун узрку-я, аммо БУ АРЗИ-  
МАС МАЙДА-ЧУЙДА ҲАМ ИШ БЕРАРКАН!

Орзунингизга ишонинг!

## БОЙ-БАДАВЛАТ ИНСОНГА АЙЛАНИНГ

Тегишли пул мантраси (бу мантрани такрорлаб  
юринг, ҳис этинг, у билан нафас олинг):

Мен пулни яхши кўраман, чунки гўзал ҳаётни яхши кўраман.

1. “Ҳаётимнинг бир куни” номли ҳикоя ёзинг. Бой-бадавлат, баҳтли ва муваффақиятли бўлганингизда, оддий кунингиз қандай бўларди? Ҳаётингизни тубдан ўзгартирмоқчи бўлганингизда, истакларни ифода этиш билан боғлиқ мушкулот туғилади. Ўзингиз билмаган нарсаларни бошдан кечирмагансиз ёки ўша нарсага эга бўлмагансиз. Мана шунинг учун ҳам бу машқни бажариш мухим аҳамиятга эга.

Ёзаётганингизда, таҳдил қилиш эмас, ҳиссиётларга қулоқ солиш мухимdir. Ўзингиз учун вақт ажратиб, онг оқимингизни қогозга тўкиб солинг ва нима ҳосил бўлишини кўринг. Гўё пул ҳозирги замонда муаммо эмасдек ёзинг. Оқилона сарф-харажат ҳақида эмас, вақтичоглик ҳақида ўйланг. Ўзингизни чегаралаб қўйманг.

2. Шундан сўнг “Ҳаётимнинг бир куни”ни ўқиб, танангиздан ўтаётган бешта энг кучли ҳисни ёзиб қўйинг.

3. “Бир кун”ингиз учун қанча сарфлашингизни ҳисоблаб чиқиб, уни ҳам қогозга туширинг.

4. Кунингиздан дайджест олинг, энг қувноқ қисмларини ажратинг, уларни рақамлар билан уйғунлаштиринг ва мантра ёзинг. Мантрага ҳаммасини тиқишираверманг. Беш-үн жумладан иборат бўлса кифоя, мисол учун: “Мен – интеръерлар дизайннериман, йилига уч юз минг доллар топаман. Ишимни қадрлайдиган ақдли инсонлар билан ишлашни ёқтираман. Саёҳат қилиб, ижодкор бўлишнинг янги усулларини очаман. Мана шуниси мени баҳтли қиласди. Эндиликда Сан-Диегодаги денгиз бўйида яшай олишимдан ва севган инсоним билан ҳар

куни сёрфер уча олишимдан жуда ҳам миннатдорман...”

5. Ҳар куни тунда мантрани ўқинг ва уни ҳис этинг.

6. Нима қилишни билмаётган бўлсангиз, ўзингизга таниш ҳаракатлар рўйхатини тузинг. Бутун тафсилотлари билан ёзинг. Кўрсатилган йўналишда ҳаракатланиши бошлаш учун ҳозирнинг ўзида қўллашингиз мумкин бўлган бешта нарсани ўйлаб топинг.

Илтимос, чизиқлар ўрнини тўлдиринг:

Мен пуллардан миннатдорман, чунки \_\_\_\_\_

## ОЛТИНЧИ БОБ МИЯНГИЗДАГИ ПУЛТОПАР

“**О**пра Уинфри шоуси”да Жим Керри бир ажойиб ҳикоя сўзлаб берганди. У ўн миллион доллар ишлаб топиш учун ақдини ишга солади ва муваффақиятли тарзда актёрлик карьерасини йўлга қўяди. Керри ҳамиша одамларнинг кўнглини олишини истаётганини билган. У ёшлигида-ёқ юзи силикон коптоқчага ўхшаб кетишини тушунган. Ўн беш ёшида бир концертда бошловчи артист сифатида саҳнага чиққан. Парвозу қулашлардан сўнг Керри сариқ чақасиз қолади. Фургончада яшайдиган оиласига қарашиш учун у мактабни ташлаб, заводга ишга киради. Оқшомлари клубларда унинг мукофоти гоҳ кулги, гоҳ хуштак бўлган.

Кейинчалик Керри чинакам машҳур актёр бўлиш ниятида Лос-Анжелесга кўчиб ўтади. Иш ва пул йўқлигига қарамай, у атоқли режиссёrlар Жим Керри билан ишлаш иштиёқида эканини тасаввур қилаверади. Бўлажак юқори ҳақ тўланувчи комик актёр ҳурматли одамлар унинг қошига келиб, сизнинг ролларингиз бизга ёқади, дейишларини кўз ўнгида гавдалантиради. У “Мен зўр

актёрман, киносаноатнинг құдратли кишилари мени навбатта туриб кутишади” қабилидаги фикрларни үзига сингдиради. Бундай фикрлар уни құллаб-қувватлайды, нега десанды, үша пайтда уни навбатта туриб кутиш масди-да.

Шунингдек, у үз номига ўн миллион долларлик чек ёзади ва санани уч йил илгарилатиб қўяди. “Хизмати” деган бандга “актёрлик” деб ёзади. У бу галати чекни йиллар бўйи телевидениеда ишлаб ва комедия кечаларида қатнашиб ўзи билан олиб юради. Лекин бу билан иш дўйнмайди, умидалари пучлигича қолиб кетаверади. Лекин у барибир ишонади, оиласи учун мұжим бўлган фаровонликни кўз ўнгига келтираверади, эшакдай ишлаб, муваффақият ҳиссини суғориб бораверади. Чекда ёзилган сана олдидан у “Анқов ва янада янқов” фильмига роль ва ўн миллион долларлик гонорар олади.

Ҳаммамиизда танлов бор. Ўй-фикрлар молиявий ҳақиқатга айланади, деб ўйлашимиз ва англашимиз мумкин. Ягона Онг худди сизнинг ақл-идрокингиз ойнасига ёпишган қулоқ қабидир. У тафаккурингиз йўналтирилган нарсани яратишингиз учун фикрларингизни (= ижро этилиши керак бўлган амр-фармоларни) эшилади.

• • • • • • • • • • • • • • • • • • •  
*Агар бирон нима ҳақида ўйлайверсангиз, тез орада  
чангала шўрва, деяверинг.*  
• • • • • • • • • • • • • • • • •

Мен Жим Керрининг бу ҳикоясини яхши кўраман. У бойлик онгига эга бўлиш қаёқда етаклашини кўрсатиб беради:

- Ниятни аниқ-тиниқ қилинг, тафсилотларга урғу беринг. Мақсадингиз нима? Мақсадингиз туфайли қанча пулга эга бўлмоқчисиз? Қачон эга бўлмоқчисиз? Нега шуни истаяпсиз?
- Воқелик манзарасини хаёлингизда пишигинг. Дадил ва событқадам бўлинг.
- Кўз ўнгингизда ўзингиз гавдалантирган манзара га шунчалик мафтун бўлингки, ҳеч қандай чегараловчи ишонч ёнингизгаям яқинлашмасин ва ҳатто сизни тўхтатишга ҳам уринмасин.
- Ишончингиз харсангтошдек қаттиқ, миннатдорлигингиз эса чексиз бўлсин. Гарчи вақт ўтиб кетди, деб ўйласангиз-да, буларнинг барчаси сизга тегишли. Умидингизни йўқотманг.
- Тез ва дадил ҳаракат қилинг.

Жим Керрининг ҳикояси, шунингдек, онгнинг ролини муҳокама қилишда эътиrozлардан бирига мурожаат қиласди: “Башарти, молиявий ҳақиқатингиз бошқаларнинг ҳаракатига bogлиқ бўлса-чи? Умуман, қандай фикрлар уни назорат қила олади?” Шунга ўхшаш эътиrozларни кўпинча ёлланиб ишловчилар – актёрлар, менежерлар, кейтерингга масъул одамлар, сантехниклар, оғир касалларга қараб турувчилар, ҳовуз тозаловчилар ва даромадлари олинган фоизга bogлиқ маркетологлардан эшишиб қолган. Агар жиддий ўйлаб кўрсангиз, ҳаммаси бир-бира га bogлиқ эканини тушунасиз. Махсулотлар, хизматлар, сармоялар, қаҳва учун чақа-танга – ҳаммаси ўзаро боғланган.

Менинг онг билан bogлиқ илк тажрибам ҳам Жим Керрининг ўн миллион доллар ҳақидағи ҳикояси каби

(айтишга тилим ҳам бормайды) фусункор бўлганди. Ўшанда биринчи хусусий коуч, яъни мураббийим билан ишлардим. У менга ёзувчиларга ёрдам беришга йўналтирилган интернет-бизнесимни – [writeyourdamnbook.com](http://writeyourdamnbook.com) сайтимни юритишга кўмаклашганди. Ўша пайтда ўзим ҳам коучинг билан шуғуланиб, сайт ёрдамида йиллик даромад орттиришга муваффақ бўлгандим. Бу жуда соз бўлганди, аммо ҳали-ҳамон нуфузли салонда учолмасдим. Йўл бўйидаги тамаддихоналарда ишлайдиганлар ҳам мендан кўпроқ топишарди. Ўзимни ўзгартиришга қодир бўлган миқдордаги пул топмоқчи бўлардим. Кундалик ташвишлардан фориг бўлиб, ҳаётимни назоратга олиб, кўнглимга келганини қиласмоқчи эдим. Эркин бўлишни истардим, бўлмагур ишлар билан банд бўлишни истамасдим.

Мураббийим сайт ёрдамида бир ҳафтада топишим мумкин бўлган маблагни айтишимни сўради. Ўйлаб ўтирмасдан, ҳисобламасдан, бундай хизматлар учун бошқалар қанча олишини эсламасдан туриб айтишимни сўради. Хаёлимга беш минг доллар келди. Ўша дамларда кўпи билан бир ёки икки минг топардим. Вужудимни қўрқув қамраб олди, лекин ҳаяжонланиш билан бирга, буларни амалга ошира оламан, деган дадил ўйга боргандим.

– Жуда соз, – деди мураббийим, – энди айтган суммангни иккига кўпайтир.

Ўзимга келгач, режа туздик. Мен алоҳида уч нафар мижоз билан ишлаб, китоб сотиш бўйича таклифлар тузишга кўмаклашишим керак эди. Ҳар биридан уч минг доллардан олдим. Қолаверса, мавжуд коучинг-дастурни ҳам сотишим керак эди ва бу менга яна ўн минг доллар

келтиради. Бу уч одамни мен билан ишлаганлари учун пул беришга қандай күндириш хаёлимнинг кўчасигаям кириб чиқмаганди. Бироқ билардимки, бу ўн мингни куртдай санаб оламан. Бошқа чорам ҳам йўқ эди. Расмий равишда, албатта.

Кейин биз менинг энергиям устида ишладик ва мен қуидаги саволлар бўйича ахборотларга эга бўлдим:

Нега пулни қўлга киритмоқчиман? Ҳаётимни назоратга олганимни, эркинлигимни, пуллар нима қилиш кераклигини менга ўргатмаётганини ҳис этиш учун.

Бу пулларни нимага ишлатаман? Кредит тўловларимни тўлайман (қарзларни умуман ёқтирумайман, турган-битгани гурбат).

Пул ишлаб топиш учун нима қиласман? Таклифлар ёзиш бўйича учта хусусий пакет ва гуруҳимдаги яна бир ўринни сотаман. Асосийси, Коинот менга таклиф қилиши учун барчасига дарвозаларимни ланг очиб қўяман.

Бу пулларни қачон ишлаб топаман? Бу қийин савол эди. Ҳаётим шунга боғлиқдек ҳаракат қилишим кераклигини билиб турадим. Бир мақсадга диққатимни йўналтиришим кераклигини билиб турадим. Майли, менга тош отишсин, уйимда электр манбанин узиб қўйишин, меҳмонхонамга гориллани қўйиб юборишин. Токи галабага эришмагунимча йўлимдан тоймайман. Яна қанча тоқат қилишимни билмасдим, шунинг учун бор суммани икки кун ичида топишга аҳд қилдим.

Хуллас, мураббийим билан телефон устида турибмиз. Нима қилишни билмайман, лекин пулни қўлга киритишм шарт. Бирдан хаёлимга ажойиб гоя келиб қолди. Бир йил олдин бир киши билан ишлагандим. У менинг

биринчи мижозим эди. Ўшандан бери бу мижозим ҳақида ҳеч нима әшитмагандым, лекин унга сим қоқиб, мен билан яна ишлашни исташ-истамаслигини сүраб күрсам бўларди. У ёзувчи эмасди, лекин ким билади дейсиз.

Миямга ғоя келди-ю, ўша заҳоти менга хат келди. Ундан. Бир йилдан бери гаплашмасдик, уни ўйлашим биланоқ, хат келиб турибди-я. Ўша кундан бери шу хотирага берилсан, соchlарим тикка-тикка бўлиб кетади. Хатда у машғулотларни янгидан бошлаш ниятида эканини ёзиб, қандай нарҳда қанақа коучинг дастурлар борлигини сўраганди.

Бу машмашадан тезроқ қутулиш учун унга ўн икки минг доллар эвазига турмуш даражасини яхшилаш бўйича олти ойлик шахсий коучинг дастурини сотдим. Эртаси куни эса хусусий пакетларнинг биридан қутулдим. Икки сутка ичида ўн беш минг доллар топдим. Ўша дамда бу мен учун саккиз дақиқада миллион топишдай ғап эди.

Дикқатингизни қаратишингизни сўрашим лозим бўлган жиҳатлар бор. Биринчидан, пуллар менга ўзим режалаштирганимдек эмас, умуман бошқа одам орқали келди. Ягона Онг билан боғлиқ ишнинг бир қисми шундан иборатки, қўлингиздан келганини бажариш. Бироқ “йўқ ердан пайдо бўладиган” ғоялар ва имкониятлар учун очиқ бўлиш зарур. Сизнинг вазифангиз – энергиянгизни тўғри йўналтиришдан иборат. Пулни олишга жиддий ёндашиш ва қўлингиздан келганини амалга ошириш. Ўз навбатида, Ягона Онг истагингизни ўзи муҳим деб билган шаклда узатади.

Иккинчидан, дикқатингизни мижоздан ўн икки мингни олишимга имкон берган фикрлар алмашинувига қа-

ратмоқчиман. Бу мижозим жуда яхши инсон, у билан биргаликда яхши ишладик, унга қўлимдан келганча ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилдим. Ўтган сафар коуч-хизмат учун бир соатга йигирма беш доллар олгандим. Бу сафар камида уч юз олмоқчи бўлдим.

Энг қийини нарх-наво ёзилган хатни жўнатиш бўлди. Бир қисмим ёмон одам эканлигимни уқтиришга чиранарди. “Ким бўлибманки, шунча пулни олсан?” Бу қисмим раддия хатини осонгина ўқиб, рисоладагидек муносабатда бўлиши тайин эди. Лекин яна бир қисмим ҳам бор эдики, бу қисмим довни катта олганди. Тан олиш учун бу қисмда журъат етарли эди: икки сутка ичида ўн минг топа оламан, умуман, кўнглимга келганини қила оламан. Иккинчи қисмим бу икки нарх ўртасидаги энергиялар фарқини тушунар ва тўғри йўл тутяпман, деб ҳисобларди.

Ўша пайтларда коучингни ўрганиб, бир неча йиллардан бери шу иш билан шугулланиб келардим. Бу яхши, деб ўзимга ўзим уқтирардим. Бу қиймат – жуда зўр, асосийси – энергия нуқтаи назаридан тўғри. Энг яхши коуч сифатида йўл тутишимни билиб турардим. Танишим ҳам дарровгина жавоб қайтара қолди. Уни дастурга ёзиб қўйишимни сўради. Шунда у баланд дорга осилмоқчи эканини тушундим.

Мен унга қайси босқичда эканимни англашига қўйиб бердим. Пуллар билан юқори частотада алоқага чиқиб, мижозимга ҳам ўзим турган босқичга кўтарилишини таклиф қилдим. Иккаламиз учун ҳам бу катта маблағ эди. Оқибатда, икковлон анча-мунчасини ер тишлатдикки, ҳозиргача мароқ билан эслайман. Мен Супер-коучга

айландим, у эса одам қаторига қўшилиб, икки ой ичида мультимилионли бизнес очди.

Бошқа одамларни бошқаролмаслигингиз турган гап (агар жисмоний аралашув ёки ҳийла-найрангни ҳисобга олмасак, албатта). Лекин сиз ўзингизнинг хатти-ҳаракатларингизни назорат қила оласиз. Айнан шунга дикқатингизни йўналтиришингиз зарур.

Зорланиб, кимнидир айблайдиганлар бир жойда қотиб қолаверадилар. “Иқтисод энасиникига қараб кетяпти. Албатта, менинг электромонтаж бизнесим ҳам хонавайрон бўлади! Фикрлар буларни қанақасига назорат қила олади?” Улар тафаккурларини такомиллаштирамайдилар ва сиздан кўпроғини талаб қиласаверадилар. Устига-устак, Коинотдан маълум вақтда, маълум маконда нарса-ҳодисаларни ўзгартиришини сўрамайдилар. Аммо улар ҳеч нарсага қодир эмаслигимизни таъкидлайдилар. Улар масъулиятни ўз зиммаларига олиш ва ҳаётларини ўзгартириш ўрнига вазиятга бўйин эгадилар. Жим Керри каби Малхолланд-Драйвда ўзининг шалоқ машинасида ўтирганлар эса Фаришталар шаҳрига назар ташлашади. Мана, унинг имконияти айтишга ҳам арзигулик эмас, лекин у хурсанд. Пластик қошиқда тунука банкадан ловия бўтқаси еб ўтирган бўлса ҳам, у шукrona келтираверади.

Сиз важ-корсонларни қалаштириб ташлашингиз мумкин. Сиз мубаффақиятга эришишингиз ҳам мумкин. Униси ҳам, буниси ҳам бир вақтнинг ўзида икки қайиқни ушлаб туриб бўлмайдигандек имконсиз. Қайси бирини танлашингиздан қатъи назар, онгингиз қаршингизда воқеликни шакллантириб бераверади. Баъзи одамлар бошқаларга қараганда кўпроқ қийинчилик ва кўнгил-

сизликларни енгиб ўтишларига тўғри келади. Лекин биз барибир иккисидан бирини танлашимиз керак.

Шундай одамлар борки, улар қашшоқликда, ҳеч қандай маълумот олмай, қўллаб-қувватлашларсиз катта бўлишган. Улар бойиб кетишларига ишонадилар. Улар айнан мана шунга дикқатларини жамлайдилар ва мудхиш нарсалар ҳақида ўйламайдилар. Ва миллионларни, гоҳида ҳатто миллиардларни қўлга киритадилар.

Яна-тағин шундай одамлар борки, улар бой бўлиб туғилишади. Маълумотлари олий, алоқалари кучли, лугат бойликлари ҳам ҳавас қиласа арзигулик. Уларнинг ҳаёти кўчада тиланчилик билан адо бўлади. Муваффақият вазиятга боғлиқ эмас. Муваффақият сизнинг кимлигингизга боғлиқ. Одамлар бир хил нарса билан машғул бўлиб, бойиб кетишган ҳам, бор-будларидан айрилган ҳам.

## **ИШГА МУНОСАБАТИНГИЗ – СИЗНИНГ АСОСИЙ БОШҚАРУВЧИНГИЗДИР**

Куйида истаганингизча бойишингиз учун фикр куч-қудратини ўзлаштиришнинг ажойиб усусларини келтириб ўтаман:

### **ДИКҚАТНИ ЖАМЛАШ**

Бир нарсага қанча кўп дикқатингизни жамласангиз, ўша нарса кўпаяверади. Бу оддий тушунча, лекин уни босқичма-босқич такрорлаб бориш лозим. Ўзим ҳам такрорлаб бораман. Шундай бўлса-да, бу тушунча хаёлдан тез кўтарилади, чунки у “бўлганича бўлади” фикрига

үйғундир. Нимагадир осон эришишимизга ишонгимиз келмайды. Үзимизга раҳмдиллик қилиб, күникиб қолган қулайлигимиздан воз кечганча, ҳаётимиз учун масъулиятни бўйнимизга олгимиз келмайди. “Вой, бир қути “Фритос” маккажўхори чипсини сотиб ололмайман-ку. Шундай экан, мен учун веб-сайт яратиб, уни юритадиган одамни қанақа қилиб ёллай олардим?”

Шу билан бир вақтда дикқатни бир жойга тўплашнинг қудратли кучидан фойдаланамизки, буни үзимиз ҳам пайқамай қоламиз. Севимли дўстимиз – хавотирнинг шарофати билан баҳтсиз вазиятларни келтириб чиқарамиз.

• • • • • • • • • • • • • • • • • •  
*Хавотирланиш – ўзингиз истамаган нарсаларни сўраб ибодат қилишидир.*  
• • • • • • • • • • • • • • • • •

Сиз воқеалар ривожининг энг ёмон варианти ва истаётганингизни қўлга киритмаётганингизнинг сабабларига дикқат қаратасиз. Бунга кўп ҳисларингиз, кўп тафсилотлар, ишонч-умидингиз кетиб қолади. Ўзингиз истамаётгандарни аста-секин, аниқ-тиниқ яратиб бора-верасиз. Лекин яхши хабарлар ҳам бор. Агар доим хавотирланаверсангиз, демак, дикқатни жамлашни қойиллатасиз, фақат йўналишни ўзgartирсангиз бас.

Келинг, бир тасаввур қилиб кўрайлик. Йигирма минг доллар қарзингиз бор. Ўн икки нафар фарзандни вояга етказмоқдасиз. Ишингизни ёқтирмайсиз, дўппидеккина квартирада яшайсиз. Агар ҳадеб ҳаётнинг бадбинликларига келинг, тоғиб кўнглини кечгандай яшайсангиз бас.

рини ўйлаб, саросимага тушаверсангиз, қуидаларни орттириб оласиз:

- **Ҳаётимнинг турган-биттани гурбат, деган фикрга ёпишиб қоласиз.**
- **Сизнинг вазиятингизда умид йўқлигига ишона борасиз.**
- **Ваҳима, гам-қайғу ва умидсизлик ҳисларини фаоллаштирасиз.**
- **Гужанак бўлиб оласиз-да, қайтиб турмайсиз.**

Энди эса кузатиш бурчагини ўзгартириб, вазиятга бошқа нигоҳ билан қараб кўрайлик. “Йигирма минг долларга зориқдан пайтимда, бу пуллар қўлимга тушди. Бу агар яна пул керак бўлиб қолса, албатта, топа оламан, деганидир. Ишимдан даромад топаётганимдан жудаям миннатдорман. Шу ишга жойлашдимми, демак, ундан яхширогини ҳам топа оламан. Истиқболим порлоқ. Атрофим тўла меҳр-муҳаббат, шукрки, оилам ҳам бор. Яна-тагин мўъжазгина квартирада яшайман. Ажойиб!”

Содир бўлаётган воқеликка бундай нигоҳ билан қараш:

- **ҳаётда миннатдор бўлишим керак бўлган нарсалар ҳам бор, деган фикрни ўзингизда шакллантиришингизга;**
- **омадим келди, деган фикрни қўзгашга;**
- **шод-хуррамлик, умид ва тўлқинланиш ҳисларини фаоллаштиришингизга;**
- **гўзаллик яратиб, унинг учун курашишга илҳомланишишингизга имкон беради.**

Турмушнинг ёрқин тарафига кўз тикиш муносабатларни ўзгартириб, частотангизни кўтаради. Шунинг учун ҳам ўзгаришлар учун зарурини жалб қилишни бошлишингиз мумкин. Ўзингиз ҳам авваллари пайқамаганингиз – имкониятлар, ёрдам қўлини чўзадиган инсонлар ва фаровон ҳаёт тасаввурлари томон интила бошлисиз. Шунингдек, Ягона Онгга қўрқувларингизни эмас, истак-хоҳишларини юборадиган бўласиз. У ҳам сизга пешвоз чиқади.

Диққатни жамлаш борасида яна бир муҳим жиҳат:

•  
Бир нарсага диққатни қаратиб, иккинчиси  
кўриб бўлмайди.  
• • • • • • • • • • • • • • • • • • •

Мана шунинг учун ҳам ваҳимага тушганингизда, атрофингиздаги имкониятларни кўрмайсиз

Бир куни кўнглим олабугали сэндвич тусаб қолди. Банкадаги балиқни олиш учун омборхонага тушдим-у, тополмадим. Кичкина кўк консерва банкаси йўқолиб қолибди (ғамгин куй янграйди). Омборхонадан чиқишдан олдин: “Биламан, менда олабуга балиғи бўлиши керак”, деб ўйладим ва излашда давом этдим. Бирдан бурнимнинг тагидан иккита банка чиқиб қолса бўладими. Гап шундаки, банкалар кўк эмас, қизил экан. Маркасини адаштирибман, шунга бошида тополмагандим.

Бу нонушта триллерини сиз билан ўртоқлашишимнинг сабаби шуки, бу ҳикоя кўпинча биз зўр имкониятларни, алоқаларни ва гаройиб тажрибаларни қўлдан

чиқаришмизни намойиш этади. Бу шунинг учун ҳам рўй берадики, биз эскича фикрлашда қолиб кетганмиз.

•  
Ўтмишга дикъатингизни қаратганингизда,  
айни дамни пайқамайсиз.  
• • • • • • • • • • • • • • • • • •

Сиз ўз ҳақиқатингиз соҳибисиз.

## ҲИССИЁТЛАР

Ишни дўндириш борасида гап кетганда, ҳар қандай ёрқин, лекин ҳиссиз фикр қуруқ, фойдасиз, умуман, кераксиз бўлиб қолади. Шубҳа-гумонлар юки остидаги “Мен пулларни яхши кўраман, улар bemalol мен томон оқиб келади, пулни осон топаман”, қабилидаги таъкидлар нуқул вақтимизни олади. Ниманидир ўйласангиз, бу, албатта, ўша нарсага ишонасиз, дегани эмас. Фақат раблеча ёрқин ҳиссиётлар фикрларга ишонч яратишда қўл келади. Улар мардонавор хатти-ҳаракатларга ундайди, натижада молиявий фаровонликка олиб боради.

Биз руҳий ва жисмоний мавжудотмиз, айнан шунинг учун ҳам ҳаётимизнинг кўринмас жабҳасида кўп нарсалар содир бўлади. Фикрлар, ишончлар, тасаввурлар, ҳиссиётлар – буларнинг барчаси Ердаги турмушимизга жисмоний таъсир ўtkазади. Ҳиссий оғриқни бошдан кечирганингизда, йиглайсиз, юзингиз буришади. Гоҳида дилсиёҳликдан ичингиз куйиб кетади. Шодланганингизда юрагингиз уриши тезлашади, санчиб-санчиб қўяди,

кэттә йўлга чопиб чиқиб, нотаниш одамни машинадан тушириб, ўпиб олгингиз ҳам келади.

Ҳиссиётлар илҳомлантирувчи турткига ўхшайди. Ҳиссиётлар танангизга ҳаракат қилиш ва фикрни амалга ошириш фурсати келганини уқтиради. Электр қувватини ютиб, ёргулук тарқатувчи чироққа ўхшаб танамиз ҳам фикрларни ўзлаштиради ва уларни амалий натижка сифатида қайтаради. Икки ҳолатда ҳам натижага эришмоқ учун включателни босиш керак. Агар қийинчилликлар гирдобига чўкиб кетаётган бўлсангиз, бу қуйидагича занжирли реакция туфайли юз берадиган бўлади. Сизда фикр пайдо бўлади, бу эса ҳиссиётни келтириб чиқаради. Ҳиссиёт туфайли бажараётган ишингизни амалга оширасиз ва қондирилмаган натижалар сиртмогига тушиб қоласиз. Келинг, тасаввур қилайлик, сизнинг севимли нолишингиз – бу “Мен камбағалман”. Хурсандчилик қилиб, униб-ўсиш имконияти пайдо бўлганда, сиз ўша зорланишга юзланасиз. Кинога борасанми? Боролмайман, мен камбағалман. Сени илҳомлантирадиган, эҳтимолки, ҳаётингни ўзгартириб юборадиган қизиқ ва муваффақиятга эришган одамлар билан бирга овқатласанми? Йўқ, мен камбағалман. Сени ёшартириб, бой ва қувноқ одамга айлантирадиган хапдорини сотиб оласанми? Йўқ, мен камбағалман.

Ҳаракат қилиб, тасаввур, иродада кучи, мақсад сари интилиш устида ишлаш ўрнига тушкунликка тушасиз ва у сизни қониқтиrmайдиган воқеилиқдан ушлаб туради. Сиз ҳеч қандай ёргулукни кўрмайсиз, тасаввур эшикларини ёпиб қўйгансиз, ўзингизни қурбон қилишга мойил бўлиб турибсиз. Айтмоқчиманки, миянгизда нуқул “Мен камбағалман” деган жумла айланиб ётибди, ерда ётган

тангани ҳам күтариб олишга ҳушиңгиз йўқ. Кейинги босқичга сакрашни-ку айтмай қўя қолай. Бу ҳолатдан чиқиб кетиш учун танлов қилишингиз, фикрлаш тарзингизни ўзгартиришингиз ва уни тўғри ҳиссиётлар билан мустаҳкамлашингиз лозим.

\* \* \* \* \*

*Онгли равиша ради қилмайдиган фикрларимиз,  
ишончларимиз ва ҳиссиётларимиз барибир ўзимиз  
билин қолаверади.*

\* \* \* \* \*

Тушуниш – озодликнинг калити. Нимагадир эътибор қилиб, нима ҳақдадир ўйлаб, ҳис қилсангиз (“ҳамм, мана, ўйлаб ўтириб, мен омадсизман, деяпман”), ўзингизга куч ато этасиз. Бу энг яхисини танлашингизга, руҳиятингизни кўтарадиган гояларга ўтишингизга ёрдам беради.

Ботиний кучга эга бўлишнинг энг яхши усули бу сизни ҳаракатга келтирадиган сабабларни тушуниш ва уларга чамбарчас боғланишдир.

Тасаввур мушакларини ишга солинг. Кўнглингиздаги ҳаётни тасаввур қилинг. Буларни сизга пуллар тақдим этишини ҳис қилинг. Мақсадингиз билан боғлиқ ҳиссиётларни бир ерга тўплаб, уларга канадек ёпишиб олинг.

Жеймс Аллен ўзининг “Мутафаккир одам” китобида айтганидек: “Токи фикр мақсад билан бирлашмас экан, бамаъни ютуққа эришиб бўлмайди”.

Ҳиссиётлар ҳақида баъзи фойдали маълумотлар:

- Ҳиссиётлар ўрин бўшатишни ёқтирумайди. Агар кўрқув, қайгу ёки ғазабланаверишдан чарчаган

бўлсангиз, қувватингизни некбин ҳиссиётларни қўзгатишга йўналтиринг. Раҳмдиллик нафратни, ботирлик қўрқувни, ишонч-эътиқод шубҳа-гумонни ўлдиради.

Бир дўстимнинг жанозасида эдим. Марҳум билан коллежда бирга ўқигандик. Ўша куни умумий танишларимиз билан бир қаторда ўтирадим. Олдимизда ногиронлар курсисида, кислород баллони уланган бир кампир ўтиради. Танишларимиздан бири унга қараб: “Азот чала оксиди” деб шивирлади. Шунда кулавериб ичакларимиз узилай деди, қалбимиздан гам аригандай бўлди.

**ҲИССИЁТЛАР БОРАСИДА МУҲИМ ҚАЙД:** Ҳаммамиз сезгири мавжудотмиз. Биз ҳиссиётларимизни рад этиб яшашимиз эмас, янги тажрибалардан қочмаслигимиз керак. Яъни ҳар куни бардам-бақувват ва қувноқман, деб ўйлаш шарт эмас, газаб, қайғу ёки хижолатпазликни ҳис этиш ҳам ман этилади. Агар фақат ёрқин ҳиссиётларни кутиб яшайверсангиз, ўзингизни омадсиз ҳис қиласиз. Нимани ҳис қилаётган бўлсангиз, ўшани ҳис қилинг, жазавангиз тутсин, ҳавога муштингизни ўқталинг ва душманингизни лаънатланг. Ерга ётволиб, йигланг, ҳиссиётларни эркинликка чиқариб юборинг... Кейин эса олға силжишга қарор қилинг. Бадбиналик бизни бир жойда ушлаб туради. Лекин бадбиналик – яхши усул. Чунки у кейинги босқич учун муҳимдир.

- Меҳр-муҳаббат – шак-шубҳасиз, оғир вазни курашчи. У қўрқувни, нафратни, рашкни, ҳавотирни, иккиланишни, жаҳдни енгади. У ҳамма

ҳис-туйгулардан кучли. Агар меҳр-муҳаббатдан товланиб вақт ўтказганимизда эди, қандай ўзгаришларга гувоҳ бўлардик! Бироқ сиз, ҳа-ҳа, сиз, тез орада бойиб кетадиган инсон, дунёни меҳр-муҳаббат ойнасидан кўришингиз керак. Пул ишлаб топишнинг сабабларига ҳам меҳр қўйинг, шунда сизни ҳеч нарса тўхтатиб қололмайди.

## ТАСАВВУР УЧУН ЧИГИЛЁЗДИ МАШҚЛАР

Бойлик томон йўлдаги энг яхши ҳамроҳлардан бири, албатта, бизнинг тасаввуримиздир. У биз икки хил “таом” тайёрлайдиган онг ошхонамиздир. Булар:

1. Бу ошхонада биз тажрибамиз ва теварак-атрофимиздан масаллиқлар олиб, таъба кўра аралаштирамиз. Мен худди Нельсонларники каби уйда яшайман. Менинг фарзандларим бўлади. Уларни ресторонга олиб бориб сийлайман.

2. Яна биз бу ошхонада руҳий-маънавий воқелиқдан ҳам масаллиқлар олиб, уларни чинакам ҳаётта татбиқ этамиз. Уларга фазога учиш, илк осмонўпар бинолар куриш, консерва банкаларини очиш учун электр очқич кабилар киради.

Тасаввур гаройиб нарса, чунки у жисмоний ҳолат, бешта сезги ҳисларимиз ёки ота-оналаримиз уқтирган нарсаларга боғлиқ эмас. Айнан тасаввур ёрдамида чексиз имкониятларни ишга sola оламиз. Агар рулни юрак амри ва тасаввур бошқарса, ҳамма нарса амалга ошиши турган гап. Ҳаётингизни тубдан ўзгартирмоқчи бўлсангиз, тасаввур билан ишлаш ўта муҳимдир. Биз ўзимиз мавжуд бўлган воқелиқдан орзу яратамиз. “Хуллас, эллик

саккиздаман, пойабзал дўконида ишлайман, хотиним ва икки боламни боқаман. Сиз эса менга Тахо кўли соҳилида орзулардаги меҳмонхонага эга бўлиб, одамларни балиқ овлашга ўргатишмни айтяпсизми? Бунинг қандай амалга ошиши мумкинлигини тасаввуримгаям сиғдиролмаяпман. Бу имконсиз". Биз ҳеч қачон кескин фикрлашга журъат этолмаймиз, чунки бу кулагили кўриниши мумкин. Ҳа, биз кун бўйи йил давомида бир неча миллион топиш қанчалик зўр экани ҳақида гап сотишимиз мумкин. Лекин бу йўналишда ҳаракатни бошлаш ва омадсизликларга қарамай, ортга чекинмаслик – бошқа гап. Бу ҳақда ўйлашнинг ўзи душвор. Мен, миллионлар ўз-ўзидан келиб қолаверади, демаяпман. Бунинг аксини исботлаш учун бутун бошли умрни рад этишга тўғри келади. Орзуга тупуриб қўйиш, борига интилиб, камроқ сўраш осонроқ.

\* \* \* \* \*

*Бойлик имконсиз нарсанинг ўзи йўқлигига  
ишионадиганларга келади. Ҳатто барча белгилар йўл  
берклигини кўрсатиб турган тақдирда ҳам.*

\* \* \* \* \*

Ҳаётда қийналиб, йилига ўттиз минг топаётган пайтларим хаёлимга (ҳа, қирқ йиллик омадсизликлардан сўнг), эҳтимол ёрдам сўраш керакдир, деган фикр келиб қолди. айнан ўшанда биринчи коучимни ёллашга қарор қилдим (буни бобнинг аввалида эслатиб ўтдим). Ўша вақтда фрилансер эдим. Мен тикиш-бичиш қилардим, ёзардим, яна тадбиркор аёллар учун ўзим ҳам коуч эдим. Уларга бизнесни қандай қилиб "учириш"ни ўргатардим

(жуда кулгили-а, бошқа одамларга үзимда йўқ нарсани ўргатиш менга осонроқ эди).

Мана шу тадбиркорлар гурӯҳи орқали ўша коучни топдим ва у мендан алоҳида ишлаш учун етти минг дolar олди. Агар математикадан билимларингиз аъло даражада бўлса, ўзингиз ҳисоблаб кўраверинг. Ундай бўлмаса, тан оламанки, бу менинг йиллик даромадимнинг каттагина қисми эди. Бир йил ичида машина, жиҳоз, кийим-кечак ва озиқ-овқатга бундан икки баробар камроқ сарфлардим. Бу тўланмаган талаба қарздорлик суммасидан каттароқ эди.

Маданиятимизда менинг бу хатти-ҳаракатларимни ифодалайдиган бир нечта сўз бор. Масъулиятсизлик. Ўзини ўзи алдаш. Томи кетган аҳмоқ. Ўзингиз ўйлаб кўраверинг. Ҳамма кредитлар бўйича лимитларни ишлатиб, янада кўпроқ қарзга ботдим.

\* \* \* \* \*

Агар ҳаётингизни ўзгартирмоқчи бўлсангиз,  
тадбиркорликка ёпишиб олгандан кўра,  
кулгили кўринган яхши.

\* \* \* \* \*

Мен учун пул ишлаб топиш ҳамиша эркинлик ва имкониятларга олиб борган. Мен қарзлардан қутулишимни, дунё бўйлаб саёҳат қилишимни, каттакон уйга кўчиб ўтишимни тасаввур қилдим. Шундай бўлса-да, ҳар тонг каравотимдан бошқача ўй билан турадим. Ҳаммасидан кўра шахс сифатида ўзгаришни истардим. Ҳар нарсага қодир одам бўлгим келарди.

Ортиқ ночор бўлгим келмасди. Саёҳат, сармоя қўйиш мумкин бўлган нарсалар ёки мўйна ва патли катта-кон шляпа ҳақидағи фикр хаёлимга келиб қолса: “Ҳа!” дейишни истардим. Озодлик ҳиссини туйгим келарди. Шуларга қодир бўлишни дилемга туғиб қўйгандим. Ҳаётимни назорат остига олишни, бошқа бировларга ёки вазият-шароитга бўйсунмасликни истардим.

Айни дамда қаерда бўлишингизнинг аҳамияти йўқ. Башарти, катта имкониятлар тўла хаёлий ҳақиқатингиз билан вақт ўтказиб, орзуларингиздаги ҳаётдан завқлансангиз, муваффақият қандай кўринишда эканини тасаввур қилиб, пул оқимини топа оласиз. Бойлик шундоқ ҳам сизга ёпишиб олади. Қалбингиз қувончга тўлиб, ишонч-эътиқод, букилмас событқадамликни ишлаб чиқара бошлийсиз. Бу ҳиссиёт – орзуларни рўёбга чиқаришнинг қалити. Бу фикрлар Ягона Онгга сиз шунчаки сайрга чиқмаганингизни етказади. Ягона Онг эса, ўз навбатида, сизга ёрдам берадиган жараённи ишга туширади.

Сизга тасодиф, интуиция ёрдамга келади. Имкониятлар самодан ёғилаверади. Сиздан талаб қилинадигани эса онгингиз дарвозасини очиш ва унинг куч-қудратини унутмасликдир. Қолаверса, сиз авваллари қилмаган янгиликларни бажаришингиз лозим. Айниқса, юрагингизга қўрқув соладиган ва қулайлик ҳудудидан сиқиб чиқарадиганларини.

\* \* \* \* \*

*Гап ҳаётингизни ўзгартиришга бориб тақалганда,  
қўрқишидан қўрқманг: сиз ҳаммасини тўғри  
бажаряпсиз.*

\* \* \* \* \*

Ниҳоят, бу мураббий билан ишлашга қарор қабул қилганимда, юксалиш ва ортиқ вазият қурбони бўлмаслик истаги ишга бўлган ёндашувимни ўзгартирди. Мен энди, бунга етти минг долларим йўқ, деб ўйламасдим. Мен, нима бўлишидан қатъи назар, пулни топаман, деб ўйлардим. Мен ўз энергиямни мураббий билан ишлаш истаги ва у билан ҳаётимни ўзгартираман, деган ишончга қаратдим.

Мураббий нафақат аёлларга пул ишлаб топишга ёрдам берарди, балки ўзи ҳам шахсий ибрат кўрсатарди. Ўша пайтда унинг бешта нолли сумма ишлаб топадиган бизнеси бор эди. Лекин бунгача у шундай фақир эдики, электр токини тўлашга қурби етмасди, ҳатто. Бир сафар эса олиб келинган пиццадан бош тортган, нега десангиз, тўлашга пули бўлмаган. Тушуняпсизми, бир дона пицца га пули бўлмаган. Энди ҳамма нарсани бошимдан ўтказганман, деб кўринг-чи менга.

Агар иш юришмаса, сумма ҳам, қарзлар ҳам, онам билан бир бошпанада туришим ҳам алоҳида аҳамиятга эга эмас эди. Мен бутун диққатимни онгимга қаратдим. Пичоқ бориб сүякка текканди, бундан кўпроғига қодирлигимни билиб туриб, ортиқ камбағалликда, қопқонга тушгандай яшолмасдим. Барча имкониятларни ишга солиб, пул топиш борасида кўпроқ маълумотга эга бўлишга аҳд қилдим. Шу боис ҳам, менга ёрдам бера оладигандек таассурот қолдирган мураббийни учратганимда, машғулотларининг нарх-навосига ҳам, банк ҳисобимга ҳам қараб ўтирмадим. “Насиб қилмаган экан-да. Дўстларимни пивоҳўрликка таклиф қилганим яхшидир?” деб ўйламадим. Ўзимни қўлга олиб, ўзимдан қандай қилиб пул топишни талаб қилдим.

Бу ҳар биримиз учун ҳал қилювчи лаҳзалардир. Излаганимизда Коинот шокосада тақдим этадиган ва шунга муносиб бўлишни сўрайдиган дам. Қўйи частотада қолаверасизми? “Камбағалман, бу банқдаги ҳисоб рақамимда ҳам ёзилган. Тамом”, деб ўйлайсизми? Ёки частотангизни кўтариб, “Молиявий танглигим вақтингчалик. Бу мен эмасман, шунчаки шу вазиятга тушиб қолдим. Пуллар атрофимда тиқилиб ётибди, чорасини топиб, орзуимни рўёбга чиқараман”, жумласига йўл топасизми?

•  
Ўзингизга раво кўрадиганингиз ҳам, раво  
кўрмайдиганингиз ҳам миянгизда жойлашган.  
• •

Агар бир сутканинг ичида икки минг доллар топиши ни айтсан, ёмон кайфиятда сиз неча соат ўйланиб туриб, кейин “Бу қўлимдан келмайди, нима қилишни билмайман-ку, ахир. Дангасаман, бандман, ҳаммасига уннаб кўрдим – иш чиқмади, ҳеч нарсани ўзгартиrolмайман, бу қонунга хилоф” қабилидаги фикрларга ён босардингиз. Қўлимда таёқ билан кўчада орtingиздан қувиб, агар даромадингизни кўпайтирмасангиз, калтаклашимни айтсан, ўзингиз учун бир дунё кутилмаган вариантларни очган бўлармидингиз (заём, машина олди-сотдиси, хавфли, ёмон одамлардан олинадиган кредит). Агар истак бўлса, имкон топилади. Шунчаки имкон йўқ, дейиш бизга осонроқ. Шунда ўзимизга масъулият ортмоқла-май, олга интилиш учун ноқулай нарсаларни бажармай-миз.

•  
Ўзингизни оқлаш – ҳали сиз ўтиб улгурмаган синов.

Бойликнинг катта сири: сизга ажойиб ғоялар, қунт билан ишлаш, яхши алоқалар ва ақл бовар қилмайдиган даражадаги пухталик шарт эмас.

Сизга фикр ва ҳиссиятлар керак. Улар хатти-ҳаракатларингиз учун катализатор вазифасини бажаради, бундан ташқари, Ижод Коктейли учун барча ингредиентларни яратади:

Миннатдорлик

Ишонч-эътиқод

Зарурият

Ҳал қилювчи ҳаракатлар

Дикқат-эътиборни бир жойга жамлаш

Дадиллик

Аниқлик

Мана шу пазлнинг барча деталларини йигиб чиққач, сизни ҳеч нарса тўхтатолмайди.

## СОБИТҚАДАМЛИК

Мураббийим билан шартнома тузганимдан икки ой ўтгач, [writeyourgoddamnbook.com](http://writeyourgoddamnbook.com) сайтимни ишга туширдим. Бахтимга, дарров пул топа бошладим.

Бизнес нуқтаи назаридан менга барчаси аён эди. Мен омадли бўлиб чиқдим. Гарчи фақиру ҳақиқир бўлсан-да, ёзувчи-фрилансер эдим. Коучинг билан шуғулланишнинг шарофати билан аёл тадбиркорлар миллий тар-

моғига құшилдим. Компьютерда ишлашни билардим. Асосийси, олға интилмоқчи әдим ниҳоят.

Буни қарангки, мен онлайн тарзда ниманидир сотиши га уринадиган ноқобил сотувчилардан бири бўлиб чиқдим. Мен қўллаган усуllар профессионаллар томонидан текширилган ва ўша усуllар туфайли пул топганимни билардим... Лекин нима учун тармоқда мен суперпрофессионал ва супербизнеследи бўлиб кўриниб турган суратим туширилган каттакон баннерга дуч келишим керак экан?! Мен мураббийимдан бошقا йўли борлиги ни айтишини ўтиниб сўрадим. Лекин у шунчаки менга қараб: “Сен камбағал ва зўр бўлмоқчимисан ёки бой ва хунук кўринмоқчимисан?” деб сўради.

Қулайлик худудида ўтирганча, янги ерларни тадқиқ қилиб бўлмайди.

Коинот ҳар доим сизга барча кераклисини жўнатади. У гуллаб-яшнашингизни истайди. Бу табиат қонуни, мен сизга айтсан. Бироқ Коинот нияtingиз қанчалик жиадийлигини билмоқчи бўлади, шу боис ҳам, сизни синайди. Жўжасини очиб чиқариш учун тухумини неча-нечачақирим музиклардан олиб ўтадиган император пингвинлар сингари синайди. Ёки гуддасини очиш ва янги ҳаёт яратиш учун ўрмон ёнғинларидан тараладиган ҳарорат ёки ҳашаротлар босқинини талаб қиласиган улкан секвойя сингари синаб кўради.

Бизнесимнинг илк йилларида қўш ҳаёт кечирдим. Дўстларим ва мусиқачи ҳамкасбларим (рок гуруҳида анча йиллар давомида соз чалганман) интернет-рекламамга кириб қолишларини ўйласам, юрагим товонимга тулиб қоларди. Қолаверса, мижозларим панк-рок давримдаги фотосуратларимни кўриб қолишларидан ҳам

ҳайиқардим. Ўша гурухдаги маст ва бошимга ич кийимларимни тақиб олган суратларимни кўриб қолиб, пулларини қайтариб беришимни сўрашларидан кўрқардим.

Йиллар давомида шундай руҳий инқирозда юрдим. Аммо пул топишга бўлган событқамлигим бу ноқулайлигимдан муҳимроқ эди. Агар бемаънидан-бетаъсир кўринишими керак бўлса, шундай қиласардим. Агар ўқиб-ўрганиш учун технарь ёллаш керак бўлса, маблағ ажратардим. Агар охири йўқ нетворкингга қатнашишим ва ташриф қоғозларини тарқатишим керак бўлса, шундай йўл тутардим ҳам.

•  
*Сизнинг событқадамлигингиз  
муваффақиятингизни белгилайди.*  
• •

Демакки, бойиб кетишга қарор қилдингизми, бу қарорингизни бошқаларидан устун қўйинбисиз (ноқонуний, ахлоққа тўғри келмайдиган ва қабиҳ ишларни ҳисобга олмасак, албатта). Сиз ўзингизга шафқатсиз бўлишингиз керак, чунки сиз биргина афзалликлар жамланмасини ишлаб чиқмаяпсиз. Сиз онгингиз остидаги пул борасидаги қатъий фикрларингиз билан курашмоқдасиз. Советингиздаги ҳар қандай ёриқ эски эътиқодларингизга шарт-шароит яратиб беради ва сизни йўлдан шундай тез урадики, нима бўлганини ҳам англамай қоласиз. Сиз:

- **Пулдор бўлишни истаб, ўзингизни ўнгайсиз ҳис қилмаслигингиз керак. Пулларни қўлга киритиш учун яхши маънодаги барча чора-тадбирларни қўлланг.**

- **Бошиданоқ ҳаммаси кўнгилдагидек эканини текширмаслигингиз керак.** Ҳадеб ортга суравериш ва мукаммалик ўргасида нозик чегара бор. Сайт яратинг, ташриф қофози чиқаринг, пресс-фото қилинг, нима қилсангиз ҳам, пул ишлаб топишни бошланг. Тузатишларни кейин киритасиз.
- **Барча ҷалғитувчи жиҳатларни суринб ташлашингиз ҳам шарт эмас.** Паришонхотирилик ортиқча тукка ўхшайди. Бирини юлсанг, иккинчиси ўсиб чиқаверади. Энг оддийсини тинчтинг-да, кейин ҳеч нарсага қарамай, пулларга диққатингизни қаратинг. Важ-корсон ва баҳоналар ҳар доим топлади. Шунчаки, уларга қарши курашишни ўрганинг.
- **Вақтингиз кам қолганидан, ҳеч ким сизни қўллаб-қувватламаётганидан, ҳафтада қирқ соатлаб ишласангиз ҳам, ишингиз унмаётганидан иолимаслигингиз керак.** Барчасини фикрлариингиз, ишонч-эътиқодингиз, кайфиятингиз ва энергиянгиз туфайли жалб қилишингиз учун масъулиятни зиммангизга олинг. Дунёни англаш тарзингизни оёгини осмондан қиласиган, частотангизни кўтаратидиган куч-қудратингиз борлигини тан олинг. Курбонликни ёқишина бас қилинг. Зўр йигит режимини фаоллаштиринг ва кайфиятни кўтаришини унутманг.
- **Нималарни амалга оширишингизни йўлнинг бошида билишингиз шарт эмас.** Тажриба орттиринг ва ўзингизга тўғри туюлган дамда кейинги қадамини қўйинг. Тажрибадан кўра яхшироқ устоз йўқ.

**Йиқилиб ва яна қайта ўрнингиздан туриб, барча жавобларни топасиз.**

- Пастдагиларнинг маслаҳатларига қулоқ солишингиз шарт эмас. “Паст” – ёмон сўз, фақат сиздан ўзиб кетмаганларга нисбатан. Номаълум маконларга кетар эканмиз, эски дўстларимизни ҳам йўлдош қилиб олгимиз келади. Лекин агар чинакамига кўтарилимоқчи бўлсангиз, ўз ишининг усталари билан мулоқотда бўлинг. Сиз интилаётган ҳаётга яқин йўламаган одамларнинг маслаҳатларига қулоқ солманг.

Шу тамойилларга амал қилсангиз, натижага эриша бошлайсиз, ҳаммаси, жумладан, онг остингиз ҳам ўзгариди.

**Муваффақият тарихи: унинг қўлидан келди,  
демак, сиз ҳам эплай оласиз**

Кэтрин эллик ёшида. Унинг бошидан ўтказганилари одамнинг ўзига бўлган қатъий ишончи қанча даромад келтириши мумкинлигини ажойиб тарзда исботлайди.

Мен ҳар доим мўмай пул топганман. Қўлимдан ҳаммаси келади, деб ҳисоблардим ва бу ўз-ўзидан рўёбга чиқадиган башорат бўлиб чиқди. Ҳатто қўлимнинг учини қимиirlатмасам ҳам, пул оқиб кела-веради. Мен молия соҳасида фаолият кўрсатадиган компанияяда энг кичкина югурдак сифатида иш

бошлаганман. Йилига 15 000 доллар олардим. Бу менга кифоя қиларди, чунки кам пул ишлатардим, лекин күп ишлардим ва лавозим пиллапояларидан тез күтарилидим.

Вице-президент бўлдим ва йилига 500 000 доллар топа бошладим. Ҳар гал лавозимим кўтарилиганда, пулнинг ярмини олиб, жамгариб қўявердим. Менинг компаниям ҳам шундай қиларди. Қирқ ёшда бамайлихотир истеъфога чиқдим. Бироқ шундан кейин ҳам хоббим – боғдорчилик – бизнесга айланди. Бундай ниятим йўқ эди, бу ўз-ўзидан рўй берди. Пул ишлаб топиш менга осон ва табиий. Ҳар ерда имкониятларни кўраман ва ишни бошлашдан қўрқмайман.

Ўзингиз лойик деб билганча ишлаб, пул топишга ишониш – мана шу энг асосий сир деб биламан. Бу борада менда муаммо бўлмаган.

Ҳар доим ўзим иккиланган лавозимларга резюме ташлаганман. Кейин эса нима қилишим зарурлигини тушуниш учун тер тўкиб меҳнат қилганман. Муваффақиятга эришмагунингизча ўзингизни гўлликка солиб туринг. Ўзингизни энг зўр эксперт ҳисоблаб, ҳаракат қилинг ва шу дараҷага эришмагунингизча тўхтаманг.

Агар пул ишлаб топишга ишонсангиз, топасиз ҳам.

Молиявий мустақилликка муносиб эканингизга ишонинг. Севимли ишингиз билан шуғулланинг. Ана ўшанда муваффақиятга эришиш учун сиздан ўзлигингизча қолишингиз талаб этилади. Агар сев-

ган нарсангизни сотаётган бўлсангиз, демак, сиз буюм ёки хизмат эмас, меҳр-муҳаббатни сотиб, улашяпсиз. Бу кундай равшан.

## БОЙ-БАДАВЛАТ ИНСОНГА АЙЛАНИНГ

Тегишли пул мантраси (бу мантрани такрорлаб юринг, ҳис этинг, у билан нафас олинг):

Мен пулни яхши кўраман, чунки у чақирган заҳотим етиб келади.

1. Бойиб кетиш истаги сабабларини ёзинг ва қўркувдан устун бўлган учтасини ажратинг.

2. Ўша сабабларга меҳр қўйишнинг учта усулини ўйлаб топинг ва уларни ҳар куни такрорланг (масалан, сизнинг ҳолатингиздаги сабаб – оилангизнинг гамини ейиш бўлса, уларнинг фотосуратига ҳар куни қаранг ва: “Оилам баҳтли, сог-саломат, фаровон яшайди, чунки менинг топиш-тутишим мўмайгина”, денг; оилангизга сотиб олиб беришни ният қилган нарсаларнинг суратини қирқиб олинг ва уларга ҳам кўз ташлаб туринг).

3. Ўзингиз салбий муносабатда бўладиган сармоянгизга тегишли уч нарсани ўйлаб топинг. Ўз нуқтаи зарингизни ўзгартиришга ҳаракат қилинг (мисол учун: “Менинг банқдаги ҳисобим – қуп-қуруқ”ни осонгина “Менинг банқдаги ҳисобим очиқ ва келадиган маблағларни қабул қилишга шай”га айланиши мумкин).

Илтимос, чизиқлар ўрнини тўлдиринг:

Мен пуллардан миннатдорман, чунки \_\_\_\_\_

## ЕТТИНЧИ БОБ ИШОНЧ ВА МИННАТДОРЛИК

**Т**асавур қилинг, Коинот соҳиби самодан ерга тушиб, сиз истаган бойликларнинг барчаси қўшни омборда эканини айтди. Башарти, айтойдил ишлаб, уларга, яъни ишга, орзуингиздаги уйга, гуллаб-яшнайдиган янги бизнесга, фавқулодда карьерага, уйсизларга ёрдам жамгармангизга, қарзларни тўлашингизга, Пет Бенатар “In the Heat of the Night” концерт турида кийган топикка, хуллас, ҳаммасига интилсангиз, мана шу бойликнинг барчасига эришингизни айтди.

Агар шундай бўлганда, ўзингизни қандай тутардингиз? Ич-ичингизни кемирадиган шубҳа-гумонлар ва хавотирлар бўлмаганда-чи? Қандай йўл тутардингиз?

Сиз бўшашиб, ҳаяжонланган бўлардингиз. Ишга бўлган иштиёқингиз ошарди, хушчақчақ бўлиб, кайфиятингиз кўтарилади, сахий, миннатдор бўлиб қолардингиз. Ҳайратланарли маблағларни бизнесга тикардингиз. Ҳамма ён дафтарларингизга “Мен + Коинот = севги”

деб ёзиб чиқардингиз. Янгидан янги ташаббуслар билан майдонга ошиқардингиз. Хатоларингизни тезроқ тузатардингиз. Сўзларингиз дадил-дадил янгарди. Ишончингиз комил бўларди. Бахтдан эсингиз огиб қоларди!

Ҳозиргина мен тасвирлаган одам бойвачча кайфиятига эгадир. Унинг тасарруфида ушбу китобда санаб ўтганларимизнинг ҳаммаси бор. Қолаверса, бу одам ўзига ва Коинотга ишонади.

• •

*Сизнинг бойлигингиз ишончингизга боғлиқ.*

• •

Агар ҳаётингизни такомиллаштирмоқчи бўлсангиз, сизга ишонч керак. Чунки айнан ишонч кўринмас, исбот қилинмаган, гўзал янгиликка шубҳа билдириласлик учун имкон беради.

Шундай воқеий ҳақиқат яқинингизда эканига шубҳа қиласлик учун қўл узатишнинг ўзи кифоя. Умид-ишончсиз, яъни мўъжизага ишонмаслик билан недир янги ва гўзал нарса яратишнинг нима маъноси бор? Шунчаки атрофимизга қараб: “Ҳм, бўлганича бўлди. Ҳисобни келтиринг, илтимос!” деган бўлардик. Умид-ишонч – бу сиз энг ёввойи орзуларингизни рўёбга чиқариш учун номаълум маконларга учиб борадиган ракета. Ишонч мустаҳкам бўлиши лозим, нега деганда, саёҳатга отланганингизда сизни йўлдан урадиган жинниликларингиз бўлиши тайин. Сиз яратмоқчи бўлган ҳаёт ракетангизга боғлиқ. У парча-парча бўлиб кетмаслиги даркор.

Сиз биргина қўрқув билан билан юзма-юз бўлмадингиз. Атрофингизда худди маймунга ўхшаб сизга ташла-

ниб, шубҳа-гумон, қўрқув ва хавотир билан томоғингиздан бўғадиган одамлар бўлади. Сизнинг ишончингиз шиддатли, алангали бўлиши керак. Тушунинг, истаётганларингизнинг барчасини имкони бор, бунинг учун сизда зарур қуроллар, азму ихтиёр ва ижозат бор.

Ишонч қуидагича ёрдам беради:

- **Ишонч ила билим қудратига тезроқ эришасиз.** Ҳозир ўзингиз билганча яшамоқдасиз. Бойиб кетмоқчи бўлганингизда эса, қанчалик тиришманг, на ҳал қилувчи қарорларни, на имкониятларни кўролмаслигингиз мумкин. Бу шунинг учун ҳамки, сиз узоқ вақт ўйладингиз ва Коинот жўнатган вариантаарга яхшилаб разм сололмадингиз. Ишонч диққатингизни ўтмишдан олиб, сизга янги имкониятлар, янги усулларни очиб беради. Булар эса сизнинг янги ҳақиқатингизни ташкил этади.

Қашшоқ ёзувчи-фрилансер эканлигимда ярим ставкага иш топмоқчи бўлдим. Бу иш шундай бўлсинки, ясаниб, кўчага чиқилсин ва бошқа одамлар билан ҳамкорлик қилинсин. Мен бу иш қанақалигини ва уни қандай топишни билмасдим. Билганим – мўмай пул топиб, бошқаларга ёрдам бериш ва соч турмаги қилишим учун сабаб топиш эди.

Бир танишум аёлларга хусусий бизнес очишда ёрдам бериб келаётган лойиҳа ҳақида гапириб қолди. Башарти, кампир бўлганимда, шулимни йўқотишдан ва ҳафталаб у ерда биронта ҳам гоясиз ўтиришдан қўрқиб, рад қилган бўлардим. Аммо нархининг баландлиги ва гоясининг ноаниклигига қарамай, бу менга тўғридай туюлди. Мен молиявий аҳволимни ўнгламоқчи эдим. Бу имко-

ният ўзида уйдан чиқиб, одамларга ёрдам бериши  
ни қамраган экан, бор-будимни йигиштирудим-да,  
клубга кирдим.

У ерда ўтириб, аёлларни тинглар эканман, ўзим-  
нинг шахсий бизнесим учун ҳеч бир гоя топмадим.  
Лекин қайсиdir лаҳзаларда бу аёлларга ўзлари-  
нинг ишини бошлаб олишларини тушуниб оли-  
шлари учун ёрдам бера олишимни англаб қолдим.  
Қисқаси, гуруҳ етакчисидан, ёрдам керакмасми,  
деб сўрадим. У менга жой таклиф қилди ва мен  
коучинг сўқмоқларн бўйлаб кўтарила бошладим.  
Охир-оқибат, бу шахсий бизнесимни очишимга  
олиб келди, сўнгра катта-катта пулларни ишлаб  
топдим. Кейин эса ҳозир ўтириб ушбу китобимни  
ёзаётган ерга келиб қолдим.

Агар таваккал қилмай, номаълумлик томон сак-  
рамаганимда, пулларимни йўқотиб, аҳмоқ хотин  
бўлиб кўринишдан қўрқиб қолаверардим. Бу уч-  
рашувлар менга қандай ёрдам кўрсатишини бил-  
май ўтираверардим. Афтидан, ҳозир “Инқирозга  
учрашнинг ўнта энг осон усули” номли китоб ёзиб  
ўтирган бўлармидим.

Сиз ўз билганингизча молиявий ҳақиқатингизни  
яратдингиз. Важ-корсон ва чегараловларга сотил-  
дингиз, фақат бир нарсага дикқат қилдингиз. Агар  
чиндан ҳам янги олам яратмоқчи бўлсангиз, ҳара-  
катингизни бошланг ва бошқача ўйланг. Ишонч  
билимга бўлган эҳтиёжни қондиришга, барчаси  
энг аъло даражада содир бўлишига ишонишга им-  
кон беради. Ишонч билан сиз ҳаракатга тушиб ке-  
тасиз.

- **Ишонч частотангизни кўтаради.** Бойлик сиз томон йўлда эканига ишонганингизда, эҳтимолий омадсизликлар туфайли юрак ҳовучламайсиз. Ҳиссий ҳолатингизни қўрқув ва гумонлардан ҳаяжонли кутишга йўналтирасиз. Бу эса авваллари қўл етиб бўлмасдек туюлган одамлар ва имкониятларни жалб қилувчи частотангизни оширади. У, шунингдек, ўрнингиздан туриб, ҳаракат қилишингизга ва қўрқмасликка, катта тезликда жуфтакни ростлаб қолмасликка чорлайди. Бу янги имкониятлар қанчалик ваҳимали, қиммат ёки ақла тўғри келмайдигандек туюлишининг аҳамияти йўқ.
- **Ишонч қолишни ўзгартиради.** Янги бой одамга айланишингиз учун сизга кераксиз нарсаларни гапириб турган ўтмишдаги шахсиятингиз билан алоқани узишингиз керак (“Мен камбағалман, бошқа қўли калталар билан кўнгилхушлик қиласмиз, биргаликда тиланчилик қиласмиз. Биз фақириона қабиламизни яхши кўрамиз ва уни бузишни истамаймиз”). Ишонч йўқотишларга эмас, қўлга киритиладигандарга диққат қилишни ўргатади.
- **Ишонч Ягона Онг билан алоқаларингизни мустаҳкамлайди.** Мана, сиз: “Даромадимни қандай қилиб икки баробарга кўпайтиришимни билмайман-у, лекин бунинг уддасидан чиқаман”, дейсиз. Ва бойлик сари йўл сизга кўрсатилишига ишонасиз. Барча жавобларни миянгиздан топишни кутмайсиз. Ягона Онг сизни ҳимоя қилишини биллиб, номаълумлик сари сакрайсиз. “Хой, оғайнинчалиш, аллақачон ҳаводаман. Биламан, сен мени

**илиб оласан!"** Ўтмишдаги билганингиз ортда қолди, лекин янгиси ҳозирча йўқ. Агар Коинот сиз учун тотли ҳаёт тайёрлаб қўйганига, у сиздан кўра ақллироқ эканига ва у сиз тарафда эканига ишонмаганингизда, жорий ҳақиқатингиздан сира ажралмасдингиз.

- Ишонч ўзингизга бўлган ишончни кучайтиради. Ҳозирги ҳақиқатингиз билан кўприқдан жарликка сакраш учун етарлича чўрткесарсиз. Сизнинг қўлингиздан келмайдиган недир борми? Жавоб оддий. Бунақси йўқ.
- Ишонч фаровонликка бўлган муносабатингизни юксалтиради. Номаълумлик ва мўъжизага ишониш сизни чексиз имкониятларга шайлайди. Диққатингизни қанча кўп жамласангиз, шунча кўп яратасиз. Шунинг учун, ишонч = фаровон ҳаётга мойиллик = бунча пул учун сизга кўпроқ чўнтақ керак бўлади.

Келинг, ишончни стендал-комедияга қўяйлик. Бу оний лаҳзага жар ёқасига келиш талаб этиладиган ишбилармонлик учун жуда яхши мажоз. Агар аудиторияга ҳазил қиласангиз, жавобан фақат пашшалар гўнғилласа, демак, унчалик ҳам зўр эмассиз. Ҳеч қаёқقا гумдон бўлолмайсиз, саҳнадасиз, қанчалик эплолмаётганингизни ҳамма кўриб турибди. Даҳшатли ҳолатдан чиқиб кетиш учун ҳатто ечиниб, яланғоч ҳолда ҳазил қилишда давом этишингиз мумкин. Лекин ҳазилингиз ўринли чиқиб, ҳамманинг нигоҳи сизга қаратилган бўлса, барча табассум ва шухрат сизники. Бу ҳам ажойиб, ҳам даҳшат, чикка ёки пукка. Иккаласи ҳам – сиз.

Қачон ўша саҳнага түшиб қолишиңгизни биласизми? Катта ўйинга киришганиңгизда ва молиявий аҳволингизни ўзгартириш учун катта жарлиқдан сакраганиңгизда. Қиммат стилист ёллайсиз, тарифларни оширасиз, катта қарз оласиз, қаср сотиб оласиз ва уни клубга айлантирасиз. Дарёning нариги қирғоғида нималар борлигини билмайсиз. Лекин яхши хабарлар ҳам йўқ эмас. Агар ҳаммаси хамирдан қил сугургандек кечса, дўппингизни осмонга отасиз! Мабодо ютқазсангиз, айнан нима иш бермаганини билиб оласиз. Шунинг учун, ўша ёқса тағин йўл олганиңгизда, сизда кўпроқ маълумот бўлади. Номаълумлик томон сакраш – ютқизиқсиз вариант. Қурайлик ҳудуди ботқоғида умр кечириш эса уйқучи пашшаларнинг иши.

Ишонч, онгимизнинг ҳар қандай таркибий қисми сингари, мушакка ўхшайди. Уни қанча кўп шуғуллантирангиз, шунчалик кучли бўлади. Қанча баландликка сакралса, ишонч ҳам шунча тобланган бўлиши керак. Агар иш унмаса, муваффақиятлилар қўйидагича ажralиб туради. Улар ўз йўлларидан огишмайдилар ва ишончга диққатларини қаратадилар. Омадсизлар эса аксинча.

Одатда, номаълумлик, кутиш ёки босимни бир сония ҳам кўтаролмаймиз, деб ўйлаганимизда, эшик тагида инвестор пайдо бўлади, сизнинг қарши таклифингиз қабул қилинади ёки оstonада бутун умрлик муҳаббатингиз пайдо бўлади.

\* \* \* \* \*

*Ишончни синаш – довюракларнинг Коинот билан ўйинидир.*

\* \* \* \* \*

Коинот сизни униб-ўсишингизни ва гуллаб-яшнашингизни хоҳдайди. Ўсиш синовлар орқали юз беради. Шунинг учун Коинот сизга кўплаб синовларни юборади. “Тўйга олиб борадиган йўлда баллонингнинг дами чиқиб кетибди-ку! Мана, бизнесингни очиладиган кун бўрон қўпди! Орзуингдаги лавозим учун кечадиган сухбатга кечикаётган экансан, автомобиллар тўхташ жойи ҳам тўлиб-тошган!” Содир бўладиган нарса-ҳодисаларнинг содир бўлишига ишонинг. Шунда муваффақиятга эришмагунингизча, хатолардан сабоқ чиқарасиз, йўлингиздан адашмайсиз.

Айниқса, қийин сабоқлар ва синов-тажрибалар ўртасида ҳаётингиз ўшаларга боғлиқдай тутишингиз керак ўзингизни. Лақقا балиқ ҳақида гап кетганда, кўпинча ишонч бисотингиздаги ягона бойлиқдай туулади. Чунки анча узоқча кетиб қолдингиз, ҳамма танишларингиз, хавфсизликларингиз орқа манзарани кўрсатиб турувчи ойнадан кўринмоқда. Бу худди парвоз ёки сёргининг кабидир. Сиз ишончга дикқат-эътиборингизни қаратишингиз керак, чунки бошқа чора – фақат йиқилиш ва ажалдир.

• •

*Тентак ўйлагунча, таваккалчи сувдан ўтар.*

• •

Яқинда китобларимдан бирини экранлаштириш ҳуқуқини олиш бўйича бир продюсерлик компаниясидан таклиф олдим. Таклиф жуда яхши эди, лекин биз фоиз борасида баҳслашдик ва ҳеч биримиз ён беришни

истамадик. Мен кўпроқ олмоқчи бўлдим, улар камроқ бермоқчи.

Бу компаниядаги одамлар менга маъқул тушди. Улар менинг ёзганларимни тушунадигандек эди. Улар билан ишлагим келди. Улар “Бу бизнинг охирги таклифимиз” деган даҳшатли гапни айтишди. Менинг улушим кўтарилавермагач, номаълумлик сари сакраб, рад жавобини беришимга тўғри келди. Бошқа ташкилотлардан таклиф олмадим. Лекин менга тегишли фоиз паст эди. Агар рози бўлсам, афсусланишимни билиб турадим.

Бир бурчакда мени янада гўзалроқ таклиф кутиб тургани ва қарорим тўғри эканига ишонишм керак эди. Мен васвасага тушиб: “Э, Худойим, нима қилиб қўйдим? Ҳорзиргина китобим бўйича сериал ишланадиган имкониятни қўлдан бой бердим. Бармогимниям қимиранлатмадим-а! Пулни санаб, маза қилиб массаж олмайманми?!” деб ўйламаслигим керак эди.

Тан оламан, ўзимни тийиб туриш ҳақиқий синов бўлди. Лекин бунинг эвини қилдим. Мен истаётган битим ўзим томон йўлда эканига ишондим. Бу битимни тасаввур қилдим, уни ҳис этдим, ундан миннатдор бўлдим. Сизга мақтаниб айтишдан уяляпман-у, лекин ўша компания йигитларининг охирги таклифлари Шернинг сўнгги туганмас концерт турига ўхшарди. Улар келаси ҳафтада қайтиб келишди ва мен истаётган нархни таклиф қилишди. Энди биз ҳаммамиз хурсанд ҳолда олға кетаверардик. Ишончсиз рад жавобини беришга, тўғри йўлда қолишга ва мана шу гўзал ҳолатга тушиб қолишга ўзимда жасорат тополмасдим.

Ушбу бобда ўзимнинг ишонч мушакларимни ривожлантиришнинг севимли усулларим билан ўртоқлашаман.

Бу усулларни қўллаган ҳолда оғир-оғир юкларни кўтара оласиз. Лекин ҳозир мен бироз тўхтаб, яна бир муҳим нарса – миннатдорлик ҳақида сўзламоқчиман.

Миннатдорлик – буюклиқ йўлида шопинг қилишдир. У ишончни кучайтиради, частотани оширади, ўй-фикрларни тозалайди ва Ягона Онг билан муносабатни яхшиладайди. Унга тенг келадигани йўқ.

Миннатдорлик сизни жуда тез маънавий-руҳий воқеелик билан боғлайди. Фикрлар ва меҳр-муҳаббат орқали ўз частотангизни Коинот частотаси билан уйғунлаштирасиз. Бу борада қуидагича ўйлаб кўринг: фараз қилайлик, сиз болалар кўп ҳудудда яшайсиз. Печенье пишириб, болаларга улашдингиз. Баъзи болалар ўйин билан овора ва билиб-бilmай печеньени ейди. Баъзилари яна хоҳлаб, харжаша қилишади. Лекин улар орасида бир болакай бор, у нақафат печенье учун, қолаверса, меҳрибонлигингиз учун чуқур миннатдорлик билдиради. У ошхонангизни ювишга ёрдам беради, қушлар учун теганани тўлдиради ва айфонингизни созлаб беради. Айнан у – алалоқибат, жудаям кўп печеньега эга бўладиган болакай. У сизнинг инъом частотангизга ўзининг миннатдорлик частотаси билан жавоб қайтарди, частота эса частотага талпинади. У сиздан ҳаммадан кўпроқ энергия олди.

•  
Бойлик ташаббусни қадрлайди.  
• • • • • • • • • • • • • • •

Миннатдорлик ҳар бир янги тажрибани кутиб олиш учун энергияни кўтаришга имкон беради. Қийин вазиятлардаги сабоқлар учун хафа бўлиб, ўзингизни аяш ўрни-

га, миннатдор бўлганингизда, ўз частотангизни ошириб, юқори частотали тажрибаларни қабул қилиш учун очиласиз. Хатоларингизни такрорламайсиз. Хафагарчилик хафагарчиликни чақиради, рад қилиш эса сизни бир ерда ушлаб туради. Лекин миннатдорлик сизни пасткашлик сиртмогидан тортиб чиқариб, янги имкониятларни кўрсатади ва сизни халос этади.

Келинг, тасаввур қилайлик, ишламаяпсиз ва суҳбатдан ўтишга кетяпсиз. Йўлда автоҳалокатга учрайсиз. Энди суҳбатни ўтказиб юборасиз, истиқболли даромадни йўқотасиз ва янги машина сотиб олиш учун яна да кўпроқ қарзга ботасиз. Шунда мен сизнинг сўкиниб, шинани тепиб, ҳўнграб йиглашингизни, жисмингиздан газаб ва нафратни чиқариб ташлашингизни истайман. Гап рад қилишда ёки ҳис-туйгуларни босища эмас. Гап ҳаётга ёрқин нигоҳ билан боқища. Васваса тингач, шу ҳол юз бергани учун миннатдор бўлинг. Бу ҳодисадан қандай қўмматли сабоқ олиш мумкинлигини билмасангиз ҳам.

Йўл четида турибсиз, атрофингизда шиша синиқлари. Бундан кейин воқеалар ривожи қандай тус олишини ҳам билмайсиз. Йиллар ўтиб шу автоҳалокат сизни ёмон ишдан олиб қолиб, яххисига дучор қилганини тасодифан билиб қоласиз. Йўл-транспорт ҳодисаси жойига етиб келган тез ёрдам ҳодимига кўнглингиз тушиши мумкин. Ёки ниҳоят, кўзингиз очилиб, бойиб кетиш учун ҳар нени бажаарсиз. Чунки пачоқ бўлган машинангиз сўнгги томчи эди ва энди сиз молиявий муаммоларга тик боқишига жазм қилдингиз. Сиз вазият қурбони бўлишингиз ёки вазиятни қўлга олишингиз мумкин.

• •

*Қурбонликнинг қора кўзойнакларида ҳаётнинг ёрқин тарафини ҳеч қачон кўролмайсиз.*

• •

Коинот билан жуфтлиқда ўсишингиз учун барчасини амалга оширишингизга ишонинг. Бундан миннатдор бўлинг. Миннатдорлик биринчи жавобингиз бўлиши учун кўникума ҳосил қилинг. Теварак-атрофингизда “раҳмат” айтишга арзигулик миллионта сабаб топинг. Ва фақат яхшиликларни кутинг. Бу миннатдорлик машинаси яхшисини ҳам, ёмонини ҳам, даҳшатлисини, ҳатто янги оқ кўйлагингизга теккан қайла доғини ҳам янчиб, майдалаб, кукунга айлантириб юборади.

Агар етарлича диққат қиласангиз, миннатдорлик тушиш керак бўлган кўплаб нарсаларни пайқайсиз.

Агар қўйнингиз пучга тўлиб, даромад йўқлигидан таъбингиз тирриқ бўлса, миннатдорлик билан вақт ўтказиш ўта муҳимдир. Айниқса, ҳаммасини тўгри бажардим, деб ўйласангиз. Ҳаммасини аниқ-тиниқ кўриб туриб, тинмай қора тер тўкяпсиз, таваккал қиляпсиз, қўнғироқлар қиляпсиз, веб-сайт учун тўлов қиляпсиз... ва барибир – ҳаммаси пуч ёнгоқ. Сиз идеал даражадасиз. Фақат миннатдорликни назардан қочиряпсиз. Демак, пулларни шунчаки умидсизлик туфайли ўзингиздан итаряпсиз. Умидсизлик кўрқитади, миннатдорлик ўзига тортади.

Умидсизликка тушганингизда, пул йўқ, деган хавотирили ҳисга бериласиз. Бу нотўғри. Бойлик аллақачон шу ерда. Ёдингизда бўлсин, пул – бу оқим, оқим эса – энергия. Миннатдорлик режимига ўтинг ва диққатин-

гизни шу ҳисга қаратинг. Ана шунда (ҳатто ҳеч ерда пул кўринмаса ҳам) пул келишига бўлган ишончни мустаҳкамлайсиз. Мана шу қувват даражасида эришасиз. Ва миннатдор бўлганингиз учун пулларни ўзингизга торта бошлайсиз.

Интерьер дизайнни билан шугулланадиган дугонам бор. Ҳар йил бошида қанча пул ишлаб топиши ва пуллар ўзига нимага кераклигини ўйлаб кўради ҳамда қандай ҳисларни туяётганини кузатади. Кейин машинага ўтириб, шаҳар бўйлаб саёҳат қилганча, уйларни томоша қиласди. Ҳар бирини дизайнерлик ўй-ниятини амалга ошириш имконияти сифатида кўриб чиқади.

Табиийки, дугонам ҳамма уйларни безатмайди, лекин бу машқ унга уйлар – чексиз миқдор эканига, яна дунёда ўша дугонам ёрдам бериши мумкин бўлган ва хизматига яраша ҳақ тўлайдиган одамлар кўплигига ишонишига ёрдам беради. Бунинг учун у Коинотдан миннатдор. Унинг ишончи мустаҳкам. Албатта, дугонам истаганини қўлга киритиши мумкин. Ва у ҳар йили олдига қўйган мақсадига эришади. Ҳатто саёҳат чогида ҳеч қандай фойдали мижоз учрамаса ҳам, у ўзи томон юбориладиган одамлар учун Коинотдан миннатдор бўлаверади.

Бу самолётда парвоз қилишга ўхшайди. Ердан кўтариласиз. Иллюминатор ортида даҳшат: ёмғир майдалаб ёғмоқда, кун рутубатли. Кулранг булултарга, ёмғирда қолган гариди, митти уйларга қарайсиз. Кейин эса тўғри қора булултар томон йўналасиз. Теварак-атроф қоп-қора, гирдобли ҳаракат, юрагингиз товонингизга тушади ва шу пайт... Иттифоқо, нариги томонга ўтиб қоласиз. Мусаффо осмон, пардек булултар ва офтоб чарақлаган.

Ҳар доим ҳам шундай фараҳбахш кун эди, шунчаки сиз кўрмагансиз.

Вазиятингиз ўзингизга қанчалик телбавор ёки умидсиз кўринишнинг менга қизиги йўқ. Вазиятингиз – ёлғон, бор-йўғи айни дамда сизга шундай иложсиз туюляпти, холос. Сизни мутлақо бошқа, қуёш чарақлаган воқелик кутиб турибди. Ўзингизнинг қўрқув, шубҳа-гумон ва хавотир қора булутларингиз орасидан ёриб чиқишига аҳд қилсангиз кифоя. Офтоб чарақлашига, шунчаки ҳозирча сизга кўринмаётганига қатъий ишонинг. Нариги тарафга ўтиб олмагунингизча, гирдобли ҳаракат ичра парвозда қилинг.

## БОЙ-БАДАВЛАТ ИНСОНГА АЙЛАННИНГ

Тегишли пул мантраси (бу мантрани такрорлаб юринг, ҳис этинг, у билан нафас олинг):

Мен пулни яхши кўраман ва ҳар бир кунимдан миннатдорман, чунки атрофимни гўзал воқелик қамраб олган.

1. Сизни қўрқитадиган, куйдирадиган, жигибийрон қиласидиган бешта нарсани қоғозга ёзинг. Булар учун миннатдор бўлишнинг бешта сабабини ҳам ёзинг. Мана шу миннатдорликни ҳис этинг, у ҳақда тишингиз орасидан гапирманг.

2. Ҳар кеча уйқудан олдин ўзингиз миннатдор бўлган ўнта нарсанинг рўйхатини тузинг.

3. Ўзингизга нима учун ишонишингизнинг бешта сабабини ёзинг.

4. Коинотга нима учун ишонишингизнинг бешта сабабини ёзинг.

5. Пулингиз ошибб-тошиб ётган бўлса, ҳадя этасиз. Мұҳтож бўлганингизда эса оласиз. Ўттиз куннинг йиғирма тўққиз кунида пул улашиб, фаровонликка диққатингизни жалб қилинг ва ишончингизни мустаҳкамланг. Ақалли танга бўлса ҳам беринг, қурбингиз етганча. Буни сир сақланг.

6. Ишонч сабр-тоқат талаб қиласи. Ҳамма уруғлар бир мунча фурсат ер тагида ётади. Бу даврнинг давомийлиги-ни биз эмас, Коинот белгилайди. Агар қисиниб, кутишдан ақлдан озсангиз, ҳеч нима ўзгармайди. Сабр-тоқатли бўлиш учун, ишончингиз мустаҳкамланиши учун учта одат чиқаринг. Мана, баъзи бир вариантлар. Жаҳлингиз чиққанда, чуқур нафас олинг. “Пуллар келмоқда, буни ҳис қиляпман!” мантрасини такрорланг. Пул сиз билан бўлган воқеликка, тантанага шўнгинг. Аниқлик кири-ting. Агар нимагадир диққат-эътиборингизни қаратсангиз, ўша нарса кўпроқ бўлади. Сабрсизлик = йўқчилик = рад этиш. Ишончни кучайтириб, сабрни мустаҳкамлаш учун диққат қаратиш лозим бўлган нарса-ҳолатни танланг. Шунда сизни ҳеч нима тўхтатиб қололмайди.

Илтимос, чизиқлар ўрнини тўлдиринг:

Мен пуллардан миннатдорман, чунки \_\_\_\_\_

## САККИЗИНЧИ БОБ ҚАТЪИЙ ҲАРАКАТ – ЧЕМПИОНЛАР ТАНЛОВИ

**X**ар сафар “Бўшлиққа қўл теккизиб” фильмини кўрганимда, ақлимни йўқотаман. Фильм маҳобатли тоққа йўл олган икки йигит ҳақида. Ўша тогни ҳали ҳеч бир инсон боласи забт этмаган бўлади, у гўё ўзининг қорликлари, шамоллари ва музликлари билан Ўлим Юлдузини эслатиб юборарди. Лекин йигитлар ҳам ўз сўзидан қайтмайдиганлар эди. Улар тоғни забт этадилар, бир-бирини қучиб: “Биз уддаладик! Уйимни шу ердан кўряпман!” деб қичқирадилар. Пастга йўл олганларида эса уларга қор бўрони тўғаноқ бўлади.

Мен бундай фильмларни кўп томоша қиласман. Бундай кинофильмларда қаҳрамонлар самолёт қулаганидан сўнг бир-бирларининг муз қотган таналарини ейишларига тўғри келади. Гоҳида қўлларини кесишга тўғри келади, чунки қўлларини харсангтош босиб қолган. Лекин “Бўшлиққа қўл теккизиб” бу рўйхатимning бошида

туради, негаки, э Худойим, унда йигитлардан бирининг бошига... Мен ўтирволиб, бундан баттари бўлмайди, деб ўйлашни назарда тутяпман. Кейин эса гарчи бир ўзинг бўлсанг ҳам, чинқириб юборасан.

Фильмни батафсил сўзлаб ўтирмайман, ўзингиз кўриб олаверасиз. Лекин фильмнинг охирини гапириб бераман. Боёқиши йигит қанчадан-қанча мушкулотлардан сўнг шунинг учун ҳам тирик қоладики, унинг мияси бутун эди. (бу ҳақда фильмнинг бошида билиб оласиз. Шундай экан, мени койиб ўтирманг!) У ҳар лаҳзада ёрилиб, тубсиз жарликка айланиши мумкин бўлган музликни босиб ўтишига тўғри келади. Қаҳрамон бир амаллаб эвини қиласди, лекин йўлидан яна харсангтошлар чиқади. Устига устак, оёги синган, юзи куйиб, музлаган, қўл ва оёқ панажаларини совуқ урган, сувсиз ва емаксиз, қўёшдан ҳимояловчи кўзойнаксиз (кўзларини қор қамаштиради) қолган. Миясида эса бемаъни қўшиқ айланаверади.

У муз тешувчи болтачани ҳасса ўрнида ишлатмоқчи бўлади, аммо эплолмайди. Шу боис, ҳар қадамда сирпаниб, йиқилиб, синган оёғини уриб олаверади. Оғриқдан йиглайди, ув солади. Лекин бўш келмайди – ҳаккалайди, йиқиласди ва аллақачонлар бўм-бўш бўлиши мумкин бўлган тог этагидаги қўналга томон одимлайверади. Унинг жамоаси йигитни ўлган деб гумон қилиб кетиб қолишган бўлса, ажаб эмас. Бу даҳшатли саёҳат тўққиз юз йилдан бери давом этаётгандек туюлади. Агар ҳозир мен сизнинг молиявий вазиятингизни тасвиrlаётгандек бўлсам, шошманг – ҳали яхшиси олдинда. Буниси сизни бўм-бўш банк ҳисобингизнинг совуқ танҳолигидан қочишингизга ёрдам беради.

Биринчи ва энг муҳими. Бу альпинист тирик қолишга қарор қилди. Эҳтимол, бу ҳаётга муҳаббат инстинкти-дир, аммо... Сиз-чи, сиз яшаб қолишга аҳд қилдингизми? Мен қандай яшашни назарда тутяпман. Агар пулга етар-лича жиiddий муносабатда экансиз, худди ўлим ёқасида турган одамдек қарор қабул қилинг.

Қийинчилик пайдо бўлганда, сиздан кўп вақт ва пул талаб қилинганда, нималар бўлишини биласиз. Севимли баҳоналарингизни юзага чиқариб, ҳозир нега ҳаммасига қўл силташ кераклигини айтасиз ва турли варианtlарни тарози палласига қўйиб чиқасиз. “Агарки, шунчаки чеки-ниб, мана шу ерга ётсам, бир неча соатдан кейин музлаб қоламан, ортиқ ҳеч нарсани сезмайман ва осонгина жон бераман. То онг-шуурим ўчмагунича, қушлар иловла-ган оёгимни чўқиламагунча, юлдузларга термуламан”.

Қўлингиздан келадиганини амалга оширмагунингиз-ча, ўн тоннали горилладай қатъиятингиз бўлиши даркор. Кўркув ва онг ости инкорларингизни айланиб ўта олинг. Номаъумлик сари сакрай олинг. Қарор қабул қилиш бу ҳеч қандай “Б” режаси йўқ деганидир. Бошингизни кўча-га чиқардингизми, энди бутунлай ташқариланг ва ҳам-манинг энасини кўрсатиб қўйишга шай бўлинг.

\* \* \* \* \*

*Захира режангиз борми, тамом, қарор қабул  
қилолмайсиз.*

\* \* \* \* \*

Инглизча “decide” (ҳал қилмоқ) сўзининг лотинча-даги илдизлари том маънода “кесмоқ” маъносига бориб тақалади. Қолган барча варианtlар ўз-ўзидан гойиб

бўлади ва ягона қарорга боғланасиз. Шундай қилиш керак бўлган пайтларда одамлар талвасага тушишади. Уларнинг фикрича, бунисини танлаб, энг зўрини қўлдан бой беришлари мумкин. Лекин ўзингиз ўйлаб кўринг:

\* \* \* \* \*

*Агар икки қайиқни ушлаб қоламан, десангиз,  
иккисидан ҳам мосуво бўласиз.*

\* \* \* \* \*

Муваффақиятга олиб борувчи йўлдаги энг қўрқинчли тўсиқлардан бири – бу диққатни бир жойга жамлашдан ва вақтни тақсимлашдан воз кечишидир. Барчасини бирданига бажаришга уриниш – биттасига ўтировлиб, пулни йиғишириб олишнинг ўрнига ўнта стулга бирвакайига ўтиришга уриниш билан баробар. Айнан қай йўсинда бойиб кетмоқчи эканингизни англаб олинг.

Мақсадга етмагунингизча, режа асосида иш тутинг. Кейин эса, мукофот тариқасида, кўнглингиз хушлаганини қилинг.

Агар қўлингиздаги китобдан фақат ушбу саҳифани ўқиган бўлсангиз ва юз фоиз бойиб кетишга қарор қиласан бўлсангиз, сиз ютасиз. Чунки қарор қабул қилгач, фикрлар пўртганасида айлана бошлайсиз, ҳамма ердан имконият излайсиз. Бу ҳолатда сизнинг ишончингиз кучли. Истак аллақачон борлигидан миннатдорсиз. Йўқса, бойиб кетишга юрагингиз бетламаган бўларди. Буларнинг барчаси миянгизда яшайди. Таваккал қиласиз, бу иш бермайди, деганларга хайрихоҳ бўлолмайсиз.

Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг. Сиз кичкина бўлса ҳам, қарор қабул қила оласиз, масалан, ваннахона девори ран-

гини ўзгартириш борасида. Шунда, иттифоқ, бүёкça мутлақа бошқача нигоҳ билан қарайсиз. Бошқасини тилингизга олиб ҳам ўтирмайсиз. Қатъий қарор ҳамма нарсаны ишга туширади: кайфиятингизни, хатти-ҳаракатларингизни. Шунингдек, у барчаси сиз истагандек бўлиши кераклиги ҳақида Ягона Онгни огоҳлантиради. Ўз навбатида, Ягона Онг ҳам барча керакли нарсаларни сизнинг йўналишингиз бўйича ҳаракатлантиради.

• • • • • • • • • • • • • • • • • • •  
Сизнинг истакларингиз фикрларингиз орқали тугилади, ҳаракат қилишини бошлибгина ўша истакларингизга эришасиз.  
• • • • • • • • • • • • • • • • •

Эътиборингизни қўйидаги ҳолатга қаратмоқчиман. “Ўз навбатида, Ягона Онг ҳам барча керакли нарсаларни сизнинг йўналишингиз бўйича ҳаракатлантиради”, деганимда, гоялар, имкониятлар, одамлар ва нарса-ҳодисаларни назарда тутдим.

Қарор қабул қилиб ва Ягона Онгни огоҳлантириб, хаёлингизга келадиган барча фикр-гояларни назоратга олинг. Токи эскича фикрлашингиз мустаҳкамланмас экан, вазиятни қўлга олинг.

Нима, шунчаки самолётга ўтириб, Стив амакинига учиб бориб, озроқ пул бериб туришини сўрайми? Шу етмай турувди! Бориб-турган аҳмоқлик! Йўқ жойдан пайдо бўлган битта яхши фикр ҳаётингизни ўзгартириши мумкин. Лекин агар ўша фикрни қабул қилмай, ҳаракатни бошламасангиз, ҳеч нарса ўзгармайди. Онг остингиз эса ниндзяга ўхшайдики, ярқ этган фикрни қабул

қилмай, нималар юз бераётганини англолмай, анграйиб  
үтираверсиз.

• •

*Гүзал гоялар – бу Коинотдан юборилган дил  
изжорлари дидир. Бунда: “Бу сенга. Сен қойилмақомсан,  
деб үйлайман. Бу қўлингдан келади. Боргил ва теварак-  
жавониб билан гўзал қобилиятларингни ўртоқлаш”,  
деб ёзилган бўлади.*

• •

Барчасини оёгини осмондан қиласман, деб қанча вақт сарфлаганимни (ҳа, майли, қирқ йил) тасвирлаб беролмайман. Хаёлимга келган гояларни амалга оширасам бўларди-ку. Лекин улар менга имконсиз туюлди. Бор пулмни совуриб юборишдан қўрқдим. Бошқача айтганда, ўсишимга ёрдам бериши мумкин бўлган гояларни тушибириб қолдирдим.

Сон-саноқсиз марта миямга доҳиёна фикрлар келар, мен эса уларни ташлаб қўявердим. “Навбатдагиси!” Нима учун ботқоқдан чиқиб кетолмаяпман, деб, арз-шикоятга, власасага, саволларга қайтаверардим. Афтидан, Коинот: “Ахир, мен барча кераклисини бердим-ку! Мазах қиляпсанми, нима бало?” деб үйлаган бўлса керак.

Ажойиб мисол: мана шундай ажойиб гоя тогу тошлиар орасида қолиб кетган бечора альпинистимизнинг хаёлига келган. Тоқقا чиқаётганда ўзи билан олган нарсаларидан, недир бўлибки, фақат соат бутун қолади. Мана, у кўз қамаштирап қорда ётаркан, босиб үтиши лозим бўлган (синган оёги билан ҳамда сувсиз) бепоён сайҳонликка қарайди. Кичикроқ тепаликни кўради-да, у ерга ўн икки

дақиқада етиб боришга аҳд қиласы. Соатни таймерга қүяды ва қанчалик оғриқли бўлмасин, йўлида қандай тўсиқлар учрамасин, энди фарқи йўқ. Унинг барча фикрлари, барча куч-мадори ва қатъияти, токи таймер чинқирмагунча, ўша ергача етиб боришга қаратилган. Алқисса, қаҳрамонимиз манзилга етиб боради. Шу тариқа, бир неча манзилга етиб боради.

Кейинчалик у бу ақлдан озмасдан даҳшатли сайҳонликни босиб ўтишнинг ягона усули эканини айтади. Ҳар бир ўн икки дақиқалик синовга жуда жиддий тайёргарлик кўради. Фақат бир шарт бор эди: кейинги манзилгача таймер чинқиргунча етиб бориш керак. Альпинист агар ютқазса, шунчаки соат туфайли ютқазмаслигини биларди.

Ҳаётимизни жиддий равишда ўзгартиришга аҳд қилганимизда, кўпинча юзага эсанкираш чиқади. Бизнинг ўз ҳақиқатимиз бор, энди эса зарур ишлар рўйхатига яна нималарнидир қўшамизми? Ҳазил қиляпсиз-а! Булар шунчаки арзимаган нарсалар эмас. Бу шу пайтгача биз қўрқиб келган нарсалар. Шунда бирдан ҳаракатланолмай қоласиз. “Тўгриси, қўлимниям кўтаролмаяпман...” Кейин эса ақл-хушингизни йигиштириб олишингиз керак бўлади. Эсанкираш бор-йўғи ақл-хушнинг бир ҳолати. Тўгрисини танлашингиз керак, холос.

• •

*Эсанкираш – нотўгри қарор қилиб (масалан, нафас олишини тўхтатиши), таянч нуқтангизни йўқотиб, ҳаётингизни айнан СИЗ назорат қилишингизни унутганингиздаги ҳолатдир.*

• •

Бу золимга қарши курашишнинг бир неча усувлари:

- 1. Тафсилотларни тадқиқ қилинг.** Ақлимизни йўқотиб ва номаълум ҳаётий ҳолатлар бизни сиқади, деб ҳисоблаб, ўзимизга ўзимиз дард орттириб оламиз. Шу билан бирга, одатда нима деяётганимизнинг фаҳмига ҳам бормаймиз. Масалан: Миллионта хат келган почтамга. Болаларни мактабдан олишим керак, кечлик тайёрлашим керак, янги бизнес учун қарз олгани ариза беришим керак. Буларнинг биронтасига ҳам улгурмайман.

Қайта кўриб чиқилгач, вазият умуман бошқача тус олади. Қирқ беш дақиқада хатларга жавоб бериб бўламан, чунки улар миллионта эмас, ўн иккита. Кечликни ярим соатда тайёрлаб улгурман. Болаларни эса қўшнимдан олиб келишинни сўрайман. Қарз ҳужжатини тўлдиришга анча вақтим қолади. Вой, буни қаранг-а! Албатта, чайнашимиз мумкин бўлганидан кўра каттароқ луқма тишлаб олган ҳолатлар ҳам бўлади. Лекин сўз бераманки, аниқлик киритилгач, қўрқувнинг асосий қисми осонгина тарқалиб кетади.

- 2. Тонналаб ишларни мақбул ўлчамларда бўлакларга бўлинг.** Агар бутун бошли китоб ёзмоқчи бўлсангиз, ерга ётволиб, ўлиб қолишни истасангиз керак, хойнаҳой. Бир бобни ёзиш эса – мароқли машгулот.

Агар даромадингизни икки баробарга кўпайтирмоқчи, тиббиёт олий ўқув юртига кирмоқчи, кейин эса ординатурада ўқишини давом эттиromoқчи, хусусий клиника очмоқчи бўлсангиз... Сизга мана шу қовоқхонада қолиб, коктейл аралаштириш

**осонроқдек туюлади.** Ҳозирнинг ўзидаёқ тиббий дарсликдан бир неча саҳифа ўқиш эса ундан-да осон.

Агар қаршингизда чақириларга чўзилган қорли сайҳонликларни босиб ўтиш вазифаси турган бўлса, танангиз эса гўштқиймалагичга тушиб чиқсан бўлса, афтидан, ўлишни истаб қолсангиз кераг-ов. Кейинги йигирма дақиқани ҳаёт учун курашга сарфлаш кўп ҳам хуш-хандон эмас, аммо-лекин ўта аламли ҳам эмас.

Ушбу банддаги яна бир муҳим бандча. Вазифаларни тақсимлаш диққатни жамлашга кўмаклашади. Келинг, тогда қолиб кетган дўстимизга яна бир бор юзланамиз. Агар таъбир жоиз бўлса, йигирма дақиқали спринтда у диққатини фақат тирик қолишга қаратганди.

Биринчидан, бу унинг ишончини мустаҳкамайди. Агар нимагадир диққатингизни қаратсангиз, қўрқсанга қўш кўринади, деганларидай, ўша нарса ёки ҳолат кўпаяди, қаҳрамонимиз эса охирги манзилга етиб олишни ўйлаган, холос. Тамом-вассалом. Йиқилиш, омадсизлик ҳақида ҳеч қандай фикр бўлмаган. У фақат муваффақият қозонишига диққатини қаратган. Айнан шу боис, у қадам-бақадам галабага эришади ва ҳар гал ўзига бўлган ишончи ортиб бораверади.

Иккинчидан, масофани қисмларга бўлиб чиқиши сайҳонликни рекорд тезлиқда босиб ўтишига ёрдам беради. Қаҳрамонимизда қорга исмини ёзиб, қорбобо ясашга имкон бўлмайди. Унга ошигич равишда сув керак эди. Ҳар бир сония ганимат эди.

Ҳаммамиз ҳам бандаликни бажо келтирамиз ва ҳаётимизда вақт деганлари катта роль үйнайди. Вироқ биз күпинча фурсат ғаниматлигини унугиб қўямыз ва Ердаги қимматбаҳо вақтимизни нолишу ортга сурис билан ўтказамиз. Бажаримиз керак бўлган ишларга қўл урмасдан, кейинчалик жонимизга тегадиган ёмон нарсаларга эътибор қаратамиз. Кунига офисда саккиз соат ишлайдиган одамлар уч соат самарали меҳнат қилишади. Қолган пайт эса улар кулер ёнида вақт ўтказишади, музлаткичга қарашади, ўрдаклар пойгасини томоша қилишади ва Фейсбукка михланиб қолишади.

Агар сизда, бутун ҳаётим ҳали олдинда, деган ҳис бўлса, сиз бутун умр орзу томон йўлда бўласиз. Мана, агарда йигирма дақиқангиз бўлса, улгурасиз. Вақтни тақсимлаш ва бир нарсага диққатни жамлаш бир мартада белгиланган муддатни яратади, унумдорликни оширади ва яна нимадир қилишингиз учун вақт қолдиради.

•  
*Вақт вақтни излаётганларга эмас, вақтни ўзи  
яратадиганларга келади.*  
• • • • • • • • • • • • • • •

Энди эса фаровонлик сари йўлингиздаги бандларни қайта кўриб чиқайлик:

- Қанча пул ишламоқчилигингизни ва бу пуллар сизга нимага кераклигини аниқлаштириб олинг.
- Бу пулларни ишлаб топишга қатъий қарор қилинг.
- Буни қандай амалга ошириш режасини тузинг. Режани қисмларга бўлинг. Ҳар сафар бир қисмга диққатингизни қаратинг.

- Миянгизда яратажак ҳаёт тарзингиз ва сизга дарёдай оқиб келмиш пуллар тасаввурини ушлаб туриңг. Шод-хуррам бўлинг, қатъий ишончга эга бўлинг ва чуқур миннатдорчилик билдириңг.
- Ҳаммасига улгuriшга ҳаракат қилинг. Қутлов хатлари империянгизни қуришда маҳаллий боулингхонадаги столларга ёпиширилган сақичларни қириб олишга киришган бўлсангиз, нима балолар билан шугулланяпман ўзи, деб гам чекманг. Кўпроқ эътибор қаратинг – кўпрогига эришасиз. Калаванинг иккинчи учидан ижобий жиҳатни топа билинг, энг яхши сақич қиртишловчига айланинг ва миннатдор бўлинг.

\* \* \* \* \*

*Ўсиш истаги ва ҳозирги вазиятга салбий муносабат  
ўртасида жуда катта фарқ бор.*

\* \* \* \* \*

- Коинот сизга кўпроқ пул ишлаш имкониятини тақдим этганда, ундан қочиб кетиш ўрнига, унинг қучоғига отилинг. Айниқса, сизни қўрқув чулғаб олган бўлса. Фикр пайдо бўлганда, учта саволга жавоб бера олишингиз керак. Мен шундай бўлмоқчиманми, шу ишни бажармоқчиманми, шунга эга чиқмоқчиманми? Бу мени мақсадимга элтадими? Бу кимгадир зарар етказадими? Агар жавоблар қониқтирса, олга.

\* \* \* \* \*

*Кўрқув компасингизга айлансин.*

\* \* \* \* \*

Каттагина коучинг пакетимни тұлаш учун топған 85 000 долларим әсингиздами? Хуллас, ҳозир мен сизга қандай қилиб бунинг үдасидан чиққанимни айтиб бераман. Бу ҳолат ҳаётимдаги әнг ваҳимали ва ёқимсизларидан бири бўлганди. Юқори даражадаги коучингга эга бўлишга жазм қилганим заҳоти, қочиб кетмадим ҳам, яширинмадим ҳам, аксинча, ҳаракатга тушдим. Ҳаёлимга келган ғояга таяндим. Бу гоя қизиқ ёки қулай эмасди. Яхшиси, бутун баданимни салонда эпилляция қилдирганим яхши эди (мум билан!), аммо бунинг ўрнига ўша гоямни амалга ошира бошладим. Ҳамманинг энасини кўрсатиб қўйиш истагим ҳеч нарсани ўзгартирмасликдан кўра кучлироқ, эди.

Қарз олишим мумкин бўлган танишимни эсладим. Биринчидан, танишим коучинг ҳақида кам биларди, афтидан, “алдам-қалдам чиқинди” деб ҳисобларди. Иккинчидан, у сал зиқнароқ бўлиб, арzonлаштирилган ҳожатхона қоғозидан бўлак ҳеч нарсага пул сарфламасди. Учинчидан эса, танишим менга ишонар эди.

Самолётга чипта олиб, ўша танишимникига қараб учдим. Дарвоқе, чиптани одатдагидан минг доллар қимматга сотиб олдим, чунки парвозга жуда кам фурсат қолганда етиб келгандим. Танишимнинг остонасига бориб етганимда, уни сал қолса ўлгудек қўрқитиб юбораёздим. Таваккал қилиб, унга ичимдагини тўкиб солдим. У мени ақддан озибди, маstryлиятсиз, ниҳоят, шубҳали тўдага қўшилиб қолибди, деб ўйлаши тайин эди. Керакли суммани айтганимда, унинг юзида пайдо бўлган ифода сира ёдимдан чиқмайди. Бироқ узоқ давом этган баҳс-мунозарадан сўнг у менга пулни берди. Бунча пулни бир йилга қолмай ишлаб топдим ва албатта, қарзимни қайтардим!

Мен қўрқув билан юзма-юз учрашдим, бир йил давомида ажойиб мураббийдан сабоқ олдим ва авваллари Жен Синсеро қадам босмаган ерларга етиб бордим. Доимий равишда таваккалчиликка қўл урдим. Видеолавҳалар қилиш ва онлайн иштирокимни ошириш учун бутун бошли жамоани ёлладим. Янги маҳсулот ва хизматлар яратдим, нарх-навони кўттардим. Илгари мен учун ба-ланд дорда бўлган мижозлар билан муносабатни йўла-га қўйдим, кетимни бир жойга қўйиб, New York Times талқини бўйича бестселлер ҳисобланган китоб ёздим. Олдинлари қўрқанларимни амалга оширдим, қўрқув ва дангасаликни енгдим. Буларнинг барчаси ҳозирда етти хонали гонорар олишга имкон берган брендимни яра-тишга ёрдам кўрсатди. Агар истамаган ишимни қилмага-нимда, булар рўёбга чиқмасди.

## **САКСОН БЕШ МИНГ БОРАСИДА МУҲИМ ҚАЙД**

Эҳтимол, ҳозир сиз буларни ўқиб ўтириб: “Яхши, та-нишларимга учрашиб кўраман. Ишониш қийин бўлса ҳам, саксон беш минг бериб тура оладиган битта-яримта топилиб қолар”, деб ўйлаётгандирсиз. Сиз билан очиқча гаплашмоқчиман. Қиймат муҳим эмас. Ҳаётингизнинг ўзгариши истакларингиз ва қатъиятингизга боғлиқ. Гап нақдида эмас. Агар жазм қилсангиз, аниқ муайян суммани ишлаб оласиз, жиҳоз-ускуналар сотиб оласиз, бойликка олиб борадиган хизматларни таклиф қиласиз, столингизда саксон доллар ёки саксон минг доллар ётиши муҳим эмас. Масала ўша суммага қанчалик даражада жиддий ёндашувингизда.

Йўлдан озишнинг энг тез усуларидан бири – бу ўзингизни тиёлмай, қурбон бўлишдир. Бошқаларда имкон кўп, сизга оғир келиши мумкин, шундай экан, чиранишнинг нима ҳожати бор, деган қарорга келиш. Ҳа, сизга оғирлик қилиши мумкин, лекин ҳеч вақоси бўлмаган одамларнинг ҳаётида ҳам мўъжизалар рўй беради. Муваффақият – қаердалигингида эмас. Муваффақият қаерда ва ким бўлмоқчи эканингида, аслида.

Бойиб кетишга қарор қилганингида, имкониятлар қаршингизда ястаниб ётган бўлади. Faflatдан уйғонганингида эса (албатта, бу дарров юз бермайди), масала қанчалик кучли бойиб кетмоқчи эканингида бориб тақалади.

Инсоннинг яширин имкониятлари чексиз ва уларнинг бир қисминигина кўра оламиз кўпчилигимиз. Агар мушкул молиявий танглиқда бўлсангиз, ўзингизни қаерда сиқиб турганинги ўйлаб кўринг. Барчасини бажардим, деб ўзимизни алдаймиз, янада қунт билан ишлашга тиришамиз-у, лекин бошқа натижаларни кутамиз. Шу аснода олдимииздан муаммонинг ечими чиқиб туради, аммо биз уни рад этаверамиз, чунки қўрқамиз.

## **“ҚЎЛИМДАН КЕЛМАЙДИ” ВА “ИСТАМАЙ-МАН” ЎРТАСИДА КАТТА ФАРҚ БОР**

Кўпроқ ишлайдиган одам бойиб кетавермайди. Аслида, бойиш учун камроқ меҳнат қилиш ҳам мумкин. Фақат тўғри танлов қиласангиз бас. Келли биринчи ишчини ёллаганда, тер тўкиб меҳнат қилишига ҳожат қолмади.

**БУНДАН ТАШҚАРИ**, у даромадни бир неча баробарга кўтарди. Келинг, ҳисоблаб кўрайлик, иккита чоп

этиш машинаси сотиб олди, яна бир ишчи ёллади ва кенгроқ жой излашга түшди. Буларнинг ҳаммаси бир неча ойда бўлиб ўтди. Келли такомиллашишга қарор қилганда, иш жўнашиб кетди ва ўз қўрқувидан ўзиб кетиб, мақсад сари интилди.

## ТАНГ АҲВОЛДА ПУЛ ИШЛАТИШ

Гоҳида ўзи йўқ пулни ишлатиб юбориш қўрқувга айланади. Бу номаълумлик сари сакрашнинг молиявий версияси. Ва бу жуда қарама-қарши мавзу. Ушбу вазиятда қарзга ботишни маслаҳат берган бўлардим, қарз – бу биз билан сизнинг жамиятимиз даррасидир. Лекин қарз ҳам, аввало, кайфият. Ваҳима ва умидсизликка тушиб, ҳаддан ташқари ортиқча пул ишлатиш, имкониятдан ташқарида яшаш, ўзингга ўзинг қарздорлик чохини кавлаш – бу бир кайфият. Буни сизга тавсия қилмайман. Мен, шунингдек, агар бошқа вариантларингиз қолган бўлса, қарз ол-маслики маслаҳат бераман. Бу сўнгти чора. Қолаверса, бу чора фақат тўғри танлов қилсангизгина иш беради.

Токи пулни қайтармагунингизча, жарлик ёқасига келиб, кейин эса таваккал қилиб, ортга чекинмаслик – мен шуни назарда тутяпман. Бу худди таътилга ўшаб кетади. Дам олиб келмоқчисиз, лекин ҳеч вақт ажратолмайсиз. Лаънати чиптани сотиб оласиз, меҳмонхонани банд қиласиз, ашқол-дашқолларингизни йигасиз, сўнгра иш жадвалингизни очиб кўриб, бирон ёқса сафар уюштирмоқчи бўласиз. Агар бўш вақтни кутсангиз, у ҳеч қачон ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди.

Бу ҳолатда ҳам худди шундай. Агар пулни кутсангиз, у сира келмаслиги мумкин. Фақирона ҳаёт кечиришдан

чиқиб кетишга уриниб, кетма-кет шундай йўл тутганман. Курсга тўлов қилиш учун янги кредитларга буюртма берганман. Кейин мураббийларнинг маслаҳатига қулоқ солиб (юракни товонга тушириб қўядиган маслаҳатлар!), бир неча ой давомида қарзларимни қайтарганман. Мабодо йилига ўттиз минглик даромадим билан маблағ пайдо бўлишини кутиб юраверганимда, деч қачон мураббий ёлламаган бўлардим.

Камина номаъумлик сари сакрашимга, бошим билан қарздорлик ботқоғига шўнғишимга тўғри келди, аммо ўзимга ишониб, шу йўлни тутдим. Чунки ҳаётимни 180 даражага буриб юборишга тайёр эдим. Бундай таваккалчилклар сиз қурбон эмаслигингиздан, ҳаётингизни назорат остига олганингиздан далолат беради. Сиз Коинотга, ўзингизга, орзуларингиз рўёбига ишонасиз. Улар сиз эврилажак одамнинг рамзига айланади.

Янги дўкон очишингиз учун кредит олишингиз ёки асистентингизга маош тўлашингиз керак бўлса, қарзларни тўлаш режасини тузинг. Олинган сумма орқали пул ишлаб топишга ҳаракат қилинг. Уйда ўтирволиб, супермаркетдан овқат харид қилолмайсиз. Пулларни олиб, миннатдорлик билан ишлатинг. Частотангизни юқори даражада ушланг, диққатингизни жамланг, ўзингизни ҳаракат қилишга мажбурланг. Пулларни қайтариб, ортга чекинманг.

**Муваффақият тарихи: унинг қўлидан келди,  
демак, сиз ҳам эплай оласиз**

**Келли бир ойда одатий 4500 ўрнига 35 000 доллар ишлаб топа бошлиди ва бу билан ўзини ўзи чўчишиб юборди!**

Мен футболка ишлаб чиқариш бизнеси бўлган Келли билан ишлардим. Қанча пул топмасин, ўзига насиб этмаслигидан жигибийрон бўлаверарди. Қачон қарама, топган пули жойини топиб кетарди. Машинаси бузилиб қолган, қариндоши учун тўлаши лозим бўлган кафолат ҳисоб варақаси келган ва ҳ.к. Келли бизнесини кенгайтиришни истарди, аммо бир ўзи эплолмасди, ўқиб-ўрганишга эса вақти йўқ эди. Бизнеси бир жойда қотиб қолавергач, у айнан мана шу важ-корсонни қўллади.

– Битта-яримтани ёллолмайман, деб ўзимни ишонтирдим. Кафолат пулини тўлолмаётгандим, бизнеснинг мазаси йўқ эди. Шунда: “Кимнингдир даромади учун қандай қилиб масъул бўла оламан?” деб ўйладим.

Мураббийим ўзимнинг ривожланишим учун кимнидир ёллашим кераклигини айтганда, даҳшатга тушдим. Кейин кайфиятим бирдан ўзгарди. Гўё мустақил бўлиш учун рухсат олгандим, аслида, шу нарса керак эди-ку менга!

Бошқа иложим ҳам йўқ эди. Ўша одамга тўлаш учун пулим ҳам йўқ эди. Бундан ҳам ваҳимага тушардим, ҳам илҳомланардим. Тўгри қарор қабул қилганимни дарров тушундим. Ўша одам ишга чиқиши биланок, йиллар давомида мен рад этиб келган имкониятлар камина томон оқиб келаверди.

Биринчи машғулотимиздан кейиноқ частотамини кўтариб олдим. Ўзим эга бўлмоқчи бўлган пуллар борасидаги мантраларни такрорлайвердим. Биринчи ҳафтанинг ўзидаёқ нақ 26 000 доллар

ишлиб олдик. Бир ҳафтада-я! Сезиб турардим, бу ярим мўъжиза, ярим меҳнат самараси.

Тунлари пулни деб ваҳимага тушиб уйғонмаслик бирам маза-ей!

## БОЙ-БАДАВЛАТ ИНСОНГА АЙЛАНИНГ

Тегишли пул мантраси (бу мантрани такрорлаб юринг, ҳис этинг, у билан нафас олинг):

Мен пулни яхши кўраман, чунки мен пул ишилаб чиқариш бўйича довюрак, қойилмақом машинаман.

1. Йўлингиздаги тўсиқларни суриб ташланг. Шубҳа-гумон – ингичка ип. Шу ипдан тортасиз-у, тўқилган свитерни сўқилиб кетишига сабабчи бўласиз. Ўзингизга нисбатан ҳалол бўлинг. Шубҳа тугдириши мумкин бўлган уч жиҳатингизни танг олинг. Уларни бутунлай қуролсизлантириб, юзма-юз бўлишга тайёрланинг (масалан: Хотиним бойлик сари йўлда мени қўлламайди. Мантра: Менинг ҳақиқатим фақат ўзимга аён. Қандай бойиб кетишимни ҳам фақат ўзим биламан). Тўсиқлар ва уларнинг ечимларини ёзиб чиқинг.

2. Нишонни баланд олинг. Кўпинча жасорат учун жавоб берадиган жараёнлар бошимиз бориб деворга урилганда, ишга тушади ва биз пул топиш ҳаракатига бўлиб қоламиз (квартира тўлови муддати ўтиб кетган, зудлик билан операция қилиш керак, қўлида тилҳат билан мафия эшик тақиллатмоқда). Қандай сумма сизнинг янги нишонингизга айланишини бир ёқли қилинг. Келинг, беш юз долларда тўхталайлик. Банк ҳисоб рақамингизда ҳамиша шу сумма бўлиши шарт. Ўша пулга етиб

борганингизда, жанговар шоирингизни хитоб қилиб, янги босқичга кўтарилишингиз даркор. Ортга қайтмаслик учун кўпроқ ишлаб топишга тўғри келади. Ҳар ой нишонни каттароқ олаверинг, тез орада ҳеч нарсага муҳтожлик сезмай қоласиз.

3. Пулларни янгиласига сарфланг. Частотангизни кўтариш учун ноодатий нимадир сотиб олинг ва сиз оқимда эканингизни, пул эса янгиланиб турувчи манба эканини ўзингизга эслатиб туринг. Қиммат, хавотирга соладиган, умуман кераксиз (лекин чўнтаингизни тешадиган) нарсалар жуда муҳим ва янги чўққиларни забт этишга илҳомлантиради.

4. Ҳозирнинг ўзидаёқ катта, ёғлиқина, вахимали, ортга қайтариб бўлмайдиган бир қарор қабул қилинг. Унга эргашинг. Ҳозирнинг ўзидаёқ, дедим. Балки бу хотирангизда сақлаб юрган бир гоядир. Ўзингиз қўрқсан, бироқ ҳаётингизни тубдан ўзгартирадиган гоя бўлсин. Ўйчи ўйини ўйлагунча, таваккалчи ишини битиради. Айни дамда яшаб қолинг.

Илтимос, чизиқлар ўрнини тўлдиринг:

Мен пуллардан миннатдорман, чунки \_\_\_\_\_

## ТҮҚҚИЗИНЧИ БОБ ЮҚОРИГА КҮТАРИЛАМИЗ

**Й**игирма ёшга түлар-түлмас колледждаги дүстларим билан Барселонага күчиб ўтдим. Унчалик ҳам яхши бўлмаган жойдан камтарона квартирани ижарага олдик, кўчадан жиҳозларни ичкарига олиб кирдик. Итдай ичиб, чўчқадай бўкиб овқатланардик, туни билан рок-н-ролл қилиб, уззукун базм уюштирадик.

Испания Италияning шундоққина биқинида жойлашган, шу боис, уикэндлардан бирида ота томондан қариндошларни йўқлаб, Неаполга йўл олдим. Икки қорин нари синглим Валентинадан ажойибу гаройиб базм қилиб беришини кутмасдим. Шунга, вазиятни ўрганиб, Валентинани яқиндан билиб, унга каттагина гашиш бўлагини ҳадя қилмоқчи бўлдим.

Неаполга етиб келганимда, уюштирилажак базмда камина, Валентина ва унинг дўстларигина бўлишини билдим. Базми жамшиднинг ўзи эса сайр, пицца, музқаймоқ ейиш ва одамларга кўз тикишдан иборат эди. Агар шўх-

лик қилмоқчи бўлсак, музлаткичдан музқаймоқ олиб, пақдос туширадик. Мен гиёхвандларни қайта жонлантирувчи марказга тушиб қолгандек эдим гўё. Ҳафсалам пир бўлганига қарамай, ҳар сафар “О соло мио!” (ҳа-ҳа, айнан шундай) деб бақираётган маст-аласт ёш-яланг америкаликлар ёнидан ўтганимизда, уялмаслигимнинг иложи йўқ эди.

Мендан фарқли ўлароқ, Валентина тушлик дастурхонида бир шиши мусаллас билан катта бўлган. Агар унинг қўли шишага чўзилса, қошим сира чимирилмаган. Балки шунинг учунми, у вақтини хуш ўтказар, мен эса томоқ тақиллатмаслик йўлида эдим.

Валентина учун ичкиликнинг ҳеч бир айрича жиҳати йўқ эди, бу қундалик ҳаётининг бир қисми эди. Бир шиша мусаллас бир тишлам нон каби эди гўё. Мен учун эса бу хавфли, худди дўстларимнинг ота-онасини исми билан чақиришдек тақиқни англатарди. Йигирма ёшга тўлгандим, энди менинг устимдан ҳеч ким ҳукмрон эмасди, истаганимни қилиб кетаверардим.

Атрофимиздаги олам ичкиликка ружу қўйиши миздан тортиб молиявий аҳвол ва ташки кўринишизгача бўлган барча жиҳатларимизни шакллантиради. Муайян ижтимоий гурӯҳлар билан қанча кўп мулоқотда бўлсак, шунча кўп улар бизга таъсир ўтказади. Ҳеч эътибор берганмисиз, одамлар ит боқиб олгач, кўп вақт ўтмай ўзлари ҳам қўппакларига ўхшаб қолади. Ёки қаерда яшаётганингизга қараб талаффузингиз ҳам ўзгариб боришини-чи?

Сизни билмадим-у, лекин менда таътилларда сотиб олинган қақир-қуқурларга тўла омборхонам бор. Исландиядан свитер, Ҳиндистондан оёққа тақиладиган қўнғироқчали билагузук, Гавайидан пушти гулли сирга харид

қилганман. Буларнинг барчасини бошқа мамлакатга борганимда, ўзим билан олиб юрганман. Эндиликда бу буюлар омборхонамда ётади.

Агар гап пул ҳақида кетаётган бўлса, ким ва нима бизни ўраб тургани катта роль ўйнайди. Айнан шундан “қиммат” нима-ю, “арzon” нима, қандай харидалар аҳмоқлик экани, яна шунингдек, қанча ишлаб топа олишинизни биласиз. Бир яхши машқ бор, ақл-хушни жойига тушириб қўяди. Ўзингиз бирга вақт ўтказадиган беш нафар одамнинг ўртача даромадини ҳисобланг ва эҳтимолки, ўзингизни ҳам ҳисоблаб чиқара оласиз.

Башарти, Италияда қолиб, Валентина билан вақти-хушлик қилганимда, Барселонадан ўзим билан олиб келган йигирма қадоқ алкоголдан қочиб қутулган бўлармидим. Қолаверса, бувим совга қилган билагузук ўзимда қолган бўлармиди. Аммо мен уни дартсга тикиб, бой бердим (дартсга қўлим келишмайди, ўзи нимани ўйладим экан?). Ўша пайтларда алкоголь қабиласи вакили эдим. Шахсий рекорд қўйгандим. Бир шиша пивони ўн сонияга қолмай қултиллатиб симириб қўярдим. Саломатлик, бегона жойда ўзини тута билиш каби тушунчалар мени қизиқтирумасди.

Кўп ўйлаб ўтирамай, теварак-атрофимизни қабул қилиб, буни рисоладаги турмуш деб ҳисоблаймиз. “Тўхта-тўхта, алкоголли бўчкачага устун ўрнатишни ҳамма билмайдими?” Айнан шунинг учун, даромадингизни кўпайтириб, турмушингиз сифатини яхшиламоқчи бўлганингизда, теварак-атрофингизни ҳам алмаштиришингиз керак. Сиз олий мақсадлари билан ўртоқлашадиган одамлар ичида бўлишингиз лозим. Аста-секин бу сизга ўз таъсирини ўтказиб, янги ҳаёtingиз сари қадам қўясиз.

Орзингиздаги машинани миниш учун тест-драйвларга боринг. Ўзингиз кийинмоқчи бўлган либослар дўконига кириб, кийимларни ўлчаб кўринг. Уй сотиб олмоқчи бўлган ҳудудларга бориб, энг яхшисини танланг. Халқаро аэропорт терминалига киринг. Кўрфазга боринг, қайиқларни томоша қилинг. Буюк Канъонга тушган одамлар ҳақидаги ҳужжатли фильмларни томоша қилинг. Ўзингиз шугулланмоқчи бўлган спортзалга қатнашинг. Кўнглингизга ўтирган муҳитга кириб боринг.

Бир замонлар, чўнтағимда сариқ чақа ҳам бўлмаган пайтларда, Лос-Анжелеснинг ўзимга ёқмайдиган туманида яшардим. Фақатгина ўша ердан квартира ижарасига қурбим етарди. Ҳафтада бир неча маротаба ҳамма светофорларни ортда қолдириб, шаҳарнинг нариги чеккасига, пляж томон йўл олардим. Ўша ерда яшашни жудаям истардим. Уммон соҳилидан уй сотиб олиш, тўлқинларга қулоқ тутиш, кунботар пайти сайр қилиш, кийимлари жиққа ҳўл бўлган дўстлар билан сёрфда учиш учун гал кутиш орзузи мени аллаларди. Мана шундай ҳаёт орзум эди. Лекин бир кичик муаммо ҳам бор эди. Бу орзу кўпчиликники эди. Шу боис ҳам, соҳилдаги уйлар мен турган квартирадан икки баробар қиммат эди. Ҳар ҳолда, кўпчилик шундай дерди.

Аммо-лекин барибир ҳар куни пляжга бориб келиш учун ўттиз беш дақиқамни аямасдим. Қаҳвахонага жойлашиб олиб, шунчаки уйдан чиққанимни тасаввур қиласдим. Дуч келган одамга шу ҳудуддан уй излаётганимни айтардим, варақлама эълонларни очиб чиқардим, таъзияномаларни қолдирмай ўқирдим, дўстларимдан сўраб-суриштирадим, улар ҳам у-бу кимлардан сўраб кўришларини илтимос қиласдим. Ҳаммасини қилиб

кўрардим. Ҳайтовур, пляжда сэндвич либосини кийиб, телефон рақамим ёзилган қозоғ тарқатмасдим холос.

Ойлар давомида ўзимга муносиб уй тополмадим. Лекин ажойиб кунларнинг бирида Craigslist сайтида бир эълон пайдо бўлди. Пляждан уч даҳа нарида жойлашган квартирани таклиф қилишганди. Бу мен турган бошпанадан юз долларгина қиммат эди, холос. Бу айни муддао эди.

Квартирани кўргани борганимда, у ерда бир тўда одам йифилиб олганди. Лекин рекламада алдашмабди: пляжгача роппа-роса уч даҳа чиқарди. Шаҳарнинг бу қисми учун жудаям арzon, устига-устак, ичкари “шинамгина” ҳам эди.

Рекламада бир нарса айтилмаганди. Охирги ижарагир Toyota Corolla бўлган экан, чунки квартира гараждан қилинганди. Бир ўринли гараждан. Шундай бўлса-да, мен пляж яқинида яшашни истардим, бу квартира эса омад чиптам эди. Квартирага нисбатан меҳр-муҳаббатимни изҳор қилиб, эгасига сим қоқдим, сариштали ва жиддий эканимни билдиридим. Эртаси куни қўлимда жавдарнон орасига гўшт қўйилган сэндвич билан кириб бордим. Хўжайнин гаражнинг деворларини бўяётган экан. Мендан тезроқ қутулиш учун квартирани топшириди-қўйди.

Тушунаман, гаражга кўчиб ўтиш – молиявий муваффақиятни кўз-кўз қилиш учун ибратли ҳикоя бўлмаслиги мумкин, лекин мен буни китобга бошқа сабаб билан қўшдим. Бу камина учун биринчи қадам эди. Мен ўзим хоҳлаган муҳитда яшай бошладим. Айнан мана шу унчалик ҳам кучли бўлмаган қадамимдан ҳақиқий пуллар сари сакрашим бошланди. Кўп ўтмай гараждан чинакам уйга ҳам кўчиб ўтдим.

Гаражда яшаган давримда уни имкон қадар безашга ҳаракат қылдым. Дераза панжараларини оқقا бүядим, чиганоқ ва майда тошлардан маржонгуллар тизиб чиқдим ва уларни вентиляцияга илдим. Ҳамма тешикларни дўстларимнинг суратлари билан ёпдим. Мен уммон исини туярдим, шовқинини эшитардим, унинг соҳилларида велосипедда сайд қиласдим. Истаган вақтимда чўмилиб, сузишим мумкин эди. Буларнинг барчаси ҳаётга қарашимни тубдан ўзгартирди ва аҳволи руҳиятимни кўтарди. Мен ўзимни илҳомланган, баҳтиёр, худди сувда сузаётган балиқдек сезардим. Қолаверса, ҳаммага, жумладан, ўзимга имконсиз нарсанинг ҳам уддасидан чиқа олишимни исботладим. Ахир, Венис-бичдан қиммат бўлмаган квартира топгандим!

Частоталар бир-бирига тортишади, шунинг учун, агар теварак-жавониб сизни тушкунликка туширса, ҳаётингизни янги ранглар билан безаш муҳимдир. Деразангизни арting, журналлардан манзаралар қирқиб олиб ёпиштириб чиқинг (ўзингиз яшашни ёки дам олишни истаган масканлар бўлсин бу суратлар), янги бўёқ суртинг деворингизга. Ўсимлик ўстиринг, омборхонангизни тозаланг, күшеткангизга чойшаб солинг, деразангизга оқ чойшаб осиб қўйган бўлсангиз, яххиси, парда илиб чиқинг. Уйини сотмоқчи бўлган дўстларим бор эди. Улар уйларини супуриб-сидириб, орқа эшикни бўяшди, ҳовлига экин экишди, деворлардаги ёриқларни ямашди, хуллас, сотувга қўйиш учун безак беришди. Кейин эса шу ишларни аввалроқ қилмаганлари туфайли сал қолса ўлиб қолаёзишди. Бутун бошли уй таниб бўлмас даражада ўзгарганди, энди ўзгача нур тараларди ундан.

Бунга кўп вақт ёки пул сарфлашингиз шарт эмас.

Кичик нарсалар ҳам катта ўзгаришлар олиб кириши мумкин. Бу оддий безаш эмас. Бу ички имкониятларингиз учун сармоя. Гўзаллик чиқиндидан ҳам пайдо бўлиши мумкин, яхши кайфият ва энергия бўлса бас.

“Йўқчилик қурсин”, – дерсиз балки ичингида. Шу боис ҳам теварак-атрофингиздаги частотани ўзгартириш учун бир кунгина вақтингизни сарфланг.

Бу жисмоний жиҳатдан барча нарсага тегишли. Сизнинг буюмларингиз, овқатингиз, мусиқангиз, севимли гўшаларингизга ҳам. Сизга қувонч олиб келадиган нарсаларга эътиборли бўлинг. Ва барча бадбинлик ва зерикарли нарсаларни ташлаб юборинг.

Дугонам бир куни менга француз ҳамхонаси ҳақида гоят кулгили ҳикоя сўзлаб берганди. Ўша француз жувон дугонамнинг кийим алмаштиришига қараб туриб, французча лаҳжада: “Ич кийимларингга қараб туриб, ҳаётни севмайсанми, дейман”, деган экан. Дугонам ўзининг ич кийимларига бир назар солиб: “Оддий кийимлар-ку, ҳар ҳолда, момоларникидай эмас. Бу ҳисобга ўтмасмикин?” деб ўйлади.

Энг асосийси, албатта, атрофингизни қандай одамлар ўраб турганига эътибор бериш керак. Айниқса, ишонч-умид каби янги қуроллар билан иш бошласангиз, қўркув, шубҳа-гумонлар ва ваҳималарни айланиб ўтаётган бўлсангиз, қўлингизга пул тушаётган бўлса. “Ҳозиргина бешта янги ресторандардан тўрттаси ёпилаётгани ҳақида ўқиб қолдим. Агар ўйлаган ниятинг амалга ошмаса, бор будингдан айриласан”, деб қўққис гап очиб қолувчи дўст, мактабдош ёки оила аъзосидан кўра ёмонроқ тўсиқ, йўқ.

Дўстнинг тўғноги чидек ҳеч бир нарса қаттиқ  
ниши санчмайди.

Атрофингизга сизни қўллаб-қувватлайдиган, далда берадиган одамларни йифинг. “Ҳа-ҳа, бу бор-йўги омад...” ёки “Мен буларни (нохушликларни) сенга ачинганим учун айтяпман. Шунчаки ёрдам бермоқчиман”, дейдиганлар билан мулоқот қилишни тўхтатинг. Уларнинг дилидагини тилга кўчирсак: “Мен кичкинаман, кўрқоқман, ҳамма юкни сенга ортмоқдайман. Сеи эса рад қилолмайсан, ахир, мен сенинг гамингни еяпман”, қабилида бўлади. Орзуларингизни шубҳаланувчилар, вайсақилар, телба-савдоийлар, дилгирлар ва кўрқоқлар билан ўртоқлашмаслигингиз лозим.

Муаммо шундаки, инсоннинг атроф-муҳитини ўзгартириш бир жуфт гилам тўшаб, кунгабоқар экишдан кўра мушкуроқдир. Айниқса, улар қариндошларингиз бўлса. Бу бойиб кетишга қарор қилганлар орасидаги энг оддий ва кенг тарқалган муаммо. Шундай экан, сиз ёлғиз эмасиз.

Агар сизнинг қавмингиз салбий кайфиятда бўлса, кўрқса, титрайверса ва ҳамманинг энасини кўрсатиб қўяман, деган зўр кайфиятингизни қўллаб-қувватламаса, қўйидагиларни амалга ошириб кўринг:

- Уларни ўзгартиришга ҳаракат қилманг. Уларга далда беринг, меҳрингизни аяманг, агар сўрашса, маслаҳат ҳам беринг. Нима десангиз дeng, лекин уларни ҳақиқат ёргулигига олиб чиқишига урин-

манг. Биринчидан, агар ўзлари исташмаса, ҳеч нимани ўзгартиролмайсиз. Фараз қилайлик, улар кўркув босқичида қотиб қолишган. Ҳаётларини, ўзларини ўзгартиришдан кўрқишишти. Шундай экан, қачон тайёр бўлсалар, ўшанда гафлат уйқусидан уйгонадилар. Иккинчидан, бу уларнинг йўли ва танлови. Учинчидан, бирон йўлга мажбуrlаб чорланганларининг ҳаммаси ёмон кайфиятда бўлади. Сиз жигибийрон бўласиз, улар ҳам хафа бўлади.

- Уларга ўзингизнинг мисолингизда кўрсатиб қўйинг. Уларга ниманидир ман қилишнинг ўрнига, ўзингизга ишланг ва яхшироқ бўлиш ҳаракатига тушинг. Агар бунга қандай эришганингизни сўрашса, уларга кўмаклашинг. Сўрашмаса, тинч қўйинг.
- Агар улар сизни қўллаб-қувватлашларидан кўра кўнглингизга шубҳа-гумон ва хавотир солишлирига амин бўлсангиз, орзуларингиз ва эришган натижаларингиз билан ўртоқлашиб ўтирманг. Бундан нима наф? Айтганимни қилганингиз билан, барибир уларни севишда давом этасиз, улар билан қоласиз. Сиз шунчаки уларга ҳаётингизнинг бир қисминигина бағишламайсиз.
- Олдинга силжиётган, сизнинг йўлингизни тушунадиган ва сизни қўллайдиган одамлар билан кўпроқ вақт ўтказинг. Улар сизнинг янги қабилагиз. Агар бундай одамларни билмасангиз, излаб топинг. Ўйлаб кўринг. Ижтимоий тармоқлардан излаб кўринг, коучинг курсларига қатнашинг ёки ўз-ўзини такомиллаштиришни ўргатиш бўйича

**гурӯҳ ташкил қилинг. Агар жиiddий киришсангиз, шундай одамларни топасиз.**

Севимли инсонларимиз бизни қўллаб-қувватламаса, бу бениҳоя оғриқ беради. Чунки... нима десам экан... Севимли инсонларимиздан кўра яна ким муҳимроқ бўлиши мумкин? Улар билан муносабатимиз жуда жисп, бу тирик муносабат, биз учун муҳим. Униб-ўсиб, ўзгара бошлаганимизда, улар бизга эргашмайди, оловга мой сепилгандек бўлади. Буларнинг барчаси Барча Кўрқувлар Асосида Ётган Улкан Кўрқувга олиб келиши тайин: МЕН ЁЛҒИЗ ҚОЛАМАН (= мени ташлаб кетишади, ҳамма танишларим ҳаётимдан ўчиб кетади, ҳозирги ҳаётимдан асар ҳам қолмайди = ўлиб қоламан). Энг қўрқинчлиси, агар чиндан ҳам муваффақиятли одамга айланишни истасак, баъзи муносабатларни ортда қолдиришимизга тўғри келади.

## **МУНОСАБАТЛАРНИ ТЎХТАТИШ БОРАСИДА МУҲИМ ҚАЙД**

Агар кимнидир қўйиб юбормоқчи бўлсангиз, бу ўша инсондан мутлақо воз кечишингиз керак, дегани эмас. Лекин эски муносабатларга ёпишиб олмаслигингиз керак бўлади. Ё унисини, ё бунисини танлашингиз керак. Атрофингиздаги одамларга чиппа ёпишинг ёки уларни қўйиб юборинг-да, ортингиздан эргашишадими-йўқми, қизиқарли саргузаштга рози бўлишадими-йўқми, ўзингиз гувоҳи бўлинг.

Кўплаб мижозларимда униси ҳам, буниси ҳам содир бўлаётганини кўриб тураман. Бири олга интил-

ган, иккинчиси қўркув чангалига тушиб қолган никоҳ ажрашишларни ўз кўзларим билан кўрганман.

Шунингдек, ўзгаришларга тайёр бўлган бошқа кўп-лаб жипслашган жуфтликларни ҳам кўрганман (баъзида жуфтликнинг бирига вақт керак бўлади, лекин бу ҳар доим ҳам эмас).

Нима бўлишини билмайсиз. Қайсиdir яқинингиз ақдини йўқотмаслигига кафиллик беролмайсиз. Ҳам-масини ўз танасига ўйлаб кўриб, сизга шерик бўлмас-лигига ҳам кафолат йўқ. Фақатгина одамлар сиз ақдан озганингизни пичирлаб гийбат қиласликлари учун охир-кетини ўлаш, орзуларни рад этиш, баланд дорга осилишдан қўрқиш – вақтни (умрни) бекор сарфлашдан ўзгаси эмас. Ўзингиз ва орзуларингизга диққатингизни жамланг, чунки бегонанинг умри билан яшагандан кўра яшамаган афзалроқ.

•  
Кўркувга бўйин эгганингизда, гўё сиз келажакни  
башорат қила оладигандек туюлади.  
• • • • • • • • • • • • • • • • • • •

Кўркувга инон-ихтиёrimизни топшириб, кўп вақт йўқотамиз. Аслида, аксар ҳолларда қўркувнинг айтгани бўлавермайди. Буни тушунишнинг фурсати етди. Кўркувларга эмас, истак-ниятларингизга диққат қилинг ва ҳаммаси рисоладагидек бўлишига ишонинг. Ўзингизни ўзгартириб, униб-ўса бошлаганингизда, эски “мен”ингизнинг терисини ташлайсиз. Паст баланд билан алмашади. Характер жиҳатларими, коллеж пайтидан бери ташлашни истамаганимиз – халатми, янги босқич-

га күтарилган ва сиз билан бир частотада бўлмаган (дарвоқе, бу сиз кимдандир яхшироқсиз, дегани эмас) муносабатларми, фарқи йўқ, нима ҳақда гапирмайлик, бунинг аҳамияти йўқ. Эскисини ташлаб, янгисига жой тайёрлайсиз. Сиз ўсмоқчи эканингизни ва бу қўлингиздан келишини кўрсатиб қўясиз, холос.

Бойиб кетишингиз учун нима сабабдан юқори частотали одамлар билан мулоқотда бўлишингиз кераклигини санаб ўтаман.

## **УЛАР ҚУВВАТ ДАРАЖАНГИЗНИ КЎТАРАДИ**

Дилга илҳом согувчи нотиқ нутқ сўзлаганда, нималарни ҳис қилганингизни ўйлаб қўринг. Бизнесга боши билан шўнғиган ва сиз пиво симираётганингизда, гаройиб гояларни тахлаб ташлайдиган дўстингиз билан сайрга чиқинг. Ажойиб инсонлар билан севимли машғулотингизни бажарганингизда, кўтаринки руҳда бўлганингизни эсланг. Ахир, ўшандা сиз машинани жойидан силжитадигандек ҳис қиласиз ўзингизни.

Қолаверса, бошлиғидан, рисоладагидек энага тополмаётганидан, ҳаммани давлат сугуртаси алдаётганидан, пенсия жамғармасидан нолийдиган одамлар билан кечган суҳбатдаги ҳисларингизни кўз олдингизга келтиринг. Қалай? Одамларда ички қувватимизни бутунлай ўзгартириб юборадиган имконият бор. Биз шунга боғлиқмиз. Ҳаётингизни ўзгартириб, бойиб кетишига қарор қилганингизда энг муҳим жиҳатлардан бири – бу ижобий қувват учун курашиш ҳисобланади. Атрофингизга юрагингизга ўт соладиган одамларни йигинг.

## УЛАР ИШОНЧИНГИЗНИ МУСТАХКАМЛАЙ-ДИЛАР

Ўзингиз ҳурмат қиласиган бой ва жасоратли одамлар ёнида эканинингизда, фаровоңлик қўл узатса етгулик масофада турганига ишона бошлайсиз. Вазият қанчалик имконсиз экани муҳим эмас. Суперқатъий одам, шак-шубҳасиз – бу сизга мисли кўрилмаган чўққиларни забт этишингизда ёрдам берадиган табиат инъомидир.

Дўстларим билан тупканинг тагига – Юта штатининг ҳали одам оёги етмаган жануби-шарқий қисмларига борганман. Қаёқча бориб, қандай қайтиб келиш кераклигини қандай эплашаётганларини умуман тушунмасдим. Канъон ичра тентираб, қумли ерга чиқардик, ботқоқликларни кечиб, беш кун юриб-юриб – бум! – яна машина-мизнинг олдидан чиқиб қолардик.

Мен шундай сафарлардан бирида йўлтанламасда элтүвчилик билан шуғулланадиган хонимни бизни бир канъонгача обориб қўйиши учун ёлладик. Унинг гаражида учрашганимизда, аёл ўша канъонда шақилдоқ илонлар тиқилиб ётганини айтди. Дўстларим эса сира ажабланмай юкларни орта бошлишди. Мен эса худди даҳшатли фильм кўраётгандек қалт-қалт титрайман. У “шақилдоқ илонлар” дедими? Тиқилиб ётиби? Биз борадиган канъонда-я! Бу хоним умри давомида анча-мунчасини кўрган, ўзи ҳам ўша канъон деворларига ўхшаб кетарди. Бироқ дўстларим унинг илонлар ҳақидаги гапларини эшитишди-да, канъонда сув топиладими ёки ўзимиз билан олволишимиз керакми, деб сўрашди.

Мен умуман уларга ишонмасдим. Шунинг учун, умрларининг сўнгги дақиқаларида томирларида илон заҳри

оқишидан қўрқмаётган эканлар, мен ҳам қўрқмадим.  
Тўла ишонч билан уларга эргашдим. Олтингчи кунни ҳам  
биронта илон-пилонни учратмай ўтказдик.

•  
*Ишонч юқумли.*  
• • • • • • • • • • • • • • • • • •

Ўзига, сизга, қолаверса, меҳрибон Коинотга тоймас  
ишончи бўлган одамларни атрофингизда йигинг. Бу сиз-  
га улкан сакрашларни амалга оширишингизда қўл келади.

## **УЛАР СИЗНИНГ ЎЙИННИНГИЗДА ДОВНИ КЎТАРИШАДИ**

Агар доимий равиша кўп пул топиб, буни иштиёқ  
 билан бажрадиган одамларни кўриб турсангиз, бу сиз-  
ни рағбатлантиради. Агар дивандан ҳам туролмайдиган  
одамни кўрсангиз-у, сиз эса, ниҳоят, кийимларингизни  
кимёвий тозалашга берган бўлсангиз, ўзингизни қаҳра-  
мондек ҳис қиласиз.

Софлом беллашув – гаройиб ўйин. Атрофингизга  
олий лигада ўйнайдиганларни тўпланг ва сиз ҳам уларга  
кўшиласиз.

## **УЛАР СИЗГА КУЧЛИ ГОЯЛARНИ БЕРИШАДИ**

Лашкар кўприқдан ўтмоқчи бўлгани ҳақида бир  
ажойиб ҳикояча бор. Капитан аскарларга баравар қа-  
дам ташламасликни буюради, йўқса тебранишдан кўп-  
рик бузилиши мумкин. Ҳаракатда бўлган инсонлар ҳар

қандай кучни енга оладиган қувватни яратади. Агар зўр инсонлар билан бирлашиб, улар билан ресурсларингиз, алоқаларингиз, гояларингизни ўртоқлашсангиз, манзилга тезроқ этиб борасиз. Атрофингизга сахий, янгича фикрлайдиганларни йифинг.

## **УЛАР МАДАД БЎЛАДИЛАР**

Дўст кулфатда билинади, дейишади. Кўп пул топа бошлаганингизда, негадир ҳеч ким қадрдан дўстларингиз ҳақида эслатмайди. Агар қудукқа тушиб кетган бўлсангиз, одамларда сизга ёрдам қўлини чўзиш, сизни халос этиш, қаҳрамон бўлиш имкони бор. Мени нотўгри тушунманг. Одамлар бир-бирига ёрдам бериши жуда яхши. Чикинди ўраларида тимирскиланиб юрганимда, менга ёрдам берган ҳар бир инсондан миннатдорман. Фақат кетмонингиз учиб тургандагина ёнингизда бўладиганлар ҳақида бир-икки оғиз гапиришни ўринли деб биламан. Айниқса, ўшаларнинг иши юришмаётган бўлса. Сизнинг муваффақиятингиз уларни ўз ҳаётларига четдан қараб, нималарни ўзгартиришлари мумкинигини ўйлаб кўришларига сабаб бўлади. Лекин кўпинча одамлар ўзганинг муваффақиятидан талвасага тушадилар. Дўстларингиз кўп бўлиши мумкин эмас. Сизга кўмак берадиган ва муваффақиятингизни нишонлайдиганлар билан дўстлашинг.

## Муваффақият тарихи: унинг қўлидан келди, демак, сиз ҳам эплай оласиз

*Жилл – 42 ёшида. У ишини ойига 2500 доллар то-  
нишдан бошлади, кейинчалик 45 000 топа бошлади.*

Гарчи тўғридан-тўғри савдо бўйича компани-  
яда энг яхши рекрутер бўлсам-да, маошим ойига  
икки ва уч минг доллар орасида ўйнарди.

Шундан сўнг ижтимоий тармоқларда тарғиб  
қилиш бўйича тўғридан-тўғри савдо билан шуғул-  
ланувчилар учун машғулотлар (коучинг) бошлаш-  
га аҳд қилдим. Эндиликда ойига қирқ-эллик минг  
топаман. Режамда ушбу суммани келгуси йили  
икки баробарга кўтариш ниятим бор.

Тўғридан-тўғри савдо маркетингида ақлли ха-  
сисга айланиш оппа-осон: “Мен, яххиси, билим,  
контакт ва маълумот тўплайман, ҳеч ким билан  
ўртоқлашмайман, йўқса, рақобатчиларимга ёрдам  
берган бўламан”. Мен фаровонлик қобилиятлари-  
дан дарс бераман. Бу сабоқ бизнес ҳаммага етади,  
Коинот эса ўзингизни яхши тутганингиз учун  
сизни мукофотлайди, деган юз фоизли ишончга  
асосланган. Мижозларим ёрқин ва фаровонликка  
йўғрилган кайфиятда бизнес очишгани борасида  
ўнлаб мисоллар келтиришим мумкин. Бу аснода,  
улар минглаб одамлар интернетлар нима сотишган  
бўлса, шуни сотиб, муваффақиятга эришишган.

Пул борасида жиiddий қўрқувим йўқ. Натижага  
эришиш учун гояларим бор эди, лекин менга  
қандай қурол ва система кераклигини билмасдим.

Бизнес-коучга пул тикиб, мұмайгина даромад топа бошлашимдан аввалроқ ёрдамчилар ёлладим. Ҳам-маси үз үрнига тушишини истардим. Тез парвоз қилишни хоҳлардим. Шундай бўлди ҳам. Энди йил охирида нархни кўтаришим керак, чунки үз бозоримнинг қуий бўғинини таъминлаш бўйича таклиф яратдим. Мени қўллаб-қувватлайдиган, мен билан бирга масъулиятни үз бўйнига оладиган ва мен билан муваффақиятимни нишонлайдиган со-диқ дўстларим бор. Яна-тағин медитация қиласман, кўп китоб ўқийман, авваллари нуқул йиги-сиги қи-лардим. Энди эса: “Мижозларимга шундай үrnак бўламанми?” деб ўйлашга ҳаракат қиласман. Мен **ДАДИЛЛИК** фалсафасини ўргатаман.

Тўғридан-тўғри савдода сиз билан бир хил хиз-мат ёки маҳсулот таклиф қиласдан бошқа одам-лар билан мусобақалашасиз. Шундай экан, сизни улардан нима ажратиб туради? **ДАДИЛ** бўлинг ва бошқаларга ўхшаманг. Ўзингиздан фахрланиб, қатъий бўлинг. Йигирма сония ботирлик қи-сангиз кифоя, сиз билан мўъжизалар содир бўла бошлайди. Сармоя киритинг. Бизнес-мураббий топинг. Қадам-бақадам унинг маслаҳатларига қу-лоқ солинг, атроф-муҳитингизни ўзгартиринг, кў-зингизга чўп тиқишини йигиштиринг. Биз турмуш ўртоғим билан пул баҳти қилмайди, пул имконият беради, деган фикрда яшаймиз. Шунинг учун ҳам, қарзларимиздан қутулдик, саёҳатларга чиқяпмиз, кексалик гаштини суриш учун сармоя йигяпмиз.

Айнан пул бизни ўзгартириди, деб ҳисобламай-ман.

## БОЙ-БАДАВЛАТ ИНСОНГА АЙЛАНИНГ

Тегишли пул мантраси (бу мантрани такрорлаб юринг, ҳис этинг, у билан нафас олинг):

Мен пулни яхши кўраман, чунки у мени ўзлигимга яқинлаштиради.

1. Келажак тахтасини ясанг. Янги, муваффақиятли ҳаётингизда учратмоқчи бўлган жойлар, буюмлар, тажрибалар, одамлар суратларини қирқиб ёпиширинг. Уни кўзга кўринарли ерга осиб қўйинг.

2. Бойлик сари йўлда воз кечиш керак бўлган нарсалар рўйхатини тузинг. Одамлар, буюмлар ҳақида ўйлаб кўринг. Агар улар сизга қувонч ва илҳом бағишиламаса, ё улардан воз кечинг, ё ўзингизни четга олинг (уларни ушлаб қолиш учун тиришманг). Одамлар борасида бу қийин масала. Уларни энергетик босқичда қўйиб юборинг ва нима бўлишига қаранг. Бу сизнинг ўзгаришингиз босқичида ҳар ким хоҳлаётган ерида қолишига имкон беради, шунингдек, юқори частотали одамлар ва нарсалар учун жой бўшатади.

3. Атроф-муҳитингизни янгиланг. Нарса-буюмлар туфайли ўзингизни қандай ҳис этаётганингизга эътибор беринг. Қуйидагилардан биронтасини танлаб, уни қувончлироқ бошқа нарса билан алмаштириб кўринг:

- Уй
- Машина
- Кийим-кечак
- Ташқи кўриниш
- Бадантарбия
- Озиқ-овқат
- Мусиқа
- Янгиликлар

4. Юқори частотали янги дўйстлар орттиринг. Улар қандай эканликларини, сизни нималарни ҳис этишин-гизга сабаб бўлишаётганларини англаб етинг. Буларни ёзиб қўйинг. Кейин ушбу бобдаги таклифларни қўллаб, атрофингизни юқори частотали, бойликка диққат-эъти-борини қаратган одамлар билан тўлдиринг. Ишонинг ва миннатдор бўлинг: бу одамлар бор. Уларни топиш учун ҳаммасини бажаринг ва билиб қўйингки, улар ҳам сизни изламоқда.

5. Мия ҳужуми бўйича бир-икки одам билан гурӯҳ ту-зинг. Улардан биринчига қўнгироқ қилинг, ўйлаб олиши учун вақт беринг (ўн беш дақиқадан ярим соатгача) ва унинг бойликка элтувчи мақсадларига диққатингизни қаратинг. Сўнгра иккинчисига сим қоқинг. Шу тарзда бир ҳафта шугулланинг. Буни юқори частотали, чўртке-сарлар билан бажаринг!

Илтимос, чизиқлар ўрнини тўлдиринг:

Мен туллардан миннатдорман, чунки \_\_\_\_\_

## ҮНИНЧИ БОБ

### СҮЗ МЕНИНГ ҲИСОБЧИМГА

**Ж**уда омадим келган-да – шу десангиз, тинчгина сайр қилиш мумкин бўлган осо-йишта шаҳар биқинида катта бўлганман.

Тенгдошларим билан мириқиб ўйнардик. Дарё бўйида қўргончалар қурадик, дараҳтларга инчалар илардик, Рэндалл хонимнинг участкасидаги тепаликда сирпанчиқ учардик, тиллақўнгиз тутиб, банкага соловолардик, қувлашмачоқ ўйнардик, синглим билан унинг ўртоқларини омборхонага қамаб, буйруқ берардик:

- 1) Ҳар биримизга желе билан ерёнгоқ мойи қўшилган иккитадан сэндвич келтиринг, желе мойдан кўра икки баробар кўп бўлсин;
- 2) Иштонингизни ечиб, бошингизга салла қилиб ўраб олинг;
- 3) Пиццерияга қўнгироқ қилиб, Маллок хонимга (йўлнинг нариги четида яшовчи кекса хоним) сосискали иккита пицца буюртиринг. Ўн дақиқа вақтингиз бор.

Үтиб кетган ҳар бир дақиқа бадалига күппак емишини ейишингизга тұғри келади. ОЛГА! ВАҚТ КЕТДИ!

Бизнинг уйимиз күпинчә бир неча сабабга күра мана шундай үйинлар учун жой-майдон вазифасини үтарди. Уйимизда тенис столи бор эди. Онам ширин-ширин кекслар сотиб оларди. Яна-тагин уйимизда куйиш ҳақидағи маълумотларга тұла энциклопедия ҳам бұларди. Бу энциклопедия отамнинг кабинетидеги каттакон китоблар тахлами орасыда ётарди. Ушбу энциклопедияда инсон дард-аламининг энг даҳшатли манзараларини күриш мүмкін эди. Биз касалхоналардаги беморларнинг катта-катта, ялтироқ суратларини томоша қилардик. Баъзиларининг ярим бети йўқ, кимнингдир қўлларини йиринг босиб кетган, бошқасининг оёқлари куйиб битган бўларди.

Китоб олдида уймаланишиб, танга отардик. Ютган одам энциклопедия очиб, ё саҳифаларни варақлар, ё ҳаммани даҳшатли расмларни күришга мажбурлар эди. Ярим дақиқадан ортиқ чидағ туролмасдик. Шаппа китобни ёпиб, жабрдийда каби уй ичра дод-вой солардик.

Мен ўта мағрур бўлганим туфайли куюкларни томоша қилишни ёқтирмаслигимни тан олмасдим. Бу бечора одамларга қараш, қанчалик азоб тортганларини тасаввур қилиш оғир эди мен учун. Алоқ-чалоқ тушлар кўриб чиқардим: кўзгуга қарармишман-у, ярим бетим куйиб кетганмиш. Ҳаммасидан ҳам оғриққа дош беролмасмишман. Ҳозиргача, ӯзимникими ё бошқа бирони кими, майда шикастдан ҳам ичим тўкилиб кетади.

Яқиндагина яна бир дард орттириб олдим – оёғимнинг бошмалдоғининг тирноғи кўчиб тушди, ана энди бирам оғрийдик! Тафсилотларга берилиб ўтирмай-

ман, жуда ёқимсиз, устига устак, кўп қон йўқотилди. Хуллас, доктор оёгимнинг бошмалдоғини тозалаб, бир тонна бинт ва тиббий лента билан боғлаб қўйди. Ҳафталаб шу аҳволда юрдим. Агар тўғри фикрлаганимда, уч кундан кейин бойламни ечиб, малҳам суртиб, пластиръ ёпиштирган бўлардим. Лекин кирланиб кетган бинтни ечмаслик ва ярага қарамаслик учунгина оқсоқланишни, пластик қопча билан чўмилишни ва маҳсус пойабзалда юришни маъқул кўрдим.

Аксар бечора одамлар пулга нисбатан айнан шу тарзда муносабатда бўлишади. Улар оқсоқланишни ва боғични ечганда даҳшатли ярани кўришдек қўрқув ҳиссидан айрилмасликни афзал билишади. Лекин энг катта қўрқувга тик қараган маъқул. Азоб ўша заҳотиёқ тинади-кўяди. Ишни пайсалга солиш жон талвасасини кучайтиради, холос.

Биз бой бўлишни исташдан уялишни хоҳламаймиз ва шу тариқа, қашшоқ бўлиб қолаверамиз, пул йўқлигидан ҳам уялаверамиз. Маблағ келишидан талвасага тушишни истамаймиз, лекин чўнтағимизда ҳемиrimиз ҳам йўқлигидан ҳам уяламиз. Пулни тирикчиликнинг марказига олиб чиқишини истамаймиз. Чунки ундан ҳам мұхимроқ нарсалар бор, деб ўйлаймиз. Аммо қашшоқликда нуқул пул ҳақида ўйлаймиз.

\* \* \* \* \*

*Чархи кажрафторнинг жуда аччиқ ҳазили  
шуки, оғриқдан чекланишга уриниб, оғриқни  
кучайтирганимиз қолади, холос.*

\* \* \* \* \*

Ўзимизни олиб қочиб, чиройли селфи учун яхшигина ракурс танлаганча, ҳаётда муҳимини ўйлаш ўрнига, кўп вақт йўқотиб қўямиз. Масалан, ҳаётдан нима исташимизни, бу қанчага тушишини, даромадни қандай кўпайтиришни ўйлаб ўтирмаимиз. Шахсан ўзим ўн йиллар давомида фақирлигимдан, ичим зардобга тўлиб-тошганидан, чора тополмаслигимдан нолиб яшаганман. Бироқ юқорида санаб ўттганларим дикқат-эътиборимда эмасди. Камина Инкор Қилиш Қиролича Олиялари эдим.

Даромад-паромад ҳақида бош қотирмасдим. Ой охирида уйғонаман-у, телефоним ҳамон ишлаётган бўлади, деган фикрга чилпа ёпишиб олгандим. Кўплар каби ўзимни “ёзувчи-фрилансер” деб атардим, чунки бу “менинг касб-корим, ягона маълумотим” эди. Иш-жой излаш ўрнига ортга бир қадам ташлаб, боши берк кўчага кириб қолганимни ҳисоблаб ўтирадим. Суткада йигирма тўрт соат + бир ўзим + соатига қирқ доллар = чарчадим, жигибийронман, чойчақа ташлаб ўтмайман.

Бизга агар тинмай қора меҳнат қилсак, пулнинг ўзи бизни излаб топади, деб ўргатишган. Кимдир шу фикрга учганига ҳозиргача ишонмайман. Агар иш шу билан ҳал бўлганда, бой-бадавлатларнинг кўриниши аянчли ва ҳоргин бўларди. “24/7” режимига эмас, пулга дикқатимизни жалб қилсак, қолаверса, нима хоҳлаётганимизни билсак, янги эркинликлар учун эшик очган бўламиз.

•  
Одамларни ўзгармаслик истаги бир  
жойда ушлаб туради.  
• • • • • • • • • • • • • • • • • • •

Молиявий аҳволингизни ўнгламоқчи экансиз, ўзгаришни исташингиз шарт. Бу оппа-осон. Эҳтимолки, худбинликни бир четга суриб қўйиб, мураббий ёллашингизга, илк қадам бўлиши мумкин бўлган бирон ишга қатнашингизга, пул тикишга, совуқ қўнғироқларни амалга оширишга, ишлатишдан қўрқаётган пулларингизни сарфлашингизга тўғри келар. Таваккал қилишни исташингиз керак. Жойингизни ўзгартиринг, ўзингиз пайдо бўлиб қолишни истаган маскан ҳақида ўйланг. Дуранг учун эмас, ғалаба учун ўйнашингиз шарт.

Бир одамни биламан, мўмайгина маош тўланадиган иши бор. Шу билан бирга, иши дунёдаги энг зерикарли иш (ўзининг сўзларига кўра). Қолаверса, у ташқарида медиамураббийлик қиласди. Буниси унга маъқул келади, бизнеси ҳеч бир қийинчилексиз юриб туради. Лекин асосий иши туфайли вақт етишмаслигидан янги мижозларга рад жавобини беришга тўғри келади.

У кўпроқ пул ишлаб топишни, шу билан бир вақтда, ўзи ёқтирган ишни бажаришни хоҳлади, лекин ўзини тиқилиб қолгандек сезади. Фирмадаги лавозими билан уч фоиздан ортиқ устама пулини кўрмайди, коучинглик учун эса вақт оз қолади. Албатта, у ёрдамга ичидаги улуғвор жангчини чақириб, ишни ташлаб, бизнес билан шугулланиб, мураббийлик ортидан миллионлар орттираса бўлади. Лекин у бу имкониятга кўз қириниям ташламайди, чунки қўрқуви кучли.

У ўйлайдики, фақатгина аҳмоқ одам доимий иш жойини ташлайди. У бунга тайёр эмас, иқтисод ҳар дақиқада касодга учраши ёки медиакоучингдан шунча пул тополмаслиги мумкин. Тўғри, у зудлик билан гуллаб-яшнайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Бироқ фаҳмим-

ча, акс ҳолда, у бутун умрини иш столида ўтказиб юбо-риши ҳам мумкин.

Айтишларича, Колумб Янги Дунёга ilk бор сузиб келганды, гарчи ўша томонга тикилиб туришган бўлса-да, аборигенлар унинг флотини кўрмаган экан. Улар кема нималигини ва одамзод сувда ҳаракатлана олишини тасаввур ҳам қилишмаган. Шунинг учун ҳам улар кемаларни кўришмаган, фақат уммонни кўриб туришган.

Мана шунинг учун-да кўпчилик пулни қандай топишга уриниб, шубҳа-гумонлар босқичида қотиб қолади. Эски нуқтаи назардан қараб, ҳаётларини ўзгартиришга уринишади. Янги имкониятлар бегона, одамлар уларни тушунмайди ҳам, фарқига бормайди ҳам.

•  
Ақл-идрокингизни алмаштиринг, шунда  
ҳаётингиз ҳам ўзгаради.  
• •

Ҳозир даромадингизни максималлаштиришга кўмак берадиган бешта сценарий кўрсатаман. Лекин таъкидлаб ўтаман, ҳар қандай шароитда ҳам дунёқарашингизни кенгайтиришингиз лозим. Уйгонинг, реал борлиқни қандай қабул қилишингизни идрок қилинг. Янгидан-янги танловлар қилинг, ташқаридан ёрдам олинг, ақл бовар қилмайдиган нарсаларга ишонинг. Кўпчилик қўлларидан келмагани учун эмас, кайфиятларини ўзгартиrolмаганликлари учун, муаммолар гирдобида қолаверадилар.

Ҳатто биринчисининг ўзиёқ маъқул келса-да, ҳамма сценарийни ўқиб чиқинг. Улар бир-бирига яқин, лекин ҳаммасидан ҳам ғоя олса бўлади.

## 1. Сиз хусусий бизнесингизни бошламоқдасиз.

Йигирма йилдан бери тадбиркорлик билан шугулланаман ва бошқача ҳаётни тасаввур ҳам қилолмайман, лекин бу ҳаммага ҳам түгри келавермайди. Мана, менинг қабиламнинг баъзи ютуқ ва камчиликлари:

### Ютуқлар:

- Бир хил даромад ёки бизнесда қотиб қолмайсиз. Катта, кичик, ўртача – танлайверинг. Қарор қабул қилиш ўзингиздан.
- Турмуш тарзингизни ўзингиз танлайсиз ва қачон ҳамда ким билан ишлаш ҳам ўзингизга боғлиқ. Сиз саёҳат қилишингиз, ошхонада ўтиришингиз, фақат дўстларингизни ёллашингиз, халатда ишлashingиз мумкин. Нима қилсаигиз ҳам, ишни юритсангиз бўлди.
- Сиз – хўжайинсиз. Ҳукм чиқариш ҳам, галабалар ҳам сизники. Қонун-қоидаларни сиз ўрнатасиз. Ишчиларингизга итсиз ишхонага киритмасликарини билдириб кўринг-чи.

### Камчиликлар:

- Сиз – хўжайинсиз. Барча жавобгарликлар ва таваккалчиликлар сизнинг гарданингизда. Нимадир юз берса, сиз чўкиб кетасиз.
- Сиз қаттиқ интизом ўрнатишингиз керак, чунки корхона структурасини сиз белгилайсиз.
- Кўпинча, айниқса, бошида ёлғиз бўласиз. Компьютер қаршисида. Жуда. Кўп. Вақт. Айнан шунинг учун итлар борасидаги қоида қўл келади.

Агар мустақил равишида бизнес билан  
шугулланмоқчы бўлсангиз:

- Сизни нима ҳайратга солишига эътибор беринг. Нимани осон бажарасиз? Дунёга нимани тақдим этмоқчисиз? Атрофга назар ташлаб, товарлар ва хизматлар бозорида кимдан илҳомланишингизни англаб олинг. Ҳаммасини обдан ўйланг, бизнес юритиш-юритмаслик тўғрисида қарор қабул қилинг.
- Фоя топишнинг яна бир ажойиб йўли – атрофингиздаги одамлар нимадан иолишига эътибор қилишдир. Ноутбуким учун чиройли ва қулай сумка тоюолмаяпман. Бу қанақаси, нега фойдали фаст-фуд тониб бўлмайди-а? Саёҳатга чиқиб, бўлар-бўлмас егуликлар тановул қилмоқчимасман. Э, Худо, кимдир қачондир ўлганнинг кунидан ўқилмайдиган ўз-ўзини юксалтириш ҳақидаги китоб ёзармикин? Шунга ўхшаш ҳолатлар рўйхатини тузинг. Рўйхатни тузиб бўлгач, буларнинг биронтасидан чўнтакбоп лойиҳа яратиш сизга ёқиши-ёқмаслигини кўриб чиқинг.
- Ҳисоблаб кўринг. Гоянгиздан даромад келишига ва ўсиш учун истиқбол бўлишига ишонч ҳосил қилинг. Мен ўзим қўплаб зааррга кирган бизнесларни кўрганман. Ўша бизнесларнинг эгалари жараённинг ўзига шунчалик шўнғиб кетишгандики, рақамлар билан ишлашни унугиб қўйишганди. Униси ҳам, буниси ҳам муҳим, лекин сиз учун хоб-

би қизиқ бўлса, хобби билан шуғулланинг. Агар сизга бизнес ва пул муҳим бўлса, ўзингизга қанча кераклигини ҳамда маблагни қаердан олишингизни ўйлаб кўринг. Қарз олишни инобатга олмасак, кўп ҳам бизнес-режалар мухлиси эмасман. Бизнес-режалар ўта маҳбобатли ва қулоч етмас бўлади, магистрлик даражасини олиш учун университетга қайтишга мажбур қилиши мумкин. Вироқ ўтириб, даромад олишининг барча имкониятларини, барча сарф-харажатларни, барча вариантларни ва мақсадли аудиторияни ёзиб чиқишингиз кепрак, деб ҳисоблайман. Бу бор-йўғи икки саҳифани эгаллади. Қанча содда бўлса, шунчча яхши.

- Имкон қадар вақтдан оқилона фойдаланинг. Сиз биттасиз, суткалар эса абадий эмас. Шундай экан, агар қурилиш моллари дўкони ёки семинарлар курси очаётган бўлсангиз, онлайн бозорга чиқиш ҳақида ўйлаб кўринг. Интернетда чексиз аудиторияга эга бўласиз. Ёрдамчилар ёллай оласизми? Хизматларни бир ўзингиз тақдим этасизми ёки гурӯҳ билан ҳамми? Ахборот маҳсулотини масофадан туриб ҳам сота оласизми? Вақтии тақсимлаш кам ишлаб, кўп топишга ёрдам беради. Барча ақдли болалар мана шундай йўл тутадилар.
- Биттасига дикқатингизни қаратинг. Бир вақтнинг ўзида иккита лойиҳа очишига ёки бир қанча нарсаларга эътибор қаратишга ҳаракат қилманг. Одатда, тадбиркорлар ниҳоятда креатив бўлишади. Китоб ёзишингиз ёки ўттиз бешта маркетинг хати ёзишингиз ажойиб. Вироқ ижодий ёндашув – бизнесни бошлашда катта хавф туғдириши мумкин.

Кафил бўлиб айтаманки, сизда бир гоя тугилиб, унинг устида ишлай бошлишингиз билан, яна бир нечтаси пайдо бўлади. Агар дикъат-эътиборингиз бўлинниб, икки кеманинг қўйругини ушлаган – ботар, деганларидай, чўкиб кетишингиз тайин.

Самолёт биргина парвозга кўтарилиш учун ёқилгининг қирқ фоизини сарфларкан. Сиз эса бизнесингизни ердан кўтариб олишингиз учун бутун қувватингизни сарфлашингизга тўгри кела-ди. Шундан сўнг, албатта, иш қочиб кетмайди, ле-кин тинч-хотиржам бўлиб, бошқа гояларни кўриб чиқа оласиз. Аммо-лекин ҳали парвозда экансиз ва пул топишни бошламаган экансиз, бошқа лойи-ҳаларга қўл уришни ман этаман.

- Зарур ишни бажаринг. Мен билан овоз ёзиш ком-паниясида ишлайдиган бир дугонам бор эди. У фирма очишни жудаям истарди. У креатив дирек-тор лавозимида ишлар, бу эса уни еб қўярди. Шу бонс, бу ишидан кетиб, бизнеси оёқقا тургунча бармен сифатида ишга жойлашди. Лекин фақат собиқ иш жойининг рўпарасидаги қовоқхонадан-гина бўш иш ўрнини топди.

Дугонам чуқур нафас олди-да, тақдирга тан берди. У собиқ ҳамкасларига ягермайстер қуйиб бера-верди, кейин эса миллионлаб пул топди.

Ё гурур, ё орзу.

- Устаси фаранг сотувчига айланинг. Маъзур тутгайсиз, аммо бизнесда бўлсангиз, шундай қилишга мажбурсиз. Чунки сотув бўлмаса, бизнес ҳам ўлади. Курсларда қатнашинг, кучли томонларингизни аниқлаб олинг (бу ўзингиз ўйлагандан кўра қийинроқ кечади), машқ қилинг, ўзингизни янгиланг ва алалоқибат, сотишдан кўнглингиз айнишини таъкидлашни бас қилинг.
- 2. Сизда аллақачон ўз бизнесингиз бор. Уни кенгайтиришга ҳаракат қиласиз.
- Мураббий ёлланг. Шу гапни эшитиш жонингизга тегиб кетдими? Китобда мен бақириб-чақириб айтаётган имкониятларни пайқамай қолишингиз мумкин. Коуч, яъни мураббий эса буни кўра олади. Улар олға силжий олишган. Улар тог чўққисида апельсин чайнаганча, пастда қоқиниб-туртиниб йиқилаётганингизни кўриб ўтиришади. Сиз уч йил ўйлаб ўйингизга етолмаётганингизда, улар недир янгиликни йигирма етти сонияда кўрсатиб беришлари мумкин.
- Бизнесингизнинг қайси бир қисми кўпроқ даромад келтиришини аниқлаштириб олинг. Жонли тадбирларми? Махсулотларми? Қиммат алоҳида-алоҳида консультацияларми? Шу йўналишни кенгайтираверинг.
- Топширмаган ишларингизни топширинг. Кўплаб тадбиркорлар бизнеснинг ўзида қотиб қоладилар. “Росаям бандмиз, янги гояларга вақтимиз йўқ”. Лекин вақт топишимиш шарт! Ривожланиш – бизнеснинг энг муҳим қисмларидан бири. Ҳаммасини

бир ўзим бажараман, деб кеккайишни бас қилинг. Чуқур нафас олиб, ҳамёнингизни кавлашти-ринг-да, ёрдамчи ёлланг.

- Янги ҳамкорлар, қўшма бизнеслар, инвесторлар ва юксалишингиз ҳамда бизнесингиз ривожига кўмаклашадиган бошқа одамларни излаб топинг.
- Пассив даромад манбаларини қандай яратиш мумкинлигини кўриб чиқинг (пул топишни бошладингизми, ҳамма жойдан пул қилинг). Ўтказаётган семинарингизни видеоёзув қилиб DVD шаклида ёки онлайн тарзида сота оласизми? Китоб ёза оласизми? Кўшимча маҳсулот яратса оласизми? Бошқа лойиҳаларга сармоя кирита оласизми? Пассив даромад – бомба. Салқин ичимлик симирганча, пляжда ўтирасиз, ҳисобингизга пуллар ёғилиб келаверади.

### 3. Бир дунё пул топадиган ишингиз бор. Шу билан бирга, ўтаётган кунингиздан норозисиз.

- Ҳафта давомида неча соатлаб бош кўтармай қилаётган ишингизни ёмон кўриш сизга ман этилади. Шу бонс, ишдан бўшанг. Лекин бундан олдин ўша ташлаб кетаётган ишингизга нисбатан миннатдорлик ҳиссини туйинг. Нима бўлганда ҳам, ахир, у сизни қўллаб-қувватлари ва орзунгиздаги ишингизга элтди. Бешинчи рақами сценарийга ўтинг.

### 4. Дурустгина ишингиз бор, аммо мўмай пул олмайсиз.

- Устама ҳақи сўранг. Ўзингиз учун нега мана шу мукофотга лойиқлигингизни билиб олинг. Компаниянгизга қандай ёрдам берганингизнинг рўйхатини тузинг, нега тенгсиз ходим эканингизнинг

сабабларини ёзиб чиқинг. Тадқиқот ўтказинг. Сизнинг иштирокингиз қай тариқа компаниянгиз даромадини оширганини, имижи ва иуфузини, ходимларнинг руҳий ҳолатини кўтарганини билиб олинг. Ҳали иш давомида қўлланилмаган гояларингиз, имкониятларингиз ва маҳоратларингиз борми? Балки бошлиқ билан ўзингиз гаплашиб, лавозимингизни қўтариш режасини тузиб чиқарсиз? Ишингиз қанча туришини ўйлаб кўринг. Ушбу суммани миннатдорлик ва қатъият билан сўранг ҳамда агар рад жавобини эшитсангиз, ишдан кетишга тайёр туринг. Гап шундаки бошлиқлар ойлик маош чегарасини белгилаб олишади. Агар улар тихирлик қиласвериши, дилингиз хуфтон бўлади, эҳтимол, кўпроқ тўлайдиган бошқа компания ёхуд ташкилот излаш фурсати етгандир. Бир жойда қолиб, диққинафас бўлиш – иш эмас.

- Чорасини ўзингиз изланг. Фирмангизда кўпроқ даромад қилиш мумкин бўлган қизиқроқ таклифлар бормикин? Агар бўлса, кимга мурожаат этиш ва нима қилиш кераклигини ўрганиб чиқинг. Шундан сўнг кўтарилишни олдингизга мақсад қилиб қўйинг. Агар одамларга ёрдам беришингиз керак бўлса, улар билан алоқани йўқотманг, уларни ўзингизга боғлаб қўйинг, дам олиш кунлари ҳам ишланг, маймун ўйнатмаётганингизни исботланг. Агар компаниянгиз буларни инобатга олмаса, хайр-хўш қиласверинг. Дадилроқ бўлинг.
- Ўзингиз жалб қилинган бозор соҳаси ҳақида барча маълумотларни билиб олинг. Сиз қилаёттан

иш учун кўпроқ олаётганлар бор-йўқлигини суриштиринг. Агар бўлса, бешинчи рақамли сценарийдаги барча банд шартларини бажариб, кўпроқ тўлайдиган компаниядан иш изланг.

- **Мажбуриятларингизни ўзингиз тузиб чиқинг.** Ниманидир яхшилаш имкони борлигини кўрсангиз, янги иш яратинг. Бирон-бир камчиликни барта-раф этиш компанияга мўмай пул олиб келишин режаси билан бошлиқлар олдига киринг-да, ойлик маошингиз қийматини билдиринг.
- **Фоизга ўтишга уриниб кўринг.** Ойлик маош чегараланган, фоизлар эса чегараланмаган.
- **Даромадингизни узманг.** Четдан ўзингизга ёқадиган ва пул келтирадиган иш ёки машғулот топинг. Жазавага тушиб, меъёридан ортиқ ишлашингиз зарур, демаяпман. Ўзингиз фаолият олиб бораётган фирмани яхши кўрсангиз-у, маошингиз ҳали-вери икки баробарга ошмас экан, озми-кўпми нақд пул келтирадиган бирон йўлинни ўйлаб топинг.

## 5. Ишламайсиз, аммо иш қидирмоқдасиз.

- **Орзунгиз учун аҳамиятга эга бўлган барча жиҳатларни ёзиб чиқинг.** Қанча пул ишлаб топмоқчисиз? Атрофингизда қандай одамлар бўлиши лозим? Қанақа билимларингизни ишга соласиз? Қаерда ишламоқчисиз? Бўлажак ишхона остонасидан ҳатлаб ўтаётиб, нималарни ҳис этасиз? Пайшанба кунлари текин тушлик бериларканми? Ишингизни кўз олдингизга келтиринг, уни ҳис қилинг. Ушбу картина устида медитация қилинг, миннатдор бўлинг. Иш сиз томон елаётганига ишонинг.

Тилингизга эҳтиёт бўлинг. “Иш топиш қийин”, “қўрқяпман”, “иқтисодий аҳволим – итнинг ке-йинги оёғи”, “жудаям қарилик қиласман”, “қачон эришаман экан, ҳозир ҳўнграб юбораман”, “нега мени ҳеч ким тушунмайди” қабилидаги аҳмоқона гапларни хаёлингизга ҳам келтирманг. Фикрларингиз, сўзларингиз ва ишончинингизни орзунингиздаги иш билан бир частотада бирлаштиринг ва ўша ишни топмагунингизча тўхтаманг.

- Ёдингизда туting, agar ниманидир изласангиз, у ҳам сизни излай бошлиди.
- Орзунингиздаги ишга эга бўлиш учун қўлингиздан келган барчасини амалга оширинг. Бу ҳақда ҳаммага билдиринг (айниқса, ҳатто ўзингиз гаплашишга ҳам қўрқаётган одамларга), иш излаш сайтиларида резюме қолдиринг, маслаҳат сўранг, ёрдамчи ёлланг. Кейин ундан каттарогига ўтинг. Орзунингиздаги иш аллақачон шу ерда. Мавжуд бўлмаган ишни орзу қилмайсиз-ку, ахир.

Ишончинингизни мустаҳкамланг, частотангизни кўтаринг, миннатдорликни кўпайтиринг, кенг фикрланг. Орзунингизга эришмагунингизча, тўхтаманг.

- Илк қадамни қўйинг. Агар орзунингиздаги иш қўл етмас бўлса, унга яқинроғини танланг. Буниси орзунингиздагидек бўлмаслиги мумкин, лекин керакли мудитта тушишга ёрдам берса, мардонавор қадам ташланг. Савдо агенти бўлмоқчисиз, демак, савдо агенти асистентига айланинг. Копирайтерликни орзу қилаётан бўлсангиз, реклама агентлигига котиб бўлиб ишга жойлашинг. Сиз учун

ресторан бизнеси қызық бўлса, шаҳарнинг пўрим қисмидаги ресторанга ишга ўтинг. Эҳтимолки, керакли одамларни учратарсиз ёки фойдали ма-лака орттиарсиз. Ҳаммасини ўрганинг, ҳамма билан танишинг, мақсадингиздан кўз уzmanг ва тиришқоқ бўлинг.

Қайси йўлни танлашингиздан қатъи назар, бой бўлишда асқотадиган муҳим, асосий жиҳатларни санаб ўтаман:

- Пулларга одамларга бўлгандек муносабат қилинг. Пул билан сизнинг ўртангизда муносабат бор, бу муносабатни ушлаб туриш учун эса вақт, саъй-ҳа-ракат ва меҳрингизни жо қилишингиз зарур. Пуллар сизда қолиши учун сабаб топиб беринг. Уларга беътибор бўлманг.
- Қанча пулингиз борлигини, қанча тонишингизни (даромад, сармоя, роялти, болалар ақчадонида-ги майда-чуйдалар), бир ойда сизга қанча пул ке-раклигини ва нималарга сарфлашингизни ҳисоб-лаб олинг. Бу банд бор-йўғи ўн беш дақиқагина вақтингизни олади.
- Пулга ҳурмат билан қаранг. Унга эътиборлироқ бўлинг, ҳаётингизга олиб кираётган барча нарса учун унга миннатдорлик билдириинг. Уни мақтаб қўйинг. Уни қувонч билан қўлингизга олинг ва са-хийлик билан узатинг. Агар ердан пул топинг ол-сангиз, унга бошпана беринг.
- Ақлингиз етмаган соҳаларда кўмак берадиган ўз ишининг усталарини ёлланг. Ҳисобчи, маъмур-ларни ишга олинг. Камбағалроқ танишларингиз-дан маслаҳат сўраманг! Худо хайрингизни берсин, профессионалларга мурожаат этинг.

- Яхши хўжайинга айланинг – пуллар учун жой ажратинг, ўзларини эркин ҳис этишсин. Табиат бўшлиқни ёқтирумайди, тўлдиришга ҳаракат қиласди, шунинг учун пуллар сиз томон оқиб келиши учун бўшлиқ тайёрланг. Пенсия ва инвестиция учун ҳисоб очинг – маблағ оқими ўзани сиз томонга бурилсин. Агар авваллари озроқ топган бўлсангиз, қўрқиб кетишингиз мумкин, вахима эса пулларни итариб юборади. Шунинг учун жой тайёрлаб, ўзингизга ишонинг. Бу телефонда ўн беш дақиқа вақтни олиши мумкин (пул шаклида эса ҳеч қанча – молиявий маслаҳатчилар фоизга ишлайдилар).
- Омадсизликни юрагингизга олманг. Худбинликни, қизиқувчаликни ёқиб қўйинг. Муваффақиятсизликка тўгри томондан ёндашинг. Қизиқ, нега шундай бўлди? Келаси сафар нима қилиш керак? Саросима тузогига тушиб қолманг, пашшадан фил ясаманг – бу ҳеч нарсани ҳал қилолмайди. Бой бўлишни истасангиз, йўлини топасиз.

\* \* \* \* \*  
*Нотўгри муносабат туфайли вақтинчалик  
хатолар маглубиятга айланади.*  
\* \* \* \* \*

- Эснаманг. Ҳозирнинг ўзидаёқ енг шимаринг. Зарурият ҳиссига бошингиз билан шўнгишинингиз керак, йўқса, турли хил чалғитувчи омиллар, дангасалик, чегараловчи ишончлар ва ишни ортга суравериш тўрига тушиб қоласиз. Сидқидидан

ишланг, диққатингизни бир жойга жамланг ва миннатдор бўлинг, ҳар куни ўзингиздан ўзиб кетишига тиришинг. Икки қулогингизга ҳам қуйиб олинг, олдингиздаги мақсадингизга қанча эрта эришсангиз, бойлик денгизида шунча кўп чўмиласиз.

- **ЗУДЛИК БОРАСИДА МУҲИМ ҚАЙД:** Зудлик – шошма-шошарликнинг тескарисидир. Шошма-шошарлик ваҳима кўтариш, вақт етишмаслиги дегани. У саросимага, хатоларга олиб келади, ким биландир мусобақалашшишга ундаиди. Шошаётганингизда стрессга тушасиз, турли миш-мишлар тарқатиб, рақибларингиз стулига сақич ёпиштириб қўйишга ҳам тайёр бўласиз. Бошқача айтганда, шошма-шошарлик частотани пасайтиради. Зудлик билан иш кўриш эса қувват багишлади. Орзуимдаги ҳаёт борлигига ишонман, шу боис, бир қадам олға ташлаб, унга эга бўламан. Сабабларии унутманг, ўзингизни қўлга олинг, ҳаяжонли тадбирларда қатнашинг, гаройиб инсонлар билан кўнгилхушлик қилинг, бу ёгини ўзингиз биласиз.
- **Мехнатингизга яраша мукофот олинг.** Пуллар сувнинг кўтарилиб-қайтиши каби келиб-кетувчи энергиядир. Пул эвазига маҳсулот ёки хизматни сотганингизда, мижозингиз ночорлашиб қолмайди. Унда сиз таклиф қилаётган нарса ёрдамида бойиш имкони пайдо бўлади. Сиз эса энг аълосини таклиф қиляпсиз, шу тарзда частота ошиб бориб, пулларни ўзига жалб қиласди. Нима таклиф

ҚИЛИШИНГИЗНИНГ аҳамияти йўқ – мусиқа, куалги, кийим-кечак, тиббий маҳорат, озиқ-овқат, менежмент, ифорли шамлар – барчаси ҳисобга ўтади. Хизматингиз қанча турса, шунча пул олинг. Паст кетманг. Оқимга қўшилинг.

- Барчага ҳурмат-иззатда бўлинг. Арзимасдек ту-юлган имконият, эси паст ва қалтафаҳм кўринган одам – ҳаммаси улкан истиқбол эшникларини очиши мумкин. Куруқ олифта, заҳар-заққум бўлишдан тийилинг.

### **Муваффақият тарихи: унинг қўлидан келди, демак, сиз ҳам эслай оласиз**

Линда – 50 ёйда. Ҳозирда унинг ишлар айланма даромади 1,5 миллион доллар бўлган маркетинг агентлиги бор. Линда эса бор-йўги косметология мактабида таҳсил олган, холос.

Бир замонлар косметолог бўлиб ишлардим, энди эса маркетинг ва юриспруденция бўйича мутахассисман. Қўлимда агентлигим бор. Ҳар йили хизматларимиз учун 1,5 миллион доллар оламиз. Ҳатто коллежга кирмай, косметология мактабига борганимда ҳам, муваффақият қозонишими би-лардим.

Менинг шиорим: “Ҳар ким ўз чегарасини ўзи белгилайди”. Йигирма ёшдан ўтганимда, дўстим вафот этди. Ҳеч бир рўшнолик кўрмай ўтиб кетаверди. Шунинг учун ҳам умримни бекорчи нарсаларга сарфламай, ҳаётга шўнғишига қарор қилдим.

Доим бошқалардан күпроқ ишлардим, ишни туга-тиш учун барчасини бажаардим. Баъзан сурунка-сига 16 соатлаб тер тўкардим. Кўпроқ билиш учун, раҳбариятнинг орқасидан соядек эргашиб юра-дим. Дам олиш кунлари ҳам ишлайверардим. Му-зокараларда қатнашиб, ўз даражамдан кўра кўпроқ билимга эга бўлардим. Учрашувлар ташкил қилиб, битимлар тузатганимни кўз олдимга келтирадим. Хомхаёлларга бормасдим-у, лекин маҳоратли ва омадли эканимни тасаввур қилардим.

Дарвоqe, сартарош сифатида ҳам яхшигина то-пардим. Лекин билардимки, бу айни мен истаган нарса эмас. Пул жамғарив боравердим. Бир куни ўша пулларга уйдан 1500 чақирим олисларга йўл олдим ва Universal Studios кинокомпаниясига ху-сусий гид бўлиб ўрнашдим. Куним машҳурлар билан, киносаноатдаги каттакон амалдорлар билан, турли директорлар билан ўтарди. Қизиги шунда-ки, чўнтағим ҳали қаппаймаганди. Соч турмаклаш кўпроқ пул келтиради-я.

Ўзимга ёқадиган маркетинг бўлимини топиш учун зийрак нигоҳимни ишга солдим. Ана холос! Бир айланиб, базм-кечалар ташкилотчиси бўлиб қолдим, маошим ҳам кўтарилди.

Муваффақият қозонишумга ҳар доим ишонган-ман.

Маглубият ҳақида умуман ўйламаганман.

Шунчаки ўзингизга ишонинг ва қийинчилик-ларни енгиб ўтиш учун кўп ишлашга тайёр бўлинг. Агар муваффақиятга ишонмасангиз, унга етишол-майсиз. Мен ҳатто эҳтимоллар назариясини ҳам

билимасдим. Ҳозир эса Ҳарвард юристлари менинг фикримни сўрашмоқда. Ўзимча кулиб қўяман: қаерда ўқиганимни билишса эди!

## БОЙ-БАДАВЛАТ ИНСОНГА АЙЛАННИГ

Тегишли пул мантраси (бу мантрани такрорлаб юринг, ҳис этинг, у билан нафас олинг):

Мен пулни яхши кўраман, чунки у менга эркинлик ва имконият беради. Ҳаётни шу тарафдан севаман.

1. Қанча ишлаб топмоқчилигингизни ҳисобланг, мудатни белгиланг. Бу пуллар сизга нима учун кераклигини икир-чикиригача аниқлаштириб олинг. Кундалик заруратларни ҳам унутманг.

Ўртacha миқдорни олинг. Кейин уни қисмларга бўлиб чиқинг. Агар режа беш йиллик бўлса, тўрт йил, икки йил ичида нима қилишингиз, бир йил, ярим йил ичида қанча ишлаб топишингиз кераклигини ўйлаб кўринг – мудат бир ойга етгунча шу тарзда давом этаверинг. Ана ўшанда режага кўра, бирма-бир қадам ташлашни бошланг.

– Биринчи қийинчиликдаёқ йўлдан оғишмаслик учун сабабларингизни маҳкам туting.

– Ҳар доим рақамларга эътибор беринг. Агар бу ҳафтага етказолмаган бўлсангиз, келаси ҳафтага етказиб қўйинг. Рақамларингиз реалликка айлансин, йўқса, бойиб кетолмайсиз.

– Тартибли бўлинг. Ўзингизни қўлга олиб, жадвал тузинг.

– Сизни бойликка элтиши аниқ бўлган янгидан-янги ваҳимали имкониятларни топинг.

2. Ўрганинг. Соҳангизда қандай қилиб кўп пул топиш йўлларини ўрганиб чиқинг. Соҳангиздаги етакчиларни кузатинг, уларнинг изидан боринг.

3. Мураббий ёлланг. Ҳатто Олимпиада чемпионларининг ҳам чўққига эришган пайтларида ёnlарида мураббийлари бўлади. Кўли калталар эса ўzlари бойиб кетишларини айтиб юришни ёқтиришади (маъзур тутгайсиз, ўрни келиб қолди-да). Бўлажак мураббийингизда ўзингиз кўришни истаган жиҳатларни ёзиб боринг. Масалан: у одамларга пул топища ёрдам беради, ўзи ҳам кўнгилсизликлар гирдобида бўлган ва ундан ғолиб бўлиб чиқиб кетган, шу яқин атрофда яшайди ва юзма-юз учрашувлар ўтказади, бироз қўрқитади ҳам, алоҳида маслаҳатлар беради. Кимни излаётганингизни ва сиз учун нима мұҳимлигини англаб олинг. Ҳар қандай одамга очиқкўнгил бўлинг. Мураббий излаётганингизни ҳаммага айтиб чиқинг, интернетдан излаб кўринг. Кимдир эътиборингизни тортган бўлса, унинг машгулотларига обуна бўлинг, семинарларда қатнашинг, блогларини ўқиб боринг. Ҳаммасини бажаринг ва ишонинг: шогирд тайёр бўлганда, Коинот ҳам устозни жўнатади.

4. Янги жамғарма, сармоялар учун ҳисоб рақамини очинг, уйингизни ҳозирлаб, пулларни кутинг.

Илтимос, чизиқлар ўрнини тўлдиринг:

Мен пуллардан миннадорман, чунки \_\_\_\_\_

## ҮН БИРИНЧИ БОБ ИЧКИ БОЙЛИГИНГИЗ

Үтган асрнинг саксонинчى йилларида Принсни Rolling Stones концертини қиздириш учун таклиф этишади. Rolling Stones ўша пайтда машҳурлык чўққисида эди, Принсни эса қарийб ҳеч ким танимасди. Унинг саҳнага чиқиши ўшанда катта руҳий ларза билан тугайди. Ўйлашимча, у қаттиқ ҳаяжонланган, эгнида шалвираган тренч пальто билан саҳнага чиққанда, томошабинлар ундан норози бўлиб ҳуштакбозликка олишади. Кучли ва баланд ҳуштаклар билан. Томошабинлар норозилик ҳуштакларини чалишади, ҳақорат қилишади, то саҳнадан тушмагунча турли қақир-куқурларни отишади.

Кейинги концертда ҳам Принс ўша ҳолатда пайдо бўлади, томошабинлар-да уни тагин ўшандай муносабат билан қаршилайди. Бу сафар у қатъий қарорга келади. Унинг ўрнида бошқаси қилиши керак бўлган ишни қilmайди – оёғига иштон кийиб ўтирумайди. Хонанда: “Бил-

ганини қылсын бу тентаклар! Менинг кимлигим ва нима қилаётганим уларнинг етти ухлаб тушларига кирмайди”, деб ўйлади.

“Гремми”, “Оскар” ва “Олтин глобус”нинг бўлғуси соҳиби оломон амри билан иш тутмади. У ўзининг қадрига етмаган оломон муҳаббатини қозонишга ва битта-яримтанинг концертини қиздириш учун (ҳатто “Rolling Stones”нинг ҳам) саҳнага чиқмасликка аҳд қиласди.

Айтмоқчиманки, бу йигитнинг иродаси кучли экан.

Ҳа, Принс ер юзида яшаб ўтганлар ичида энг иқтидорли ва гаройиб кишилардан бири эди. Биласизми, нима? Бизнинг ботинимиизда ҳам униқидан кам бўлмаган иқтидор яширинган. Сиз ҳам ўзингизнинг иқтидорингизни ҳурмат қилиб, тарбиялашингиз керак. Ўзлигин-гизга қанча кўп қайтсангиз, турфа хил восвослар ҳақида шунча кам ўйлайсиз ва пул билан баҳамжиҳат бўласиз.

Бу шунинг учунки, бойлик ва муваффақият кимлигингизга bogлиқ. Мен, ўз навбатида, ҳатти-ҳаракатларингизга таъсир кўрсатадиган фикрларингиз, сўзларингиз, ишонч-эътиқодингиз, тасаввурларингиз, дунёни идрок қилишингизни назарда тутяпман. Ўзингизнинг энг яхши версиянгизни яхши кўрганингизда, барча қатъиятсизлигингиз, қўрқувингиз (кимдир юзингизга чирик памилдори отиб қолди, дейлик) – сиз эмаслигингизни англаб қоласиз. Шунчаки ҳозирча шу ерда турибсиз, холос.

Инсон сифатида ҳамиша қийинчиликлар ва қўрқувларга дуч келасиз. Яна-тағин, турган гапки, вақти-вақти билан лабини чапиллатадиган қўшнингиз билан ҳам ўтириб қоласиз. Биз не-не савдоларни бошимиздан ўтказиб, гоҳида ҳатто ўзимизни ўзимиз қирғичдан ўтказиб, ўсиб-унамиз, ўрганамиз. Шу боис, унисидан ҳам, бунисидан ҳам воз кечиб бўлмайди. Сиз фикрларингиз

ва хатти-ҳаракатларингиз учун жавоб бериш ёки жавоб-гарлик маҳоратини чархлашингиз даркор. Эски, паст частотали қилмишларингизга яшин тезлигида жавоб беришни ўрганинг. Юз килограмм вазн ташлаб, кейин яна юз килога семирган одамлар каби бўлманг. Башарти, зоҳирий кўринишдан ўзгариб, ичингизда ўша-ўша бўлиб қолаверсангиз, ҳеч қачон ўсмайсиз.

Бир зумга тўхтаб, яшаётганингизни англаңг. Бунгагча сиз йўқ эдингиз. Вақти келиб оёқни узатасиз. Лекин ҳозир “Ердаги ҳаёт” номли гўзал мультфильмда суратга тушяпсиз. Жисмингизда Ягона Онг деб номланган куч-қувват оқиб ўтмоқда. Қонингиз томирларингиз бўйлаб ёйилмоқда. Миянгиз ўйламоқда, юрагингиз истамоқда, савқитабийингиз эса машина калитини тостер орқасидан излаш кераклигини айтмоқда. Мана шу куч-қудрат – сизнинг ўзингиз. Энг олий частота, Ягона Онг сиз орқали сайёрада ўз ифодасини топишга ҳаракат қилмоқда.

Сиз Коинот учун қадрли ва беназирсиз. Сиз бениҳоя қудратлисиз. Сиз гаройибсиз. Келинг, эсдан чиқармайлик, пул – бу оқим, оқим эса энергия. Шунинг учун ҳам энергиянгиз энг олий частота (мехр-муҳаббат частотаси)га етганда, сиз мисоли эзгулик бўронисиз. Бундай дамларда ўзингизга бойликни ва йўлингизда учраган барча яхшиликларни сингдирасиз, кейин уларни дунёга тақдим этасиз. Агар бойиб кетаётган бўлсангиз, шуни билингки, сиз – бу сизлигингиз учун лотереядан ютуқчиқди.

Мойчечакли чой дамлаб олинг-чи, қани. Ванилли шамни ҳам ёқиб қўйинг. Ана энди, ниҳоят, пул топишни бошлиш учун ўзимизнинг энг яхши версиямиз билан боғланишнинг энг зўр усулларини кўриб чиқамиз.

## МЕДИТАЦИЯ

Онгли равишда сукутда ўтириш ақл-тафаккур ва қалб учун кони фойда. Ақл-идрокингиз “Мия” деб аталмиш қовоқхонада аксар вақтини ўтказади. У ерда шовқин-сурон, қичқиришади, қачон қарама ҳозир нозир маст-алаастлар варанглатиб куйлашади. Медитация қовоқхонани ёпиб, ҳаммани ҳайдаб солади ва ўзингизнинг энг яхши версиянгиз, шунингдек, Ягона Онг билан боғла-нишга имкон беради. Сиз энергиядан иборатсиз, шунинг учун бу сизни озиқлантиради ва тўғри йўлга – ўзингиз томон бошлийди. Медитация руҳий-маънавий жиҳатдан бағоят кучли эканингизни ва сизнинг реаллигингиз бешта сезиш органи қўрсатганидан ҳам олисроқча чўзи-лишини англашингизга кўмаклашади. Бинобарин, ажо-йибу гаройиб эканингизни унутманг. Том маънода буни ҳис этинг. Қанча кўп медитация қилсангиз, жараён шун-ча енгил содир бўлади.

Кунига беш дақиқа ҳам ҳаётингизни ўзгартириши мумкин. Агар бирон марта медитация қилмаган бўлсан-гиз, тинч ўтирган ҳолда, барча фикрларингизни ҳайдаб, диққатингизни нафасингизга қаратишингизнинг ўзи ки-фоя қилади. Бор-йўғи шу. Ёдда туting, медитация ама-лиёти – шунчаки қуруқ гап эмас. Бутун бошли шовқин-ни ўчиришни ўрганиш учун шуғулланишингизга тўғри келади.

•  
*Ботинингизда улугворлик мавжуд.  
 У голиб келсин.*  
 •

## ТАСДИҚЛАШ

Теварак-атрофингиз дунёни идрок қилишингизга таъсир ўтказишини айтиб ўтдим. Ким билан вақтни кўп ўтказсангиз, барчасини ўша одам бошқаради. Аслида, бу... сиз ўзингиз. Демак, айтаётган сўзингиз катта аҳамиятга эга. Фикрларингиз, таъкид-тасдиқларингиз ва сўзларингиз сизнинг реаллигингизни яратган. Шу боис, агар нимадир ёқмаса, ўзингизни ўзгартиришингизга тўғри келади. Кайфиятни қайта дастурлашнинг энг яхши усуларидан бири – тасдиқлашдан фойдаланишдир. Медитация давомида хаёлингизга келаётган сўз ва фикрларга эътибор беринг. Агар улар салбий бўёқдорликка эга бўлса, уларни қайта ёзинг, кейин эса тўхтовсиз такрорланг. Мана, баъзи вариантлар:

Пуллар менга ҳеч бир қийинчиликсиз оқиб келади. Пул ишлаб топишни яхши кўраман, пулни ишлатиш ҳам жон-дилим.

Пулим жудаям кўп.

Пул – эркинлик, пул – ҳокимият, пул – менинг ошиам.

Мен пулни яхши кўраман, у эса мени. Пул аллақачон чангалимда.

Мен – энергияман, пул ҳам. Биз бир хилмиз, биз – содик дўстлармиз.

## ХУШМУОМАЛА БЎЛИНГ

Умуман олганда, бу оддий ва ёқимли туюлади. Аммо кимдир битта чизиқли йўлда олдингизга тушволиб тошбақа тезлигида эмаклаб юрганида, бу жуда қийин. Гарчи ушбу дамда сўкиниб, сигнал чалишни истасангиз ҳам,

разил бўлиш ҳар доим хунук кўринади. Ҳатто нариги одам ноҳақ бўлса-да. Ғазаб ўзингизни жуда ёмон ҳис қилишингизга мажбурлайди.

Ҳаммани кулдирман деб ўзингиз ҳақингизда бўлар-бўлмас гапларни гапирганингизда ҳам худди шундай бўлади... Бу ўзингизни эшитолмайсиз дегани эмас, мана, сиз, ўтирибсиз-ку. Тасаввур қилинг, сўзларингизни кимдир юзингизга айтиб қолса. “Билмадим, қандай содир бўлади-ю, бироқ овқат сени топиб олаверади! Диванда ўтирасан, кейин эса – шақ этиб қўлингга пишлоқ тушади. Сен аҳмоқсан, бўйнингга ёпиштирилмаганда, бошингни йўқотардинг. Пул топишни билмайсан. Онангницида, ертўлада яшамаётганингнинг ўзи мўъжиза”. Кўп ҳам ёқимли эмас, тўғрими? Ҳўш, нега ўзингиз ҳақингизда шундай гапларни айтсангиз, оддий ҳолдек қабул қилиниши керак экан? Яхши сўз айтолмаяпсизми, сукут сақланг. Биз энергия ичида яшаймиз. Айтган гапимиз ўзимизга қайтиб келади.

## САБРЛИ БЎЛИНГ

Сабр-тоқат – дунёдаги энг қудратли ва эришиш душвор бўлган фазилатлардан бири. Ривожланганимиз сари, қанча кутишга тўғри келса, шунча кўп жаҳдимиз чиқаверади. Ҳатто бу бир неча сонияга кечикиш бўлса-да. Бир кун аввал лазанъя қиздираётган эдим, микротўлқинли пеҷдан олганимда, ҳалиям совуқ экан. Тағин ўттиз сонияга қўйдим, яна совуқ! Пишлоқ эригунича, қарийб бир дақиқа кутишимга тўғри келди. Турган жойимда, янги микротўлқинли печ сотиб олишга қасам ичдим, чунки бу жуда кулгили эди. Овқатни қандай қилиб шунча вақт иситиш мумкин? Кейин, тўғриси, ушбу ва-

зиятда ким чинакамига кулагиلى күринганини тушундим. Қолаверса, жигибийрон бўлдим. Бу энергия даражам пасайишига олиб келди. Агар бунақаси тез-тез такрорланаверса, невропатологга йўл олиш яқин қолган ҳисобланади.

Агар сабр-тоқатли бўлсангиз, ҳадеб оёқтираб ола-вермасангиз, атрофингизда ҳаётдан завқланиш мумкин бўлган макон пайдо бўлади. Терингизни силаб ўтаётган шаббодани сезасиз. Қанча одам сизни яхши кўришини англайсиз. Ушбу дам қайтиб келмаслигини тушуниб етасиз. Агар сизни ярим соат куттириб қўйган уяли алоқа компаниясининг аҳмоқ ходимидан нолийверсангиз, бундан ҳеч қандай нафчиқмайди. Сабр-тоқат – ўзинг билан ўзинг гурунглашишнинг энг яхши усулларидан бири.

Ҳаёт лаҳзалардан иборат. Бу лаҳзаларда юқори ва паст частоталар ўртасидаги танлов мавжуд. Гарчи муздай лазанъя билан олишувим жиiddий туюлмаса-да, бу танловлар томчилаб-томчилаб, ҳозир ўзингиз қараб турган воқеликни яратади. Айнан шундай лаҳзаларда нима қилишингиз жуда муҳим. Сукут сақланг, тўхтанг, нафас олинг. Ўзингиз билан алоқага чиқинг, кейин эса ақл билан иш кўринг. Юқори частотали танловлар қанча кўп бўлса, юқори частотали тажрибалар ҳам шунча кўпаяверади.

## ИШОНЧИНГИЗ КОМИЛ БЎЛСИН

Бир вақтлар бизга, комил ишонч билан фақатгина туғилиш мумкин, дейишганди. Қўлимизда қадаҳ билан базм кечасида турибмиз-у, қаршимизда бир нотанишни кўрамиз. У оғзи ёйилиб табассум қиласи, ҳазил-хузул

қилади, барчага ўзининг ҳисобидан бардан бирон нима олишни таклиф этади, хонимлар билан валақлашади, дөвортга суюнади. Биз эса ундан кўз узмай: “Мен сира мана шу йигитдек бўлолмайман. Ким экан у ўзи?” деб ўйлаймиз. Шу аснода, бемалол ўша йигитдек бўла оламиз. Ҳаммамиз ҳам комил ишонч билан дунёга келамиз, шунчаки баъзилар ўзларини ўзлари кавлаштириб ёки ота-онарининг ёмон муносабати туфайли йўлдан адашадилар. Комил ишонч кайфиятимизнинг бошقا қисмлари каби мушакка ўхшайди. Уни ривожлантириш мумкин. Мана, менинг учта севимли машқларим:

1. Ўзингизни баданингиз ёрдамида алданг. Биз жуда ишонувчанмиз. Стресс оғриқни чақириши мумкин, лекин танангиз рўй бераётганга ишонишингизга кўндиради. Қаддингизни тик тутинг, чуқур нафас олинг, табасум қилинг, дадил қадам ташланг, бошингизни баланд тутинг... Сиз қатъиятли кўринасиз шунда ва онгингиз ҳам ўзингизга ишончингиз комил деб ҳисоблайди. Ишонинг, онгингиз танангизга эргашади.

2. Жияним ўн беш ёшга тўлганда, Венис-бичдаги уйимга меҳмонга келмоқчи бўлди. Бу у бир ўзи Нью-Йоркдан келиши кераклигини англатарди. Жияним иккита улкан аэропорт ичida тентираши кераклиги ҳақидаги фикрдан ваҳимага тушди. Лекин онаси билан мен унга ёлғиз бўлмаслигини айтдик. Уни самолёттагача чиқариб қўйишади, ичкарида авиакомпаниянинг ёқимтойгина ходимаси кутиб олиб, жойига ўтиришга кўмаклашади ва менинг қучогимгача кузатиб қўяди (ахир, жияним ҳали вояга етмаган ҳисобланар эди-да). Жуда оддий.

Жияним сал ўзига келди шундан сўнг. Аммо ўша куни йўлда катта тирбандлик юз берди. Синглим авто-

туаргоҳдан жой тополмай, қызига бақиради: “Югур! Улгурмай қоласан! Чоп!” Жияним лаш-лушларини күтариб, терминал томон оёгини қўлга олади, компания ходимасини топади ва самолётга чиқишга улгуриб қолади.

Жияним кутиш залига, мен томон қандай кириб келганини сира-сира унутмайман. Нақ осмонларда учеб юрибди, бўйи шифт баравар ўсгандек, жомадонни, бир грамм ҳам чиқмайдигандек, силкитиб-силкитиб айлантиради. Жомадон билан бир тушириб, мотоциклингиз ва чарм курткангизни тортиб олайми? Ҳой, шаллақилар, мен ҳозиргина Кеннеди номидаги аэропортни босиб ўтдим. Қочинглар. Йўлимдан.

Агар ниманидир истасангиз, онгингиз ўша нарсага эришишингизни билади. Йўқса, бу ҳақда ўйлаб ҳам ўтирмасдингиз. Комил ишончни кутиб ўтирманг. Шунчаки амалга оширинг. Ўзингиз қўрқсан ишларни қанча кўп амалга оширсангиз, ўзингизга бўлган ишончингиз шунча кўп ортиб боради.

3. Аллақачон зўр эканингизни унутманг. Сиз ердаги жисм қобиғида яшайдиган руҳсиз. Шу шаклда пайдо бўлганингиздаёқ, истакларингиз сизга ато этилган. Сизнинг истакларингиз – Ягона Онгнинг намойишидир. Ҳозирча ишончингиз комил бўлмаган ишларни бажариш учун шу ердасиз. Истак-хоҳишларингиз – бу буйруқдир ва воқеалар ривожининг ёмон талқини йўқ. Аслида, кимлигингизни (эсингизда бўлсин, медитация!), Ягона Қувват эканингизни тушуниб етганингизда ва бу тўғрисида тез-тез ўйлайдиган бўлганингизда, комил ишончнинг ўзи келади.

## БОШҚАЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛИНГ

Қанча күп тортиқ этсангиз, эвазига шунча күп оласиз. Иňом этувчиникидан баландроқ частота йўқ. Меҳр берувчи қаерда бўлса, у ҳам ўша ерда. Ҳадя орқали бошқаларга хизмат қилиш – одам ўзига ўзи катта совға берди демакдир. Севгининг бекарорлиги ҳақида блогга ёзасизми, болаларни ўқишга ўргатасизми ёки черникали пирог пиширасизми, аҳамиятийи йўқ. Кимгадир йўлни кўрсатиб юборганингиз ҳам, ким ҳақдадир яхши ўйларга боришингиз ҳам (душманлар ҳақида яхши фикрлар учун супербаллар), тушиб кетган нарсани олиб беришингиз ҳам, кимгадир картошка фри таклиф қилишингиз ҳам ҳисобга ўтади. Биз тортиқ этаётган юқори частотали энергия ўзимизга қайтиб келади. Ким орқали экани муҳим эмас. Биз баҳам кўриш учун дунёга келганимиз, шу боис, хасислик қувонч келтирмайди. Хасислик хасисликни келтириб чиқаради. Бу тортиб олиш билан эмас, ҳадя билан тўлдириш мумкин бўлган бўшлиқни тўлдиришнинг ногўри усули. Агар баҳтли бўлмоқчи бўлсангиз, ўзгаларга ҳам баҳт улашинг.

## ТАБАССУМ ҚИЛИНГ

Кайфиятингиз расволигида кўпроқ эътиборталаб бўласиз. Сизни эшитишларини, эҳтиёжингизни биринчи галда кўриб чиқишларини хоҳлайсиз. Мени лақиллатишиди! Анави оёгимдан чалди! Менга ҳамдард бўлинг! Изтиробимни танангизга ўйлаб кўринг! Эътибор тортиш истаги ўрнига эркинлик ва баҳтиёрликни танлаб,

ютасиз. Курбон бўлиш тартибини унутинг. Ёдингизда бўлсин, ҳамма ҳам ўзи ва ўзининг ҳиссиётлари билан овора, шунинг учун ҳамма нарсани юрагингизга яқин олаверманг.

## БАЙРАМ ҚИЛИНГ

Янги мижозингиз пайдо бўлса, ўзингизда журъат то-пиб, кимнидир учрашувга таклиф қилган бўлсангиз, иш, уй, охирги печеньени қўлга киритган бўлсангиз – нишонланг! Шунчалик бандмизки, ўзимизнинг бетакрор эканимизни байрам қилишни ҳам унутиб қўямиз. Бу билан ўзингизга бўлган ишончингиз фақат ортади. Чалғинг, ҳис қилинг, миннатдор бўлинг, хоҳданг – умбалоқ ошинг, фақат дунёга тақдим этганингизни нишонланг. Бу янада кўпроқ куч беради.

## КЕЧИРИМЛИ БЎЛИНГ

Эҳ, нафрат ва айборлик ҳиссига тўла қутини у ёқдан бу ёқса олиб юриб қанча қувват сарфлаймиз-а! Бу бир пайтнинг ўзида вақтни исроф қилишнинг энг ёмон усули ва башариятнинг севимли машгулотларидан бири. Ўтмишни ўзгартириб бўлмайди, шу боис, кимдандир хафа бўлиш ёки ўзингиздан ўпкалаш – чиқиндини ташлаб юбормаслик билан баробар. Ахлатни кўтариб юраверасиз, баттар сассиги чиқаверади, атрофингизда эса хира пашшалар гингиллайди. Ахлатни ташлаб юбормагунингизча, истакларингиз, чунончи, баҳт, хотиржамлик ва пул сиздан қочади.

Хато қилиш инсонга хос. Сиз инсонсиз. Хатога йўл  
қўйишишингиз аниқ. Бошқалар ҳам хато қиласади.  
Шундай экан, яшашида давом этинг.

Биз ранж-аламга ёпишиб оламиз, бизни хафа қилган  
ярамас кечиримга муносаб эмас, деб ўйлаймиз. Нати-  
жада ўзимизни ўзимиз жазолаганимиз қолади, холос.  
Кечириш – бу ўзимида тинчликни топа олганимиздир,  
шунчаки кимдандир жаҳлимиз чиқишининг босилиши  
эмас. Ёмон фикрларни миямизга ўрнашиб олишига нега  
йўл қўйишимиз керак экан? Ўзингизни севинг ва бу қий-  
ноқни тўхтатинг.

Раҳмдиллик – кечиримнинг қалити. Биз ўзимизни  
қабиқона тутамиз, чунки қўрқамиз ва азобланамиз. Бу  
дунёни остин-устун қилмоқчи бўлганимиздан эмас, ўзи-  
мизга бўлган ишончсизлик туфайли ўзлигимизни йўқо-  
тамиз. Майдо-майдо қабиҳликларга йўл қўямыз, чунки  
хато қилишдан қўрқамиз.

Ҳар қандай одам бир вақтнинг ўзида ботинида гўзал  
ва даҳшатли. Ҳар бир одам ичида ўзи билан ўзи жанг  
олиб боради. Юқори даражада бўлмаган имкониятлар-  
да ҳаракатланганимизда, биз қўрқувни ҳис қиласади. Би-  
ровни ёмон хулқи учун мұҳоммада қиласанди. Ярамас хулқ  
оғриқдан келиб чиқади. Азоб чекаётган одамга раҳм  
қилиш мумкин-ку, ахир. Агар озод бўлишни истасангиз,  
шартта кечиринг.

Қашшоқликдан кайфият орқали чиқиб кетиш мум-  
кин. Мана шунинг учун ҳам яхши ва тўғри нарсаларга  
диққатимизни қаратишимиш лозим.

Меҳр-муҳаббат деганда  
жузур-ҳаловат келтирадиган нарсалар  
назарда тутилади.

Биламан-биламан, аҳмоқона эшитилди, лекин ўзингиз бир ўйлаб кўринг. Ўзимизни ёмон ҳис қилишимизга сабаб бўладиган ишларга жуда тез-тез қўл урамиз. Бу жуда қалтис, тажрибамиз етишмайди, анави йигит жудаям хушрўй, деб. Ҳали уни, ҳали буни ўзимизга раво кўрмаймиз. Оқибатда, кўп ичиб қўямиз, бадфеъл одам билан ҳаётимизни боғлаймиз, ўзимиз ёқтиргмаган ишда қолаверамиз. Бу борада бутун бошли китоб ёзишим мумкин. Лекин моҳият бошқа ёқда. Сизга нима қувонч келтиришини англаб олинг ва ўша ишни бажаринг. Кўнглимдаги ишни бажаряпманми, деб ҳар доим ўзингиздан сўраб туринг. Эски кўркув ва чегараловчи ишончларингизга кўра эмас, балки вазиятга муносиб тарзда баҳо беринг. Ниҳоят, ўзингизга эътибор беринг (сиз ажойиб, ёқимтой ва гўзалсиз!) ва ўзингизга керакли нарсани ҳадя этинг. Жумладан, дунёдаги барча бойликларни. Алалоқибатда, ўзингизга меҳрингиз товланади.

## БОЙ-БАДАВЛАТ ИНСОНГА АЙЛАННИНГ

Тегишли пул мантраси (бу мантрани такрорлаб юринг, ҳис этинг, у билан нафас олинг):

Мен пулни яхши кўраман, чунки у истаганимдек бўлишимга имкон беради.

1. Кунига беш дақиқадан медитация қилинг. Ортиқ-ча савол бериш шартмас, шунчаки сокин жойда ўтириб, борлық билан боғланинг.

2. Мазкур бобда келтирилган ёки ўзингиз ўйлаб топган таъкид-тасдиқларни қўлланг. Улардан айнан сизга ва пул топиш истагингизга тегишли учтасини танлаб олинг. Уларни ҳар куни эрталаб ва кечқурун қайта-қайта ёзинг, кун бўйи тақрорлаб юринг, ўзингиз билан олиб юринг, ҳис этинг.

3. Бир кунда камида учта яхшилик қилинг. Мабодо недир ёмонлик қилмоқчи бўлсангиз, чуқур нафас олинг, қотиб қолинг ва ниятингиздан қайting.

4. Сабрингизни чиниқтиринг. Қандай дамларда зўриқиб, жаҳланишингизга эътибор қаратинг. Эсингизда бўлсин, сиз Коинотни шошилтиролмайсиз. Фунчани топтаманг. У ўз вақтида гуллайди. Нафас олинг, роҳатланинг, танлаган йўлингизда қолинг, табассум қилинг.

5. Бошингизни баланд кўтариб юринг. Ишончингизни ошириш учун танангизни ишга солинг.

6. Интернетга кириб, Марианна Уильямсоннинг “Энг катта қўрқувимиз” деб номланган матнини топинг. Матнни чоп этиб, музлаткичга илиб қўйинг ва доим ўқиб туринг.

Илтимос, чизиқлар ўрнини тўлдиринг:

Мен пуллардан миннатдорман, чунки \_\_\_\_\_

## ЎН ИККИНЧИ БОБ СОБИТҚАДАМЛИК

**Б**ир пайтлар молия бўйича ишловчи хоним билан қўшни турардим. Хоним инвестиция ва менежмент соҳасида хусусий бизнесини очишга қарор қилади. У катта қадам ташлаб, барча маблағларини ушбу бизнесга тикади. Бу иш билан шугулланувчи аксар одамлардан фарқли ўлароқ, унда нуфузли ҳомий ёки бир дунё пули йўқ эди. У анча-мунча харажат қилишига тўғри келди. Компанияни очганда, болалари ҳали йўргакда эди, бир фарзанди ҳатто касалхонада ётарди. Эсингиздами, Коинотнинг ўзгача юмор ҳисси бор, дегандим? Хуллас, у пулларини йўқлик сари жўнатган кунда уни маслаҳатчи сифатида судга чақиришади.

Бизнесда аёлларни кўп ҳам қабул қиласеризмайди. Қўшним аёл бўлиш қийин, майда балиқ бўлиш эса ундан баттар, деганди. Аввалбошда, инвестор излаб, телефонда бир йигит билан гаплашади. Йигит унинг жамғармасини ҳисоблаб кўриб: “Бор-йўғи шуми?” деб сўрайди. Хоним

гүшакни қўйиб, ўзини таҳқирланган билиб йиглаб юборади. Уни ваҳима босади – оиласини таъминлай оладими, мустақил бўла оладими, ўзи учун ишлай оладими...

Кўпинча уни кўчада ранги докадай оқарган ҳолда, арвоҳдай кезиниб, ўйга ботганча юрганини кўриб қолардим. Ҳар сафар тўхтаб, ҳол-аҳвол сўрардим, у эса: “Амаллаяпмиз!” деб жавоб берарди. Аслида, котлет ва сэндвич билан сийламоқчи бўлардим – ростдан ундан хавотирланарадим-да. Руҳий тушкунликка тушиб қолганини кўриб турардим. Кўчиб кетаётганимда ҳам, у ҳали-ҳамон изгиб юрар, бизнеси юришиб кетадими ёки қақшатқич зарбага учрайдими, билмасди. Кучли бўрон уни негадир учириб кетолмасди, мен сизга айтсам.

Бир йил ўтиб ўша қўшним билан гаплашиб қолдим. У энди шивирлаб эмас, дадил-дадил гапираётганидан, бир йилча жарлик лабида турган бизнеси жўнашиб кетганини эшитиб, бошим кўкка етди. Ҳозирги кунда собиқ зомби-қўшним бизнесини деярли йигирма баробарга оширибди.

Йигирма баробар-а, эшитдингизми? У яхши инсонлар билан ишлайди ва оиласига гамхўрлик қилишга ҳам улгуради. Агар қатъий аҳд қилмаганида, ҳеч вақога эришолмасди.

Собиқ қўшним тўғри йўлдан кетиб, ажал қўланкаси соя солган водийдан сакраб ўта олди. Бинобарин, у қуидаги баъзи усууллардан фойдаланди:

У керакли сабабларни ушлаб тура олди. У кўп пули бўлиши ва эркинликни, оиласига гамхўрлик қилишини, ҳаммасини уddaлашини ўзига ўзи исботлашни истади. Агар бизнеси тамом бўлса, бутун умр йиққан-терганини йўқотишни истамади.

У маънан ўсди. Доимий равища бошқа бизнесменларнинг китобларини ўқиб борди. Деворларига ҳарбий ҳаракатлар ҳудудида ресторан очган аёлмарнинг портретларини осиб чиқди. Шеърлар ёд олди. Медитация қилди, субутсизлик – жараённинг бир қисми эканини унутмади. Ҳаммамиз ҳам номаълумлик сари сакрашимизга тўғри келади. Қўшним пашшадан фил ясад ўтирмади.

У уй вазифасини бажарди. Соҳани, бир кун келиб ўзи бирга ишлаши лозим бўлган одамларни ўрганди. Йирик ўйинчилар билан ҳам кесишишга ёрдам берадиган ижодий ёндашувни ўрганиб олди. Иккинчи жиddий инвесторни топганда эса бизнеси яшиндай кўтарилиб кетди.

У ўзига мураббий топди. Ўшанда 2008 йили эди. Ён-атрофидаги барча йирик фирмалар инқирозга учраган, пичоқ бориб суюкка текканди. Қўшним, бас, етар, дейди-да, мураббий ёллайди. У ҳам, ўз навбатида, яхшигина маслаҳат беради: пляжга бориб, сёрфинг билан шугулланиш, муаммони қадам-бақадам ҳал этиш. Ахир, бизнес очиш ҳақидаги гоясини ташлаб қўйса, бундан ҳеч кимга наф бўлмайди-да. Бир сонияга енгил тин олади-да, кейин ҳаммасига чек қўяди. Ёдингида бўлсин: агар инвесторлар сиздан қутулоқчи бўлишса, қутулишади ҳам. Ўзингизни ўзингиз истеъфога чиқарманг. Чекинманг.

Кўплаб бой одамлар ўзларининг муваффақиятлари событқадамлик туфайли эканини таъкидлашади. Сув ва олов кечмай туриб, ҳеч ким чўққига чиқолмайди. Жон куйдирмасанг, жонона қайда! Маглублар ва голиблар ўртасидаги тафовут шундаки, голиблар ҳеч нарсани писанд қилмай, олга интилишда давом этадилар.

Шундай дамлар ҳам бўладики, иблислар жаҳаннамдан чиқа бошлийдилар. Асосий мижозингизни йўқотасиз,

йиққан-терганингизни бой берасиз, қаҳвахонангиз рўпарасида Starbucks очилади. Ушбу вазиятда олдингизда икки йўл бор – сиз: “Жин чалсин ҳаммасини! Мен кетдим!” деб қўл силтаб келишингиз ёки: “Қийинчилик деганлари шуми ҳали?” дейишингиз мумкин. Азоб-уқубатингиз чидаб бўлмас даражага етганда, кайфиятингиз уни паналаши лозим. Акс ҳолда, ортга чекиниб, омадсизликда кимнидир ёки ниманидир айблайсиз. Лекин агар руҳан кучли бўлсангиз, уддасидан чиқасиз. Куйида ўйинда қолишингизга ёрдам берадиган бир нечта муҳим жиҳатларни кўриб чиқинг:

## КУЧИНГИЗ БОРИЧА ТИРМАШИНГ

Бир куни дугонам билан Колорадо дарёси бўйлаб сузиб кетдик. Кейин машинага чиқиб олишимиз учун Буюк Кањоннинг нақ тубидан кўтарилишимизга тўғри келди. Ўзимиз ўйлаганимиздан кўра анча кечикиб кетдик. Қош қорайгунча етиб олишимиз учун яна саккиз соат тўхтамай юришимиз керак эди.

Дарё бўйлаб тушаётганимизда, ортга қайтишда осонгина кўтарилсак керак, деб ўйлагандим. Жилгада сув сачратиб, миллионта селфи қилиб, сўнг дам олишни кўзлагандим. Жисмоний чиниқиши жиҳатидан анча заиф эдим. Чўққига етиб борганимизда, тиззаларим қалтқалт титрарди. Мадорим қуриб, чорак чақиримни босиб ўтишга кўзим етмасди. Азойи баданим бўш келмасликни сўраб, ўзим эса ичимда: “Деярли етиб келдинг. Яна озги на ҳаракат қилгин”, деб такрорлаганларим ҳамон эсимда.

Кейин эса дугонам нимадир деди. Нима деганини англолмадим. Кўрсаткич бармоғи билан нуқиб кўрсатаёт-

ган тарафга қарадим. Тепаликка автобус келиб тұхтаганди. Ҳар қирқ беш дақықада келадиган автобус биздан бир неча чақирим нарига келиб тұхтаганди. Дугонам: “Чопдик!” деб қичқирганини әнди тушундим. Агар бундан бир неча сония аввал биттә-яримта құлида сүровнома билан келиб, югура оламанми-йўқми, шуни сұраганда, қатъиян “Йўқ”, деб жавоб қайтарардим. Истамаёттганимдан эмас, шунчаки жисмоний жиҳатдан бунинг имкони йўқлиги учун. Агар ўша нотаниш кимса менга мукофотига чизбургер ва ҳаммолни ваъда қилса (бир ҳафтадан бери чўмилмагандим), жавобимни ўзгартирган бўлармидим. Шу боис, ўзимни қўлга олиб, югурдим. Кейинги автобусни очлик ва ташалиқдан силлам қуриб ва тиззамгача чанг-тупроққа ботиб кутишни истамасдим-да.

Ҳаммамиз ҳам муайян останага дуч келамиз. Нималардир ўта шахсий, ўта қимматли бўлиб қолади. Ҳатто мувваффақиятга жуда яқин қолади (бизни қулайлик ҳудудидан силтаб чиқариб юборади ҳам). Ҳаётимизни ўзгартириш учун ўша останани ҳатлаб ўтишимиз керак. Айнан шунинг учун ҳам у қўрқинчли кўринаверади. Айнан шунинг учун ҳам онг остилиз барча қироллик отлиқ суворийлари ва лашкарларини тўплаб, бизни қочқинликка маҳкум бўлишга ундаиди.

Биз, одатда, бундай остана борлигини ҳам билмаймиз, шу боис, бутун умр йўлдан оғишимиз учун турли-туман важ-корсонлар ўйлаб топамиз. Пул тикишдан қўрқмаяпман, шунчаки бу қимматга тушаркан, холос. Бу китоб устида йиллаб ишладим ва деярли тутатдим, лекин ҳозир тушуниб етдимки, ёзиб тутатишга ҳушим йўқ, бошқача сюжетни истаб қолдим. Мана шу останани ҳатлаб ўтиш барча фаолиятингиз учун муҳим. Шунинг

учун ўз устингизда ишланг. Танангиз ишлашдан тўхтаб қолганда, билингки, нариги тарафдаги сеҳри эшиккача етиб келибсиз. Шунга дикқат-эътиборингизни қаратинг-да, эшикни синдириб ўтинг.

## **МАШХУР БЎЛМАСЛИККА ТАВАККАЛ ҚИЛИБ КЎРИНГ**

Муваффақиятли инсонлар мақсад сари интиладилар. Бу уларнинг ишонч-эътиқоди суст эмас деганидир. Бошқа одамлар эса уларга назар-писанд қилмай қарайдилар. Муваффақиятли одамлар (тасаввур қилайлик, сиз Эдисонсиз): “Кўйсанг-чи, нима, сеҳр-жоду билан шуғулланяпсанми бу ерда? Бу аҳмоқона матоҳ ҳеч қачон ёнмайди! Иш топсанг-чи ўзингга!” қабилидаги хитобларга ўзларида иммунитет ҳосил қилишлари лозим.

Собитқадамлик учун бир мисол кечагидек ёдимда. Салонга икки нафар ўғли билан бир аёл кириб келганда, самолётда ўтириб, парвозни кутардим. Улар худди ёпиқ эшикдан кириб келгандек ёпирилишди. Ҳаллослаб нафас олишар, тирногидан тортиб соchlарининг учига қадар жиққа терга ботган, кўзларида эса ёввойи ифода мужассам эди. Бундай ифода икки ҳолатда пайдо бўлади: ё сиз кимнидир асфаласофилинга жўнатгансиз, ё бир амаллаб рейсга улгургансиз. Аёл буюмларини жойлаштириш учун тепа токчадан жой қидираётганига, болаларини креслога ўтиргизаётганига, кеч қолгани учун барчадан узр сўраётганига тикилиб қолдик. Турган гап, у охирги сонияларда чипта сотиб олган: она-болалар алоҳида-алоҳида, ўрта ўриндиқларга жойлашишди. Бундан она болалари билан гаплашишга қийналарди.

Бироқ түнгіч үғли онани қон қилиб юборди: у үтиришни истамасди. Бола түккіз ёшларда зди. Укаси қаерга үтираёттанини күриб, онасига у ҳам ойна ёнида үтиришни хоҳлаёттанини айтди. Онаизор эса бу сафар шундай бўлиб қолганини, энди үтириб, камарни тақиб олиш кераклигини айтади. Үғли эса:

– Йўқ, ойна олдида үтираман, – деб оёқ тираб туриб олади.

– Үтира қолсанг-чи, – дейди она.

– Йўқ, йўқ, – деб хархаша қилади бола.

Она узрхоҳлик билан атрофдагиларга мұлтиради. Иллюминатор тагида үтирарканман, жойимни бериб, бояқиши аёлнинг қийноқларига чек қўйсаммикан, деб ўйладим. Балки йигитча билан гаплашиб кўриш керакдир? Балки унга устозлик қилсаммикин? Умрим бино бўлиб жуда катта хавф – самолёт тўла жаҳли чиққан катталар қаршисидаги метин жасоратни учратмагандим. Оддимда үтирган йигит жойини бўшатиб бермагунча болакай осойишталик билан ўз позициясида тураверди.

Кичкина болакайни истаги ва мақсадни кўра олгани қолган барча вариантларни четга суриб ташлаганди. У учун омма олдида таҳқирланиш, бегоналарнинг даккиси мавжуд эмасди гўё. У ҳәётдаги энг кенг тарқалган нарса – одамларга ёқиб, жамоага сингиб кетишни осонликча писанд қиласди.

Бойиб кетмоқчи бўлсангиз, сиз ҳам озчилик томонда бўлишингиз керак. Одамлар билан муносабатингизда ҳеч нима юз бермайди, деб ўйламаслигингиз лозим. Дўстларингиздан айрилиб, эҳтимолки, қариндошларингиз билан аразлашиб қолишингиз мумкин. Шу учун ҳам ўсиб-униш истаги биринчи ўринга чиқиши, сиз эса ўз

позициянгизда қолишиңгиз даркор. Ишонинг, сиз орзуларингизни рүёбга чиқаришиңгиз шарт. Ва яна билиб күйингки, эскилари ўрнига янгиларини жалб қиласиз.

## ФИРИБГАРГА ЧАП БЕРИНГ

Ниманидир ўзгартиришга қатъий қарор қилганингизда, тайёр турингки, онг остиңгиз сизга фириб беради. Кичкина шаҳзода томонидан сиз учун маҳсус тайёрланган суви оқиб турган ширадор ҳийла-найрангларни ҳам мени шундай атайман. Кичкина шаҳзоданинг мақсади ўша-ўша: сизни йўлдан оғдириб, қурайлик ҳудудига қайтариш.

Бир мижозим бўларди. У бир куни шартта пиарчиликни ташлаб, ўзининг шахсий фирмасини очишга аҳд қиласди. Мижозим ўзига ўзи хўжайнин бўлишдан, кун тартибини ўзи белгилаб, истаганича пул топишдан боши осмонда эди. У чоққина шаҳарчада яшайди, у ерда мижозларни жалб қилиш, дурустгина иш жойи топиш имконияти жуда суст. Бир ҳафтадан сўнг у бошқа бир компаниядан ишга таклиф этилади. Бу иш ўрни жуда жозибадор туюлади. Мижозим, янги бизнесимда мижоз тополмайман, деб ҳам ҳадиксирарди. Лекин у ўз аҳдида собит туриб, рад жавобини беради ва эртаси куниям уни шахсий пиарчи қилиб ёлламоқчи бўлганларнинг қўнғироқдарига “Йўқ”, дейди.

Сиз истакларингиз ва ҳиссиётларингизга диққатингиз жамлашиңгиз лозим, негаки сизга нафақат атрофин гиздагилар, балки ўзингиз ҳам халал берасиз. Муваффақият – барча фирибгарларга чап берив, улар ортидаги имкониятларни кўра олишдир.

## МУВАФФАҚИЯТЛАИ ОДАМНИНГ ОДАТЛАРИ- НИ ЎЗИНГИЗДА ШАКЛЛАНТИРИНГ

“Одат” сўзини тилга олганимизда, хаёлимизга тирноқ чайнаш, телефонда баланд овозда суҳбатлашиш кабилар келади. Одатлар – хулқ-авторимизнинг катта таркиби-дир. Ўзингиз ўйлаб кўринг: дангасалик, доимий ҳайрат, кеч қолиш, муваффакиятсизлик, ютуқлар, чидам-бардош, миш-меш тарқатиш, пул ишлаб топиш, қашшоқлик, бемаъни ҳаёт кечириш – буларнинг барчасини одат де-йиш мумкин. Нега деганда, одат тусига кўра, ҳар қандай хулқ гайриихтиёрий равишда такрорланаверади. Хулқи-мизни ўзгартирганимизда, эски одатлардан ҳалос бўла-миз, янгиларини шакллантирамиз ва ўз ҳақиқатимизни қайта дастурлаймиз.

Фикрлаш тарзингиз, ишончингиз, сўзлаш услубингиз устида ишлаб, кўп вақт сарфладингиз. Аммо одат – жуда мураккаб жараён. Сизга бир нечта ўйл-йўриқ кўрсата-ман. Аввалига, агар улгурмаган бўлсангиз, шакллантири-шингиз лозим бўлган одатлар рўйхатини кўриб чиқинг.

**Муваффакиятли одамлар:**

- таваккал қилишади;
- қабул қилган қарорларида қатъий туришади;
- чегара қўйишади;
- баҳам кўришади;
- ақл билан иш тутишади;
- руҳий машғулотлар залига қатнашади (ўз-ўзини ри-фожлантириш ҳақидаги китобларни ўқишишади, машқ қи-лишади, медитация билан шугулланишади, онгни бош-қариш бўйича гуруҳ-гуруҳ бўлиб ишлашади);
- ваколатларни тақсимлашади;

- мунтазам ўқиб-ўрганишади;
- диққат-эътиборларини бир жойга жамлашади;
- сабр-тоқатларини чиниқтиришади;
- ажойиб инсонлар билан дўст тутинишади;
- бошқаларни эмас, ғояларни муҳокама қилишади;
- йиқилганда, чекинишни ўйламай, қайта оёққа туришади;
- теварак-атрофда нима бўлаётганидан хабардор бўлишади;
- маблағлари қай аҳволда эканини билишади;
- тартиб-интизомли бўлишади;
- ишни пухта ва ўз вақтида бажаришади.

Булар ҳақида бир неча марта гаплашдик, лекин тушунишингиз керакки, буларнинг барчаси одатлардир. Ҳозирги турмуш тарзингиз ва ўй-хаёлларингиз сизга ҳалал берәётган бўлса, буларни ўзингизда шакллантиринг.

Мана, каминадан бир қанча маслаҳатлар:

1. Музокараларга чек қўйинг. Одатларга нисбатан менинг энг яхши маслаҳатим – музокара жараёнидан ўзини четга олиш бўлса керак. Фараз қиласилик, тушликкача савдо юзасидан бешта қўнғироқни амалга ошироқчилик сиз. Гўшакни оласиз-у, лоп этиб Фейсбуқни яна бир бор текшириб қўйиш фикри хаёлингизга келади. Пост қилиб қўйган суратингизга лайк қўшилгандир балки? Шу ҳол юз берганда, унутманг: сиз мақсаддан чалғитадиган музокарага киришяпсиз. “Бир дақиқага холос!” ёки “Бир қуалгумгина холос!” (башарти, ичишни ташламоқчи бўлсангиз).

Ёки медитация қиляпсиз. “Таймер ишга тушиши биланоқ тугатаман, барибир медитация қилиб бўлдим”. Мана шу майда-майда ҳолатлар – сизни молиявий мұ-

ваффақият йўлидан чалғитадиган қарорларингиздир. Улар қатъиятингизда дарз кетишига сабаб бўлади, кейин эса бойиб кетмаслик истаги кириб келади мана шу туйнуклардан. Хуллас, жасоратли бўлиш учун:

**а.** Янги одат чиқаринг. “Мен – муваффақиятли одамман, ўз ишимни пухта бажараман, ишёқмас эмасман, Фейсбуқда ўтирмайман. Ахир, мен ичмайман-ку, нега бир қултум ютишим керак экан? Балки елим ҳам ҳидлаб кўрарман? Лекин унисини ҳам, бунисини ҳам суистеъмол қилмайман. Тамом-вассалом”.

**б.** Музокаралар қачон бошланишини аниқлаб олинг. Биз, одатда, яхшисидан ўзимизни олиб қочиб, кўп ҳам креатив бўлавермаймиз, унчалик ҳам қаршилик билдирамаймиз. Бир хил сценарийга ёпишиб оламиз. Севимли баҳонангиз майдонга тушганда, доимо шай туринг: “Яна битта сигаретдан ўлиб қолмасман” ёки “Яна ўн дақиқа ёттай”. Ҳатто хаёлингизга ҳам келтирманг! Баҳоналарни одатий ҳолдек қабул қила бошлаганингизда, тамом бўлдим, деяверинг. Шунчаки олға интилинг.

**2.** Янги одатингизни эскиси билан бирлаштиринг. Одатларнинг кўпи қўл ушлашиб юришади. Ичкилик ва сигарет, спорт ва соглом овқатланиш, ёлғон ва хиёнат. Янги одатни эскисига уланг. Масалан, диққатингизни бир жойга тўпламоқчисиз. Бу ҳақда ўйлашингиз билан, ушбу дамда уяли телефонингизни ўчириб, бир четга олиб қўйинг. Жисмоний ҳаракатлар мия учун эслатмадек ишлайди.

Ёки таваккал қилишни ўрганмоқчисиз. Балки номаълумлик сари сакрамоқчи ёхуд недир даҳшатли ишга қўл урмоқчи бўлганингизда, миянгизда бирон қўшиқ янграп. Буни олқишиб ёки мушакбозлик деб қабул қилинг.

Ёинки тонгги қаҳвани ўз-ўзини ривожлантириш ҳақи-  
даги китоб мутолааси билан бөгларсиз. Одатларингиз  
учун шароит яратинг.

3. Иродангизни мустаҳкамланг. Одатлар билан ҳис-  
сий алоқадан ташқари, қуидағиларни ҳам эслатиб ўтиш  
керак:

а. Ноқулайликни олдиндан кўра олинг. Агар хизмат-  
ларингиз нархини икки баробар ошириш сизни чўчит-  
са, тарифларни мижозларга кўрсатгунингизча, ушбу  
ваҳима тубига шўнгинг. Кўрқув тубида ўтириб, унга  
кўнининг. Ёдда тутиинг, ваҳима – жараённинг ажралмас  
қисми ва бундан катта фожиа ясаб ўтиришнинг ҳожати  
йўқ. Ноқулайликни олға интилиш ҳисси билан боғланг.  
Ушбу тенгламадан салбий жиҳатларни олиб ташланг.

6. Ўзингизга мос шерик топинг. Агар ишда бошқа-  
лар ҳам иштирок этаётган бўлса, вақтида етиб келамиз,  
ўз вақтида имтиҳонларга тайёргарлик кўрамиз, яхши  
либослар киямиз. Ўзингиз каби жасоратли бўлишга қа-  
рор қилган инсонни топинг. Ундан ҳамкорлик қилишни  
сўранг. Тўғри йўлда қолиш учун, ҳар ҳафта мақсад-ният-  
ларингизни ўртоқлашинг, бир-бирингизнинг натижажа-  
ларингизни таққосланг. Ёдингиздан чиқмасинки, сахий  
ва одамларга ёрдам қўлини чўзиш учун, қаттиққўл ҳам  
бўлишингиз зарур. Шундай экан, дўстингиз ҳали уни,  
ҳали буни қиласман, деса, ишнинг натижасини талаб қи-  
линг. Ундан сизга нисбатан худди шундай йўл тутишини  
сўранг.

с. Натижаларга ҳайратланиб қаранг. Иш шунчаки ба-  
жарилган эмас, дўндириб қўйилгандек лол қолинг. Ен-  
гиллик, қувончни ҳис этиб, сўнгра яна ишга уннанг.

## ЙЎНАЛИШНИ ТЎГРИ ОЛИНГ

Кўп йиллар олдин Милуокидаги дўстимникига меҳмон бўлиб бордим ва биз Miller Brewing-га экскурсия ўюштиридик. Завод ичра саёҳат қилиб, пластик стаканларда турли пиво навларидан татиб кўрдик. Кейин бир нарсани билиб олдим. Ўтган асрда, компания очилганидан олтмиш йил ўтиб, мамлакатда ичмаслик қонуни жорий этилади. Ўзингиздан қолар гап йўқ, бу қонун ҳар қандай базм-кечалар ва ишлаб чиқаришга чек қўяди. Аммо-лекин Miller бундан эсон-омон чиқиб олади. Компания ходимлари: “Нима қилдик энди, нарироқдаги ресторон янги ишчи олмасмикин”, деб иккиланиб ўтиришмайди.

Улар бир эшик ёпилса, иккинчиси, албатта, очилишини билишарди. Шунда улар бошқача йўл тутишади. Улар солодли сут, солодли шарбат, газланган сув ва алкогольсиз пиво ишлаб чиқаришни йўлга қўйишади. Компания номини Miller Products Co деб ўзгартиришади. Ана шу мушкул даврда вазиятдан чиқиб кетишга ҳаракат қилишади. Янги маҳсулотлар ва оқилона сармоя қўйиш шарофати билан бизнесга хўжайнлик қилувчи оила ичмаслик қонуни замонидан эсон-омон ўтиб, голиблик байробгини кўтаришади.

Улар алкоголь сотишарди. Вақти келиб алкоголь ман этилди. Энди уларнинг қархисида уч йўл қолганди: қонунни бузиш, мағлубиятни тан олиш ёки йўналишни ўзгартириш. Бир нарсани ёдингиздан чиқармаслигингиз керак: кучли истаклар амалга ошади. Ана шундай истаклар ҳақида қўпроқ ўйланг ва таслим бўлиш фурсати етди дейдиган белги-аломатларни четта суриб ташланг. Ана шунда муваффақиятга эришасиз. Ёдингизда бўлсин-

ки, бу қай йўсинда юз беришини билиш сизнинг ишингиз эмас. Бу Ягона Онгнинг иши.

Ён бериш – сабитқадамликнинг муҳим қисми. Муваффақиятни чўчитиб юборадиган даражада подадан олдин чанг кўтармаслигингиз лозим. Муайян ишни бажариб, янгиликлар учун дарвозангизни очиб қўйишингиз керак бўлади. Йўналишни тўғри олиш муюлишлар ва иланг-билинг йўлларни ўз ичига олади. Ўжарлик қилиб, оқим бўйлаб сузишдан бош тортсангиз, йўл четида қолиб кетасиз. Таслим бўлманг, зарурат туғилганда, йўналишни ўзгартиринг. Ишонинг, Ягона Онг сизга ёрдам беради.

## БОЙ-БАДАВЛАТ ИНСОНГА АЙЛАННИНГ

Тегишли пул мантраси (бу мантрани такрорлаб юринг, ҳис этинг, у билан нафас олинг):

Мен пулни яхши кўраман ва ўзим муносиб бўлган бойликка эга чиқмагунимча, таслим бўлмайман.

1. Сиз учун ўрнак бўла оладиган муваффақиятли инсоннинг таржимаи ҳолини ўқиб чиқинг.

2. Учта ёмон одатингизни белгиланг ва уларни қай тарзда яххисига алмаштириш мумкинлиги тўғрисида режа тузинг.

3. Ҳар куни руҳий машгулотлар залига қатнанг. Юқори частотангизни, ишончинингизни, ақл-идрок ва сабитқадамлигингизни қандай ушлаб турасиз? Ўз-ўзини ривожлантириш ҳақида қандай китоб сотиб оласиз? Ўзингизни тетиклаштириш учун қандай мусиқа эшитасиз? Қандай таъкид-тасдиқларни ёзиб чиқасиз? Медита-

ция ва бадантарбия қиласизми? Чиниқан ҳолатда қолиш учун ҳар куни бажариладиган бирон руҳий амалиётни ўйлаб топинг. Ҳатто бу кунига ўн беш дақиқагина вақтни олса-да, муваффақиятга эришишда унинг аҳамиятига паст баҳо бермаслик керак. Ақл-идрок – бу мушак. Мушакни машқ қилдираётганингизда, тўхтаб қолмаслик керак, йўқса, яна дастлабки ҳолатига қайтиб қолади.

Илтимос, чизиқлар ўрнини тўлдиринг:

Мен туллардан миннатдорман, чунки \_\_\_\_\_

## ҮН УЧИНЧИ БОБ

### ЎЗГАРИШЛАР АҲИЛЛИКНИ ТАНЛАЙДИ

**М**енинг оилам ўзим түғилиб-ўсган шаҳар яқинида туради. Шу кунларда укам билан ўша ерда шон-шұхрат хиёбони бўйлаб сайр қилдик. Биз болалигимиз ўтган ўрмонни кесиб ўтадиган чанг-тупроқли сўқмоқдан юрдик. Бир вақтлар ўзимиз яшаган уйимиз жойлашган кўчага бурилдик, унинг автотурагроҳида туриб қолдик. Аллақачонлар бизни тарк этган уй ҳайвонларимиз – Шму, Литл Гус, Спукі, Хэппи, Бабблс, Фрин, Бэтхед, Мистер Сквирели Жонсларнинг қабрини топмоқчи бўлгандик, аммо тополмадик.

Эски танишларимиз – Ройзлар уйи ёнидан ўтиб кетдик. Уларнинг ҳовлисида ҳовуз бор. Тан олиб айтишим керакки, ўзи уларда сал фаросат етишмасди, гарчи елкамизда сочиқлар билан тез-тез ҳовлиларига мўраласак-да, бизни бирон марта таклиф қилишмаган.

Шаҳар бўйлаб сайр қилиб бордик. Ўрта мактаб биноси ёнидан ўтдик. Бир замонлар мактабда боксболда

ютиб қўйганим учун Айван Скоттдан қорнимга мушт егандим. Кейин яна ўрмонга кирдик, қалъагача бордик. Бу ерга болалигимиизда кўп келардик. Қалъа шаҳар асосчиларининг уйи эди, эндиликда музейга айлантирилган. Бу ерга экспурсияга келиб, сохта мой сизиб олаётган ва ясама сигир согаётган одамларни томоша қиласадик.

Болалигимда қалъа дунёдаги энг маҳобатли иморатдек туюларди. Мана, яна унинг қаршисидамиз. Лекин у кўзимизга ночор кўринади. Умуман олганда, йўлимиздаги барча нарсалар аллатовур бегоналашган: эски уй, орқа ҳовлидаги майдон, ҳатто эски танишимизнидаги ҳовуз ҳам кичрайиб қолгандек. Бундан ҳайрон бўлдик, бинобарин, бу ҳолни осонгина тушунтириш мумкин: биз улгайдик. Шундай эса-да, қалъага нима бўлди? Унинг маҳобати қаёқقا ғойиб бўлди? Эҳтимол, уни айланиб ўтиш керакдир? Балки бу қалъа эмас, дарбоннинг уйидир? Ёки эски буюмлар дўконимикин? Барибир билардикки, бу ўша қалъа. Жажжи болаликнинг улкан қасри.

Ақдан ўсганингизда ҳам худди шундай бўлади. Каттакон бўлиб туюлган нарсалар энди митти, арзимасдек туюлади. Авваллари сизни даҳшатга солган нарса-ҳолатлар ҳақида ўйлаб кўринг. Ишга кирганингизнинг илк куни, болангизнинг дунёга келиши, ажрашиб тўғрисидаги сўров, устама ҳақини сўрапш. Ота-онангиздан берухсат машинани миниб кетиб, супермаркет пешойнасига бориб урилганингизни айтмайсизми. Ўшанда юрагингиз товонингизга тушганди. Ҳозир ўшаларни ўйлаб, ҳатто кулиб ҳам қўясиз.

Сиз ривожланяпсиз. Тушунинг, ахир, йўлимизда учрайдиган барча даҳшатлар сал вақт ўтиб, кулгили ва арзимас бўлиб туюлади. Пашшадан фил ясаманг, воқеа-ҳо-

дисаларни кўздан кечириб, қўл силтаб қўя қолинг. Бу сизнинг таассуротларингиз, холос, ундан ортиғи эмас. Тасаввур қилинг, сиз ўша даҳшатларга мўл-кўччиликдағи келажагингиздан туриб қарайпсиз. Ана ўшанда аниқ биласизки, булар ёлғон, қудратли ақл-идрингиз бор, бу мушкулотларни, вақт ўтиб, табассум билан эслайсиз.

Эсимда, илгари фусункор кайфият борасидағи бўлмагур гапларга бармоқ орасидан қарадим. Ёрқин кайфият, ишонч-эътиқод, миннатдорлик ҳақидаги хитоблар ошириб юборилгандек туюларди. Молиявий аҳволни тубдан ўзгартириш кўпроқ кубик рубик ёки ақалли университетни тамомлашни эслатиб юборади, деб ўйлардим. Лекин каминани бойлиқдан биргина қарор ажратиб турганини тасаввур қилиш етти ухлаб тушимгаям кирмаганди. Мени ким деб ўйлајпсиз?

\* \* \* \* \*

*Табиат барчасини содда қилиб яратган.  
Биз ўзимиз мураккаблашириши ёқтирамиз.*

\* \* \* \* \*

Албатта, буларнинг барчаси ваҳимали сакраш, лекин асосий трансформация миянгизда юз беради. Ва бу унчалик ҳам қийин эмас, деб айтяпман. Кафолат бераманки, бойликка нисбатан бошқа нарсаларни қўлга киритиш анча қийин кечган. Ишлапингиз кераклигини назарда тутмаяпман. Пулсиз юргандан кўра пулдор-бойвачча бўлиш осонлигини айтяпман, холос.

Мана сизга яна бир бонус. Ақл-идрок билан гапни бир жойга қўйганингизда, сиз энергиянинг қўйилиб келаётганини сезасиз. Энергия биргина ҳаётнинг моли-

явий томонига таъсир қилмайди. Сиз шунчаки мўмайгина банк ҳисоб рақамига тикилиб турмайсиз. Бошқа одамга айланасиз. Тогни уриб талқон қиласидиган азаматга айланасиз. Омадсизлар билан учрашмайсиз, ортиқча вазн ташлайсиз, яхши еб-ичиб, баҳтиёр, ўзига ишонган инсонга айланасиз. Агар ҳаётингизни ўзгартирмоқчи бўлсангиз, нега қараб турибсиз, ўзгартиринг.

•  
*Жасорат ўз даражасини излайди.*  
• •

Мен сўзимни ижобий нуқтада якунлайман. Ҳозирнинг ўзидаёқ, шу ернинг ўзидаёқ бойиб кетишингиз учун сизда барчаси мавжуд. Қолаверса, сизни Коинот ўз қаноти остига олган. У сизнинг иқтидорли, кўркам эканингизни, лекин иккиланиб ўтирганингизни кўриб турибди. У сизга ёрдам қўлини чўзишга тайёр, шунчаки кўзингизга чўп тиқишини бас қилиб, ҳаракатга тушишингизни кутмоқда.

Биз қўл чўзсак, етадиган пул тиқилиб ётган мўл-кўл имкониятлар Коинотида яшаймиз. Бойиб кетишига қарор қабул қилишингиз биланоқ, қаршингизда бир дунё имкониятлар эшиги очилади. Бир тасаввур қилинг, ниҳоят, қашшоқлик мажлуқини кўмиб юбориш қанчалик зўр-а! Пул билан дўст тутиниб, енгилликни ҳис этинг.

Имконсиз ишни сиз аллақачонлар амалга оширган-сиз. Ўзингиз етарли даражада маълумотга эга бўлмаган ишга киргансиз. Орзунингиздаги инсон билан учрашувга чиққансиз. Мамлакатнинг ярмини кезиб чиқиб, уй сотиб

олгансиз. Машинада унугиб қолдирған калитингизни ойнани синдирилмасдан олгансиз.

Сиз бой бўлишга қодирсиз. Фоятда қудратлисиз. Хоҳиш-истакларингизга эргашишингиз лозим. Гуллаб-яшнашга, ноёб ва бетакрор жасорат ўчогига эврилишга мажбурсиз. Сиз бой-бадавлат бўлиш учун дунёга келгансиз.

## МИННАТДОРЛИК ҮРНИДА

Ушбу китоб дадиллик билан ўз ҳаётларини ўзгартира олган жасур инсонлар шарофати или дунёга келди. Ўзингизга ва каминага ишонганингиз учун ташаккур. Узоқ йиллар мени қўллаб-кувватлаб келаётган, янгидан-янги гоялар бераётган агентим Питер Стайнбергга раҳмат. Ажойибу гаройиб гоялари, дўстлиги ва ҳомиладорлик-нинг тўққизинчи ойида ҳам зийрак фикрлай оладиган муҳарририм Лора Тисделга миннатдорлик билдираман. Менга ғамхўрлик кўрсатган Тэми Эбтсга, Жули Кёртисга ва Оливия Кёртис-Эбтсга ўз ташаккуримни билдираман. Viking нашриётининг кучли жамоаси: Лиdia Хёрт, Элисон Клустер, Кристин Матцен, Жессика Милтенбергер, Линдси Преветт, Андреа Шульц, Кейт Старк, Эми Сан, Брайан Тарт, Эмили Вундерлих, Тесс Эспиноза, Жейн Каволина ҳамда Жейсон Рамиресга каттакон раҳмат. “Downtown Subscription” ҳамда барча ҳозир нозир мижозларимга ўз ташаккурларимни билдираман. Жасорат нурини ёяётган беназир китоб дўконларига раҳмат. Камина чинакамига бой-бадавлат эканимни доимий равишда эслатиб турган содиқ дўстларим ва оиласамга бошим ерга теккунча таъзим қиласман.

**ҚАЙДЛАР** учун

*Адабий-бадиий нашр*

**ЖЕН СИНСЕРО**

**НОЛИМАНГ**

**Мұхаррир**

**Техник мұхаррир**

**Бадиий мұхаррир**

**Сағифаловчи**

**Маъмурат ҚУТЛАИЕВА**

**Акмал КАРИМОВ**

**Маъмур РАҲМОНОВ**

**Нигора УМАРҚУЛОВА**

**Нашриёт литсензияси**

**№ 8556-075ф-1821-е948-6061-3293-8809.**

**Босиша 09.06.2021 йилда рухсат этилди.**

**Бичими 84x108 1/32.**

**Босма тобоғи 6,5. Шартли босма тобоғи 10,92.**

**Офсет қозоз. Адади 2000 нусха.**

**«ТАФАККУР ТОМЧИЛАРИ» нашриёти, МЧЖ  
«IDEAL-POLYGRAPH»**

**босмахонасида чоп этилди.**

**Манзил: 100149, Тошкент шаҳар, Сергели тумани,  
Чоштепа кўчаси 27-уй**